



# Хазонрезги СУБҲИДАМ

Xazonrezgi

Subxidam

#СУБҲИДАМ

МУАЛЛИФ: ХАЗОНРЕЗГИ

Янги ўқув йилини қаршилаган 11- "В" синф ўқувчиларини мактаб талай янгиликлари билан қарши олди .

Мактабга учта янги ўқитувчи ишга қабул қилинибди. Рус тили ўқитувчиси Роза опа нафақага чиқибдилар, инглиз тили ўқитувчиси Дилбар Соатовна Фарғонага кетибдилар , сабаби эрлари ҳарбий бўлганликлари учун ишлари ўша вилоятга кўчирилган экан. Аммо 11- "В" учун энг муҳими бу эмас эди . Ҳамма гап уларнинг синфига яна бир қанча, яъни 8 нафар ўқувчиларнинг қабул қилинганлигида эди. Ҳайрон бўлманг ! Бунча ўқувчи бирданига четдан келмаган эди . Хуллас таълимнинг айрим қоидаларига мувофиқ туман халқ таълими бўлими қарорига кўра ўтган ўқув йилида мактабни тугаллаган 10- "Г" синф ўқувчилари қолган "А", "Б" ва албатта "В" синфларга бўлиб юборилган эди .

Мактаб ҳаёти синфларни ўз- ўзидан табақалаштириб қўяди . Барига сабаб ўқувчилар . Уларнинг мактаб фаолиятида тутган ўрнига қараб синфлар "Ижодкорлар" синфи , "Тўпалончилар"синфи , "Спортчилар"синфи каби номинацияларга даъвогарлик қилиб қолишар эди. 11-"В" синфи эса "Иқтидорлилар" синфи эди .

Тўғри, янги ўқув йилида уларнинг сафига қўшилган ўқувчиларнинг кўпчилигининг ўзлаштириши ҳаминқадар эди, аммо бу аллақачон "Иқтидорлилар" номини олиб бўлган синфнинг обрўсига таъсир кўрсата олмади .

"В"- да 34 нафар ўқувчи ичида мактабни олтин медаль билан битиришга даъвогарлар сони 12- нафар эканлигини , уларнинг барчаси турли фан олимпиадалари бўйича вилоят , республика совриндорлари эканлигини айтишнинг ўзиёқ , синфнинг бошқа таърифига изоҳ қолдирмаслиги аниқ эди . Шундай иқтидорли ўқувчилар ичида ... Суюма ажралиб турарди. Бундай бўлишига бир талай сабаблар бор эди ва энг биринчи ўриндагиси унинг Яратган томонида н беҳад гўзал чирой билан сийланганлиги эди .

Баъзи аёл - қизларга пардоз қилиш , бўяниш умуман ярашмайди. Улар бўянсалар хунук бўлиб кетадилар, сабаби улар табиатан чиройли бўладилар. Сал ишлатилган пардоз ҳам бундайларнинг ҳуснига доғ бўлиб ҳизмат қилади .

Суюма шундайлар тоифасидан эди . Оппоқ юзлар, қалдирғоч қанотидек қошлар, серкиприк шаҳло кўзлар , ақиқ лаблар ва шу лабнинг ўнг тарафи устидаги мошдек ҳол . Бир ўрим қилиб орқага ташлаб юриладиган узун очлар ҳеч қачон шаккок қайчининг дийдорини кўрмаганлиги кундек равшан эди.

Суюманинг "ҳаридорлари" олтинчи - еттинчи синфда ўқиб юрган вақтларданоқ юқори синф йигитлари орасида бўй кўрсатиб қолган бўлсалар-да , ҳеч қачон унинг яқинига йўлай олишга юраклари бетламаган эди. Бунга энг асосий сабаб Суюманинг қаттиққўл отаси эди. "Йўлдош тажанг" деса , энг қитмир кишиларнинг ҳам попуклари пасайиб қоларди. Йўлдош ака бир сўзли , тут

ган ерини кесадиган ва шу билан бирга ўта ҳақиқатпарвар киши эди. Унинг кўп келишмовчиликларда иштирокчи ва алал- оқибат мудом ғолиб бўлишини билган одамлар яхшиси у билан баҳс- мунозарага киришмай қўяқолишнинг энг афзал йўл эканликларини аллақачон тан олиб бўлишганди .

Суюма шундай инсоннинг қизи эди . Суюманинг ҳаммага суюмли қилган иккинчи жиҳати унинг жуда ҳам гўзал рақс ижро этиши эди . У ҳар қандай мусиқа ва қўшиққа рақс тушмасди , фақатгина ўзбек миллий мумтоз санъат дурдоналарига ўйнар эди ҳалос . "Сумбула", "Тановор", "Муножот", "Мустаҳзод" ...

Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар шу рақслардан биттаси ижро этилмаган тадбирни тадбир ўрнида кўришмас эди . Улар яна Йўлдош ака шунча қаттиққўллиги билан нима учун Суюмага рақс тушишига руҳсат бериб қўйганлигига ҳайрон бўлардилар, бу саволнинг ечимини топа олмай кўпда ажабланганлари ажабланган эдилар. Бунинг эса қатор сабаблари бор эди . Биринчидан Йўлдош ака кенжа қизини жуда яхши кўрарди. Иккинчидан у Суюмага ишонарди. Учинчидан "Қиз бола бировнинг ҳасми . Отасининг даврида, отасининг бағрида майли бир яйраб олақолсин" дерди, аммо ўзининг бу мулоҳазасини ҳеч кимга билдирмаган эди . Тўртинчидан Йўлдош аканинг ўзи ҳам мумтоз санъат шина вандаси эди ...

Навоий ва Бобур ғазалларини , Нодира ва Увайсий ашъорларини маромига етказиб ўқишда ҳам Суюманинг олдида тушадиган қиз мактабда топилмас эди. Сезиб

@XIKOYALARUZ

ҲАЁТИЙ ҲИКОЯЛАР | УЙДА КОЛИНГ!, [19.07.2020, 21:04]

#СУБҲИДАМ

-2-

турганингиздек , фан олимпиадасида она тили ва адабиёт фани бўйича қатнашиш Суюманинг чекига тушган ва у мудом фан ўқитувчиси Шоҳиста опанинг ишончини оқлаб келган эди.

\* \* \*

11-"В" нинг аввалги таркиби оғир - босиқ ўсмир йигит- қизлардан ташкил топган эди . Барчасининг ўз олдида қўйган юксак орзу- мақсадлари бор эди ва бу мақсадларнинг асоси битта эди. Бу синф ўқувчиларининг барчаси олий ўқув юрти талабаси бўлиш орзусида эдилар...

Улар дарсга жиддий ёндошар, дарсдан сўнг эса қўшимча машғулотлардан бош кўтармас эдилар .

Аммо ... Ҳамма гап ана шу аммода ...

Синфга янги қўшилган ўқувчиларнинг ичида иккита қизнинг яхши ўқишин

и айтмаса, қолганлар ... Битта нарсани тан олиш марднинг иши . Бу саккиз нафар ўқувчи ўзлари билан синфга бир олам нур олиб келишган эди. Ўша нур ... Фозил эди .

Фозил ўрта баҳоларга ўқир эди. Балки ҳаракат қилса , аъло баҳоларга ўқиб олиш мумкин ҳам эди- ю , бу ҳақда сўраганларга " Э ҳамма олим бўлаверса , подани ким боқади , между прочим ўша олимларнинг қорни очиб , иши подачига тушади барибир" қабилидаги гаплари билан савол берувчиларнинг мот қилишнинг уддасидан чиқарди

Фозил жуда ҳам гапга уста йигит эди. Гарчи синфдаги йигитларни бир жойга тўплаб қўйса , эътиборни ташқи кўриниш бўйича унчалик тортмаса- да , аммо даврада ... Фозил ҳар қандай давраларнинг жони эди .

Фозилнинг дастидан сентябрнинг биринчи хафтаси тугамасдан синф ўқувчилари катта танаффусда мактаб ошхонасига тушлик қилгани чиқмай қўйдилар.

Энди барча ўқувчилар уйларида у , бу егуликларни ўраб , папкаларига солиб , синфнинг ўзида енгил тушлик қилиб олишга ўта бошлашди. Бунга яхшигина сабаб бор эди.

Катта танаффусга қўнғироқ чалиниб , ўқитувчи синф хонасини тарк этиши билан Фозил қўлидаги дафтардан юмалоқлаб тайёрлаб олган "микрофон"и билан ўртага чиқарди ва ҳар кунги томошасини бошлар эди . У ҳар куни ўзи билан "Г" синфдан ўтган дўсти Ёрқин ва шу синфнинг Дилноза исмли қизининг тўйини ўтказар , ўзининг айтиши бўйича "хизмат- беминнат" ўртакаш эди.

Ёрқин исми жисмига монанд ёрқингина бола эди. Аммо уни асл исми билан ҳеч ким чақирмас эди . Сочи , қош-у киприклари , ҳаттоки юзидаги майин тукларигача сап- сариқ бу йигитчани ҳамма эркалаб "қуёш", "қуёшжон" деган эди . У эса тақдирга тан берганиданми , ё табиатан ювошлиги сабабми бир оғиз "Ҳей, сенлар нега мени ундай деяпсанлар ? Ахир ўзимнинг отам қўйганим исмим бор ?!" деб бир эмас, балки ярим оғиз ҳам эътироз билдирмас эди .

Дилноза эса ... Эҳ- ҳеёй , Дилноза шунчалик шаддод ва ўжар қиз эди- ки , бундайлар ҳақида фақат "Ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олади" деган ибора жудаям юмшоққина қилиб айтилган дейиш ўринли бўларди халос. У йўқ жойдан ҳам жанжал чиқариш ва ғолиб бўлишнинг обдон ҳадисини олган , асосий рақибликка ўзига ўхшаган йигитларни танлаб яхшигина таъзирини бера оларди. Аммо нечундир у Фозилнинг тўй ҳазилларида ўзига топширилган "келин" ролини бажонидил ижро қилиб берар эди . Унинг кўнгли Ёрқинга тушиб қолгандир деган гумондан ҳоли бўлиш учун , Дилнозанинг унга жусса жиҳатдан салкам бир ярим баравар келишини назарда тутилса яхши бўлар эди . Синфдошларнинг , хатто энг жиддий йигитлар Фазлиддин , Шавкатларнинг ҳам хонадан чиқиб кетмаганлигига кўра , Фозил ўз ишини қойилмақом уддалаётганлиги кўриниб турарди.

Бугун ҳам тўртинчи соат инглиз тили дарси тугаши билан , ўқувчилар тезлик билан кейинги дарс бўладиган биология хонасига етиб олдилар ва даров эшикни ичкаридан беркитиб олдилар .

Ва ... Фозил парталарни бирлаштириб тузалган дастурхоннинг тўридан қў  
лбола "микрофони" билан жой олди :

Тўй деб келганларнинг боши тўйдан чиқмасииин !

-3-

Демак , шу жойига битта - чаааапппаааак !

Хўш, энди келин ва куёвимизни мадҳ этишни бошлаймиз .

( Фозил айланиб бориб сомса еб ўтирган Ёрқиннинг бошига бир тушурди ва ҳаммага эшиттириб шивирлади : " Қачон одам бўласан? То есть қачон нормал ый куёв бўласан?! Санга ўргатвориб ўзимда қолмади , туршакжон , айтганча Қуёшжон ! Бўпти, бугун охириги огоҳлантириш. Билиб қўй Дилноз айниса, буна қа тўйни етти ухлаб бир тушингда кўрмайсан . Кароче эртага атир сепиб ке . Ҳидингдан бошимиз бир айлансин. Барибир янги куёвларни файзи бошқача бўлади- де " ). Фозил Ёрқинни огоҳлантиргач яна даврага юзланди:

Эҳ бу кунларга етгунча Тўравой акамиз ( Ёрқинни дадаси) не- не меҳнатларни қилмаганлар дейсиз. ( Фозил ёлғондакасимига кўзларини енгига артиб, бир бурнини тортиб олди). Мана ... Мана энди роҳатини роҳатда кўрадилар. Тўғрими , келинпошша Дилнозахон. Ҳақиқатда роҳатларини роҳатда кўрадиларми ? Ишқилиб кунларини кундан кўрсатмайсизми ?!

Дилноза оғзи тўла нон билан кулди . Ўнг қўлини кўтариб беш бармоғи  
ни кўрсатади : "Отвечаю !"

Фозил уни бошқа гапиртиргани қўймайди:

- Ана нима дегандим , эй Дилнозга гап йўқ ! Э чарс - чурс- ей !"

Вааай , куёв жўра ва келин янгага сўз бермабман- ууу ! Эй Шокир ни маббало , уйингда овқат кўрмаганмисан , тавба ! Ҳаммани йилини эсдан чиқаришим мумкин , аммо сени йилинг асло эсимдан чиқмайди, чунки сени йилинг овқат ! Ке тарих учун бирнималар девор .

Шокир портфелини елкасига видеоаппаратга ўхшаб ушлаб олган Фозилга

қараб қўлини зўр маъносида букди- ю , илжайди :  
Ёз тарихга , Суюма пиширган пирог четкий чиқибди !

Фозил энди Суюмага бурилди :

- Суюмахониии ,  
Оқ буғдойни нониии ,  
Ҳамма ёмон кўрсаям ,...

Им ... кимни айтсам экан- а ? Майли ... Нима бўлса бўлар ...

Фозил ҳар сафар шундай хазиллашишни қўймас эди :

- Ҳамма ёмон кўрсаям  
Адаси Йўлдош амакимни жониии "

Ҳар куни шу аҳвол . Ҳар куни бир хил сценерий...

Аммо бу синфдошларнинг жонига тегмасди. Чунки тўй ўша , келин - куёв ўша , ўртакаш Фозил ўша ... Фақат унинг беғубор хазиллари ҳар куни янгидан янги эди . Кундалик тўй орасида баъзан "юбилейлар" ҳам ўтказилиб турарди. Баъзан Фозилнинг ҳазилларига дарс пайтларидаям талаб ва таклиф тушиб турарди. Кўпинча мактаб директорининг қарорига кўра ўқитувчилар шошилиш "бешминутлик" йиғилишга чақирилиб қолганда , Фозилнинг куни туғиб қоларди .

Бутун синф Фозилни фақат шундай ҳазилкаш , дилкаш , кўнглида кири йўқ йигит сифатида қабул қилган эди . Аммо унинг бутунлай бошқа қалбли э канлигини кўришлари учун февраль ойидаги бир тадбирга қатнашишларига тўғри келди. Ўшанда тўққизинчи февраль- буюк бобомиз ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг туғилган куни эди .

Таваллуд кунини нишонлаш учун юқори синф ўқувчилари ва бир қатор ўқитувчилар мактабнинг фаоллар залига йиғилдилар. Тадбир бошланганидан ярим соатлар вақт ўтганда саҳнага Суюма чиқди . Суюма бошида дакана дурра , энгонида беқасамдан узун мурсак ,ёқаси ва енглари тўрли уқалар билан безатилган оппоқ кийимда "Муножаат" қўшиғига ўйнай бошлади. Ҳамманинг кўзи Суюмада эди . Суюма ҳар сафардаги каби бугун ҳам бутун йиғилганларни ўзига сеҳрлаб олган эди.

Қўшиқ авжига чиққанида ...

Бирдан залнинг орқа ўриндиғида таъсир - тусир тўпалон бўлиб кетди. Даставвал ҳеч нимани тушунмаган ўқитувчилар тезда орқа қаторга отилдилар. Уришганларни ажратганларида ўртада пастки лаби йиртилиб қон оқаётган , тобора кўзи кўкариб бораётган Фозил ажралиб кўриниб қолди . У ...

-4-

У ҳамон ўзини боса олмас, иккала қўллари мушт бўлиб тугилган, кўзларидан ўт чақнар эди.

Директор ўринбосари Жўра ака жуда қатъиятли ва жаҳлдор инсон эди. Шу туфайли у мактаб коридорида кўриниши билан барча ўқувчилар , айниқса йигитчалар гўёки "честь" бериб қолишарди. У ҳар душанба куни қўлида қа

йчи билан синфхоналарини айланар , сочи салгина ўсган йигитларни сочлари ни аямай бир пиёла кенглигида дуч келган жойидан тақаб қирқиб ташлар эди . Сочлари чеккароқдан кесилганлар "бахтларидан ўргилиб" сартарошхонада амаллаб формага солиб олсалар, қоқ марказдан қирқиб ташланганларникини сартарош ҳам эвини қилолмай, калга олишдан бошқа илож тополмас эди . Бу воқеа Жўра аканинг "ижоди"дан бир шингил эди .

Айнан Жўра ака туфайли икки мингдан ортиқ ўқувчиси бор мактабда интизом темирдек мустаҳкам эди .

Аммо шу топда Фозилдаги туғённи ҳатто Жўра ака ҳам боса олмади.

- Нима бўлди ?

Жўра аканинг овози таҳдидли янгради .

- Имми

Жўра ака шундагина қорнини чангаллаб букчайиб полда ғужанак бўлиб ётган "Б" синфидаги Козимга кўзи тушди

- Нима бўлди ?

Жўра аканинг овози бутун залга ёйилди. Унинг қўлидаги темир чизғични кўрган ўқувчилар кўзлари ола-кула бўлганча ўзларини четга олдилар . Чизғич ўз вазифасига ҳиёнат қилмади. У визиллаб Фозилнинг елкасига тушди. Фозил шу туришдаям қилт этмади. Аммо бу ҳолатга Фазлиддин чидаб тура олмади :

- Устоз , Фозилда айб йўқ ...

Жўра ака Фазлиддинга ўгирилди. Фазлиддин ўктам нигоҳини Жўра акадан олиб қочмади.

- Устоз , жанжалнинг сабабини алоҳида хонада йигитлар орасида ҳал қилсак. Бу ишқалнинг сабабини ҳамманинг орасида ҳал қилиб бўлмайди.

Жўра ака ниманидир тушунгандек бўлди . Индамай ўн беш чоғли йигитни, жумладан Козимни ҳам икки синфдошига суянтириб етаклаб олиб чиқиб кетди.

Байрам "байрам" бўлди . Мактаб тарихида Суюманинг рақси илк бор ярим чала ижро этилди .

Тадбир тугагач, барча кўчага чиққанида , боя Жўра ака етаклаб чиқиб кетган ўқувчиларни файеда тизилиб турганлигига гувоҳ бўлишди. Уларнинг орасида Козим билан Фозил кўринмасди.

Дилноза дарров разведкага шўнғиди . Зум ўтмай барчани "сўнгги хабарлар"дан хабардор қилди:

- Козимни дўхтирга олиб кетишибди, Фозил уйига кетибди , кийимларига қон



сачраб кетганлиги учун .

- Ўзи нима бўлибди ? Жанжал нимадан чиқибди ?!

Дилноза беписанд қўл силтади :

- Ўввв, фаросатларингга қўйдирги чиққанми санларни ? Товба ! Жанжал нимадан чиқиши мумкин , ахир ? Саҳнада Суюма рақс тушса- ю , бу ёқда тўпалонга дўппи кийдирилса ! Канешна , Суюмани деб чиққан-де ишқал . Ха хамменг менга қараб бўзраясан . Худди ўликка ўсма қўйганга ўхшаб, довдирайсан- Дилноза ўзига ҳамон ҳайрат нигоҳи билан боқиб турган синфдошларига қараб биқнади , -

Уффф , нега етиб бормиди- я буларга . Э каллаварамлар ! Козимшер Суюма ҳақида нимадир дегандир- де . Шу Фозилники қўзибди- ми , демак унақа бун ақа гап этмагандир-ов .

Дилноза шу сўзларни айта туриб қаршиси турган Марҳабоба кўзи тушди . Марҳабоба унга "ортингга қара" дегандек им қоқарди. Дилноза шарт ўгирулди- ю, кўзи деворга суяниб турган Суюмани кўрди. Суюманинг ранги девордек оқариб кетган эди . У синфдаги қизларнинг ҳаммаси ўзига қараб турганлигини кўриб , беҳол шивирлади:

- Шарманда бўлдим ... Адамларга нима дейман энди...

Эртаси куни мактаб етакчиси Сурайё учинчи соатдаги тарих дарсидан Фозил ва Суюмани директор ҳузврига чақириб кетди. Синфдошларни бир савол қийнаб қолди:

- Фозил - ку майлия , аммо Суюма нима учун ?

Бу савол Суюманинг ўзини ҳам ташвишга солиб қўйганди. Айниқса гавдали ва салобатли мактаб директори Шариф аканинг қаршисида туриши, яна ма на бундай ўзи емаган сомсаси учун пул тўлаган ҳолда ...

Суюма Сурайё ва Фозилга эргашиб кетар экан , бўлиб ўтган ишларда синфдошидан ўпқаланарди: "Эҳ Фозил , сенга нима эди-я , оғримаган бошингни оғритиб . Яна ўртага мен бесабаб тушганим-чи ? Бутун мактабга "донғим" чиқадиган бўлди. Дадам неччи марта айтар эдилар- а , "онаш , кимнинг қизиличингни унутма " деб "

Фозил эса чурқ этмай борар , Суюма томонга бир назар ташлаб қўйиб ҳам демасди

-5-

Кечаги муштлашиш Фозилнинг юзида ўзининг аянчли имзосини қолдирибди. Лаблари шишиб , кўк- бинафша рангга кирибди.ўнг яноғидан яхшигина мушт еган шекилли, кўзигача ёпиб қўйиб деган моматалоқ манаман деб керилиб турибди. Бўйнидаям худди йўлбарс тимдалагандек учли тирноқ излари бор.

"Роса оғригандир, - Суюма Фозилнинг жароҳатларига кўзини бир қур ташлади-ю , - четга қаради,- бунақа аҳволда кечаси қанақа ухладийкан? "

Улар иккинчи қаватдан биринчи қаватдаги директор хонасига етиб кел ишгунча Суюма Фозилдан хафа бўлишгаям, ачинишгаям улгурди.

Директор хонасининг эшиги очилиб ичкарига таклиф қилинишгач , Сую манинг кўзларидан олов чиқиб кетди.

Хонада директор, Жўра ака , Козимдан ташқари , Козимнинг отаси ва Фозилнинг онаси ҳам бор эдилар.

Фозил ҳам онасини бу учратаман деб ўйламаган шекилли бир пастда тарвузи қўлтиғидан тушган киши ҳолига тушди.

Суюма Козимнинг отасини танир эди, аммо Фозилнинг онасини биринчи бор кўриб туриши эди. Юз- кўзлари нурли , аммо ҳаёт қаддини эгиб қўйган лиги билиниб турган ҳокисоргина аёлнинг Фозилнинг онаси эканлигини ҳам с ал ўтмай суҳбат чоғида билиб олди .

Яна бир бор салом - аликдан сўнг Жўра ака сўзлай бошлади. Афтидан у воқеани айта бошлаган экан шекилли , сўзлари кечаги воқеанинг давоми ҳ ақида эди :

- Хуллас , Козимни шифокорга олиб боргунча нима дейман деб бўларим бўлди и. Агар барчасини рўйи- рост айтадиган бўлсам , Фозилни оёғини ерга теккиз май ички ишлар бўлимига жўнатишарди. Мен шундан қўрқдим . Ёшгина бошига бу бир бало бўлиб , ҳаёти жувонмарг бўлиб кетмасин дедим. Шунинг учун Козим жисмоний тарбия дарсида машқ бажараман деб брусдан йиғилиб тушди и дедим. Мана бор гап шу . Энди нима қарорга келсанглар , мен ўша қарорингизни ҳурмат қиламан. Агар барча гапни рўйи- рост айтиш зарур десангиз , кечаги айбимни бўйнимга олиб ...

Шу пайт Фозилнинг онаси милт- милт йиғлаб юборди :

- Болам , болагинам... Бу нима қилиқ ... Сани шу умидда катта қиялптувмиди к , ўзи ...

Аёлнинг "дод" деб юборишдан ўзини зўрға босиб тургани бўғиқ , инграган овозидан сезилди :

- Ўзи отангни дарди каммиди менга ?! Иммм ....

Шу пайт Козимнинг дадаси ўзини босиб тутолмади :

- Бўлди , йиғламанг янга ! Бу жинқарчаларнинг қилган иши сизнинг бир томчи кўз ёшингизга арзимади. Ман ўз ўғлимни назарда тутиб айтяпман.

Аввалоси, бировнинг гулдек қизи ҳақида ҳақоратомуз гап гапиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ . ( У Фозилга юзланди) . Маладес бола! Эркакнинг ишини қибсан . Бундан кейин Козим яна шунақа гап гапирадиган бўлса , мани м

актабга чақириб ўтирманглар . Шартта мелиса чақириб берворинглар . ( У Суюмага юзланди). Аммо бу қизимни бекор бу ерга чақирибсизлар . Бечорани айби манави "тўнғиз"га маданият улашганидами ? Она қизим , унинг учун ман сандан кечирим сўрайман. Шаънингга бўлар - бўлмас гап айтган манови "эшшак" учун мени кечир. Шундай болани тарбиялаган мен нодонни кечир. Иш , иш деб югураверибман- у , шу болам яхши есин , яхши ичсин, яхши кийсин дебман- у , аммо тарбиясини бўш қўйибман .

Козимни отаси яна Фозилнинг онасига юзланди:

- Аммо янга бир гапни нотўғри гапирдингиз. Бу йигитни отаси Зокир акамни айтаман-да . Шундай инсонларнинг бориға шукр . Шундайлар бор бу дунёнинг адолати бор . Шундайлар бор ҳали бери қиёмат бўлмайди, чунки улар тиргак инсонлар . Агар ногаҳоний осмон бошимизга қулаб кетиши мумкин бўлса , шундай инсонлар унинг тиргаги бўлиб бизни ҳар қайси балолардан сақлаб қол ишади .

Узр , бироз қизишиб кетдим . Окамга саломимни етказиб қўйинг . Фаттоҳхон укангиз салом дедилар денг. Вақт топиб бир бафуржа суҳбатларини олгани бораман.

Козимни отаси Фозилга қаради :

- Яшавор , ота ўғил. Отангни худди ўзи бўлибсан- да ! Аммо манаби Шербачча яна бир нимани бошласа янаги сафар аямай ур , токи одам бўлмагунча .

- Шариф ака, Жўра ака! Мен масалага ўз муносабатимни билдирдим. Бу ёғи сизларга ҳавола . Ана Козим . Нима қарорга келсанглар ман фақат за ! Шунақа ўзига жавоб беролмай қолса хоҳлаган пайтингиз милицияга топшириворинглар . Ёиқ этсам, одаммасман .

У қўлини кўксига қўйиб узр

-6-

сўраган бўлди :

- Менга энди руҳсат . Соат ўн иккида йиғилишим бор эди. Ижозатингиз билан .

Фаттоҳхон ака чиқиб кетар экан Фозилга яна бир бор меҳр билан тикилди :

- Зокир акамга салом айтиш сенга ҳам омонат . Бўш келма .

\*\*\*

Бу сафар ортга Суюма билан Фозил бирга қайтишди. Бирон гап - сўзсиз . Улар синфга кириб боришлари билан дарс тугаганини билдириб қўнғироқ чалинди . Ўқитувчи хонани тарк этсада , синфдошлар ўрниларидан қилт этмай ўтиравердилар . Улар Фозил ва Суюманинг изоҳини кутар эдилар .

Фозил шошилмай орқа партадаги жойига етиб олди. Тезда "микрофон"н

и қўлига олиб эълон қилди :

- Аҳли жамоа ! Маълумингизким , тўртинчи соат жисмоний тарбия дарси . Ҳали бориб кийим алмаштиришга улгуришингиз керак .

Ҳа айтгандек , бугун Тўравой амаким орзуларига етишган кун . Қуёшжонни тўйи !

Эсингиздан чиқмасин !

Фозил портфелини қучоқлаб қўшиқ куйлаганча йўлга тушди :

- Қуёш нуринг сочавер мўл- мўл ,  
Баҳор кетма бизнинг бошлардан...

Бутун синф кўтаринки кайфиятда Фозилга эргашди.

Спорт залида Суюма Дилнозани четга тортди :

- Дилноз , битта нарса сўрамоқчийдим

Дилноза шаддодлик билан эркаланди :

- Веееей , биттамас , мингта нарса сўра

Суюма жилмайди :

- Йўқ , манга ўша битта нарса керак. Айтгинчи , Фозилни отасига нима бўлган ? Қанақа инсон улар ?! Боя ...

Суюма Дилноза қисқача қилиб Козимнинг отасининг сал аввал гап ирган сўзларини етказди.

Дилнозанинг зумда кайфияти ўзгарди . У ҳар кунги Дилнозага ўхшамай қолганди:

- Зокир амаким , жуда зўр уста эдилар . Машина тузатардилар. Ишлари сифатли бўлганлиги учун мижозлари ҳам етарлича эди . Улар энг арзон машинадан тортиб энг қимматиниям тузатиб кетаверар, сира одам ажратмасдилар . Бир яқин дўстлари билан каттагина устахона очгандилар. Фозилнинг икки опаси бор . Фотима- Зуҳра . Кейин Фозил . Фозилдан сўнг яна уч ўғил. Хуллас олти нафар фарзандни Зокир амаким оқ ювиб , оқ тараб , ҳалол меҳнатнинг ортидан катта қилашади.

Бир куни Зокир амаким ярим кечада ишдан қайтаётган бўладилар. Бирдан кўчада бир қизни ўртага олиб хўрлаётган тўртта безорига дуч келиб қолдилар. Амаким шартта машиналарини тўхтатиб , қизга ёрдамга ошиқадилар.

Безорилар қараса уларга кучи етмайдиган . Шунда улардан бири амакимга ортдан пичоқ санчади. Амаким ўша ерда ҳушларини йўқотадилар . Орадан бир мунча муддат ўтгач амакимни ўша ерда яшовчи яхши одамлар ҳушсиз топиб олиб шифохонага олиб боришади. Пичоқ зарби ўнг тарафдаги буйракларини ишдан чиқарган экан. Ўша воқеа туфайли амаким битта буйракларидан ажралиб , ярим жон бўлиб қолганлар . Оғир иш қилолмайдилар . Яна нимаъс

абаблигини билмайман- у , улар фақат қўлтиқтаёқда юра оладилар. Шундаям узоққа эмас.

Кўп ўтмай безорилар ушланган. Аммо... Энг алам қиладигани шундаки, тўрт йигит орасидаги ўша қиз ...ҳам уларнинг шериги экан. Улар шундай сахна кўринишлари уюштириб , талончилик орқасидан бойиш ҳаракатидаги ... хуллас ўшнақалар экан...

Суюмага ҳозирги эшитганлари қаттиқ таъсир этганди. У ҳаммага тинчлик бермайдиган Дилнозанинг нима учун Фозилга келганда индамаслигини , яна келин ролини ҳам бажонидил ўйнаб беришини тушунгандай бўлди .

- Фозил дадаси ишлайдиган ўша устахонада дарсдан кейин ишлайди. Ҳар хил ишларни бажаради . Машина тузатишга анча қўли келиб қолган ... Шунинг учун у яхши ўқий олмайди. Еттинчи синфгача синфда унинг олдида тушадиган аълочи бўлмаган, яъни амакимнинг бошларига бу ташвиш тушмагунига қадар .

Суюма бугун Фозилни қайтадан таниган эди . У жон - жаҳди баскетбол тўпини саватчага туширишга уринаётган Фозилга қараганида нигоҳларида чуқур эҳтиром бор эди.

Жисмоний тарбия дарси тўртинчи соатда бўлганда ўқувчиларга кийимларини алмаштиришга дарсдан беш дақиқа олдин жавоб бериларди.

Шу сабабли "В" чилар кейинги дарс учун вақтида ҳуқуқ хонасига йиғилдилар. Фозил одатига хиёнат қилмади. Тўравой амакининг неча йиллардан бери энди етишган орзусини чиройли қилиб таърифлаб турганда , Суюма унинг сўзларини шарт кесди...

#давоми\_бор

#СУБҲИДАМ

(давоми)

-7-

- Бўлди, етар ! Энди мени навбатим !

Суюма ўрнидан туриб Фозилнинг қўлидаги "микрофон" ни олди, унга эса дастурхон атрофидан жой кўрсатди:

- Марҳамат , ҳазрати олийлари . Сиз ҳам шоҳона дастурхондан тановвул қилсангиз ...

У Фозилни стол ёнига ўтирмагунча қўймади :

- Бўл тез, ўтир . "Бўш қоп тик турмайди" ахир.

Фозил Суюмадаги бу дадилликка қараб анграйиб қолганди.

Суюма энди синфдошларини тезлади:

- Қани Фозилни бир овқатлантирларинг-чи . Эсларингдан чиққан бўлса эслатиб қўйай. Фозил ўзга сайёралик эмас. Уям ҳаммамизга ўхшаган одам. Бу нима

деганим биласанларми? Бу деганим Фозилниям қорни очади деганим.

Суюма ҳали ҳамон ўзига ҳайратда боқиб турган Фозилга қараб кулгиси келиб кетди:

- Бўл тез , ҳадемай танаффус тугайди. Бунақа оғзингни очиб ўтираверсанг оғзингга пашша кириб кетади .

Барча синфдошлар энди Фозилга мулозамат кўрсата бошладилар .

Суюма "микрофонни ушлаб" ўртадаги келин- куёвни "табриклай" бошлад

и :

- Азизлар , мен бугун яқин дугонам Дилнозахоннинг ҳаётидаги энг гўзал онларида унга табрик учун ўзим ёзган шеъримни тақдим қилмоқчиман.

Марҳамат , қабул қилинг .

Қуёш зар толасин қучганда олам,  
Ҳар гулда , гиёҳда роз айтса шабнам,  
Келса интизорим нурли субҳидам,  
Мен бахтли бўламан - мана кўрасиз ...

Отажоним берганда фотиҳасин оқ ,  
Мунисам онамнинг қилиб кўнглин чоғ,  
Ҳуркак бу дилимда қолмасдан бир доғ,  
Мен бахтли бўламан - мана кўрасиз ...

Гўзал эртақларим бўлса ижобат,  
Умидим бахт куйин чалсин изожат,  
Оппоқ орзулар қўлим тутганда албат ,  
Мен бахтли бўламан - мана кўрасиз ...

Суюма "шеър тамом" дегандек синфдошларига қаради.

Синфга жим- житлик чўкканди. Аммо ҳар галдагидек уни Фозилнинг овози бузди :

- Суюма , "субҳидам" дегани нима ? Ажойиб эшитиларкан...

Фозилнинг овози жиддий эди .

- Субҳидам дегани ... Тонг ёришишни бошлаган пайт субҳидам дейилади. Бош қача айтганда - тонготар ...

- Ҳммм ... Мен ҳам бу пайтни жуда яхши кўраман. Мен уйимиздаги болахонага жойлашиб олганман. У ердан қуёшнинг чиқиши роса чиройли кўринади. Қоп-қоронғи зулматни ҳайдаган қуёш нури остида дарахтлар , бинолар , кўчалар ... барчаси гўёки қайтадан дунёга келгандек бўлади ...

Фозил бу таҳлит ўйчан тарзда кўрмаган синфдошлар ғалати аҳволга тушиб қолган эдилар.

Уларнинг хаёлларини синф хонаси эшигининг тақиллагани бузди . Эшик

нинг у тарафидан қиз боланинг "Дилнозаааа!" деб чақиргани эшитилди. Дилноза ҳам дик этиб ўрнидан туриб ташқарига интилди.

Фозил аввалги ҳолига қайтганди :

- Уффф , келин деганам шунақа бўладими ? Озгина шарм- ҳаё , келинлик назокати деган матоҳлар бўлгучи эди . Буни қаранг , лик- лик , лик - лик . Тоже мне...

Йў бу хонадан Дилноз нормальни келин бўлиб чиқади , ё ман тўғри жиннихонага кетаман...

Йўғей , ўзи асрасин ...

Фозил машҳур фильмлардаги сўзлардан ҳам унумли фойдалана оларди .

Дилноза ташқарида кўп қолиб кетмади . У қўлида аллақандай дафтар билан қайтиб келди ва уни папкасига жойлар экан , синфга эълон қилди:

- Бу ёғига дарс бўлмас экан . Равшан ака бошқа мактабга семинарга кетибдилар . Бизга қараб туриш учун бўш ўқитувчи йўқ экан. Так што , всем жавоб ...

- Эссиз , бугун ман роса тайёрланиб келувдим, ўзи шунақа акс бўлади ҳар доим

Барнонинг кайфияти тушди . Унга Наима ва Зулхумор ҳам қўшилишди .

- Биз ҳам ...

- Гапниям оласанлар- де . Нима шу ўқиганларнинг икки кунда эсларингдан чиқиб қоладими ? Қайтага янада яхшироқ тайёрланиб оласанлар.

Фозил уларни овутган бўлди .

- Эссизгина шу ҳақда бояроқ айтишмайдими ? Кийимларимизни алмаштирмасдик , спорт залда қолаверардик . Бешинчи соат "А" ларда дарс эди , бир ташашардик- а ?

Ғайратнинг гапини Фазлиддин қўлламади :

- Ундан кўра уйга сирпандик . Қиламан десанг уйдаям иш кўп . Мен кечки пайт репеторга боришим керак . Қани кетдикми , бўлмаса ?!

Шу пайт яна Фозил ўртага чиқди :

- Ўв , Фозил аканг ўргилсинлар ! Санларнинг ишларинг бугунга ҳали битгани йўқ . Бундоқ ўйлаб кўрларинг- чи , бир нималар эсларингдан чиқмадимикан мабодо ?!

Синфдошлар бари

8-

ҳайрон бўлиб Фозилга тикилишди:

- Нима эсимиздан чиқибди ?

- Ҳақиқатдан ҳеч нарсани эслолмаяпсанларми ?!

- Йўўўқққ, ўзинг эслатвор ...

Фозилни авзои бузилди . Уни жаҳли унча-мунчага чиқмасди . Аммо ҳозир ..

- Қойилман , беш баҳо санларга...

Дилафрўз икки кундан бери дарсга келмайди . Бирортамиз унга нима бўлдийкин деб ўйлаб ҳам кўрмадик .

Фозилнинг сўзини Барно шарт бўлди :

- Қизлар дарсдан кейин бирров кириб ўтмоқчийдик , хабар олишга . Бугун . Дарсдан кейин. Шунақа режамиз бор эди ...

- Йигитларчи ? Нима Дилафрўз йигитларга синфдош эмасми ?! Бўлди , ортиқча гапни йиғиштирайлик , отлан ҳамманг ...

Қуёшжон ! Етар, куёв эканман деб тўрда ялпайиб ўтираверма . Ўзинг қўл- оёғи чаққон боласанку, зипиллаб магазинга бориб тўртта нон билан майда - чуйда қиб келсанг.

Фозил чўнтагини кавлашга тушганида синфдаги йигитлар уни тўхтатди :

- Тўхта , пулни ҳаммамиз ташлаймиз .

Фозил жилмайди :

- Гапни сарасини айтганда қутлуғ уйга қуруқ бориш уят . Аммо лекин борганда дастурхонга қўлларингни чўзиб мани уялтирмаларинг . Қизлага ўхшаб "қорним тўўқ" деб роль ўйнасаларинг яна ҳам яхши.

Гапимни тушундиларингми ?!

- Фозил , чой узатишса ичсак майлими ?,- Шавкат Фозилга тегишди .

- Майли окаси . Лекин унияям ярмини ичма. Бир хўплам ичсанг етади.

- Сан етади десанг демак етади . Аммо бизни Тошкентда ўзи чойни бир хўплам қуйишадику , айниқса меҳмонларга ...

- Шовкат , оғайни , намунча чойсирадинг?! Нима бизлардан беркитиб қази еганмисан ? Бўпти санга шу сафар руҳсат. Қанча чой ичсанг шунча ич. Бўккуни нгча ич. Ёрилиб ўл ... ма !

Кетдик ... Кўп гап Шовкатга юк бўлмасин .

Хамма эшикка отланди .

Дилноза Суюманинг енгидан тортиб қолди . Улар охирида синфдан чиқадиган бўлишди.

- Суюма "Б" даги Назира сенга Козимдан хат ташлаб кетди .

Суюма Дилнозанинг қўлида бояги дафтарни кўрди. У энсаси қотганини яширмади :



- Эээээ , қўйсанг-чи .

Дилноза гап келса ҳеч кимни аямайдиган хилидан эди :

- Юрагинг тўкилмай қўяқолсин , бу севги мактубимас. Козим сендан кечирим сўраб ёзибди буни .

Суюма бироз ўйланди , Мактубда нималар ёзилгани унга ҳам қизиқ ту юлди . Қўлини дафтарга чўзди :

- Майли бер, фақат уйда ўқийман ... Юр боллардан қолиб кетмайлик...

Суюма ва Азиза хонадан илдамлаб чиқиб кетишди .

Дилафрўзнинг синфда ўз ўрни бор эди . У жуда тиришқоқ, зеҳнли ва чир оий бир олам бўлган қиз эди. Аслида бу синфдаги қизларнинг ҳаммаси ҳам атайлаб йиғилгандек гўзал қизлар эдилар. Хаттоки гавдали ва дуркунгина Дилнозанинг ҳам ҳусни ўзига етгунчалик эди .

Машҳур ижодкор " Ўн саккизга кирган қизнинг хунуги бўлмайди" деб хунук қизлар, уларни овутиш ҳақида айтган бўлса керак . Аммо 11-"В" нинг қизлари бундай далдага сира ҳам мужтож эмас эдилар, чунончи Дилафрўз ҳам .

Дилафрўз жуда ёшлигидан шифокор бўламан дер эди. Уларнинг оиласидан эса бирон марта шифокорлар чиқмаган экан. Ўқитувчилар сулоласи бўлмиш бу оиланинг бекаси Салима опа ҳам мактабда меҳнат фанидан дарс берар эдилар. Улар қизлари Дилафрўзни ўзлари каби ўқитувчи бўлишини истаганлари ва шифокорлик жуда ҳам маъсулиятни касб эканлигини ҳис қилганликлар и учун қизларини бу орзусидан қайтаришга кўп урингандилар. Аммо Дилафрўз аҳдидан, орзусидан қайтмади . У ўз ниятида қатъий туриб олди : "Фақат шифокор бўламан!" .

Она ўз номи билан она ! Салима опа Дилафрўзнинг шижоатига , қарорига ахири тан бергач , унга энг яқин кишиси сифатида ёрдам қўлини чўздилар . Улар Дилафрўз ўнинчи синфга ўтганида шаҳар касалхонасида ишлайдиган яқин дугоналаридан илтимос қилиб Дилафрўзни "кўзи пишсин учун" ўша ерга " санитарка" қилиб норасман ишга жойлаб қўйган эдилар. Дилафрўз баъзан тушдан кейин, асосан эса шанба дарс тугаганидан бошлаб, якшанба кун бўйи вақтини касалхонада ўтказарди. У барча ишларни оғринмай қилар, айниқса операциядан чиққан беморларнинг бошида соатлаб парвона бўлар эди. У дастлабки ишга кирган кунлари касалхонада анча қийналганини ўзи яхши эсларди. Айниқса операция хонасидаги , столидаги қонларни ювиб - тозалаганда кўнгли жуда беҳузур бўлар , аммо ортга чекинишни

-9-

асло хаёлига келтирмасди.

Бироқ бу сафар ...

Ўтган куни якшанба эди . Касалхонага шошинч яқин тумандаги фермадан бир ишчини келтириб қолишди. Вазият жуда оғир ва қалтис эди . У ишчи молларга ем- хашакни чопиб- майдалаб беришга мослашган бир электр ускунани токдан узиб қўйиб таъмирлаётган экан . Унинг бу ишидан беҳабар иккинчи ишчи нариги хонадан туриб ... электр токини тармоққа улаб юборади . Қўққисдан ишга тушиб кетган ускуна уни таъмирлаётган йигитни ўткир пичоқлари ёрдамида бир қўлини панжасидан , иккинчисини деярли елкасидан ... узиб юборади .

Фермадагилар ҳай- ҳайлашиб йигитни унинг танасида терисигина уланиб ётган қўллари билан шифохонага етказиб келишади . Аммо қўлларни сақлаб қолишнинг умуман иложи бўлмайди. Шифокорлар жуда кўп қон йўқотган йигитнинг ҳаётини сақлаб қолишганлигига ҳам минг бор шукр қилишади . Улар ўша куни якшанбалигини , касалхонада бошқа санитарлар қатори Дилафрўз борлигини эслайдиган аҳволда эмасдилар . Дилафрўз эса ҳар доимги одатини қилиб операциядан кейин ўша хонани тозалашга киришади . У операция столи ёнидаги жиҳозлар учун ажратилган кичик столчани йиғиштираётиб , усти ёпиб қўйилган қон юқи алланарсага кўзи тушади ва сарандомлаш мақсадида уни бетидаги матони очиб ...

Ҳушидан кетган Дилафрўз ён палатада кўзини очади . Тепасида эса бош шифокордан роса гап эшитган бир гуруҳ ҳодимларнинг иззиллаб турганига кўзи тушади .  
Шунақа гаплар ...

Дилафрўзни кўришга келган синфдошлар унинг ҳикоясини эшитиб жунжикиб кетишди.

- Дилафрўз , юракданам бор- де санда. Ман роса қондан қўрқаман ...

Марҳабо ичидаги ўйларини очиқ айтишдан истиҳола қилмади . Унга яна бир гуруҳ қизлар қўшилди : " Мен ҳам , мен ҳам "

Дилафрўз синиқ кулимсиради . Хушрўй чехраси янада гўзаллашиб кетди .

- Мен инсонларнинг дардига малҳам бўлишни истайман. Уларнинг "Барака топ , қизим. Сенга тарбия берган ота - онангга минг раҳмат "дейишларини ҳоҳлайман. Тушларимдаям кимларнингдир пешонасини нам сочиқ билан артиб, кимларнингдир қўлларини силаб ўтирган бўламан.

Дилафрўз хўрсинди.

Шу топ Суюмага ўзига - ўзи гапиргандек сўзлай бошлади:

- Мени орзум журналист бўлиш . Кўпчилик мени ўқитувчи бўлса керак деб ўйлайди. Аммо мен мактабни битиргач , журналистикага топшираман. Миллийга . Аслида менинг орзум Дилафрўзники билан бир хил экан. Мен ҳам шифокор бўламан. Фақат инсон руҳининг шифокори. Ширин сўзим , қаламимнинг дарадаси билан жонларга малҳам улашиш истагидаман. Мен инсонлар орасида юриб уларнинг ғам- ташвишларини бахт- иқболга , умидга айлантиришни истайман...

Суюма жим бўлиб қолди.

Аҳмаднинг шу топда қитмирлиги тутди :

- Биз ҳам ким бўлишимизни айтиликми ё уйга кетаверайликми ?

Дилафрўз дарҳол эътироз билдирди :

- Ўзи энди келдиларингку, ҳозир синглим гўшти пирог олиб келади . Деярл и пишди.

Ҳамма дарҳол Фозилга қаради ва шоша пиша :

- Қорнимиз тўқ - дейишди ва кулиб юборишди.

Фозил ҳам бўш келмади :

- Булар фақат чой ичиши мумкин, чунки ҳаммаси бири - бирдан одобли . Од обдилар эса очкўз бўлмайди.

Дилафрўз уларга қўшилиб кулар, синиқиб кетган юзларига аста қон югу ра бошлаган эди .

Суюма яхши кайфият билан уйга қайтди. Козимнинг хати кечқурун уй вазифаларини тайёрлаш учун папкасини очгандагина ёдига тушди. У Дилноза берган дафтарни варақлаганда ичидан икки варақ алоҳида қоғоз чиқди . Ун да чиройли ҳусниҳат билан қуйидагилар ёзилган эди:

- Суюма . Мен бу хатни ёзишимдан мақсад сендан кечирим сўраш эмас. Мен ахир ...

#давоми\_бор

Муаллиф : Хазонрезги

-10-

Мен ахир умуман ёмон гап гапирганим, ёмон ниятга ҳам борганим йўқ эди. Шунчаки , "Суюмага уйланган йигитга мазза бўлади" деганимни биламан, Фозил мени таъсира- тусур тушуриб кетди. Менинг гапимни давоми бўғзимда қол иб кетди.

Адабиёт ўқитувчимиз айтиб бергандилар :

Бир йигит фарзанд кўрибди . Ундан оғайнилари "Ўғлингни исмини нима қўйдинг?" деб сўрашса у йигит : "Худо" дебди. Шунда оғайнилари: " Сенми ҳа ли болага худо деб исм қўядиган!" деб боланинг отасини уриб ўлдиришган эк ан. Аслида ўша йигит фарзандига Худойберди , яъни бу боламини Худойим бе рди деган маънодаги исм қўйган экан."Бердисини айтгунча уриб ўлдирма" дег ан гап ўшандан қолган экан .

Ўқитувчимиз ўша ҳикояни айтиб берганларида вақти келиб мен ҳам ўша йигитнинг ҳолига тушаман деб ўйламаган эдим . Мен ахир сени ҳар тарафла ма ақлли ва зукко қиз эканлигини таъкидлаш мақсадида гапирган эдим . Аммо Фозил тушунмади. Тушунишни истамади , тўғрироғи. Лекин мен ундан х

афа эмасман. Шундай ориятли йигитлар бор экан , ўзбегим қизларининг шаънига гард юқмайди , ахир.

Биласанми , йўқми мени ҳам бир опам , бир синглим бор. Агар улар хақида биров ўзимга ўхшаб нотўғри гапириб қўйса , ўзим ҳам уни аяб ўтирмаган бўлар эдим .

Хуллас , бу хатни ёзишдан мақсадим, мен ҳақимда кўнглингда кир қолмасин деган муддаода эдим.

Мени кечир .

Сени ҳурмат қиламан, чунки сен ҳурматга сазовор қизсан . Вақти келиб мактабни тугатганимиздан кейин кўча - кўйда учрашиб қолсак , бир- биримизга очиқ чеҳра билан боқа оламиз деб ўйлайман.

Эҳтиром билан Козим .

Суюма хатни ўқиб икки кундан бери Козимдан ноўрин хафа бўлганлигини тушуниб чуқур ҳўрсинди.

Суюма хаёлида Фозилдан гина қилмоқчи , унинг қилган ишига нотўғри деган таъриф бермоқчи бўлди . Аммо ҳарчанд уринмасин бунинг уддасидан чиқа олмади ...

\* \* \*

Фозилга янги мавзу топилди .  
Барчаси синф раҳбари Раъно Ҳолиқовнанинг синфга қарата :

- Ҳурматли ўқувчилар ! Эртага соат 15:00 да "Паспорт столи"га йиғиласизлар . Барчангиз расмга тушиб , паспортга ариза топширасизлар. Ўйлайманки , мени у ерга боришим шарт эмас. Ё бораёми ? - деган эълон- сўроқларидан бошланди .

Ўқувчилар ҳаммаси бир овоздан:  
- Ўзимиз уддалаймиз. Боришингиз шарт эмас,- дейишди ўзларига ишониб .

Ҳақиқатда эртасига кўрсатилган вақтда синфнинг йигирмага яқин ўқувчиси айтилган жойга йиғилдилар. Ўн чоғли ўқувчи кузда паспорт олиб бўлишга н экан.

Паспорт ўсмир ҳаётидаги ўзлигини англатадиган илк ҳужжат. Шунинг учун ҳамма ёшлар, айниқса қизлар ундаги расмлари чиройли ва бетакрор бўлишини истайдилар.

Қизлар навбатлари келганда йигитларнинг кўзларини шамғалат қилиб , ён хонада юзларига билина- билинмас пардоз қилиб , секингина суратга тушиб чиқаётганларининг ҳам сабаби шунда эди .

Аммо синчков Фозил ҳаммасини кузатиб турган экан. Унинг хазилига бу сафар айнан пардоз қилган эмас , балки бошқа қизнинг нишон бўлишининг сабаби сал ўзгачароқ эди .

- Эй болалар , қизлар ! Мабодо бирортангизда атир йўқми ?! Қуёшжон , атир сепиб юр дегандим, ёнингда йўқми ?!

Синфдошлар Фозилнинг мақсадига тушуна олмадилар:

- Атирни нима қиласан , шу пайтда?!

- Вей қизиқчимисанлар?! Атир нима қилинади ?! Сепилади- да албатта.

- Буни биламизку-я , аммо шу пайтда нима учун керак бу ?

- Ҳозир тушунтириб бераман. Расмга атир сепиб тушсам , паспортим очилганда , гуп этиб ҳиди келади . Мазза бўлади , ўшанда . Тўғрими , Жамила?

Шундагина синфдошлар бор гапга тушунишди . Улар ўткир атир ҳиди гур кираб келиб турган Жамилага савол назари билан боқишди

- Ҳа нима, ҳамманг менга қарайсанглар , мен паспортга расмга тушиш учун атир сепиб келганим йўқ , - бўш келмади Жамила,- шунчаки , кеча жиянларим меҳмонга келишганди. Хаммамиз ошхонада овқат қилаётганимизда улар уйда "хола-хола" ўйнашибди . Қисқаси бизникига борсанглар нонлардан ҳам атир ҳиди кеб ётибди. Саккиз ёшли жияним "стилист"бўлибди- де.

Фозил ҳам мириқиб кулганча яна гап ташлади:

- Қойил, гап йўқ. Демак , настарин гуллагунча баҳорий ифорлар ҳамроҳимиз

-11-

бўларкан- да . Қандоқ яхши .

- Фозил, ҳохласанг иккита қўл сочиқ олиб келиб бераман . Улардан ҳам шунақа атир ҳиди келиб турибди . Настарин хиди йил бўйи димоғингдан кетмайди .

Фозил илжайди :

- Ҳоҳлайман , Жамила . Обкелавер . Мен уни ётоқхонамга олиб кириб кроватимни бошига илиб қўяман.

Гапга Ёрқин аралашди :

- Унақа қилма , Фозил . Кейин бошингда Жамила туриб олгандек бўлиб қолади . Санга керакми шу ?

- Вей , тушунмадим Қуёш ?! Бугун одатдагидан кўра кўпроқ иссиқроқмисан ?

Нима Жамилани рашк қивоссанми ?! Дилноз эшитмасин бу гапларингни- я?!

Дилнозага шу керак эди ўзи . У энди Ёрқинни талай кетди :

- Нега эшитмасаканман?

Нима ман гарангмидим ? Аммо куйдим , куйдим шу Ёрқин , э Қуёш акамда н куйдим. Қизлар ! Битта гап айтаман эсларингда турсин ! Мани бувим доим таъкидлайдилар : "Қизим , ёдингда турсин бетида туки бор одамдан дўст чиқмайди" деб , яъни эркак зотидан . Мен бўлсам уларни маслаҳатларига амал қилмадим . Мен Қуёшга ишонувдим . Нега биласанларми ? Чунки уни бетидаги туклариям ўзига ўхшаган добрий , сап- сариқ эди ...

Паспорт олиш кунидаги ҳангома синфдошларнинг хотирасидан унча - му нчага чиқмаслиги аниқ эди .

\* \* \*

Ёшлик асов дарёга ўхшайди. Ўзанини тўлдириб , тошдан- тошга қўшиқ куйлаб оқиб ўтадиган баҳорги дарёга . Унинг ҳар бир лаҳзаси умид , ишонч ва бахтга тўла бўлади. Тўғри, ўсмир ҳаётида турмушнинг муштлари бўлган жойлари , нуқталари , ундан қолган доғлар ҳам учраши мумкин албатта . Аммо бу ҳеч қачон ёшликнинг бемисл тароватига раҳна сола олмайди. Ҳеч қачон...

Бугун Суюма умрида биринчи бор ўқитувчидан дакки эшитди. Билиб турганингиздек, бунда унинг умуман айби йўқ эди . Барига партадоши Барно сабабчи бўлди. Барно оппоққина , бўйи ўртачадан баланд , сочлари жингалакга мойил , икки юзига тароват бағишлаб турадиган кулгучлари ўзига ҳўпам ярашган қувноқ қиз эди . Қувноқ ҳам бўлмасин- чи ?! Ахир Яратган Эгамнинг ҳар бир ишида минг ҳикмат борку ?! Шундай гўзал кулгучлар бежизга унга тақдим этилмаганди , бунда Барнонинг табиатини қувноқ бўлишлиги, айниқса эътиборга олиниши шаксиз эди. Барнога қараган инсоннинг юрагига илиқлик оқиб кирарди , сабаби унинг кўзлари доимо жилвакор кулиб турарди .

Унинг ўзига хос одатидан яна бири дарс пайтидаям иложини топиб гапгапириб ўтириши эди .

Барно кўп қаватли уйда яшарди . Аммо кейинги йиллар унинг отаси ҳам ҳовлили уй олиб таъмирлатаётган эдилар. Барно шунинг учун дарс тугаши билан эрта тонгда онаси пишириб тайёрлаб кетган тушликни укаси билан усталарга олиб бориш учун уйга шошиларди.

- Эй , Суюма , эй ...

Кеча олтинчи соатда Барно Суюмани биқинини туртди .

- Ҳм , нима дейсан...

Суюма кўзи доскада Барнога шивирлади

- Токдан қилинган дўлмани қанақа қилиб иситади ? Усталарга иссиққина обо  
ришим керак эди .

- Тагида шўрвали суви қолган бўлса олов ёқиб исит . Фақат паст оловда. Ба  
ланд температурда токларинг ёрилиб кетиши мумкин.

- Шўрваси қолмаган бўлсачи , унда нима қиламан?

- Бир четидан озроқ сув солиб юбор , бошқа илож йўқ...

- Суюма, эй , Суюма ...

- Яна нима ?!

- Ман овқатни тез иситишим керак, усталарни қорни очиб кетади-ю , паст ол  
овда иситиб оборгунимча...

- Ман нима қилиб берай унда , қизиқсан- а , Барно. На иссиққа кўнасан , на  
совуққа ...

Барно аразлаб қолади. Узоғи ўн беш минут . Кейин яна бошлайди ...

- Суюма , эй , Суюма ...

Бугун ҳам шундай бўлди. Суюма бешинчи соат геометрия дарси бўлганлиги у  
чун , Барнодан усталарга нима овқат олиб боришини барвақтгина сўраб олд  
и . Ҳайрият , макарон жаркоб экан.

Суюма тезда макарон жаркобни қанақа қилиб иситишни Барнога ўргатиб қўй  
ди- ю, ўзи хотиржам дарсга кирди .

Аммо Барно бир соат дарсда жим ўтирса Барно бўлмай қоларди- да . У  
нга дарс вақтида гапириш учун доим сабаб тайёр турар эди .

- Суюма , эй , Суюма ...

- Хмм , нима дейсан . Макаронни иситиш эсингдан чиқиб қолдими ?!

- Йўқ эсимда ...

- Унда нима яна ?!,- Суюма гапира туриб олд партада ўтирган Фазлиддинни

орқасига яширинди . У Барно билан эшикдан кираверишдаги биринчи қаторнинг иккинчи партасида ўтирар эди

-12-

- Суюма , шилпилдоқни қанақа қилиб иситади ?!

Суюманинг кўз олдига хамирлари ёпишиб- қапишиб кетган шилпилдоқ келди-ю , беихтиёр ўзини тўхтатолмай кулиб юборди .

Геометрия ўқитувчиси Акмал ака жуда жиддий инсон эди . Бир зумда Суюмага юзланди :

- Нодирова !?.

Суюма эсанкираб қолди . У гина билан Барнога тикилганча ўрнидан турди :

- Мен , устоз...

Акмал ака Суюмани аълочи ўқувчи сифатида яхши кўрар ва кўп бора мақтар эди, аммо бу дегани мақтовли ўқувчи бемалол қоидаларни бузиши мумкин дегани эмас эди :

- Нималар бўляпти бу ерда ?! Тушунмадим , дарсни нимаси кулгили? Ё биро в маймун ўйнатаяптими ?!

Суюма кўзлари билан ер чизди , у Барнонинг жовдираб турган кўзларига қаради- ю,

- Узр устоз... Боя адабиёт дарсида "Темир хотин"ни ўқигандик , шу бехосдан эсимга тушиб кетди, - деди айбдорона оҳангда .

Акмал ака бироз юмшагандек бўлди , аммо ўз принципларидан воз кечгиси келмади :

- Адабиёт қаҳрамонлари ўша фаннинг кабинетида қолсин. Сиз бу ерда ҳозир тангенсинг муҳим хоссаларини яхшилаб тушуниб олинг. Бўлмаса уни бошқа дарсда ўйлашингизга тўғри келиб қолади...

- Хўп бўлади , устоз . Бошқа қайтарилмайди...

- Ўтиринг ...

Суюма аста жойига ўтирди- ю , дафтарига алланималарни ёзиб Барнога суриб қўйди .



Барно дафтардаги:

- Агар яна бир марта дарс пайтила шилпилдоғингни , умуман ҳар хил овқати нгни ўртага қўшсанг, қозон-товоғинг билан қўшиб ... деган ёзув ва ўқрайиб турган қуёшни расмини кўрди ..

Кўп ўтмай Барнодан кулиб турган қуёш ва "хўп" деган жавоб қайтди .

Суюманинг алами танаффусдаям босилмаган эди :

- Ҳой, барака топгур , боя макарон жаркоб деяптувдинг , дарсда шилпилдоқл айсан?! Ҳеч нимага тушунганим йўқ ...

Барно Суюманинг гап эшитганига ўзини айбдор эканлигини тан олиб бў лган эди:

- Суюма, усталарга макарон эди . Шилпилдоқ эса кечқурундан қолган эди ...

Барно шундай деб яна эркаланиб жилмайди :

- Дугон , уни қанақа иситади ўзи ?

- Э шилпилдоғингниям ...

Суюманинг астойдил жаҳли чиққан эди . У шарт бурилди- ю , қизлар й иғилиб турган жойга жўнади.

Барно унинг ортидан хўрсиниб қараб қолди ...

Барнонинг бардоши эртаси кун ичунчи соатгача етди . Физика дарсид а Суюма Барнонинг :

- Суюма , эй , Суюма,- деб биқинига туртишидан хурсанд бўлиб кетди. У бег убор дугонасининг хархашаларини бир кунда соғиниб қолганди :

- Нима дейсан ?!

Суюма Барнонинг шу одатлари ўз ҳаёти ва дарсларга бошқача фай з беришини тушуниб етганди ...

\* \* \*

Рус адабиёти ...

Суюма бу дарсни жуда яхши кўрарди . Бунга битта ва ягона сабаби бор эди . Фан ўқитувчиси Лилия Георгиевна ўз ишининг устаси ва фидойиси эди. У хафта оралаб бадий ўқиш деган соат ташкил этарди. Нафақат Суюма, балк и бутун синф мана шу бадий ўқиш соатининг мухлиси ва шайдоси эдилар . Шундай дарсларда Лилия Георгиевна жаҳоннинг дурдона асарларини танлаб м

аҳорат билан ҳикоя қилиб берардики, бутун синф фақат ва фақат ўша асар в оқеалари гирдобидан иборат бўлиб қоларди .

- Шундай қилиб Фёдор Танядан келган охирги мактубни бағрига босганча , зи ёфат бўлаётган хона деразасининг ёнига яқинлашди. У сўнги бора ...

У сўнги бора беваъфо Таняни кўрмоқчи , шу вақтгача ёзган мактубларини бу рда - бурда қилиб ҳиёнаткор қизнинг юзига отмоқчи эди.

Фёдор зарб билан эшикни очди, ичкарига дадил қадам қўйди . У барча йигит- қизларнинг ўйин- кулгудан тўхтаб ўзига серрайиб қараб қолганига эъти бор бермади. У уйни Танянинг овози эшитилаётган бурчагига етиб борди .

Фёдорнинг кўз ўнги қоп- қоронғи бўлиб кетди, чунки Таня хона бурчаги даги кроватда ётар, унинг оёқлари тиззасидан икки қарич узунликда кесиб та шланган эди . Таня жанг майдонида ярадорларни ташиб чиқаётганда кўмилга н минага дуч келган эди. У Фёдорга ортиқча юк бўлмаслик учун барини ўйла б...

Шу вақт дарс туганини билдириб қўнғироқ чалинди .

Лилия Георгиевна ўқувчиларга "дарс тугади , ҳаммага раҳмат ва рухсат" деганда синфни норози овозлар тутиб кетди :

- Бу ўзи охирги соат .

- Илтимос , охиригача гапириб беринг...

- Энди китоб қахрамонларини ўйлаб қўнғимиз ҳижил бўлиб юрамизни ...

- Ҳикояни тугатиб қўяқолайлик ...

Лилия Георгиевна жилмайди. У шу таҳлит ўзи берган дарснинг қийматин и билишни ҳоҳлаганди. Натижалар уни ҳурсанд қилди:

- Аслида асар тугади. Бу ёғи эса хотима эди .

Хуллас , Фёдор ва Таня баҳорни ширингина қизчалари билан кутиб олишди...

Синф ўқувчилари энгил нафас олишди :

- Ҳайрият- ей , бари яхшилик билан тугади ...

\* \* \*

Суюма бугун дарсдан қайтганида уни уйда бир олам қувонч кутиб олди . Қувонмай бўларканми ? Уйга меҳмон бўлиб опаси Райҳон ўғилчаси Шаҳзо д билан келишган экан . Суюма опасини жуда соғинганди. Гарчи Райҳон билан Суюманинг ораларидаги ёш тафовути анчагина катта бўлса-да, бу опа- сингилларга деярли билинмас эди. Райҳон Суюмадан саккиз ёш катта эди. Райҳон турмушга чиққан вақтда Суюма жамалаксоч қизча эди. Аммо бу уларни

нг қалбан яқин бўлишларига тўсқинлик қила олмаган эди. Йиллар ўтиб Суюманинг ҳам ёшига ёш қўшилган сари улар опа- сингилчиликдан кўра кўпроқ яқин дугоналар мақомига етишиб қолган эдилар.

Райҳон шаҳарнинг у бурчагига келин бўлиб тушганди . Турмуш ўртоғи Абдумажид Райҳонни талабалик пайтларидаги амалиёт чоғида учратиб , яхши кўриб қолган, совчи қўйиб уйланган эди. Райҳон у пайтда дизайнерликка ўқир эди. Абдумажид эса мутасадди ташкилотда фаолият юритар эди . Гарчи Райҳон ва Абдумажидлар кўпчилик ёшлар каби тўйгача ўлдим - куйдимлаб оҳчекиб ҳиёбонма - ҳиёбон, кинома- кино юришмаган бўлсаларда , уларнинг муҳаббати тўйдан кейин ғунчалаб гул очган эди.

Юқорида айтганимиздек Суюмани опаси ва поччасининг ўғли - Шаҳзод жудаям ширин бола бўлиб етти ёшга қадам қўйган эди. Ҳозир Райҳон яна ҳомиладор эди . У "Бу сафар Аллоҳим бизни қиз неъматини билан сийласа яхши бўларди , Абдумажид акам қизалоқларни жуда яхши кўрадилар-да " дерди ҳар доим.

Абдумажид поччасини Суюма жудаям ҳурмат қилади . Ёши ўттизлардан ошган поччаси ҳар ишда намуна бўла оладиган етук йигитлардан эди .

Суюма доим бир нарсаси ҳайрон қоларди . Наҳотки эркак киши ўз аёлини шунчалик севиши мумкин ?

Бу савол Абдумажид поччасининг табиатига қараб туриб туғилган эди . Абдумажид поччаси Райҳон опасини шунчалик яхши кўрар эдики... Опасининг айтиши бўйича поччаси кўпинча ўз онасидан дашном эшитаркан.

- Болам, банданинг бандага бу қадар муҳаббат қўйиши яхшиликка эмас. Киши яхши кўрган нарсасидан синалади , - дер экан қуда хола .

Аммо поччаси ҳар сафар Онасининг бу гапига қарши ўз мулоҳазасини билдиришдан , уни юпатишдан чарчамас эди :

- Онажон , ундан деманг . Мен ахир Аллоҳнинг мўъжизасига ошиқман. Ахир банда Яратганнинг энг чириойли ижоди- ку. Менинг Райҳонга ошиқлигим эса ўзи томонидан берилган иноят ...

Аммо қуда ҳоласининг айтганича ҳам бор-да . Поччаси тушмагур Райҳон опасининг шунчалик ардоқлайдики , ҳатто ёнидан эсадиган шамоллардан ҳам қизғонади . Қуёшнинг қайноқ нуридан, қора булут жазаваидан , қаҳратоннинг музидан паналайди .

Абдумажиднинг яна бир одати бор . У Райҳонга уйланганидан бери бошқа ҳеч кимнинг қўлидан овқат емасликка ўтиб олган . Бу одати гоҳида ўз туққан онасига ҳам озор бериб қолса- да , она онада барибир , у мудом фарзандининг шукрини қилаверади . Доимий дуо:

"Ўзингдан тингин, болам"

Абдумажид оилада ўртанча фарзанд бўлганлиги учун Райҳон билан икки

йил аввал шаҳарнинг кўркам маҳаллаларидан бирига бўлак бўлиб кўчиб чиқишган эди.

Авваллари уйдагилардан истиҳола қилиб юрган Абдумажид эндиликда тушлик қилиш мақсадида шаҳарнинг у четидаги ишхонасидан бу четидаги уйига ҳар куни такрор қатнашдан ҳеч оғринмас эди .

Бундан яхши хабардор бўлган Суюма уйда бугун опасини уйларида кўриб ҳайратини яширмади :

- Опа , ҳали ҳам кўзларимга ишона олмаяпман . Поччам сизга нечук жавоб бердилар ? Кун қаердан чиқди ?!

- Шу пайт Суюманинг онаси Шаҳло опа кириб келдилар :

- Вой қизим- ей , саволинг тугамайди- я? Бўл чой қўйгандим, сомса пишди.

- Ойижон , сомса қилдингизми ? Ошхонада тинчлик эди- ю ?!

Вооой , тандирда ёпдингизми ?!

Райҳон қизариб кетди. У бугун келганида онасига минг истиҳола билан "Сиз пиширган тандир сомсадан егим келаяпти" деган эди ўпкаси тўлиб .

Ҳомиладорлик ажойиб давр-да . Мана Райҳоннинг ҳам кўз ўнгидан бир ҳафтадан буён онаси ёпган тандир сомса лип - лип қилиб ўтгани - ўтган. Аммо онасига эркалиш қилишга уялди. Эркалигини кўтарадиган Абдумажид акас и бор ахир. Абдумажиднинг эса бир ҳафтадан бери Тошкентнинг ҳар битта б урчагидан атайдан ёптириб олиб келмаган тандир сомсаси қолмади . Аммо ўроғлиқ идиш очилиши билан Райҳон филтиллаверди :

"Бунақамас" .

Райҳоннинг келишини асл сабаби шу эди. Абдумажидга кимдир "Ҳомил адор аёл бир нарсани уч мартадан кўп сўраяптими, демак топиб бериш керак , акс ҳолда болада нуқсон пайдо бўлиши мумкин" дебди. Бу сўзларни эртала б ишга борганида эшитган Абдумажид оёғини қўлига олиб уйга югурган , Райҳонни ҳам ҳайрон қолдирганча онасиникига олиб келган эди. Қайнонасидан ҳам Райҳон учун сомса пишириб беришни сўраган ҳам , сомса учун алоҳида с ара масаллиқларни ўзи билан олиб келган ҳам Абдумажиднинг ўзи эди .

Шаҳло опа эса Райҳонни тоза уришди . "Агар яна бир марта шунақа ўзингни қийнасанг юзингга қарамайман" деди юраккинаси тўкилиб .

Суюма чой тайёрлашга чиқиб кетганида онаси Райҳондан сўради :

- Қизим , аппаратга тушдингми , қизмикан ё ўғил ?

Райҳон бошини сарак - сарак қилди :

- Йўқ тушмадим, куёвингиз қиздир, ўғилдир умри билан , кўзларимизни қувонтирадиган фарзанд берсин деяптилар...

Аммо ...Шаҳзодда бунчалик эрка бўлмагандим...

- Мен ҳам шуни айтаяпман- да , қизим. Айтганини қилдираётганига қараганд а эркатоигина қизалоқ бўлади, шекилли. Майли , набирагинамни бағри бутунл иқда қўлимизга олиб олайлик... Юрақол , сомсаям тобига келиб қолди ...

- Ойижоон...

- Ҳа қизим

- Сизниям уринтириб қўйдим ... Кечиринг. Сизни ҳизматингизни қилишни ўрни га ... Мендан келган фойда шу бўлди-да энди...

- Болам , унақа дема. Оғзингга ёқадиган бир луқма таомни тайёрлаш мен учу н бахт . Буни айтмасам ҳам биласан. Ахир ўзинг ҳам онасан-ку. Шунга қод ир қилган Аллоҳга шукр ...

Суюма ошхонада чой тайёрлар экан ўзича ўйлар эди:

- Дунёда Абдумажид поччам сингари яна шундай тенгги йўқ йигит бормикан. Қани эди кун келиб турмушга чиқсам , бўлажак турмуш ўртоғим худди почча мга ўхшаган бўлса ...

Кошки эди

\* \* \* \*

Кунлар кунларни қувалашиб ўтаверар эканда. "Ёшлиқда билинмас экан" д ейишади қариялар . Буни қаранг- ки, ёшлиқда ҳам билинар экан. Мана ҳадем ай сўнгги қўнғироқнинг "шаббадаси" эсиб қолди . Битирувчилар икки ҳил кай фиятда яшай бошладилар. Кимнинг тилидан айтилган билмадим- у , бундай к айфиятни "чемодан кайфияти" ( чемоданное настроение) дейишади.

Бир тарафдан катта ҳаёт оstonасига қўйилажак қадам... Неча йиллардан бери кутилаётган кунлар. Янги умид , янги орзулар, сирли келажак ...

Иккинчи тарафдан неча йиллар даргоҳида яйраган , эркаланган , ёшли книнг энг ширин лаҳзалари тотини танитган қадрдон мактаб билан хайрлаши ш... Бу ёғига бири ака, бири ука , бири опа- ю , бири сингилдек азиз синфдо шлардан айро ҳаёт йўлида мустақил кетиш алами. Ота- онадак бўлиб қолган устозлар билан хайрлашиш азоби...

"Кўпчиликнинг қўли ишга бормаи қолган". Бу иборани мактаб ҳаёти , тў ғрироғи 11- "В" синф фаолиятига ўгирадиган бўлсак, синфдошлар маҳзун ва м аъюс кайфият оқимиға тушиб қолишгандек гўё...

Айтилгандек 11- "В" синфдан 12- нафар олтин медаль соҳиблари етиши б чиқадиган бўлди. Ўттиз тўрт нафар ўқувчининг бунчаси олтин медальға лой иқ бўлиши мумкин эмас деб ўйлаётгандирсиз? Англаганингиздек, халқ таъл ими бўлими мутасаддилари ҳам шундай фикр билдирган эдилар- да . Аммо н ачора , аъло билим эгаллаганларни билимлари қўрғон бўлиб ўзларини ҳимоя

қилиб олгач , ҳар ким ҳам ўз позициясидан кечишга мажбур бўлар экан.

"Олтин медалчилар шунча бўлса кумушчилари қанча экан?" деган саволга жавоб :

- Ҳеч қанча ! Тўғри ўқидингиз , ҳеч қанча ! Бу дегани "В" чилар ё ўз мақсадлариغا охиригача етадилар, ё бошқа мақсад йўлидан кетадилар" дегани эди.

Кейинги кунларда Фозил жуда ўзгариб кетди . У энди аввалгидек ҳазил-ҳузилларини йиғиштириб қўйган , алланечук маънос тортиб қолгандек эди. Синфдошлар ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлган вақт бўлганлиги сабабли Фозилдаги бу ўзгаришни кўпда жиддий қабул қилишмади. Фақат ...

Фақат Суюмадан бошқа ...

Суюма кейинги вақтларда ўзига ўзи тушуна олмай қолган эди.

У негадир кўп ёлғиз қолишни ҳоҳлар , маҳзун қўшиқларни эшитар ва бесабаб йиғлагиси келаверар эди. Ўзидаги бу руҳий зиклик нима сабабдан келиб чиқаётганлигини тушуна олмай , янада диққати ошгани ошган эди. Суюма битириш ва институтга кириш имтиҳонларига тайёрланар эди- ю , аммо орада бетизгин , бебош хаёллар уни ўз домига тортгани тортган эди.

Суюма ҳатто ўзи учун ҳам барига сабабчи фақатгина у эканлигини тан олгиси келмас эди .

У ...

Суюмани хаёлларининг эрка шахзодаси ... Ўзи ҳақида ҳам ўйлаганларида табассум улаша оладиган дилбар йигит ...

Унинг таърифи кўп эди.

У қизгина Суюма хаёллари эшигини черта олган илк муҳаббат эди ...

У ўша эди . Ўша -Фозил ...

Суюманинг ўзи ҳам тан олишни истамаган учқун мисол бу туйғулари кунли келиб гуриллаган алангага айланиб кетди .

Бари мактаб директори Шариф аканинг..

битирувчи синф ўқувчиларига қилган мурожаатидан бошланди. Шариф ака "Сўнгги қўнғироқ" тадбири ўтказилишига бир ҳафта муҳлат қолганда барча битирувчи йигит- қизларни фаоллар залига тўплади.

- Шундай қилиб бир ҳафтадан кейин "Сўнгги қўнғироқ" - деб гап бошлади Шариф ака кириш сўзларидан сўнг,- Мен кўп вақтларингни олмоқчи эмасмасман. Гапнинг индаллоси шуки ўша кунли ҳеч қайсиларинг тадбирдан кейин ҳиёбон , кино ёки бошқа бирор бир кўнгилочар жойга бормайсизлар. Бу қатъий талаб . Ҳозир ҳаммангиз шу ҳақида огоҳлартирганим ва сиз розилик берганингиз тўғрисидаги тилхатга имзо чекиб берасиз.

Бу бир ...

Иккинчидан эртага ҳар бирингизнинг ота - онангиз ҳам мактабга келиб ҳудди шу таҳлитдаги қарорга "танишдим ва амал қиламан " деб имзо қўйиб кетишлари шарт .

Учинчидан, бу энг муҳими эди, сўнгги қўнғироқ кунли бутун мактаб ўқув

чилари қатнашадиган умимий тадбирдан сўнг сизлар учун ... Ҳмм ... Нима де сам экан?! Хуллас бир пиёла чой мендан...

Шариф ака энди масрур жилмайди ва завқ - шавқ билан сўзида давом эта бошлади :

- Болаларим. Шу вақтгача мактаб тарихида ҳам , туман тарихида ҳам бу йил даги каби юксак натижага эришмаган эдик ... Очиғи ҳозир бутун вилоятда ҳам дув - дув гап. Битирувчи тўқсон етти ўқувчининг ўттиз беш нафари мактаб ни медаль билан тамомлаши ҳазилакам гап эмас. "А" синфдан беш нафар, "Б" синфдан уч , "В" дан эса ўн икки нафар - умумий йигирмата олтин , яна ўн бешта кумуш медаль соҳиблари... Бу рақамларнинг ортида қанчадан- қанча меҳнат яширинганини ўзимиз биламиз халос . Қаранг тўрт нафар ўқувчимиз фан олимпиадасининг Республика босқичида нуфузли ўринни эгаллаб , аллақачон ўзлари истаган институт ўқувчиси номини деярли эгаллаб бўлдилар . Шоҳида қизимиз эса Югославияда ўтказилган Халқаро мусиқий танловнинг ғолибаси бўлиб , ўзининг нурли келажагини таъминлай олди десам адашмайман. Агар эришган ютуқларингизни бирма- бир санаб чиқсам вақт етмайди . Қолган ўқувчиларнинг ҳам билим сифатлари ва эришган натижалари яхшигина тош босишини айтмасам ҳам биласиз...

Сизларга таълим , тарбия берган бир гуруҳ ўқитувчилар меҳнатларига яраша муносиб тақдирланишга тавсия этилдилар.

Мен ҳозир фурсатдан фойдаланиб сизларга шу сўзларни айтмоқчиман. Мен сизлар билан фахрланаман. Мен сизларни ҳар бирингизни яхши кўраман...Барчангиз мен учун ўз боламдек азизсиз ...

Зални гулдирос қарсак босиб кетди. Битирувчилар ўрниларидан турганча тўхтамай қарсак чалар эдилар.

Шариф ака уларни ўз ҳолига қўйди. Сабаби ўзининг ҳаяжони ҳам уларникидан кам эмас эди .

Орадан бир мунча муддат ўтгач Шариф ака қўли билан яна ишора қилиб , ўқувчиларни ўз жойларига ўтиришга ундади ва сўзида давом этди :

- Ўғилларим , қизларим ... Мен кўпдан бир нарсани орзу қилиб юрган эдим. Ҳозир шу орзуимни сизлар билан бўлишмоқчиман.

Хуллас йигирма бешинчи май куни мактаб ошхонасига чиройли жой қиламиз . Мактаб ҳисобида ҳомий ташкилотлар томонидан тушган бир мунча пул маблағи бор . Мен сиздек ўқувчиларимнинг "Сўнгги қўнғироқ" тадбирини бир умр эсдан чиқармайдиган қилиб нишонлашингиз учун ... Авваламбор биринчи ўринда ўша куни мактабга ҳар бирингизнинг ота- онангизни алоҳида таклиф қиламан. Улар ҳам ўз фарзандларининг ютуқларидан кўксилари фахрга тўлсин , нима дедингиз ?

Ўқувчилар ҳеч нима демадилар. Ўз муносабатларини қарсак чалиш орқали изҳор қилдилар .

Шариф ака сўзида давом этди :

- Хуллас , дастурхон ва байрам оши биздан ... Шунингдек , даврага файз берувчи ансамбл ва санъаткорлар ҳам .

Ўша кунни серфайз ва сермазмун ўтказиш эса сизга тан.

Сўнгра бор кучимиз ва бирдамлигимизни кўрсатиб битирув имтиҳонларидан ўтиб олсак бўлди. Аммо мен бу борада ҳам сизлардан кўнглим тўқ ...

Менинг бор гапим шу эди . Саволлар бўлса марҳамат .

\* \* \*

Хаш - паш дегунча бир hafta ўтиб кутилган кун ҳам етиб келди .

Табриклар... , табриклар ... Изҳорлар... Кўз ёшлари ... Табассум ...

Бари- барини ўз ичига сиғдира олган тадбир эди бу ...

Куннинг иккинчи ярмида мактабда ўқитувчилар, битирувчилар ва ота- оналар қолдилар . Уларнинг бир- бирига айтадиган гаплари ҳеч тугамас эди .

Бир пайт йиғилганлар жим бўлиб қолишди . Санъаткорлар орасида қўл ида микрофон билан Фозил турар эди.

У кўп гапирмади :

- Мен , тўғрироғи биз сизларга ўз дил сўзларимизни қуйидаги қўшиқ ва рақс орқали ифода этиб бермоқчимиз .

Фозил ўтирганлар орасидан Суюмани кўзлари билан излаб топди :

- Суюма даврага !

Суюма ҳеч нарсага тушунмай талмовсираб қолди. Яхшики дугоналари бор . Улар Суюмани секингина туртиб даврага тушуриб юбордилар .

Суюма у ерда ҳам то қўшиқ ижро этилмагунча кўзларини катта - катта очганча ҳайратда туриб қолди. Аммо бу ҳолат тез ўтиб кетди. Даврага мусиқа садолари таралди ва Фозилнинг дардли нолалари унга жўр бўлди.

Фозилнинг куйлаши барча учун катта янгилик эди . Суюма учун ҳам . Фозил мумтоз қўшиқ эмас, балки жуда маҳзун қўшиқ куйлай бошлади. У барча бирдек яхши кўрадиган машҳур ҳофиз йигитнинг қўшиғи эди . Суюма авваллари ҳеч ҳам бундай қўшиққа рақс тушмаган эди. Аммо бу сафар ... Фозилнинг овозидаги дард беихтиёр Суюмани хиром айлашга мажбур қилгандек эди гўё...

Тун кечалар кўкда ҳилол кулиб турар,  
Ҳилолмисан, ҳилолдайин кулмайсанми?  
Сен кулмасанг бошгинамга осмон қулар,



Сени қандай эъзозлашим билмайсанми?

Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ?

Сени қандай эъзозлашим билмайсанми?

Менсиз хатто дунёларга сиғмайсанми?

Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ?

Қўшиқ ва рақс тугади. Аммо даврадагиларга у шунчалик таъсир қилган эдики...

Деярли ҳаммани кайфияти йиғига мойил бўлиб кетганди .

Аммо Суюма жойига ўтирганда ҳам саҳнани тарк этмаган Фозил барча ни юзига табассум улашиб юборди . У директор ўринбосари Жўра акага қара б сўзлай бошлади :

- Устоз , бугунги байрамдан фойдаланиб сизга кўнглимдагиларни айтиб олсам девдим. Шу мактабда ўқибманки, ҳеч кимдан сиздан қўрққанчалик қўрқмабман- а ?! Иккинчи синфда ўқиётганимизда мактаб боғидан ярим чала пишган б еҳидан ўғрилаб еганимизда, ўша ўғри кечаси ухлаганда юзи қоп- қора бўлиб кетади десангиз , қўрққанимдан ухламай чиқибман ?! Эртасига муштдеккина юрагим буни кўтаролмай иссиғим кўтарилиб кетганини қўяверасиз энди ( барча гуриллаб кулиб юборди) , аммо шу бўйи ҳеч кимнинг нарсасига бесўроқ тегмайдиган бўлдим.

Кейин еттинчи синфда Тўрани , Комилни , яна анча болаларни сочини қоқ ўртасидан қирқиб ташлаганингизда , ўзингизни учинчи синфда ўқийдиган ўғлингиз Сардорни сочини шунақа қилиб олиб ташлаш учун қанча режа тузганларим биргина ўзимга аён ( кулги) .

Хуллас , мундай бошимда йўқ дўппимни ерга олиб қўйиб ўйлаб кўрсам , мактабда энг кўп сиздан кечирим сўраш учун қарздор эканман . Устоз , хуллас мени хуфёна ва амалга ошмаган режаларим учун кечирсангиз. Мактабни ёруғ юз ва тоза юрак билан тарк этсам деган эдим ...

Жўра ака ўрнидан туриб Фозилни ёнига келди . Бир сўз демай уни бағрига босди. Анча шу алфозда турди . Сўнг кўзини секингина артиб Фозилни қўлидаги микрофонга қарата гапирди:

- Болам, болаларим . Мен ҳаммангларни яхши кўрганман ва яхши кўриб қоламан. Биламан ўн бир йил давомида қай бириларнидир кўнглингизни оғритган им рост . Аммо буларнинг бари азбаройи сизларни фойдангизни ўйлаганимдан энди ...( Жўра аканинг овози титрай бошлади) Болаларим сиз ҳам мени...

Ўқувчилар Жўра акани бошқа гапиртиришга қўйишмади...

Улар бор овозлари билан "Жўра ака , сизни жуда яхши кўрамыз " дея бақаришар эди

Жўра ака жойига ўтиргач , Фозил яна сўз навбатини санъаткорларга бер

мади . Аслини олганда даврага файз улашаётган санъаткор йигитлар ҳам шу мактабни анча йиллар аввал битириб кетган собиқ ўқувчилар эди. Улар устозлар ва мактаб ўқувчилари орасида ўз ўқувчилик дамларини хотирлаб бажони дил диллашишга киришиб кетган эдилар.

Фозил эса даврани борган сари қиздиргани қиздирган эди .

- Мен кечирим сўрашим керак бўлган устоз ва синфдошларим рўйхати ҳалигача тугагани йўқ. Навбати билан улардан узр сўраб чиқаман. Ҳозир синфдошларим Фозил ҳойнаҳой Ёрқиндан узр сўраса керак деб ўйлашаётгандир . Албатта , Ёрқин синфдошлар рўйхатида биринчи ўринда турибди . Аммо бу дегани мен Ёрқиндан ҳаммани олдида узр сўрайман деганим эмас. Минг бор узр, мен унга бир умр " Фозил мендан салкам уч юз киши ёнида узр сўраган " деб набираларининг ёнида мақтаниб юриш имконини беролмайман. ( Фозил кўзини қисиб қўйди) . Лекин яккама - якка қолганда бу ишни бемалол уддасидан чиқа оламан.

Биласизларми, шу пайтда ақлим бир нималар деб шивирлаб қолса дег. Унинг айтиши бўйича мен Ёрқиндан умуман кечирим сўрамасам ҳам бўлар экан. Сабаби Ёрқин мен туфайли бозори чаққон , тренддаги йигит бўлибди. ( Фозил шундай дейиши билан "В" чилар қарсак чалиб юборишди) . Ҳа майли , болапақир мени давримда бир яйраса яйрабди- да.

Фозил ўзини жиддийликка солган бўлди :

-Қадрли ўқувчилар ! Имкониятдан фойдаланиб қайси бирингиз устозимизларимизга дил истакларингиз бўлса , даврамизнинг тўри сизники . Сизлар ўйлаб тургунингизча , мен ўртага бир таклиф киритмоқчи эдим. Биласизми , мен фильмларда кўрганман , китобларда ўқиганман . Мактаб битирувчилари охириги тадбирларида барчалари биргаликда қуёшни, яъни тонг отишини кутиб олишар экан. Тўғри пойтахтда кенг тепаликлар йўқ , аммо файзли мактаб боғимиз бор. Мен ҳамма битирувчилар номидан бир эркалик қилиб сўрамоқчи эдим . Мана ҳаммамизнинг ота- онамиз ҳам шу ердалар . Илтимос , бизга бу гун тонггача мактабда , ўн бир йиллик уйимизда қолишимизга руҳсат берсангиз . Албатта ёлғиз қолмаймиз , истовчилар бўлса жон деб қабул қилардик .

Шариф аканинг дили юмшаб турган пайтига тўғри келган эди бу таклиф. Шариф аканинг тантилиги тутиб турган вақтига тўғри келган эди бу таклиф. У узоқ ўйлаб ўтирмади. Шартта :

- Бўлди , ҳисоб !- деди-ю Жўра акага қаради. Жўра ака барига ўзи масъул қилинганлигини зийраклик билан илғади. Табассум билан қўлини кўксига қўйди. Ўқувчилар сафига яна ўн чоғли ўқитувчилар , тахминан шунча ота - оналар қўшилдилар . Бошқа ота- оналар эса фарзандларига руҳсат беришдан бошқа илож топа олмадилар.

Битирув кечасининг субҳидами мактабда кутиб олинадиган бўлди.

Кечки оқшом борлиққа чўкканида ўқувчилар мактаб боғида чиройли жой ҳозирлаб бўлган эдилар.

Суюма ҳам онаси мактабда қолишга руҳсат берганлиги учун жуда бахтиёр эди . У мактаб ошхонасида ликобчаларни ювиб турар экан ёнига Фозил яқинлашганини сезмай қолди .

- Суюма ...

- Вооой , чўчитвординг ...

Суюма Фозилга "тинчликми" деган маънода қаради :

- Ҳа , менда ишинг бормиди ?

- Суюма , она тилидан ва адабиёт фанидан имтиҳон иншоси учун эркин мавзуда бир икки нарсани танлагандим. Шунинг режасини кўриб бера оласанми ?

Фозил Суюмадан розилик кутиб ўтирмай , унга бир парча қоғоз тутди- ю , секин бурилиб кетар экан кўзини қисди :

- Бошқаларга кўрсатма . Кўчириб олишмасин ...

Суюма Фозилнинг ортидан ҳайрон боқди . Қўлини сочиққа артганча, атрофга бир қараб олди- ю , шошилиб қоғозни очди:

Сени қандай эъзозлашим билмайсанми ?

Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ?

Суюма Фозилнинг бу ...

мактубидан борлик- йўқлик ҳолатига тушди. У мактубни кафтида буклаб чанга ллаганча дуч келган бўш хонага ўзини урди . Суюма кирган синф она тили ва адабиёт хонаси экан. Буни анча вақт ўтгандан сўнггина англади. Суюма кафтини чўғдек куйдираётган қоғозни очиб ундаги сўзларни қайта - қайта ўқиди. Унинг юраги шу қадар ўйнаб кетган эдики, гўёки юрак дупирини бутун дунё эшитаётгандек эди.

Суюма шу алфозда қанча ўтиганини билмади. Бирдан хаёлига "Бу ёзувлар балки шунчаки хазил ёки кайфиятни кўтариш учун ёзилган бўлса- чи ? Менинг ўзим ундан бундай сўзларни эшитишни хоҳлаганим учун барини шундай қабул қилаётган бўлсам-чи ? Ахир хазилкашлик бўйича мактабда Фозилнинг олдида тушадигани йўқ-ку ?!" деган савол келиб қолди . Аммо кўнгли...

"Йўқ , Суюма , йўқ ! Мен сени ҳеч қачон алдамайман ! Фозил ҳақиқатдан ҳам сени ..." дер эди ...

Синф хонасинини эшиги секин очилди.

- Суюмаааа ...

Эшик олдида синфдоши Наима турарди.

Суюма хона чироғини ёқмаган бўлса ҳам ховлидан тушаётган электр н

урлари уни кундек равшан қилиб турарди.

- Суюмааа , бу ерда ёлғиз ўзинг нима қиляпсан ? Тинчликми ?! Ё мазанг қоч дими ?

Наима Суюмага яқинлашиб ташвишли тикилди.

Суюма қўлидаги қоғозни оҳиста кафтларига яширди :

- Кел , Наи . Ўтир. Мен яхшиман. Аммо негадир шу вақтда юрагим жуда тош иб кетди. Шунча йиллик мактаб , синфдошлар. Авваллари "Қачон мактабни битираман- у , қачон олийгоҳга ҳужжат топширар эканман " дердим. Аммо ҳозир ... Ҳамма, ҳаммаси юракка шунчалар яқинлигини билмаган эканман ... Очиғи, тан олиб айтганда, мактабни битириш жудаям алам қиляпти... Шунга бироз ҳоли қолгим , йиғлагим келувди...

- Суюма , шунинг ҳам учун боққа юр . Шу кунларимиз хадемай ширин хотирага айланади. Эсланингда битта ўзинг сиқилиб шу хонада ўтирган вақтингни эмас, боғда барча билан шодон яйраганингни эслашинг учун кетдик. У ерда Фозил роса томоша кўрсатапти. Азизага ё мени танла, ё Қуёшни деб ҳамма ни кулдириб ўтирибди .

Суюма хўрсинди :

- Ҳа бунақа гаплар фақат Фозилдан чиқади...

- Суюма, Фозил ҳамма нарсага улгуради . У мени четга имлаб "Бор хабар олчи , раққосамизни биров ўғирлаб кетмадими ? Мени таклифим билан шу ерда қолган эди. Биласан- ку , адасини жажли ёмонлигини " деб шу ерга жўнатди.

Суюманинг кўнгли ёришиб кетди : "Фозил ундан хавотир олаяпти , демак..."

Суюма бир зумда очилди . У хушнуд кайфият билан ўрнидан дик этиб турди:

- Юр , Наи . Тўғри айтасан . Бу оқшом бошқа ҳеч қачон қайтиб келмайди . Шунинг учун кетдик ...

Суюма Наима билан боққа келишганда байрам авжида эди ...

Кечки пайтгача келган санъаткорлар ҳам кетишмабди.

Улар "Эртага якшанба - дам олиш куни , биз ҳам бир яйрасак " яйрабмиз- да " дейишган эмиш . Хуллас байрам байрамдек ўтаётган эди .

Узоқдан Суюмани кўрган Фозилнинг кўнгли жойига тушган эди . У "Суюмани хафа қилиб қўйдим шекилли" деган ўйда ич- этини ея бошлаган эди.

Аммо Суюма ҳақида ўйлаётган биргина у эмас эди. Суюмага неча йилла

рдан буён ошиқ талабгорлардан яна бири синфдош йигитлардан бир Рамзиддин эди. Рамзиддин "ўта иқтидорли" битирувчилардан бири эди . Республика фан олимпиадасининг ғолиби ҳам , аллақачон "институт паттасини" қўлга киритган ҳам , шу бугун Суюмага дилидагиларни айтишни ният қилиб қўйган ҳам унинг ўзи эди .

Ҳаёт ажойиб-да. Бўлмаса Рамзиддин сал аввал ўз севгисини Суюмага изҳор қилиш учун Фозилдан ёрдам сўрарми эди . Бу илтимос Фозилни шунчалик гангитиб қўйди-ки ... Қани энди оғайнисига "У қиз мени ҳам шунчалик ақл- у ҳушимдан жудо қилиб қўйган" деб айта олса ...

Рамзиддин узоқдан Суюма кўриниши билан Фозилни имлади "Ёрдам бер". Фозил "хўп" деган каби бошини силкиди , аммо дили қаттиқ ўртаниб кетаётган эди.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора бўлиб турган вақтда Рамзиддин билан Фозил Суюмани бир чеккада гапга тутта бошлашди:

- Ҳа , дадасини жонии бўлган қиз , кўринмай қолдингиз.

Суюма нима учундир кўзлари аланг- жаланг бўлиб турган Рамзиддинга боққанча Фозилнинг сўроғига жавоб берди :

- Ўзим шундоқ ... Юрибман...

- Суюма , Рамзиддиннинг сенда гапи бор экан. Шахсий.

Суюма Фозилнинг бу муомаласига тушунмади. Ҳайрати ортди. Рамзиддинга қараб алланималарни англагандек бўлди. Аммо Фозилдан хафа бўлди . Ахир Фозил эмасмиди , сал аввал Суюмани салкам осмонга олиб чиқиб қўйган, юлдузлар орасидаги танҳо малика ойга тенглаштирган. Суюманинг хўрлиги келиб кетди. Шу билан бирга шунчалик аччиғи чиқди- ки . Ана шу аччиқ алам Суюмага бир олам шаддодлик ҳадя қилиб юборди :

- Эшитаман. Қани қайси биринг гапирасан?!

Рамзиддин жуда билимдон йигит бўлгани билан гапга йўқ эди . У Фозилга "Яхшилик қилсанг бутун қил" деган мазмунда имлади. Фозил кўзлари алла нечук ёнган ҳолда гапга тушди :

- Суюма шу десанг элчига ўлим йўқ деган гап бор қадимдан . Мана Рамз. Не ччи йиллик синфдошинг . Хмм , у "Агар мумкин бўлса Суюма билан мактабдан кейин ҳам дўстлигимиз давом этса эди" демоқчи экан.

Суюманинг ростманасига жаҳли чиқди:

- Фозил , дўстлик мактаб бошланса бошланиб, тугаса тугайдиган нарса эканми ? Шу саволларингни ўзиданоқ ҳафсалам пир бўлиб кетди.

Фозил бошини қашиган бўлиб Суюмага жавоб қидирарди :

- Суюма , сен тушунмадинг. Рамз шу ҳаёт йўлларимиз битта бўлса деяптувдиде. Бўлмаса ...

- Нима бўлмаса ?!

Суюма чирсиллаб савол ташлади.

Рамзиддин ҳам ўртага тушгиси келди, ахир бу гап- сўзлар ўзининг орзу- ниятларига тааллуқлику ?!...

- Бўлмаса , сени отда олиб қочиб кетаман...

Суюма Рамзиддин от миниб келиб ўзини олиб қочиб кетиш саҳнасини тасаввур қилди- ю , беихтиёр баланд овозда кулиб юборди. Унинг кулгисини боғдаги шовқин ютиб юборди .

Рамзиддин Суюмага анграйиб тикилди . Сўнг аламли овозда савол йўл лади :

- Нимага куласан ?!

Суюма унга кулгиси таҳқирлаш ўрнида таъсир қилганини билиб , самий оҳангда тушунтириш берди:

- Рамзиддин , хафа бўлмагин. Шунчаки пойтахт жойда отни қаердан оласан деб ҳайрон бўлдим. Тасаввуримга сиғдирилмадим.

- Менинг амакимни шаҳардан ташқарида дала ҳовлилари бор . Отлари ҳам . Рамзга отни мен олиб келиб бераман.

Суюма Фозилга қаради. У Фозилнинг кўзларида чексиз изтироб ва ... ўзини кўрди. Юраги тезлашиб кетди . У Фозилга тикилган куйи :

- От сеники бўлса сен билан қочиб кетаман. Мен бир одамни отида иккинчи си билан қочмайман. От кимники бўлса ... Ўша билан...,- деди-ю, боя Фозил берган қоғоз парчасини Фозилнинг қўлига тутди, сўнг шарт ортига бурилиб шаҳдам қадамлар билан синфдошларининг ёнига йўл олди.

Рамзиддин нималарнидир англагандек бўлди.У Суюманинг ортидан тикилиб қолган Фозилнинг кўзларидан иккалаларининг ўрталарида синфдошликдан кўра бошқачароқ туйғу бор эканлигини ҳис қила бошлаган эди .

Рамзиддин Суюманинг узатган қоғозини Фозилнинг қўлидан шарт юлиқиб олди . Аммо Фозил нима учундир Рамзиддин кутганидек қоғозга отилмади , балки уни бемалол ўқишига қўйиб берди .

Рамзиддин ундаги сўзларни овоз чиқариб ўқиди:

Сени қандай эъзозлашим билмайсанми ?

Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ?

Рамзиддин ёзув Фозилга тегишли эканлигини таниган эди. У яна Суюма Фозил учун ... ким эканлигини ҳам тушунган эди.

Рамзиддин бир муддат бошини эгганича сукут сақлади, сўнг қаддини ростлади . У ўнг қўлини Фозилнинг елкасига ташлади. Кўнглидаги сўзларини кичик ва мазмунли иборага жойлаштиришга ҳаракат қилган бўлди . У ўзи истганидек кўп гап гапирмади . Аммо ўз ҳисларини икки оғиз сўзда ифода эта олди:

- Фақат ғалаба !

Рамзиддин секин мактабнинг чиқиш эшиги томонга қараб йўл олди. Унинг уйи мактабнинг шундоққина ёнгинасида эди . Озгина юргандан кейин ўзига боқиб турган Фозилга қўл силтади :

- Ўртоқ, тонгда қайтиб чиқаман . Субҳидамни бирга кутамиз

Энди қоврилиш гали Фозилга келган эди. У Суюманинг яқиндагина сўзлаган сўзларига қай маъно беришни билма олмай гаранг эди. "Ёмон қиз! - ўйлар эди Фозил , - ўзим қўйган тузоққа ўзимни тушириб кетди- я ! Буни пичоқсиз сўйиш деса ҳам бўлади. Йўқ , мен бу ишни шундай қолдира олмайман! Шу бугун барча саволларга жавоб олмасам бўлмайди. Ээээ ! Кунига минг ўлгандан , бирйўла битта ўлганим яхши".

Фозил шуларни ўйлаганча даврага бориб қўшилди. Аммо иложи борида Суюма билан алоҳида гаплашиб олиш учун пайт пойлай бошлади. Қулай фурсат келиши билан Суюмага савол ташлади:

- Суюма , менга телефон рақаминингни бера оласанми ?!

Шу вақтгача Шариф ака мактабда телефон тутишни , интернетга киришни ман қилиб қўйган эди. Аммо ёшлик - бебошлик. "В" чилар ҳам виртуал оламга аллақачон уланишган, ўзларини қизиқтирган канал ва гуруҳларга аъзо бўлишгани каби "синфдошлар" гуруҳларини ҳам жонлантиришган эди. Не ажабки , ҳар соҳада илғор синфдошлар бу соҳада "иккичи" эдилар. Кунига олти, етти соат вақтлари бирга ўтадиган синфдошлар учун яна тармоқда бир- бирлар билан вақт ўтказиш ножиоздек туюлар эди. Бу фаолиятлари мактабдан ташқари бўлганлиги учунми , улар бу таҳлит муносабатларга унчалик фаол киришиб кетмаган ҳам эдилар. Ҳаттоки уч, тўрт нафар қизда шахсий телефон , наинки телефон, балки унга эга бўлиш иштиёқи ҳам йўқ эди. Улардан бири Суюма эди

- Мени шахсий телефоним йўқ , билмасмидинг ?

Суюманинг саволига Фозил дарҳол жавоб берди:

- Билар эдим , аммо олганмикансан деб ўйловдим-да.

- Бекор ундай ўйлабсан . Олганим йўқ . Аммо режамда бор. Худо ҳоҳласа ун  
иверситетга кирсам , дадамларга зўридан олдираман.

- Унгача мен нима қиламан ?!

- Тушунмадим ?!

- Мактаб тугаганидан кейин ҳозиргидек кунда кунора учраша олмаймиз. Бир  
биримиздан хабардор бўлиб турмасак...

Сўзамол Фозил шу ерга келганда чайналди .

- Нима бўлибди , хабардор бўлиб турмасак ?!

Суюма шунчалик дадиллик ўзига қаердан келганига ҳайрон эди.

- Ҳеч нима дердим- у , аммо ...

- Нима аммо ?!

- Соғинч ёмон нарсa деб бўлмайди- ю , лекин ... Соғиниб яшаш , дунёда соғ  
инадиган инсонинг борлиги бахт эканлигини биламан , аммо хавотир олиш д  
еган туйғу билан ҳеч чиқиша олмайман- да .

Суюма , сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ?!

Суюма нима дейишни билмас эди . Унинг "ҳа" дейишига қизлик ҳаёси  
йўл қўймас, "йўқ" деса Фозилдан бир умрга ажралиб қоладиганга ўхшар эди .

- Суюма , жавоб кутаяпман...

- Билмасам...

- Нимани билмайсан ?! Билишинг шунчалик қийинми ?!

- Билмасам ...

- Сен билмасанг мен биламан...



- Нимани биласан ?

- Кўп нарсани?!

- Масалан ?!

- Масалан , эрталаб уйқудан кўз очганимда кўз ўнгимга келадиган биринчи и нсон кимлигини, кейин кун бўйи ишдан қолдириб хаёлларимни ўғрилайдиганн и ҳам , уйқуга кетаётиб хаёлан суҳбат қургувчимни, у ҳақида бемалол ўйлаши м учун анча вақт ухламасликка ҳаракат қилгувчимни, тушларимда ҳар куни б ирга юришни сўрагувчимни ... Барини, барини ...

- Вой улар шунчалик кўпми ?!

Фозил тунги шаббада таъсирида зулфлари юзини эркалаётган Суюмага дардли тикилди :

- Ҳа ... Менинг хаёлимни бир неча гўзал эгаллаган. Улар ҳар қадамимда , ҳар бир ютум ҳавода , ҳар бир киприк қоқишимда , ҳар кўзимнинг очилиб ёпил ишида, умуман олиб айтганда эса бу дунёда яшамоғимнинг ҳар бир шартида.

Суюма улар кўп эмас. У битта- ю битта , танҳо гўзал . Фақат хаёлларимда баъзан қувноқ, баъзан маъюс, баъзан заковатли , баъзан эса сирли бўлиб гавд аланади.

Суюма Фозилни гапини бўлди:

- Фозил ...

- Нима дейсан ?!

- Унга ҳавасим келаяпти... Сен учун биров шунчалик қадрли бўлиши қанчалар бахт . Очиғи сен уни шунчалар таърифладингки ...

Менимча мен эмас, сен журналистикага киришинг керак. Ўйлаб қарасам мен олимпиадада катта натижаларни қўлга киритган бўлсам- да, ҳеч қачон бундай ёза олмаганман...

Кел , икковимиз университетга бирга хужжат топширамиз ...

- Йўғей, Суюма. Нималар деяпсан. Мендан журналист чиқмайди. Мен тавакка лига автомобил йўллари институтига топширмоқчиман хужжатларимни. Билсанг темир- терсак жон- у дилим. Аммо имтиҳон учун умуман тайёргарлик кўра ётганим йўқ. "Девонани ишини худо ўнглабди" дейишади-ку , ажабмас "Оллоҳ ол қулим" деб юборса...

Суюма Фозилга қараб кўнгли бузилиб кетди. "Бояқиш, қаердан ҳам тайёр лансин . Дарслардан сўнг ярим кечагача устахонада ишласа"

- Фозил , сени ўқишга кириб олишинг учун дуо қиламан . Сен учун қўлимдан келгани шу. Аммо чин юракдан бўлади дуоларим...

- Суюма, битта нарса сўрасам жавоб берасанми ...

Суюмани юраги яна ўйнай бошлади:

- Билмасам...

- Яна билмасам дейди- я . Билмасамлаб , жонимни олдинг бугун ...

- Билмаганимни билмасам дейман-да , Фозил . Майли сўраб кўрчи ?! Балки б иларман .

- Суюма , боя... Ростини айтингми ? Мен билан ҳақиқатдан ҳам қочиб кета о ласанми ?!

- Йўқ !

- Аааа , нимага ?!

Фозил зумда бўшашиб қолди .

- Сен , бир қизни эрта- ю кеч ўйлар экансан- у , мен сен билан қочиб кетарк анманми ? Ўша билан кетавер . Сен бу сўровингни ўша қиздан сўра

Суюма кетмоқчи бўлиб олдинга интилди.

Фозил унга йўл бермади :

- Тўхта , сени айтганингни қиламан . Ўша қиздан сўрайман. Суюма , сен мен билан кетармидинг? Ўша қиз сенсан ...

- Фозил ...

- Жавоб бериш шунчалик қийинми ? Ё ҳа , ё йўқ !

- Айтмайман !

- Нега ?!

- ...

- Суюма , Фозил ! Келинлар ! Торт кесдик , қаҳва ҳам тайёр .

Барнонинг чақириб қолгани Суюма учун айти муддао бўлди .  
У "ҳозир" деди- ю , Фозилга "кетдик" деганча синфдошлари тамон юриб кетди.

Фозил Суюмадан сўнги саволига жавоб ололмаган бўлса-да , аммо бугунги кечадан рози эди. У шундоқ ҳам етарлича жавобларга эга бўлганди.

Фозил Суюманинг ортидан ҳушнуд ҳолда йўлга тушар экан, узоқдан тонг ёришиб келаётганлигига кўзи тушди ...

Бу Фозил ва Суюманинг ҳаётида туб бурилиш ясай бошлаган илк тонг эди...

\* \* \*

Кўп ўтмай битирув имтиҳонлари бошланди. Ҳар бир битирув имтиҳонлари ўзгача ҳаяжон билан қарши олинарди . Суюмага ўқитувчилар ўз фанлари бўйича ўтказилаётган имтиҳонларда уларни ортиқча қийнамаётгандек, балки аксинча қўллаб - қувватлаётганлек туюлар эди. Ҳақиқатдан ҳам шундай эди. Ахир улар ҳар бир ўқувчининг билим салоҳиятини аллақачон чамалаб бўлишган ва шунга яраша муносиб баҳоларини қўйиб беришга тайёр эдилар.

Мана сўнги имтиҳон ҳам тугади. Барча ўқувчилар ўзлари топширган ишларидан қониққан эдилар. Улар сўнги имтиҳон бўлганлиги учунми, ё битирув имтиҳони юкидан қутулганларигами қандайдир чарчагандек кайфиятда эдилар. Шунинг учун барча синфдошлар шаҳодатнома олинadиган куни учрашишга келишиб ҳайрлашдилар.

Суюма қўлидаги кичиккина сумкачасини қўлтиқлаб йўлга тушди. Июнь ойи бўлганлиги учун ҳаво яхшигина иссиқ эди. Суюма ўз хонасига кириб ўрнига бир оз чўзилиб олишни мўжаллади. У хонасига кириб сумкачасини ўзи дарс қиладиган столни устига ташлади. Нима учундир сумкадан тақ этган овоз эшитилди . Суюма ҳайрон бўлди, чунки сумкачасида бир икки дафтари ва ручкадан бошқа ҳеч нарса йўқ эди- да...

Суюма сумкачасини дарҳол қўлга олди- ю, ичини титкилашга тушди . Ундан унча катта бўлмаган юпқа мўъжазгина телефон турарди. Суюманинг ҳайрати бадтар ортди. У телефонни дарҳол ёқиб кўрди. Экранда Суюманинг ён тарафдан олинган чиройли сурати турар , овозсиз режимга тартибга қўйилган экан. Суюма Фозил деб ёзилган ягона рақамдан уч маротаба қабул қилинмаган қўнғироқ бўлганлигини кўрди. Суюма бу рақам интернет тармоғига улангани йўқлигини қизиқиб текшириб кўрди . Қараса , барчаси рисоладагидек . Суюма онлайн режимига ўтгач , Фозил деб ёзилган профилдан унга хабар кели

б тушди:

- Салом Суюма . Беадаблигим учун кечир . Жаҳлинг чиқмади деб умид қиламан. Амаким сенга янги телефон олиб бергунларига қадар шу телефонни ишлатиб турарсан. Фозилдан қарздор бўлиб қолдим деб юрагингни ҳовучламасанг ҳам бўлади, сабаби телефон кўриб турганингдагидек янги эмас. Тагин нотўғри хаёлларга борма . Менга институтга киришимга тил- адабиётдан ёрдам беришинг учун бу аппарат . Бор гап шу. Эсимга яна нималардир тушса яна ёз аман...

Суюма Фозилдан келган хабарни ўқир экан жилмайди : "Шум" ...

Суюма телефонни ўчириб столнинг тортмасига солиб қўйди. Сўнгра деярли хонасига қадам босмайдиган укасини худди телефонни топиб оладигандек, тортмани қайта очиб телефонни бояги сумкачасига яхшилаб ўраб солди ва қайтадан тортмага жойлади.

Суюма бироз дам олгач кун асрга яқинлашган чоғ хонасидан чиқди . Онаси Шахло опа банкаларга компот ёпиш ҳаракатида экан. Дадаси чиройли бош озор қилиб келибди . Она - бола турли меваларни компот қилиб ёпишгунларича анча вақт кетиб қолди. Орада кечки овқат деганларидек.

Суюма бугун анча толиқиб қолибди. У кечки ўнларга яқин хонасига кирди- ю , ўзини ётоққа отди. Суюманинг азалдан бир ухлаб, сўнг туриб дарс қиладиган одати бор эди. Кўпинча ярим кечаси тунги соат ўн икки , бирлардан бошлаб тонг сахаргача шуғулланар эди. Бугун ҳам ўзи одатига кўра ярим кечаси уйқудан тетик ҳолда уйғонди. Ташқарида юз - қўлини ювиб келгач , дарс қилиш учун столига ўтирди. Шундагина бояги телефон ёдига тушди . Беихтиёр уни беркитган жойидан олиб тармоққа уланди. Фозил ҳам "ёқик" экан . Худди Суюмани кутиб тургандек дархол хабар жўнатди :

- Ўйлайманки , адасини эркаси мендан хафа бўлмаган.

Суюма "Жинни" деб ёзди ва хабарни жўнатиб юборди. Аммо хабар бориб тушиши билан дарров ўчириб ташлади.

Аммо Фозил уни ўқиб улгурибди:

- Нима десанг ҳам розиман , фақат бир қошиқ қонимдан кечсанг бўлгани .

Суюма ширин энтиқди :

- Майли, кўнглим бўш , шунинг учун кечдим ўша бир қошиқ қонингдан.

Суюма Фозилнинг ўзига нуқталарни жимирлатиб жавоб ёзаётганига тикилиб тураркан, кўп куттирмай хабарни қабул қилиб олди :

- Кўнглинг фақат менга нисбатан бўш бўлсин , қолганларга нисбатан ҳам шундай бўлса ... адо бўламан...

Шу куни Суюма дарс қилмади, тўғрироғи қила олмади .

Фозил ҳали ҳазил аралаш , ҳали беҳазил кўнглида йиғилган бор ҳисларини тўкиб солди ...

Суюма ҳам бўш келмади:

- Фозил , машҳур фильмда "Концерваторияга кириш учун консерва заводида тайёргарлик кўрган қиз"ни куни бошимга келяптими ? Сен мендан она тилидан консултация олмақчимасмидинг ?

Фозилдан тезда жавоб келақолди :

- Албатта . Мана бугун дарснинг дастлабки "кириш" қисмини бошладик . Мазмунли сабоқ учун раҳмат ...

- Менгами ?!

- Ўзимга ...

Суюма жилмайганча тармоқдан узилди ...

\* \* \*

Хаш- паш дегунча битирувчилар шаҳодатномаларини қўлларига олишди . Энди барчаларини хаёлларини битта ўй банд қилган эди: "Институт !"

Суюма энди уйда қолганлиги учун кун давомидаги кўп вақтини институтга кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўришга ажратган эди. Дадаси Йўлдош ака ойисига : "Суюма яхшилаб тайёрлансин . Мен ҳам ҳар дуоимда қизимни бахтини, омадини сўраяпман . Укаси Жалолиддин ҳам мусиқа қўйиб дарс тайёрлашига ҳалақит бермасин. Ҳар қанча байрам Суюма талаба бўлди деган хабарни эшитганимиздан кейин бўлади , тушундиларингми ? " деб қатъий сўзини айтиб қўйган эди.

Суюманинг кун бўйи дарс қилар , кечалари эса ўқиганларини Фозил билан такрорлар эди. Фозил мактаб пайтида дарсда жавоб бермагани , фанлардан қаторасига уч олгани билан , ўзи фанларни анчагина яхши ўзлаштирган экан. Суюма Фозил ўқиган ва эшитганларини шунчалик яхши қабул қилишига ўзи ҳам кўп ҳайрон бўлар эди .

Улар бугун тармоққа уланишлари билан бир бирларидан суюнчи олишга ҳаракат қилишди. Икковлари бир кунда ўзлари танлаган йўналиш бўйича ў

қишга ҳужжат топширишибди.

Суюманинг "суюнчи бер" деган хабарига Фозил тармоқ орқали бир сава т гулни суратини жўнатган бўлса , Суюма уни табриклаш учун "Шу машина сенга ярашади " дея қоп- қора чет эл машинасини суратини юборди. Шу таҳлит улар анча вақт совға улашиб ўзларини ўзлари ҳурсанд қилиш билан овора бўлдилар ...

\* \* \*

Эртага биринчи август .

Бу кун барча абитуриентлар ва уларнинг яқинлари учун ҳаяжонга тўла бўлади. Суюма ҳам охириг икки , уч кун ичида бўлажак кириш имтиҳони тўғрисида ўйлаб , ўзини анча қийнаб қўйди. У нафақат ўзи балки Фозил учун ҳам ҳаяжонланар эди .

Бугун яна тунни билан яхши ухлай олмади. Уйқусида ҳам ҳали иншо ёзади, ҳали тест ечади . Инсон ухлаганда уйғоқлик вақтида сарф этилган кучини тиклагувчи эди. Аммо Суюма уйқудан чарчаб уйғонди.

" Уф,- ўйлади Суюма уйқудан кўз очган жойида,- қани эди бугун ухласам-у , биринчи август эмас, бир йўла иккинчи август кунни уйғонсам"

Ташқаридан Шаҳло опанинг овози келди :

- Суюма , турақол қизим . Иш бор. Тезроқ ҳаракатингни қилгин...

Суюма таажжубланди. "Тинчликмикан , онаси уни анча вақтдан буён ўз ҳолига қўйган эди- ку ?! Нима иш бор экан ?"

Суюманинг қизиқишлари устун келиб, тезда ювинди- ю, зумда ошхонада пайдо бўлди :

- Тинчликми ойижон ?! Эрталабдан нима ҳаракат ?!

Шаҳло опа супрани ёйганича унинг бир четида хамир муштлаган куйи жавоб берди :

- Қизим , Райҳон опанг касалхонага тушиб қолибди. Озроқ тоби қочибди. Ўзи ям ўласи чимтомоқда , мана аҳвол . Қони камайиб боши айланаётганмиш. Шунга кун қизиб кетмасидан бориб хабар олиб келай. Бўлақол, озроқ хоним билан нордонгина қилиб сардагини қилиб оламан-у ғизиллаб кўриб келаман...

Шаҳло опа хамирни зувала қилиб тайёрлаб бўлгач, уни яхшилаб ўраб қўйди. Суюма аллақачон картошка - пиёз артишга тушган эди.

Шаҳло опа қўлини ошхона бурчагидаги крандан ювар экан, одатига ҳилоф равишда юзига сув ишқади.

Суюма ҳайронлигини яширмади:

- Ойижон , нега юзингизга сув ...

- Билмадим эрталабдан бери ўнг кўзим билан қовоғим тўхтамай учгани учган. Кечаси билан алоқ- чалоқ тушлар кўриб чиққанганимни айтмайсанми ? Тушимга раҳматлик онам кирибдилар . Бир сўз демадилар- у , аммо тинмай хўрсиниб бошимни силайвердилар...Кўринишлари жудаям ... маъюс эдилар . Худди менг а бир нима бўладигандек...

- Ойижон , ўтакамни ўттиз қилманг. Шунақанги гапларни гапираяпсизки , кун нинг иссиғи ҳам худди совуқдек таъсир қилаяпти. Ойижон, шунча гапдан сўнг опамни кўриб келишга бир ўзингизни юбормайман. Мен ҳам бирга бораман.

- Қизим , сен ахир имтиҳонга тайёрланаяпсан- ку...

- Шунча ўқиганим етар ... Опамни ҳам соғингандим . Баҳонада бироз чалғиб келаман...

Суюма шу топда онасининг сўзларидан шу қарорга келган эди . У кейин чалик "Ўша куни яхшиям шу қарорни қабул қилганим, бўлмаса бир умр армон устига армон бўлар эди " деб кўп ўйлар эди .

\* \*

Хоним соат тўққизларга бориб тайёр бўлди. Шаҳло опа ва Суюма "Ўзимиз уйга қайтганда ермиз" дея тезда йўлга отлана қолишди.

Онасидаги жонсараклик Суюмага ҳам ўтган эди . У ҳам тезроқ опасини кўриб келса-ю , сўнгра бошқа ишларни битирсам деган хаёлда эди. Аммо ўша бошқа иш нималигини хатто ўйлаб ҳам кўрмаган эди.

Она- бола кўчалари бошидаги ёйма бозорчадан янги сарҳил мевалардан ҳам сотиб олишди. У ердаги катта-катта қип- қизил луччак шафтолининг ҳиди атрофга ёйилиб кетганди . Суюма онасини имлади: "шундан олайлик" .

Бир соатга қолмай Шаҳло опа ва Суюма касалхонанинг Райҳон ётган бўлими эшиги остонасида эдилар.

Райҳон бироз хаяллади. У оғиргина бўлиб кела солиб ўзини онаси бағрига ташлади :

- Куттириб қўйдима , ойижон. Шифокор кўриқдан ўтаказаетганди , - деди у салом берганча. Сўнг Суюмага юзланди :

- Бормисан , шакарим . Сен нимагадир роса кўз ўнгимдан ўтдинг-ей . Билмадим уч кундан буён тинмай лип у ёққа, лип бу ёққа ўтаверасан, ўтаверасан . Ўқишга киришинг ҳақида ўйлаганимга бўлса керак.

Суюма опасининг гавдасига гўёки оғирлик қилаётгандек таранг қорнига қараб юраги увишди . "Бечора опам. Шу иссиқда роса қийналаётгандир. Яна р

оса уколлар , дорилар ... Кийимларидан ҳам дори ҳиди келиб кетибди "

Суюманинг хаёлларини онасининг сўзлари бузди :

- Райҳон , ўзинг туззукмисан , болам?! Докторлар нима дейишяпти ?! Касалхонага кеча тушган экансан. Нега бир оғиз индамадинг? Яхшиям эрталаб уй телефонингга қўнғироқ қилганим.

Уччовлари касалхона файесидаги скамейкага ўтиришди .

- Ойижон , ўзи кеча асрга яқин келгандим бу ерга. Билмадим бирдан ўз- ўзи дан бошим айланиб қалтироқ тутиб қолса денг. Абдумажид акам тушликка келувдилар . Дарров тез ёрдам чақирдилар. Улар бир зумда ваҳима қилиб юборишди. Хуллас мана келган жойим шу ер бўлди.

Райҳоннинг кўзларида ёш филтиллади . Ўтирган жойида бошини онасининг елкасига қўйди. Шаҳло опа титраб кетди :

- Болам, йиғлаяпсанми ? Нима жонинг оғридими ? Қизим айтавер , ўзи кечаси билан юрагим ёмон безовта қилди. Кўзимни юмдим дегунимча, "ойижон" деб чақиравердинг. Овозинг шунчалик тиниқ эшитилдики , бир марта ўнгимда эшитдим ўйлаб , ҳозир деб дарвозагача чиқиб келибман. Ростини айт , яхшигина мазанг қочдимми?

Райҳон ҳиқиллади :

- Йўўўқ , нимагадир сизни жудаям кўргим келди. Авваллари ҳеч бунақа бўлмаганди. Сизни ёнингизда , уйимизда бўлиб қолишни шунчалик истадимки ... Ҳеч қаерим оғригани йўқ. Фақат нимагадир ҳаво етишмай қолаверди. Ўша пайтда уйимиздаги муздек айвонда бўлиб қолгим келаверди. Сизлар билан...

Айтганча , адамлар яхшимилар ?  
Жалолиддин?!

-Ҳаммалари яхши . Аданг , "Салом деб сўраб қўй, яна қизимга нима керак бўлса айтаверсин" деб юбордилар.

- Менга нима ҳам керак, ойижон. Куёвингиз ҳамма нарсани бадастир қилиб қўйган бўлсалар. Менга фақат сизлар кераксизлар.

- Опа , сиз яхши кўрган хонимни пишириб келдик . Иссиғида еб олинг .

Суюма опасига қараб қўнгли бузилиб кетганди.

- Вооой , хонимми ?!,-

Опаси маҳзун жилмайди:- Хоним- жоним.



- Райҳон, докторлар қачонга дейишаяпти? - Шаҳло опа қизига савол ташлади ўз хаёллари билан.

- Айтишларича , ҳали икки ҳафтача бор эмиш. Ҳа суюнчи берасизлар. Мақтан масам ёрилиб кетаман:

-Суюнчи сендан айлансин болам ,  
қанча десанг шунча суюнчи сеники.

Райҳон жилмайди:

- Бувиси сизнинг набирангиз , холаси сизни жиянчангиз қиз бола экан.

- Вой қандоқ яхши , умри билан, ризқи билан берсин Аллоҳим.  
Шаҳло опа берилиб дуо қилди.

-Кеча бу ерга келганимда ультратовушли текширувдан ўтказишди . Чарос оп а деган аёл текширдилар . Улар роса дилкаш аёл эканлар ." Войбўўў , қизинг изни сочлари жингалак- жингалак бўлиб ўримга келиб ётибди. Аммо асосийси бу эмас. Қизгинанинг киприклари сочидан ҳам узунееей " деб роса кулдирди лар.

Шаҳло опа , Райҳон , Суюма ўтирган жойларида хушбахт кулимсирашар эди.

Суюма :

- Опа , овқат совимасин - деди яна опасига овқат илинганича

Райҳон улар олиб келган овқатни шу ерда очақолди :

- Вуууй, буни иштахаочарлилигини .

Райҳон битта хонимни олди-да ея бошлади. Шаҳло опага Райҳонни бу иши эриш туюлди. У қизини аввал ҳеч бундай аҳволда кўрмаган эди . "Қизим бундай одатинг йўқ эди-ку! Овқатни хонага олиб кириб дастурхон устида егин, демоқчи бўлди-ю, аммо фикридан қайтди, - ҳарна егани"

Суюма ҳам шунга ўхшаш хаёлда эди : "Опам бугун бошқачароқларми ?!" .

- Ойижон , битта нарса сўрасам майлими ?

Райхон оғзидаги овқатни ютар- ютмас онасига саволли тикилди .

- Сўрайвер болам, сўрайвер ...

- Шу десангиз ...

- Айтавер ...

- Шу десангиз мен бу ердан чиққунимча Шаҳзод сизларникида туриб турса... Биласиз ойижон ишдалар , уйдаги овсиним ёш болали ўзидан ортмайди. Сиз ларникида бўлса кўнглим хотиржам бўларди- де.

Сиз бу ерга келиб овора бўлманг . Фақат Шаҳзодга қараб турсангиз бўлди и эди .

- Болам , яхши эслатдинг . Ўзим ҳам шу ҳақида ўйлаётган эдим . Буни эса сендан сўрамоқчи эдим. Шаҳзоджонни уйимизга олиб келсак майлими деб ?

Райҳон яна бошини ойисининг елкасига қўйди. Хўрсинган бўлди:

- Ойижон болам сизни қўлингизда бўлса мен бу ерда хотиржам ётаман ...

"Тавба , бу қиз бугун бошқача- я?! Ҳомиладорлиги анча қийнаб қўйди-да болам бояқишни" ўйлади Шаҳло опа юраги тўкилиб .

- Болам , даданглар ҳали ишдан қайтишда ўзлари билан олиб келадилар Шаҳзоджонни . Сен ҳеч нарсадан хавотир олма . Фақат ўзингни , соғлигингни , н абирамни соғ - саломат дунёга келтиришни ўйласанг бўлгани . Ха айтганча , докторлар нима дейишди , нега мазанг қочибди ?!

- Айтарли ҳеч гап айтишгани йўқ. "Охирги ойларда шунақа ҳолатлар бўлиб туради . Бунинг устига ёз ҳам жуда иссиқ келди , шунинг ҳам таъсири бўлган" дейишяпти .

- Нима бўлганидаям ўзингни асрагин қизим. Энди кириб дамингни ол. Биз ҳам уйга қайтайлик. Эртага худо ҳоҳласа Шаҳзоджон билан сени кўргани б ирга келамиз.

- Вой ойижон , эртага Суюманинг имтиҳони-ку.Индинга келаверинг бемалол.

- Суюма имтиҳонга борса , мен ҳам уйда ўзимни қўярга жой тополмайман. А данглар ишда , Жалолиддин ҳам Толиб амакингни дўконида ёрдамлашиб юри бди.

Суюмани имтиҳонга кузатиб , мен бу ёққа келавераман.

Шаҳло опа ўрнидан туриб Райҳонни бағрига босди .

- Ҳеч нарсани ўйлама , ҳаммаси яхши бўлади .

Суюма опасига талпинар экан эркаланди :

- Опа , дуо қилинг ўқишга кириб кетай

Лекин Райҳон Суюмани ҳайрон қолдириб унга бошқа сўзларни айта кетди :

- Ойижонимни эҳтиёт қил. Айтганларидан чиқма, -

Райҳон сўнгги сўзларни Суюмагагина эшитарли қилиб шивирлади , - болам с  
енга омонат ...

Райҳон Суюмани қучоғидан итариб жилмайди :

- Албатта дуо қиламан , синглим. Илоҳим Аллоҳ барча тилакларингни ижобат  
қилсин . Илоҳим дунёдаги энг бахтли қиз ўзинг бўлгин.

Улар ҳайрлашиб ортга бурилар эканлар , Райҳон онасини яна чақирди :

- Ойижон ...

Шаҳло опа "нима дейсан ?!" дегандек унга қаради

- Адамларга салом денг, мен ҳаммангларни яхши кўраман...

\* \* \*

Шаҳло опа билан Суюма уйга етиб келишганда офтоб ҳаммаёқни танди  
рдек ланғиллатаётган эди . Шаҳло опанинг пешонасидан тер дув - дув қуйил  
ар , нафас олиши ҳам бир текис эмасди. Шаҳло опа уйга келди-ю, кийимини  
ҳам алмаштирмасдан ўзини ётоққа отди .

Суюма дарҳол яхна чой олиб келиб онасига ичирди . Кейин хонадаги  
дориларга тўла тумбадан томчили юрак дорисини ҳам топиб ичирди. Шаҳло  
опа сал ўзига келгандек бўлди .

Суюма кўнгли анча ҳотиржам бўлиб ошхонага йўл олди. У тушликка эр  
талаб тайёрлаб кетишган хонимни иситди. Уни лаганга сузиб ёнига чиройли қ  
илиб сардагини қўйди .

Суюма онасининг тушликка чақириб чиқди . Она бола жимгина овқатла  
нишди . Икковлари ҳам чарчаганликлари учун стол атрофида ортиқча ўтирма  
дилар. Ойисининг дастурхонга ўқиган фотиҳасидан кейин Суюма дастурхонни  
йиғиштириб олди. Сўнг онасини ётоғига кузатиб қўйиб , ўзи ҳам хонасига йўл  
олди.

Шаҳло опанинг кўзи илинди . Тепасида кимнинг шарпасини ҳис қилиб  
чўчиб уйғонганида кўзи эри Йўлдош акага тушди .

Йўлдош ака бу вақтда уйда бўлиши керак эмас эди. Шаҳло опа ўзига к  
ела олмай эрига анграйиб қаради . Йўлдош ака эса нима учундир шошилар э  
ди :

- Шаҳло , онаси . Турақол . Отлан . Бир жойга боришимиз керак.

- Тинчликми , адаси ?,- Шаҳло опа хавотирли овозда сўради,- юрагим кечада

н буён нотинч , айтақолинг , тинчликми?

- Бўл тез кийин. Яқинда Абдумажид қўнғироқ қилиб қолдилар . Райҳонни тоб и қочиб қолибди. Операция хонасига олишганмиш

- Сал аввал яхши эди- ку, Суюма билан кўриб келганимизга ҳали кўп бўлмади

Шаҳло опа зорланиб гапирганча отлана бошлади. Шаҳло опа ҳовлига чиққанида Суюманинг ҳам кийиниб олганини кўрди . Унга "уйда қол" дегиси келмади ,-"Бир ўзи уйда ич - этини еб ўтирадимми, ундан кўра бир-биримизга далда бўлганимиз яхши",- дея ўйлади Шаҳло опа . У Суюмага "Юрақол" дедию , кўчага йўл олди

Уларни касалхона йўлагига Абдумажид кутиб олди. Суюма поччасини ҳеч қачон бу аҳволда кўрмаган эди. Абдумажид дағ- дағ қалтирар , ўзини қаттиқ йўқотиб қўйгани хатто қайнота - қайнонасига салом беришни унутиб қўйганидан маълум эди .

Абдумажид Йўлдош акани узоқдан кўриши билан деярли чопиб келди :

- Дада , тезроқ , бизни доктор кутаяпти , юрақолинг .

Йўлдош ака "нима учун ?!" деб сўрамади . У вақтни йўқотишни истамай куёвга илдам эргашди .

Йўлдош ака ва Абдумажид доктор ёнида кўп қолиб кетишмади . Аммо шу вақтга қадар Шаҳло опанинг бўлари бўлган эди

- Нима гап адасиини ? Докторлар нимага чақиришди сизларни ?

- Ўзингни бос онаси , Райҳонни операциясига руҳсат сўрашди .

- Нега ? Керак бўлса дарров операция қилишавермайдими вақтни ўтказмасдан?!

Шаҳло опанинг фиғони фалакка чиқиб борарди .

- Онаси , оғирроқ бўл . Йўли шунақа экан- да . Докторлар ишини билиб қиладди . Анча йил бекорга ўқишмаган ахир.

Йўлдош ака шундай дер эди- ю , аммо ўзидан ўтгани ўзи билаётган эди . Йўлдош ака вазият жуда қалтислигини , қизи Райҳоннинг ҳаёти қил устида эканлигини дил - дилидан ҳис қилиб турарди .

У сал аввал Абдумажид билан доктор ҳузурига кирганида , у гапни айлантириб ўтирмади . Индаллосини айтиб қўяқолди :

- Ака , очиги қизингизни аҳволи жиддий . Комага тушиб қолганига иккинчи соат кетаяпти . Қизингизнинг юраги уришдан бош тортяпти . Бу аҳволда ... Хуллас уни зудлик билан операция қилишимиз зарур . Аввало худо ишимизни ўнглаб икки жонни саломат кўрсатсин. Ҳеч бўлмаганда эса... гўдакни сақлаб қолишга кечикмаслигимиз керак. Шунга сиз манави тилхатни ўқиб чиқинг ва имзо чекинг. Вақтни йўқотмайлик .

Абдумажид дарҳол эътирозга шошилди :

- Доктор , аёлим тирик қолиши керак! ... Майли , чақалоқнинг ҳаёти эвазига бўлса ҳам...

- Ука , сизни мана шу қайсарлигингиз деб бир соат вақтимиз зое кетди ахир . Бизнинг сизга имзо чекиб беринг деганимизга қанча бўлди !  
Ўйлайсизки , инсон ҳаётини шунақа олди- сотти қилиш ҳавасми бизга ?!

Ўйлош ака куёвини елкасига қўлини қўйди :

- Болам , вақтни йўқотмайлик...

Яхшиям Суюма келган экан. Ҳали дадасига сув тутади , ҳали ойисига дори.

Дунёда энг ёмон ва аччиқ азоб хотима нима билан тугаши ноъмалум бўлган жараёни кутиш бўлса керак.

. Абдумажид ярим кунда адои тамом бўлибди. У қайнота ва қанонасининг ёнига ҳам келгани йўқ .

Райҳонни операция қилишаётган узун даҳлизнинг кириш эшиги тагига ўт ириб олганича , тик этса эшикка тикилиб ўтирибди.

Операция бошланганига бир ярим соатлар вақт ўтганда Абдумажиднинг ота - онаси ҳам ўпкаларини қўлтиқлаганларича қудалари турган бўлимга етиб келдилар . Улар узоқ ҳол сўрашиб ўтирмай Райҳоннинг соғлиғидан гапир а бошладилар .

Шу пайт унча узоқ бўлмаган жойдан эркак кишининг бўғиқ овозда бақирган овози эшитилди :

- Райҳоооооон !

Бу Абдумажиднинг овози эди...

Шаҳло опа эрига қаради . Кўзларида ақлдан озган кишининг қарашлари бор эди. У Ўйлош акага талмовсираб боқди . Лаблари пичирлади :

- Болаааммм ...

Шахло опа шилқ этиб йиқилди.

Йўлдош ака унинг аранг ушлаб қолди . Аммо унинг ҳам ҳолати аёлиникид  
ан қолишмас эди...

Суюма онасига отилди ...

Абдумажиднинг отаси ўғли томонга югургилади . Абдумажид ҳамон бақирар ,  
ажралиш аламига чидай олмай касалхонани эшигу деворларини жон- жаҳди  
билан муштлар , тепар эди.

Қиёмат вақтидан аввал келган эди бу ерга . Қиёмат ота, она , суюкли ё  
р , жондек жигар сингил ...барисига бирдек келган эди ...

\* \* \*

Йўқотиш нималигини биласизми?

Ҳис қилганмисиз ?

Қочиб кета олмаганмисиз ?

Дод деганмисиз ?!

Овозингизни биров эшитганми ўшанда ?!

Бир зумда ... Биргина зумда умрингизда мазмун қолмаганми ?...

Тирик бўлиб ўлганмисиз?!

Тирик бўлиб ўлганмисиз ?! Ўлганмисиз?!

Йўқ!

Инсон инсонни йўқотиши фожеа эмас. Фожеа- инсоннинг умидини йўқотиши  
дир. Ҳаётини тиргаб турган энг азиз кишини қайтиб кўра олмаслиги , бундан  
буёғига умрини "У" сиз давом эттиришини ўйлаш , бунга дош бериш ... қийин.  
Жуда ҳам қийин. "Алам жонни узиб олиши" дегани шумикан? Чидаш керак б  
ўлган чидаб бўлмайдиган азоб .

Мислсиз азоб ...

\* \* \*

Райҳонни бомдодга чиқариладиган бўлдилар. Йўлдош ака қудаларининг  
ижозати билан "жигарпорасини" ўз уйига олиб келди . Билмадим , ота ниман  
и ўйлади экан?! "Ҳарна дақиқалар ичра бўлса-да бағримда турсин" деганмика  
н?!

"Чин уйига кетар олдидан , чин уйига етар олдидан мунглиғ онасини дийдори  
га тўйдириб олсин" деб хаёл қилдимикан ?!

Райҳонни , Райҳонгинани тун ярмидан ошганда олиб келдилар.

Бу пайтда Суюмаларнинг уйи одам билан тўлиб, тошиб бўлган эди.

Шахло опанинг йиғлайверганидан томоқлари бўғилиб товуши чиқмай қо  
лган эди.

Она...!

Ким у она ?! Дилбандининг биргина кулгисига бор оламни алиша оладиган зотми она ?!

Фарзанди учун боридан бирдек кеча оладиган ва ҳеч қачон пушаймон бўлмайдиган фариштами, она ?!

Фарзанди кулганда кулиб , йиғлаганда йиғлайдиган фидойи жонми, она?!

Фарзандининг бармоғига ноҳос қадалган тикан , юрагига санчилган ҳанжарга қийс зотми эди у?!

Фарзанди дунёдан ўтган вақт ундан олдин ўзини ерга топшириб бўлган онам и она ?

Халқда "Онани яратмасин экан?!" деган ибора бор.

Эй , инсонлар !

"Отани яратмасин экан , отани !"

Бошига тоғ қуласа-да ўзини тутиб туришга мажбур бўлган, номи эркак бўлганлиги учун қаддининг эгилишга ҳаққи бўлмаган , барчага бош дегани ўзи учун баридан кечиш дегани бўлган отани яратмасин экан ! Яратмасин экан !

Йўлдош ака ич - ичидан тўкилиб бўлди. Кўзларини ёшлари юрагига қон бўлиб қуйилди .

Дилида ялт этган ёруғ жой қолмади . Аммо ... Аммо не ажабки шу аҳволда ҳам оёғида турар , суюкли қизи Райҳонни райҳон баргларига ўраб бу дунёда н охириги насибаси бўлмиш икки қулоч ер...га бериш ҳаракатида эди.

Майлими?

Майлими Абдумажид ҳақида ёзмасам ?!

Майлими уни ҳисларини ифода этаман деб қовжираб кетмасам ?! Майлими , муҳаббат увол бўлди, демасам?!

Майлими , Абдумажид энди инсон эмас , шунчаки бир соя бўлиб қолган, демасам?

Майлими ?!

Бундай майлимилар шунчалик кўп эканкиини ... Шунчалик кўп ...

Барига жавоб бериш эса юрагингни юлиб йўлбарсларга едиришдан қийинроқ экан ... Қийинроқ...

Ҳаётнинг пасти , баландини бир текис кўриб ўрганган Суюма бирдан улғайиб қолди . Яна ҳам тўғрироғи бирдан кексайиб қолди. Бунга унча вақт ҳам сарфлагани йўқ . У поччаси Абдумажиднинг "Райҳон" деб бақирган ўтли ноласини эшитганида бир зумда ҳамма нарса ўз мазмунини йўқотганини ҳис қилди . "Шунчалар осон экан- а ?! Инсоннинг дунёни тарқатиши шунчалар осонми ? Бунисини билмадим , аммо бу ҳаётда ҳеч нарсага ишонч йўқлигини аниқ билдим, ҳа ҳеч нарсага ишонч йўқ экан ..." - алам билан ўйлар эди Суюма ...

Суюма авваллари бир кун , бир дақиқа киши ҳаётини шунчалар ўзгартариб юборади десалар ҳеч қачон ишонмаган бўлар эди.

Ҳозир эса барига ўзи гувоҳ ва иштирокчи бўлиб турибди. Бугун Суюма кўз ўн

гида гўё даҳшатли фильм кўраётгандек, унинг ичига тушиб қолган- у, чиқи б кета олмаётгандек эди гўё. Суюма опасини "олиб келишганлари"да биринчи бўлиб у ётқизилган хонага ўзини урди. Опасига тикилар экан , бу энг охирги учрашувлари эканлигини ҳис қилиб , бор овозида дод солгиси келар эди .

Суюмага Райҳоннинг бўйи чўзилиб кетгандек туюлди . У опасига қараб бир нарсага ажабланди : " Опам... Опам шунчалар чиройлимиди ?! Қошлар и шунча қора , киприклари шунча қайрилма эдими ?! Кўзлари ярим очиқ.... Неларгадир тикилиб қолгандек. Суюманинг бир китобда ўқигани эсига тушди . Инсонни руҳи танадан ажратилинганда масъул фаришталар уни ўраб ўзлари билан керакли манзилга олиб кетишар экан. Шунда омонат бўлган танадаги кўзлар бу ҳодисотни кўрар ва кузатиб қолар экан.Кўзларнинг дунёда кўрган охирги нарсаси шу бўлар эмиш...

Суюма опасининг қўлини ушлади. Бехос сесканиб кетди . Чўчиганидан ўзини орқага ташлади . Бу ётган опаси эмасдек туюлди. Бу қўллар жуда совуқ ва тош каби қотган эди.

Суюма зумда ўзгарди . Энди у ҳам тошдек қотиб қолган эди .

- Қиз чўчиди , сув беринглар ...

Хонадаги аёллар бирдан кетма- кет гапира бошладилар . Кимдир пиёлада муздек сув олиб келиб Суюмага тутди . Суюма оғзини очмади. Лабларини маҳкам тишлаб олган қўйи қилт этмай ўтираверди . Шунда сув тутган аёл ўша сувни қўли билан Суюманинг юз - кўзига сепди . Суюма муздек сувдан бир сапчиб тушди- ю , жойига қайтиб ўтириб йиғлай бошлади

- Опа , опажоним...

- Ҳадемай бомдод вақти кириб қолади . Маййитни поклашимиз керак . Қани хонани бўшатинглар .

Ғассол аёл ўз вазифасига киришди , унга холаси ёрдам берадиган бўлди...

Эҳ, одамизод ! Тақдирнинг ҳар бир ишига аралашгиси , ўз чизгисини чизгиси , муносабатини билдиргиси келади ...

Дунёга келганнинг насибаси икки : бешик ва тобут . Бешик майлику-я , аммо тобутга қараб туриб ҳам марҳум ёки марҳуманинг кимлигини билдиргиси келадиган ҳилқат ҳам шу одамизод .

Райҳонни тобутига чўғдек қип- қизил духоба ташладилар .

Чўғдек қип- қизил. Гўё юрагимиз чўғдек ланғиллаяпти демоқчи бўлдилар . Гўё бу "тўрт оёқли чўбир от" бу сафарги манзилга гўзаллик тимсоли аёлни олиб кетаяпти демоқчи бўлдилар. Гўё бу қип- қизил гул ранги бўйланган жасаднинг ўн гулидан бир гули очилгани йўқ эди демоқчи эдилар .

Гўё...

Айтилмоқчи бўлган гаплар кўп , дил изҳорлари сероб эди...



Суюманинг диққатини поччаси тортди . Абдумажиднинг ўнг панжаси ги псланибди . Суюма кеча поччаси Райҳондан ажралиб қолганлигини эшитгани да қўлини мушт тугиб деворга жон - жаҳди билан урганини эслади . Ўшанд аги ёввойи чинқирқиқни ҳам .

- Юзта болага алмашмаган бўлар эдим сени Райҳоооон...

Жанозага йиғилган аёллар опасини шаҳидлар мақомида кетибди дейиш ди . Улар яна айтишдики , иншааллоҳ опаси жаннатга сўроқларсиз кирар эм иш.

Тобут кўтарилди . Дарвозагача ўн қадам ... Суюманинг назарида опаси у нга сўнгги сўзларини айтиб кетаётгандек бўлди .

"Ойижонимни эҳтиёт қил "

" Болам сенга омонат"

Суюма ҳозирни ўзиданоқ опасини айтганини қила олмади. У онасини эҳтиёт қилиш учун уни ёнига бориб бағрига боса олмади.

Чунки ...

Хаммаёқ бирдан қоп- қоронғи бўлиб кетди . Суюма ҳеч нарсани ҳис қилмай қўйди ...

Суюма кўзини очиб соат неччи эканлигини англай олмай анча ётди. Бўли б ўтган ишларнинг бари тушимда бўлди деб ўйлади ва енгил тортди . Аммо бир оз ўтмай ҳовлидан ҳазин тиловат қилинган қуръон овозини эшитгач бар и тушида эмас, ўнгида кечганини ҳис қилиб алам жонидан ўтиб кетди.

- Опаааа...

Шивирлади беҳол... Сўнг онаси ёдига тушди .

- Ойижооон ...

Суюма илкис бошини кўтарди, ўрнидан турмоқчи бўлди-ю , аммо чоғи к елмай яна ўзини ёстиққа ташлади ...

Эшик очилиб қўлида коса билан қўшниси Рихси кеннойи кириб келди .

- Болам кўзингни очдингми ?! Кел буни ичиб ол. Кеча тушдан буён туз тотим абсан. Ҳозир эса аср ҳам кирди.

Ҳушингдан кетиб ҳеч ўзингга келмасанг- да.

Муаттархон доктор "Хавотир олманглар , асаблари қақшаб кетган , биро з ухласа ўзига келиб қолади" деб алламбало уколларни қилиб ҳаммамизни т инчлантирди . Кел манави новвот чойни хўплагин.

- Ойижоним...

- Ойингдан хавотир олма . Уни ҳам нариги хонада ухлатиб қўйишибди. Анча

ўзига келиб кўзини очади , иншааллоҳ .

Рихси келинойи Суюмани бошини кўтариб чойни ичирди.

Бирдан ҳовлига одам тўлгандек овозлар эшитилди. Рихси келинойи "мен ҳозир" деди-ю , ташқарига чиқиб кетди. Аммо зум ўтмай ортга қайтди.

- Қизим , синфдошларнинг келишибди...

Унинг шу сўзларининг ўзиёқ етарли бўлди . Суюманинг кўзлари ёшга тўлди .

Синфдошлари гир айлана бўлиб айвонда ўтиришган экан. Ранги докадек оқариб кетган , бошига тушган кўргилик сабабиданми , қилинган уколлар т аъсириданми юрган йўлида гандираклаб кетаётганлиги учун Суюмани Рихси келинойи суяб олиб чиқди. Синфдошларнинг барчаси гур этиб оёққа қалқидилар.

Суюма қизлар билан кўришар экан ўксиб - ўксиб йиғлар эди. Дарднинг бегонаси бўлмас экан. Айниқса жонажон дўстингнинг бошига иш тушса, сен ҳам унинг дардини ўз танангда ҳис қилар экансан . Қизлар ҳам унинг дардини ўзиникидек қабул қилганларича кўз ёшларига эрк беришган, йигитлар эса ранглари бўздек оқариб, ёноқлари пир- пир учарди. Қизлар кўришиб бўлишгач, йигитлар ҳам кўзлари орқали сўрашиб олган бўлдилар. Навбат Фозилга келганда Суюма дунёни додга тўлдиргиси келиб кетди. Бор ҳолини унга , фақатгина Фозилга арз қилгиси келди. "Сен қаерда эдинг , мен адо бўлиб кетдим- ку " дея аюҳаннос солгиси келди . Суюма буларнинг барини Фозилга айтди. Фақат кўзлари билан ...

Фозил ҳам тушунди. Ичидаги ҳамдардлиги юзига урганидан , юзлари қоп- қорайиб кетди... Юзидаги қон томирлар бўртиб , кўкариб чиқди . Суюма Фозилнинг ўзи билан барабар овозсиз додлаётгани ҳис қилди.

Рихси келинойи Суюмани мазаси қочаётганини кўриб елкасидан қучиб секин кўрпачага ўтказди. Орқасига ёстиқ қўйиб деворга суянтириб қўйди . Сўнгра "мен ҳозир" деганча эшикка йўналди.

Ҳамма жойлашиб олгач Шавкат қуръон тиловат қилишга тушди. У қуръонни шундай тиловат қилар эдики , гўё ҳамманинг чўғдек юрагига муздек роҳатбахш сув сепилаётгандек эди.

Синфдошларнинг ҳаммаси келишибди. Кўпчилик Суюманинг бошига тушган ишни сал аввал эшитгани айтиб узр сўрар эди. Шундагина Суюма бугун биринчи август - имтиҳон куни эканлигини эслади. Аммо юраги жиз этмади . Унинг юраги сўнгги икки кун ичида обдон қовурилиб, куйиб кетиб бўлган эди ...

\* \* \*

Райҳонни бу дунёдан насибасинг узилганига беш кун бўлди. Шаҳло опа ўшандан буён ётиб қолган. Суюма уззу- кун бошида парвона. Йўлдош ака кунда бир бориб туғруқхонадан беш кунлик меҳмон қизалоқдан хабар олиб келади . У шифокор ва доялар билан гаплашиб қизалоқга бир муддат қараб туришни ўзи илтимос қилган ва бунинг учун гўдакга нима керак бўлса мухайё қилиб беришини айтган эди. Бошга тушганини кўз кўраверар экан. Бўлмаса Йўлдош ака эркак боши билан болалар тағлиги- ю , сўргичини харид қилиб юрармиди ? Шаҳло опа бу аҳвол . У ёқдаги аёл қудаси эса институтда дарс бергани учун махсус комиссияда масъул . Шу сабабидан ишидан руҳсат бериш майди .

Абдумажид эса ўша бўйи , Райҳонни жонсиз танасини олиб кетгандан буён ... туғруқхонага қадам босмабди.

Йўлдош ака туғруқхонага иккинчи бор келган куни унга қизалоқни кўрсатишган эди. Шунда Йўлдош аканинг ҳаётига яна нур ингандек бўлди . Қизалоқ Райҳоннинг ўзгинаси эди ...

Бугун Йўлдош ака туғруқхонага белгиланган вақтдан илгари келди. Тўғрироғи мажбур бўлди. Қизалоқни парвариш қилиб турган болалар врачлари Шоистахон унга қўнғироқ қилиб зудлик билан етиб келишини сўради. Йўлдош ака сабабини сўрамай "хўп" деди- ю , етиб келгунича бўлари бўлди.

Йўлдош акани Шоистахон кабинетига кутиб олди . У Йўлдош акага изоҳларсиз бир варақ қоғозни тутди. Маълум бўлишича бугун касалхонага Абдумажидни чақиртиришган экан . У шифокорларнинг қизалоқ ҳақидаги таклифларини эшитгач , кўп ўйлаб ўтирмай икки энлик тилхат ёзиб кетибди. Йўлдош ака тилхатга кўз югуртирар экан уни тутиб турган қўллари дағ- дағ титрар эди . Абдумажид тилхатда ўз ҳоҳиши билан фарзандидан воз кечишини , уни меҳрибонлик уйига топширишлари мумкинлигини ёзиб , имзо чекиб қўйибди.

Йўлдош ака тилхатни аввал қўйиб , сўнг бурдалаб ташлади. Унинг боши қуйи эгилган эди. Шу алфозда бир оз сукутларига қоришиб ўтирди .

У бошини кўтарганда кўзларидан ўт чақнарди:

- Болани эртага ўзим олиб кетаман! Менга нима кераклигини айтинг .

- Уни ... яъни қизалоқни сизнинг номингизга ... ўз номингизни берасизми ?!

Йўлдош ака бошини сарак - сарак қилди :

- Йўқ ... У ўзининг отасига буюрсин...

Шоистахон "ҳеч нарсани англамадим" деган оҳангда савол ташлади :

- Ахир отаси ундан воз кечмади-ми?!

Йўлдош ака дардли овозда инграган каби фикрини баён этди :

- Эҳ ,синглим-а . Эҳ, синглим. Куёвим шўрликни бу қилиғини кўриб уни янаям яхши кўрдим десам ишонасизми ? Ишонмайсиз ?! Лекин мен уни аввалгида н ҳам кўпроқ яхши кўриб кетаяпман. Қизимни деб бутун дунёдан воз кечиб бўлибди. Менинг қизимни шунчалар яхши кўрар экан, шунчалар яхши кўрар экан- ки , ўз ҳаётига нуқта қўйиб бўлибди...

Йўлдош ака гапира олмай қолди. Шоистахон унга стол устидаги чойнақдан муздек чой қўйиб узатди :

- Буни ичиб олинг...

Йўлдош ака чойни қўлига олди . Унга тикилганча сўзини давом эттирди:

- Куёвим аслида жудаям болажон йигит. Уни бир ўғли ҳам бор . Ёши олтида . Шу ўғлини ерга ҳам , кўкка ҳам ишонмайди. Бир куни қизим раҳматли касалхонага тушиб қолганда ўғлини тиши оғриб қолибди. Уни тиш докторга олиб бурса, доктор болани тишини суғуриб ташлабди. Ўша куни куёвим ўғлини бизникида қолдирди. Аммо ярим кечаси дарвозани қўнғироғини чалиб келиб қолди . Бизнинг эсхонамиз чиқиб кетганди ўшанда . Қизимизга бирор кор- хор бўлибдими деб. Куёвим бояқиш эса ишдан чиқиб боласига товуқ шўрва пишириб олиб келган экан. " Боламнинг тиши олинган, шунинг учун озгина мадор бўлсин деб олиб келгандим , бир амаллаб ичар девдим бу овқатни" деб т акрорларди нуқул .

Набирам эса аллақачон тиши олинганини эсидан ҳам чиқариб бўлган эди.

Энди айтинг- чи , боласини бир дона тиши суғирилганига куйган ота , иккинчи боласидан кечиши учун нимани бошидан ўтказиши керак. У ... У жудаям зада бўлиб кетди . У жудаям юрагини олдириб қўйди . У қизалоққа қарасам аёлимни қотилини кўраман деган хулосага келиб қолган. Аммо ҳали бу қизалоқ ( Йўлдош ака кўз ёшларини тия олмади ) ... бу қизалоқ Аллоҳнинг энг буюк инояти , Райҳондан қолган бир парча эканлигини англамади , англагиси келмаяпти .

Сизда куёвимнинг паспорт маълумотлари бўлса керак. Менга барча ҳужжатларни беринг . Мен эртага пешинга яқин қизимни уйга олиб кетаман. Ўйлайманки , ўз уйига ҳам вақти келганда отаси билан кетади ...

\* \* \*

Йўлдош ака қайтиб ишга бормади. Тўғри уйига кетди. У ҳовлисига кирганида Шахло опа ва Суюмаларнинг овози ошхонадан келаётган экан.

Йўлдош ака ичкарига қадам босиб , улар берган саломга алик олган бўлди . Ортиқча манзират қилмай эртага набирасини уйга олиб келишларини айтди. Аммо ораларида Абдумажидни бўлмаслигини билганлиги учун онам ва қ

изни бор гапдан хабардор қилди. Йўлдош ака бу гапларни гапиришига яна бир сабаб бор эди . У аёлини қаддини ростлашини , қизи қолдириб кетган бўшлиқни набираси билан тўлдиришини мўъжал қилганди.

Ўйлагани фойда берди. Неча кунлардан бери юзлари синиқиб кетган Шахло опанинг чеҳрасига нимадир қалқиб чиқди . Бу қоронғи зулматга айланган ҳаётини ёриб кирган бир тола нур умид эди .

Суюма эса поччаси тарафида эканлигини ҳозир билган эди . У ҳам неча кундан буён опасининг ўлимига фақатгина ўша норасидани айбдор қилар, у ҳақида хатто эшитгиси келмаётган эди. Суюма поччасининг шижоатига қойил қолди. Гўдакдан шартта кечиб юборган пайтидаги қатъиятига тан берди. Суюма ушбу мулоҳазаларини онасига айтмоқчи бўлиб у тарафга юзланганида, онасидаги ўзгаришни кўриб ажабланди .

Шахло опа лабларини қимтиб нималарнидир ўйлар, ҳаёлида қандайдир режаларни пиштаётганлиги юз- кўзидаги ифодадан аён эди.

Суюма қизалоқ ҳақидаги мулоҳазаларини онасига айтгиси келмади. "Майли , - ўйлади у , - онам шу қиз билан овунсалар овуна қолсинлар, барибир минг оҳ урганимиздан фойда бўлмаганидан кейин бизга шундан бошқа ниям эрмак қоларди"

Эртаси куни эрта сахарда уйғонган Суюма ҳовлига чиқиб , теварак - атрофга қараб ҳайрати ортди. Ҳамма ёққа сувлар кўлоплатиб сепилган , ҳовлидаги гуллар резина ичакда ювилган , яшил - қизил райҳон-у жамбилларнинг хуш ифори ҳавони тутиб ётган. Қуёш нури тўғридан тўғри тушиб турадиган бассейннинг суви янгиланиб , ўртасидаги фаввора гир айлана атрофга сув пуркаб ётибди. Атрофига чирмовуқ гуллар экиб соя солдирилган , устунлари нақшинкор , шифти гумбазли қилиб қурдирилган очик айвон супасига янги кўрпачалар ташланган . Ўртадаги хонтахтага оҳор дастурхон солинган.

" Ойижоним , ухламай чиққанлар шекилли ... Нимага керак шунча ҳаракат ?! Кимга керак ... - ўйлади Суюма, сўнг яна ўз фикрига қарши чиқди , - майли, қайтанга яхши бўлибди, шу баҳона чалғийдилар "

Ошхонадан сабзитахтанинг тўқиллаган овози эшитилди. Суюма юзини - кўлини енгил чайиб , у ерга шошилди. Онаси пешоналаригача терлаб сабзи тўғраб ўтирарди.

- Турдингми қизим ?! Тез кийимларингни тайёрла ...

Ойиси Суюманинг саломига алик оларкан , уни тез ҳаракат қилишга қистади.

- Нимага, ойижон ?!

- Нимага бўларди , аданглар билан бориб , чақалоқни олиб келасизлар ...

- Менми ?! Сизчи , сиз ўзингиз олиб келаёлинг . Уйдаги ишларни ўзим саранжом қилиб тураман ...

- Қизим , шундоқ борасан- у , олиб келаверасан. Бу ерда мени ўзим бажариш им керак бўлган ишларим кўп . Бўлақол ...

Суюма отланар , отланмас кўча тарафдан адасининг машина сигнали э шитилди.

Шаҳло опа Суюманинг қўлига бир тугунча тутқазди . Қизалоқнинг кийим лари экан.

Суюма отаси билан туғруқхона эмас , бошқа бинога борганда даставва л ажабланди. Бироздан сўнг бу ерга қизалоқ учун метрка олишга келганлари ни фаҳмлади. Уларни қабул қилган ёшгина аёл бир ёши ўтиб қолган Йўлдо ш акага , бир Суюмага ҳайрон боқди , аммо ортиқча савол беришдан ўзини тийди .

Йўлдош ака унга гўдакнинг ота- онаси ҳақидаги ва туғруқхонадан берил ган маълумотномаларни берди.

Ўзини Комила деб таништирган бояги аёл , ҳужжатларни стол устига қў йди ва қайдлар дафтарини очди :

- Хўш , демак отаси Абдумаликов Абдумажид Мусахон ўғли .

Онаси Абдумаликова Райҳон Йўлдош қизи.

Қизалоққа нима исм деб берамиз ?!

- Ёдгора ...

Комила ёзишдан тўхтади . У Йўлдош акага бошқача назар билан боқди :

- Ёдгора ?? ...

- Қизимни Ҳаққа топшириб қўйдик ... Қизалоғи ундан ёдгор бўлиб қолди .

Комила шундагина бор гапга тушунди . Нима учун қаршисида турли ёш даги инсонлар турганлигига ҳам, нима учун улар бунчалик ҳазинлик либосиг а бурканиб олишганлигига ҳам , барига ...

У бироз бошини эгиб ўйланди . Нималарнидир айтсамми деган ифода юзларини сийпаб ўтгандек бўлди:

- Амакижон, - деди у эҳтиром билан, - руҳсат берсангиз бир - икки оғиз гапим бор эди . Албатта , кўнглингизга малол келмаса агар...

- Эштаман , қизим, қулоғим сенда.

- Амакижон , - такрорлади Комила, - шу... Шу набирангиз дунёга келгач ундаги энг азиз инсонидан ... ажралибди. Келинг , умри давомида бунини ҳар куни , ҳар соатда эслайвермасин , бари учун ўзини айбдор деб ҳис қилмасин ... Де моқчиманки , унга Ёдгора деб исм бериб юрагини тилкаламайлик . Келажакда ўзини бировларга таништирганида ҳам ... ҳаммага кечмишидан ҳисоб бермасин . Унга бирор бошқа , чиройли исм берсак , шунга нима дейсизлар ?!

Комила бу сафар Суюмани ҳам мурожаатга қўшди . Суюма отасига қаради . Унинг нигоҳларида "Бу опа тўғри айтаяпти " - деган маънони ўқиган Йўлдош ака тараддудланиб қолди :

- Биз , биз бошқа исм ҳақида ўйламабмиз ...

Комила қўлида турган маълумотномага яна кўз ташлади :

- Ҳмм , Райҳон , Райҳон..., - у марҳумани исмини эҳтиёт бўлиб ва ҳурмат билан талаффуз қиларкан , - Раъно , Роҳила , Робия , Розия , Раҳима ёки бўлмасам ....

- Робия !

Йўлдош ака ва Комила бу сафар бараварига Суюмага қарашди . Суюма ўзининг дея бақириб юрганлигини шу топда сизди . Қилмишидан уялиб кетди , узр сўраган каби қолган сўзларини оҳиста гапирди :

- Опам қиз бўлса исмини ...

Суюма гапи оғзида қолди . Бошқа сўзлай олмади. У кўз ёшларини отасига кўрсатиб уни яна эзгиси келмади . Бошини эгиб олди . Аммо ҳаммаси шундоқ ҳам кундай равшан эди ...

Йўлдош акадан ун чиқмади . У Комилага "ёзинг " деган имо қилди.

Комила шу топда бу исмини жуда чиройли ҳуснихатда ёзишни истар эди :

Мусахонова Робия Абдумажид қизи...

\* \* \*

Туғруқхонада Робияни шахсан Шоистахонни ўзи кийинтириб тайёрлаб берди. У Суюмани гўдакларни кузатиш хонасига олиб кириб даставвал Робия билан таништирди:

- Ассалому алайкум , холажон. Мен жиянингиз Робиябонуман. Кўриб турганингиздек , сизга ўхшайман . Танишганимдан ҳурсандман , хуш келибсиз .

Шоистахон гўдак тилидан чучук тилда дил изҳорини баён қилиб унга чақалоқни берди . Суюма ўзини йўқотиб қўйган эди . У чақалоқларни бир парча гўшт деб биларди . Аммо Робия ...

Робия чинакам мўъжиза эди . У шу қадар ширин қизалоқ эди-ки, хатто ки шифокорлар ҳам кўз тегади деб бир- бирларидан қизғанишар, навбат алмашганда уни энг кўзга чалинмайдиган кроватчага ётқизишар эди. Хатто бу хоналарни саришталовчи фаррош Мавлуда опанинг Робия ҳақидаги бир оғиз гапи оғиздан- оғизга тушиб қолган эди .

- Қаранглар , Аллоҳим ҳам чеварда , гўёки мен бу гўдакнинг онасини бекорга ҳузуримга олганим йўқ , эвазига олганимни ўн , юз карра тўлдира оладиган бир ҳилқатни юбораяпман . Кўринг , мушоҳада қилинг , шукрда бўлинг !-дегандек гўё,- давомига Мавлуда опа тинмай қуйидаги сўзларни қайтарар эди - Маша Аллоҳ , Маша Аллоҳ" ёлғиз Шоистахон Суюмага Робиянинг парвариши ҳақида талай тушунча берди, савол туғилса кун ва туннинг қайси вақти бўлишидан қатъий назар ҳижолат бўлмасдан қўнғироқ қилишини тайинлаб , ўз визиткасини тутқазди .

Туғруқхона остонасида Йўлдош ака набирасини кутиб олди .  
- Бисмиллохир роҳмонир роҳийм...

У Суюманинг қўлидан гўдакни олар экан Робия ўралган ёпинчиқни аста очди . Набирасини юзидан оҳиста ўпди .

- Умринг узоқ бўлсин она қизим..

Йўлдош ака "қизим" деганида кўзидан бир томчи ёш чак этиб гўдакнинг қордек оппоқ ёпинчиғига тушди, кўз ёш озгина ёйилди- ю , ўша ер доғли бўлиб қуриди . Аммо буни нуридийдасининг ҳажрида дили пора бўлиб кетган ота пайқамади.

Ота- бола кузатиб чиққанлар билан хайрлашиб йўлга тушишди .

Йўлдош ака оппоқ спарк машинасини ҳайдаб борар экан Суюмага савол ташлади :

- Болага шамол бормаяптими ?!  
. Эҳтиёт бўл , юзини паналаб ол , аммо димиқиб кетмасин.

- Хўп бўлади , ада

Суюма Робияга қараб туриб ўзидан уяларди :

- Менми , менмидим ўша сендан кечиш керак деган . Мендака холани



бобовлар еб кетсин. Менини кечир оппоғим. Сен жудаям чиройли экансан-ку

Суюма хаёл аралаш ўнг қўлини кўрсатгич бармоғи билан қизалоқнинг юзини аста силади. Бармоқ қизчанинг лаблари четига борган-да, у лабларини ўша томонга қийшайтириб ниманидир эммоқчи бўлгандек чап - чап қилганга ўхшаган ҳаракат қилди. Суюма бармоғини қизалоқнинг лабининг бу тарафига олиб келганда у ҳам лабларини шу тарафга бурди.

"Вуууй ширинлигини, еб қўяман ҳозир".

"Янги туғилган чақалоқдан жаннатнинг иси келади" деган эдилар Рихси келинийим.

Суюма гўдакга энгашиди. Уни ҳидлади. Бироз таҳлил қилмоқчи бўлгандек тек қотди. Кейин яна бир бор ҳидлади. Бу сафар бошини кўтармай узоқ ҳидлади.

"Шу экан-да жаннатнинг ҳиди, - ўйлади у, - опам кетган жаннатнинг ҳиди .."

Суюма бу сафар опасини эслаганда исён қилгиси келмади. Маҳзун ҳўрсинди. Қучоғидаги гўдак керишгандек бўлди. Суюма унга қаради-ю, бу мурғак жон соат ўтмай юрагининг бир парчаси бўлиб улгурганлигини ҳис этди.

Суюмага қараган инсон дунёда у ва қизалоқдан бошқа ҳеч ким йўқ деб ўйлаган бўлар эди.

Дарҳақиқат Суюма ҳозир шу митти мўъжизадан бошқа ҳамма нарсани унутган эди... Дунёнинг саккизинчи, йўқ, йўқ энг биринчи мўъжизасидан бошқа ҳаммасини

Йўлдош ака Суюма билан уйга етиб келишганларида кўзлари ҳайратдан оғизлари очилиб қолди ...

Ховлида ўн чоғлик аёл уларни кутиб туришарди. Суюма қўлидаги қизалоқ билан дарвозахона остонасига солиб қўйилган поёндозни бир-бир босганча ичкарига йўл олди. Ҳар доимгидек ҳозир- у нозир бўлган Рихси келиноийи унинг бошидан сочқи сочди. Йиғилганлар сочқига талпинишди.

Суюма Робияни тўғрида турган онасига олиб бориб топширди. Шаҳло опа титроқ қўллари билан гўдакни олди. Суюма қизалоқни юзидаги тўрни очди. Шаҳло опа унга қарар ...ва ўзини босолмай тинимсиз йиғлар эди. У нима лардир демоқчи бўлар эди-ю, аммо сўзлари бўғзини куйдирганича лабларидан ҳатлаб чиқа олмас эди.

Шаҳло опа ҳаммани йиғлатди. Уни аҳволини тушунган Рихси опа илдам келиб чақалоқни олди. Унга қарар экан, кўзларида ёшлари филтиллаганича кўнглидаги тўкиб- солди :

- Ассалому алайкум, гўзал маликам ... Хуш келибсан ...Илоҳим умринг узун, бахтинг бутун бўлсин. Яқинларингни барчаси сени роҳатингни кўришсин, - у чақалоқдан кўзини узиб Суюмага юзланди :- исмимиз нима бўлди ?

Суюма жавобга шошилди :

- Робия ... Робияхон

Рихси опа яна гўдакга қараб жилмайди :

- Жажжи фариштамнинг исми ўзига ўхшаган чиройли бўлибди- ку ...

У чақалоқнинг юзидаги тўрни туширди :

- Қани ҳаммамиз уйга ...

У болани бошқаларга кўрсатмади . Ўзини ҳеч нимани билмайдиганга со  
лди- ю , зинапоядан чаққон одимлади .

Барча аёллар унга эргашдилар .

Рихси келиноғи аёлларни тўрдаги уйга киришга ундади, ўзи эса Суюмага  
"юр" деганича қўлидаги чақалоқ билан унинг хонасига йўл олди:

- Қизим, янги туғилган гўдак бамисли гул . Уни ҳар кимга кўрсатиб ҳам , қўл  
ига тутқазиб ҳам бўлмайди. Яна бу ширинтой бирам асал экан. Тавба қилдим  
, умримда шунча чақалоқ кўрибман- у, аммо бунақа чиройлисини кўрмаганди  
м. Аммо мен кўзим йўқ. Хавотир олма.

Сен шу ердан чиқмай ўтир. Уй ишларидан хавотир олма. Қизим ҳам шу  
ерда. Ошхонадаги ишларни битта ўзи тиндиради.

Ха болани бўтқасини бер , тайёрлаб келаман қорни очганга ўхшайди .

\* \* \*

Робия жуда ювош қиз бўлди. У ортиқча хархаша қилмас, қорни тўйса  
ухлар , уйғоқ пайтлари эса қўл - оёғини қимирлатгарча ўйнаб ётаверарди.

Абдумажиднинг отаси ва онаси набираларидан ҳар дам олиш куни хаб  
ар олиб туришар эди. Аммо Абдумажид ўз қизи Робияни шу чоққача кўриш у  
ерда турсин , ҳатто у ҳақида эшитишни ҳам истамас эди .

\* \* \*

Бугун тушга яқин Суюмадан хабар олиш учун Наима келиб қолди . Ўзи  
билан бир дунё нарса кўтариб келибди :

- Суюма , тикувчилик цехига ишга кирдим , бу кийимчаларни жиянингга ўз қў  
лларим билан тикдим .

- Вуууй, чиройлилигини . Раҳмат . Овора бўлибсан- да .

- Нимага унақа дейсан , овораси бор эканми ?! , - Наима ширингина жилмайд  
и.

Суюма Наима бошқача яхши кўрарди.У жуда ҳам иқтидорли ва шу бил  
ан бирга камсуқумгина қиз эди . Энг қийин фанларни осонгина ўзлаштира

оладиган Наима бу ҳолни оддий дея қабул қилар , сира кибрланмас, синфдошларидан ҳеч ёрдамини аямас эди . Наима мактабни оддий шаҳодатнома билан битирганида Суюма астойдил "Аслида Наима ҳаммамиздан ҳам шу мед алга лойиқ эди" дея куйинган эди. Наима эса синиққина жилмайган, Суюмага "эй, қўйсанг-чи" дея қўлини силтаган эди . Наиманинг отаси анча йиллар аввал вафот қилганлиги учун серфарзанд оила анча қийналиб қолган эди. Шу сабабли Наима ҳам мактабни битирар- битирмас иш излашга тушган эди.

Наима Робияни анча пайт эркалаб ўтирди . У Суюмага :

- Суюма, жиянингги куракларини силаб - силаб тургин, ётавериб бечорани беллари ҳам оғриб кетса керак , - дея ўзи Робияни оҳиста силай бошлади. Робиянинг кўзларидан Наиманинг бу қилиғи унга ёқаётганлиги билиниб турарди.

- Рамзиддин, Аҳмад , Дилноза , Гўзал, Дилафрўз, Шухрат , Шавкат - синфимиздан ҳаммаси бўлиб ўн саккизтаси институтга кирибди.

Наима индамай пауза қилиб турди. Айти чоғда бу ҳақида гапириб Суюманинг ярасини янгилагиси келмаётган эди . Аммо унга аталган хушхабар ҳам шу маълумотларни ичида эди- да.

- Суюма , сенга хушхабар бор ...

- Эшитаман .

- Фозил ҳам ўқишга кирибди. Тағин грантга.

- Вооой , қойил! Давлат гранти асосида ўқишга кирибдими ?! Мана бу ҳақиқий хушхабар бўлибди . Аммо

- Нима аммо ?!

- Аммо нима учун буни менга хушхабар деб айтаяпсан?!

Наима муғомбирона кулимсиради :

- Ҳа нима ?! Сен учун бўлмай, мен учун бўлсинми !? Суюма ! Ўзингни билмаганга солма. Шундоғам Фозил билан ўрталарингдаги муносабатни бутун синф билади.

- Наииии....

- Тўғриси- да, кўр эмасмиз- ку! Тўғри сен ҳам , Фозил ҳам сир бой бермасликка уринасанлар , аммо икковингни сотқин кўзларинг бариси ҳақида оламга жар солишидан хабарингларинг йўқ .

Қуёш бўлса "Мазза , Фозил билан Суюма турмуш қурса, куёв тарафниям

, келин тарафниям энг эрка меҳмони ўзимиз бўламиз" деб ҳовлиқиб юрибди.

- Наиии , тоза шарманда бўлибмиз- ку... Аммо ишон , биз умуман...

- Сен ўзингни оқлашга мажбурман эмассан. Ундан кейин ҳеч ким сизлар ҳақ ингизда ёмон гап гапиргани , ёмон хаёлга боргани ҳам йўқ ...

Наима якшанба куни бўлганлиги учун кечгача Суюмани ёнида қолиб кетди. Унинг ташрифи Суюманинг юрагига бир олам ҳаловат бағишлаган эди.

Наимани эшиккача кузатиб қайтган Суюма хонасига кирар экан , Фозилни институтга киргани билан табриклашни дилига тугди.

Робия бу хонадонга кириб келган кунидан бошлаб Суюманинг хонаси унинг ҳам хонасига айланган эди .

Суюма , Робия , Шахло опалар бир хонада , Жалолиддин ва Шаҳзодлар бир хонада жойлашиб олишган эди . Кейинги икки кун ичида Шахло опа ша моллаб аксираётгани учун яна ўз хонасига кўчиб ўтди . У Робияни ҳам шам оллаб қолишидан хавотир олар эди. Аммо вақти - вақти билан Суюманинг хонасининг деразасидан хабар олиб кетарди.

Суюма аввалдан қуш уйқу эди. Робия келгач янаям сергак бўлиб қолганди. У ўқувчилик вақтидаги одатларига ҳиёнат қилмай туни билан деярли ухламай чиқар , кундуз кунги ярим, бир соатлик уйқу билан барисини ўрнини тўлдира олар эди .

Бугун ҳам ҳамма уйқуга кетганда, Фозилни табрикламоқчи бўлгани Суюманинг ёдига тушди. У деярли бир ойдан буён ишлатилмай ётган телефонни қўлга олди.

" Қанчадан бери ишлатилмайди, ойлик лимитлариям куйиб кетгандир - Суюма шу хаёлда телефонни ёқди . Уни ҳисобини текширганда , у уч кун аввал янгитдан тўлатилганлиги ҳақидаги хабарга кўзи тушди ва энтиқиб кетди,- Фозил ! "

Суюма тармоқга уланганида Фозилнинг рақами онлайн эмаслигига кўзи тушиб, ҳаяжонини анча босиб олди. У бафуржа табрик хатини ёза бошлади :

- Салом , Фозил ! Бугун бизникига Наима келган эди . У менга кўп синфдошларимизни талабалар сафига қўшилганликларини айтиб жуда ҳурсанд қилди. Фозил, сен ҳам талаба бўлибсан . Чин юракдан табриклайман. Айниқса грант асосида ўқишга қабул қилинганингни эшитиб бошим осмонга етди. Сен яхши ўқишинг керак , чунки ... сен энг яхшисига муносибсан !

Суюма хабарни жўнатганида , Фозилнинг ҳам тармоққа уланганлигига кўзи тушди.

У шу топда Фозилни жуда соғинганлигини ҳис қилди. Юраги яна эски одатини бошлади . Ўзига бўйсунмай қўйди. Гўё қирғоқларига қўзғалон қилаётган бебош денгиз мисоли кўксидан отилиш пайига тушди .

Фозилдан кетма- кет хабарлар кела бошлади :

- Хавотир олдим!!!
- Туззукмисан ?!
- Айтганча , салом !
- Табрик учун, раҳмат !
- ...соғиндим.

Суюма сўнгги хабарни ўқиб кўзларига ёш қалқди :  
 "Мен ҳам сени соғингандан йиғлаяпман..."

Суюма анчадан бери ҳис қилишга юраги бетламаётган бахтни учратиб қолгандек эди.

У ним ҳазин табассумда харф тера бошлади :

- Ўқишда яхши бола бўлиб юр ...

Яна курсдошларингни тўйини бошлаб ҳаммани оғзинга қаратиб ўтирмагин. Шу ўртакашлик касбингни ташласанг яхши бўларди. Ким билади у ерда қанақа қизлар бор?!

- Суюма, кўнглингни хотиржам қил. Бу ерда қизлар йўқ. Хаммаси йигитлар.  
 Тушунмадим, мени қизғанияпсанми ?

- Йўғ-а , қизғаниб ўлибман-ми . Шунчаки домлалардан гап эшитиб қолмагин деб хавотир олаяпман.

Бўпти , хайр .

- Тўхта , кетма. Ўзинг яқинда келдинг- ку ?!

- Жиянимнинг овқатланадиган вақти бўлиб қолди . Майли , эртага гаплашармиз.

- Кутаман. Эртагача...

\* \* \*

Ким айтган билмадим ?! Қачон айтган бундан хабарим йўқ ?!

Айтишларича ҳар кимга ҳам етимлик тақдири раъво кўрилмас эмиш . Етимлик тақдири ушбу оғир юкни кўтара оладиган , бардош бера оладиган матонатли инсонларга бичилган ҳукм эркан.

"Фаришталар бу дунёга келадиган жонни етти терак баландликдан ташлаб юборар экан . "Их" деб товуши чиқмаганига "етимликни кўтара оладиган жон" дея ...шу тақдирдан насиба ажратилар эмиш..."

Суюма онасидан ушбу сўзларни эшитганидан буён ўй- хаёлларини охирига ета олмайди.

"Дунё бунчалар синоатли ? - ўйлайди у , - айтилган ҳар бир иборада неча исботини топган яширин маънолар чиқиб, инсонни янада ҳайратга солишдан чарч

амаса?! "

Робия ҳам кундан - кунга Суюмани шу каби ҳайратлар денгизига сузи шига мажбур қилаётгани рост эди.

\* \* \*

Робия тўртинчи ойга қадам босди. Одамларни яхши ажратадиган, ўзига яқин деб ҳисоблайдиганларига гувраниб қошини қоқадиган бўлиб қолди.

Айниқса Суюмага шунчалик ёпишиб олди- ки , Жалолиддин кўпинча " О па, Робишни кўтаришиз шартмас , кийимингизни ёқасиними, елкасиними ушлатиб қўйсангиз , ўзи маҳкам коала айиғига ўхшаб чангаллаб тураверади" деб кулаверар эди.

"Ҳой қиз, болани ёнингга олиб ухлама деб минг маротаба айтганман сен га, ҳидингга ўрганса ўзинг қийналасан деганман . Қулоқ солмадинг , мана са қичдек ёпишиб олди" - Шаҳло опа танбеҳ берган сари Суюма Робияни янаям бағрига босади: "Ўзимни асалим".

Суюманинг ётоғини ёнига Робиянинг тебранма беланчагини қўйиб беришган бўлса- да , ухлаш вақти келганда Робия фақат холасини бағрида ухлар эди. Бир куни Суюма ўзининг ҳам Робиядан бўлак ётгиси келмаётганлигини , ҳаловат ҳиссини фақат шу митти фариштани бағрига босгандагина туйишини сезиб қолди.

Робия бутун оиланинг жажжи эркатои бўлди. Йўлдош ака ҳам ишдан қайтиши билан "онаш қани?!" дея уни излашга тушар , Робия эса қиқир- қиқир кулиб бобосини соқолига ёпишар эди...

Якшанба кунлари уларнинг уйлари яна ҳам тўлар , Робиянинг иккинчи бобо- ю бувиси "асалчани соғиниб кетдик" дея қўлларига илинган ўйинчоқни кўтариб буларникига чопишар эди.

Робияни фақат Абдумажидгина соғинмаган , ҳануз кўрмаган эди...

\* \* \*

Мана бир неча кунки, Йўлдош ака ишхонасидан руҳсат олиб Шаҳло опа билан вилоятнинг чекка туманидаги клиникага қатнашмоқда. Кейинги вақтда Шаҳло опа оёқ босолмай қолганди. Пойтахтда ҳам кўпгина шифокорларга учрадилар , аммо олган муолажалар нима учундир эм бўлмади. Шунда Йўлдош аканинг бир таниши аёлининг ўша ердан шифо топганини айтиб , Йўлдош акага ҳам мазкур манзилни тавсия қилди .

Афтидан муолажаа фойда бераяпти шекилли , Шаҳло опа ҳам бирмунча енгил тортгандек кўринар эди. Бугун ҳам отаси ва онасини йўлга кузатиб қўйган Суюма Робия уйқудан уйғонгунича кирларни тез - тез чайиб қўйишга шошилди. У бирров Робия ухлаб ётган хонага назар ташлади- ю , илдам ваннахонага йўл олди. Кирлар унчалик кўп ҳам эмасди. Робияни уч- тўртта кийимчалари . Суюма уларни алоҳида тоғора ва алоҳида совунда қўлда ювади. Шаҳло опа шунга ўргатган. Суюма тоғорадаги сувни энди яримлатган ҳам эдики , қулоғига Робиянинг бор овозда чинқириб йиғлагани эшитилди. У тоғорани ваннани ичига ташлаганча югуриб кетди. Шошганидан остонада мункиб кетди. От

илиб уч метрлар чамаси узоқликка йиқилди. Тиззасининг кўзи жиз этгандек бўлди. Аммо Суюма буларни идрок этадиган , ўзига қарайдиган аҳволда эмас эди.

Робия қўлларини силкитганича тинмай чинқирарди. Суюма ҳеч нарсага тушунмади . У Робияни айлантириб у ер, бу ерини кўрди. Шубҳали нарсага кўзи тушмади. Бир вақт чап кафтини мушт қилиб силкиётгани кўзига бошқача кўринди. Қизчани кафтини очганида ундан кичкина ари ерга тушди .

" Асалимни ари чақиб олибди"

Суюма йиғиси тинмаётган Робияни бағрига босиб тебрата бошлади...

\* \* \*

Абдумажид ишхонасига ташриф буюрган ҳамкорни кузатиб чиққанига анча бўлди. У киши ҳам сергапгина экан , гапи ҳеч тугамаса денг.

Абдумажид узоқдан майда қадамлар билан югуриб келаётган котибасини кўриб ажабланди "Ҳеч бунақа одати йўқ эди- я?!" . Бу баҳона меҳмонга ҳижолатли кулимсираб кечирим сўради ва у билан ҳайрлашди.

Котибанинг қўлида ўз телефонини кўрган Абдумажид уни хонада унутганини тушунди. Котиба унга яқинлашар экан телефонни топширишга шошилди:

- Ҳалитдан бери тинмай жиринглапти.

Абдумажид дарҳол экранга кўз югуртирди. Ўн икки марта қабул қилинмаган қўнғироқ. Телефон яна жиринглай бошлади . Экранда "Райхоннинг уйи" ёзуви кўринди. Абдумажиднинг юрагига хавотир ўралади : "Тинчликмикан?"

- Эшитаман?!

"У тараф"дан Суюманинг йиғламсираган овози эшитилди :

- Поччааааа! Робияяя ! Робияяя ўлиб қолади ҳозииир ...

Абдумажиднинг қўл - оёғидан мадор кетди :

- Нима ?! Нима бўлди?!

- Тез етиб келинг , илтимоооос ... Уйда ҳеч ким йўқ ... , - Суюма баралла йиғлар эди , - Робиям ўлиб қолади , ҳозир . Ҳаммаёғи қабариб кетаяпти ...

Котиба Абдумажиднинг ўқдек учиб машинасига ўтиргани, уни жуда катта тезликда ҳайдаб кетаётганини кўриб ёқасига туфлади:

- Ишқилиб , тинчлик бўлсин...

\* \* \*

Суюма эшик тагида машинанинг ғийқиллаб тўхтаганини эшитиб қўлидаги бола билан кўчага отилди.

У поччасига салом беришни ҳам унутиб , машинага интилди.

- Сал ойнани очинг, илтимос . Робиш бўғилиб кетаяпти ...

Абдумажид машина ойнасидан қайинсинглисига кўз ташлар экан , ўзи ўтиргани тарафдаги ойнани оҳиста тушурди.

- Бўлади ...

Суюманинг овозида қатъият бор эди.

- Нима бўлди ?! Нега бундай аҳволга ...

Абдумажид дабдурустан "қизим" дея олмади ...

- Кафтини ари чақиб олибди. Шу аллергия бериб юборди. Аксига олиб адамлар узоққа кетишган эди...

Суюма Робиянинг аҳволи оғирлашганда даставвал Фозилдан ёрдам сўрашни хаёл қилган эди, чунки у ҳар доим "Бирор ёрдам керак бўлса мен тай ёр" деб таъкидлагани таъкидлаган эди . Аммо Фозил ўқишда эканлиги , етиб келгунича кўп вақт йўқотишини ўйлаб поччасига қўнғироқ қилган эди.

Абдумажид манзилга етиши ҳамано машинадан тушди- ю , Суюма ўтиргани орқа тараф эшигини очди. У Суюмани ҳайрон қолдирганча Робияни унинг қўлидан шарт олди ва шифохона эшигига чопиб кетди.

Суюма бирдан бўшашиб кетди. У Робияга ўздан бошқа инсон ҳам ҳам хўрлик қилишини тасаввурига сиғдира олмаётган , у инсонни Робиянинг отаси эканлигини тан олгиси келмай қолган эди . Суюма поччасининг ортидан баъзур эргашди.

- Вақтида олиб келибсизлар ... Худо бир асрабди , - деди шошилини ёрдам маркази шифокори, - ҳавотир олманг, энди барчаси ортда қолди. Қизимизга вақти, вақти билан кўп- кўп суюқлик ичириб туринг, аммо қўрқманг, у бугун кечгача ухлайди.

Шифокор Суюмага қараганча жилмайди :

- Ойижониси , ўзингизни қўлга олинг. Сиз қизингизга соғлом кераксиз .

Суюма индамади . У тинчланиб уйқуга кетган Робияга қўлини узатди...

- Болани отаси кўтарсин, сиз шу туришда ҳам гандираклаб турибсиз ... Қўшни хонага ўтсангиз ҳамшира қон босимингизни ўлчаб қўяди .

Суюма "керак эмас" деган маънода бош чайқади, Робияни кўтариб ташқарига йўл олган поччасига эргашди .

Суюма машинага ўтиргач , Абдумажид унга Робияни узатди. Суюма ун



и авайлаб бағрига босди.

Йўлда кетар экан , Суюма поччасига киши билмас назар ташлади . Тўрт ой ичида поччаси анча қариб кетибди . Чекка сочларига оқ оралабди. Кўзларини атрофига ажин тўр ташлабди. Пешонасидагилари эса чуқургина ариқча ҳосил қилибди.

Суюма шу хаёллар оғушида уйга етиб келишганини сезмай қолди . Суюма Робияга қараб рангининг тозаланиб қолганини кўриб кўнгли жойига тушди.

Поччаси яна Робияни Суюманинг қўлидан олди. Робия отасининг қўлга ўтганда бир ғиншиди-ю , тез тинчланди. Суюма бир сўз демай дарвозани очиб поччасига йўл берди. Поччаси Суюмани ишораси билан Робияни кўрсатилган хонага олиб кирди. Аста чўккалаб Робияни Суюманинг ётоғига ётқизди . У ўрнидан турмоқчи бўлганида кўзи қизчасининг қўлига тушди. Робия отасини кўйлагининг тугма тақилган жойини қўлчаси билан маҳкам чангаллаб олганди.

Абдумажид қайтадан ўрнига чўкди. Суюма поччасини ёлғиз қолдириб , ўзи Робиянинг ичиши учун доғ сув тайёрлагани ошхонага йўл олди. У қўлида илиқ сувли идиш билан қайтганида поччасининг ҳали ҳам ўша ерда , ўша ҳолатда ўтирганига гувоҳ бўлди . Суюма Робия тамонга яқинлашар экан бирдан жойида тўхташга мажбур бўлди .

Абдумажид Робияни қўлчаларини ҳовучига олган ва уни лабларига тутиб ўпар , кўзларидан эса тинмай ёш қуйилар эди.

Суюманинг ҳам кўнгли бузилиб кетди. У ота ва қизни ёлғиз қолдиришга қарор қилди. Овоз чиқармай қўшни хонага кирди.

Суюма у ердаги креслога ўтирганча хаёлнинг турфа кўчаларида кеза босилади.

Суюма кўпда ўзига тушунмас , ҳайрон қолар эди. Ҳозир ҳам унда шундай кайфият ҳукмрон эди.

У поччасидан Робияни қизғаниб кетаётганлигини кўнглида ростмана тан олди , юраги шунча ойлардан буён ўз "қораси"ни кўрсатмай юриб , ҳозир Робияга "эга чиқиб" ўтирганига қанчалик ўртаниб кетса , ақли "асалча" учун бу дунёдаги энг яқин инсон Суюма тан оладими , йўқми барибир поччаси эканлигини , жонидан азиз опасининг йўқотиш ҳаммадан ҳам унинг ҳаётини ошун- устун қилиб , измидан чиқариб юборганлигини тан олиб турар эди.

Абдумажид эса ...

Абдумажид Робияни энди кўриб туриши эди. У қизалоғини шунчалар ширин қиз деб ўйламаган эди.

"Тавба , бу қиз онасига шу қадар ўхшар экан... Қоп- қора сочлари жингалак , юзлари оппоқ ва лўппи, лаб бичимлари ҳам онасининг кичик такрори. Қошлари атай чизилган ва бўяб қўйилган каби қоп- қора . Кўзлари қора ва серкиприк ...

Абдумажид турли йўналишдаги дизайнерлик танловлари ташкилотчиси эди . У ҳозир қизига ҳам ўзи билмаган ҳолда касбий нуқтаи назардан баҳо б

ераётган эди.

Дунёда аёл гўзаллигига баҳо беришдаги энг биринчи ва асосий шарт аёл кишининг лаблари унинг кўзларидан бир ярим маротаба кичик бўлишлигидир . Бу дегани аёлнинг кўзлари катта - катта бўлиши керак дегани.

Абдумажид Робияга назар ташлаб , қизининг ўзи бир жаҳон бўлса , ҳусни бир жаҳон бўлишини "ўқиб" ўлтирар эди .

Аммо унинг кўнглида бу ҳислар бир айланиб ўрнини бошқаси , бевақт ҳазон бўлган суюклиси Райҳон билан боғлиқ бўлган ғамгин хотиралар эгаллади .

- Абдумажид акаааа...

- Ҳа , Райҳон, нима дейсан ?!

- Шу десангиз , нимагадир кейинги ойлarda жуда ғалати бўлиб кетаяпман .

- Ииие , нима деганинг бу , тушунтириброқ айт ?

- Дунёнинг энг қизғанчиқ аёли . Ўша мен бўлсам керак . Яна қизғанган нарсамни қаранг , айтсам ишонмисиз , ўшани шунақа қизғанаяпманки...

- Ўшани , нимани ?

- Аниқроғи кимни денг ?!

- Райҳоооон , нима ...

- Абдумажид ака , бунча нималадиз ?! Бўпти ҳадеб нималайвермаслигингиз учун гапни кўп чўзмайман.

Мен ... Мен сизни шунчалик қизғаниб кетаяпманки... Билмадим , кейинги кунларда умуман ёнингиздан кетмасам дейман. Мендан сал узоқлашсангиз худди сизни бошқа кўролмай қоладиганга ўхшайман. Менга қолса ҳеч сиздан айрилмасам. Нега бундай бўлаяпти экан- а ?

Абдумажид Райҳонни сочларини силар экан, беозор койиди:

- Барчасига манави тўпалончи айбдор. У кейинги вақтларда сени кўп қийнаб қўйди- а ?! Ҳеч қиси йўқ оз қолди, ҳадемай ҳаммаси бошқача бўлади .

Райҳон эрининг елкасига бошини қўйган эди ўшанда. Овозларида орзулар гул очганди:

- Бир қизчам бўлади. У жудаям бошқача бўлади. Дадасининг ҳаётини нурга тўлдиради. Унинг учун ҳаётдаги энг меҳрибон эркак албатта дадаси бўлади. Й

иллар ўтиб қизимни турмушга берганимизда дадаси у ҳали келинлик уйига кетмасидан, ўзининг оқ фотиҳасини бера туриб йиғлай бошлайди. Чунки у қиз дадасининг қалб гавҳари , бу дунёдаги қўҳинур олмоси....

Ўшанда ... Ўшанда Райҳоннинг кўзларида ёш айланган эди . Абдумажиднинг ҳам кўнглини бузиб юборган эди.

Абдумажид ўйлар , ўйлаган сари ўзини айбдор ҳисоблар эди.

У қизига хаёлан мурожаат қилар эди:

- Жоним болам, мени кечир ... Бадбахт отангни кечир . Сени мунис онангни у нута олмаган , унинг фироғида бамисли қуруқ соя каби яшаётган , ҳар тонгда дунёда Райҳони йўқлигини ҳис қилиб уйғониши ўзини мингта жаллод ҳукмига топширишдан оғир азоб бўлган отангни кечир . Қизалоғим , Райҳон ўлмади ... Мени ўлдирди ... У билан барча орзуим , умидим , бахтим қоро ерга дафн қилинди.

Мен кўпинча ўйлайман. Бечорагинам охирги дақиқаларда нималарни ўйлаган экан ?! Ҳойнаҳой , ҳаётининг сўнгги кунларида дунёда энг қизғангани мени ўйлагандир . Ўшанда ҳам мени қизғанганидан кетгиси келмай жонини тўрт томонга отгандир . Ойинг ҳеч ким йўғида мени "жооооон" деб чақиришни яхши кўрарди . У айтган эдики ... Мен уни жони эканман . Райҳоним жонидан ажралаётганда жоооонидан , яъни мендан кеча олмай жуда қийналгандир ... Охирги лаҳзаларда , ўлим шарбатини тутганларида , унга шу шарбатни ичиши кераклиги , мажбурлигини билдирганларида дунёдаги энг беғубор кўзлар роса жовдираган бўлса керак. Тақдир ҳукмига қаршилиқ қилишга қуввати етмай бор исёни чорасизликдан кўзлардан сизиб чиққан охирги томчи ёшда мужассам бўлганмикан ?!

Уни юраги аввалдан барини сезган бўлса керак. Сезганлиги аниқ... Бўлмаса умрининг охирги икки ойида мени шунчалик қизғаниб яшамаган бўлади. Ишдан дақиқаларга кеч қолганимда росмана араз қилмас, бироз вақт ўтмай ўша аразини унутиб бағримга бош қўймас ва ҳар доимги гапи "мен сизни ҳамма- ҳаммадан қизғонаман " демаган бўлармиди ...

Ўша охирги кўрганимда ... Касалхонада ...Ўзи бир аҳволда- ю , аммо "Абдумажид ака ... , сиз Аллоҳга омонатимсиз , сиз билан ўтказган биргина социям учун ҳам бу дунёга келганимдан розиман..." деган сўзларини қандай унутай , қизим , қандай унутай?!

Операция хонасига олиб кириб кетишларидан аввал айтган сўнгги сўзини айтайми ?!

"Менга бирор кор- ҳол бўлса қизалоғимни мендан ҳам кўпроқ яхши кўринг ..."

Мен эса ... Мен эса Райҳондан бошқа ҳеч кимни яхши кўришга ...жазм қилолмадим . Иродам етмади ...

Очиғи , сени қўлимга олишдан қўрқдим... Агар сени ундан кам яхши кўрсам, унинг сўнгги илтимосини бажара олмайман деб куйиб кетдим...

Кейин ... Кейин бувинг , яъни менинг онамларнинг бот- бот такрорлайдиган сўзлари ёдимга тушаверди . Улар доим "Ким бир нарсани бошқаларидан кўпроқ яхши кўрса ўша нарса билан синалади."

Мен эса нарса эмас, балки кимни, ким бўлганида ҳам сени онанг - Райҳонни севдим .

Уни йўқотгач ... Сенга бўлган муҳаббатимни ошкор қилишга қўрқдим. Раҳмондан кейин сен билан синалишни истамадим... Истамадим !

Қизалоғим ... Мен сендан воз кечганмидим ?! Асло ?! Мен ... Мен ўзимдан воз кечган эдим. Нима учунлигини айтайми ?! Чунки мен аллақачон ўлиб қолгандим. Ўша машъум июлнинг сўнгги куни мендан ўзлимни тортиб олган куни. Муҳаббатим таълон - тарож қилинган сана .

Айтчи , айтчи қизим мен ёмон инсонманми ?! Бор гуноҳим кўнглимни фақатгина битта аёлга - онангга берганимдамиди ?!

Боя холанг "Робия ўлиб қолади" деб йиғлаб кўнғироқ қилганида сени худди онанг Райҳон каби яхши кўришимни тушундим. Иккинчи Райҳоним- яъни сендан иккинчи марта ажралиб қолишим мумкин эканлигини ўйлаганимда ... Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Робия ... Сенга онанг истаган , танлаган исмни беришибди. Ойинг доим " Тарихда Робия исмли буюк заковат эгаси яшаб ўтган , унинг эзгу амаллари ҳар доим тилларда дoston бўлган, мен ҳам қизимни ўша аёлга ўхшашини истаيمان" деган эди .

Қизим , бўлди , етар , бас!  
Энди сени бағримдан қўймайман.  
Ойижонинг истаган каби баркамол қиз бўлишинг учун ҳаракат қиламан. Сен менинг умримга мазмун , файз олиб кирганинг каби мен ҳам ...

Робия ғиншиди ... Овози бир кўтарилган бўлди . Зум ўтмай остонада қўлида сув идишчаси билан Суюма кўринди. Абдумажид секин ўрнидан турди .

Бироз тараддудланиб турди- ю, қайта ухлаб қолган энгашиб Робиянинг пешонасидан ўпди ...

Робия уйқусида жилмайиб қўйди .

Абдумажид енгил одимлар билан хонани тарк этди.

Суюма поччасини кузатиб қўймади . Фақатгина ортидан "раҳмат " дея олди. Поччаси индамади . Ортига қарамай бошини силкиб қўйди халос .

Кўп ўтмай кўча тарафдан машинанинг ўт олдирилган овози эшитилди .

Суюма санокли дақиқаларда Робиясиз ҳувиллаб қолган , уни жуда соғинган эди

Йўлдош ака ва Шаҳло опалар муолажадан қайтишганларида кун пешинда н оғиб қолган эди. "Суюма бола билан овора бўлиб бирор иссиқ овқат ҳам қилолмаган бўлса керак" деган хаёлда йўлдан сотиб олишган бир товоқ ош билан машинада уй дарвозасига яқинлашганларида эшикнинг очиқлигини кўрган эр- у хотин бир- бирларига ажабланиб қарашди.

- Тинчликмикан, онаси ?!

Суюманинг доим дарвозани қулфлаб ўтирадиган одати бор эди ?!

- Билмадим , битта, яримта меҳмонга келдимикан ?!

- Уйга кирайликчи , биламиз ?!

Йўлдош аканинг хаёли набираси Шаҳзодга кетди . Уч кун аввал қудаси Мусахон ака кеч бўлганда келиб уни ҳайрон қолдирганди:

- Қуда ишхонамдан бир хафталик таътилга чиққан эдим. Шунга Шаҳзоджонни олиб кетсам. Бир боболик гаштини суриб хамма набираларимни балиқ овига олиб бормоқчи эдим . Шаҳзодбегим қатордан қолиб кетмасин .

Йўлдош ака Шаҳзоджонни қудаси билан жўнатиб юборган кунидан бери Шаҳло орадан гап эшитади:

" Ишқилиб муздек сув ичиб қўймасин , зах жойларга юриб томоғи шишиб кетмасайди". Йўлдош ака аёлини сабрга чақиргани билан ўзи ҳам ундан кам ҳавотир олмаётган эди...

Шаҳло опа олиб келган ошини ошхонага олиб киришга ҳам сабри чидамай шундоқ зинага қўйди- ю , зипиллаб ичкарига шошилди . У Суюманинг ранг- рўйи бошқача алпозда эканлиги- ю , Робиянинг қўлчаси бинт билан боғланганлигини кўриб ҳушидан айрилай деди :

- Суюма нима бўлди ?!

Шаҳло опа Суюманинг жавобини кутмай айланиб Робиянинг пешонасига кафтини босди .

- Тинчлик , ойижон, хавотир олманг, энди тинчлик.

- Энди деганинг нимаси , қизим ?!

Суюма хонага кириб келган Йўлдош акага салом берди- ю , бўлган воқеаларни батафсил гапириб берди .

Шаҳло опанинг юзлари докадек оқариб кетди. У тинмай "Аллоҳга бир а таганимиз бор экан , ўзи асрабди- я боламини" дея такрорлар эди.

Абдумажиднинг Робияни докторга олиб боргани , у ердан келгандан кейин Робиянинг ёнида анча вақт қолиб кетгани ҳақида эшитган эр хотин бир-бирларига маъноли қарадилар : "Ўзига шукр" ...

Суюма уларга кўп гапларни айта олмади. Чунончи , Абдумажиднинг Робиянинг бошида анча вақт кўз ёшларига кўмилиб ўтиргани ҳақида ҳам .

- Ойижон , шу ерда бўлиб тулинг, Робияни бўтқасини тайёрлаб келиб ичириб қўяй. Доктор , тинчлантирувчи укол қилган , уйқудан кўзини оча олмаяпти , аммо қорни очиб кетгани аниқ .

- Майли қизим, тайёрлаб келақол . Болам бояқишнинг ичлари шилиниб ҳам кетгандир.

Суюма бугун руҳан қаттиқ чарчаганлигини ҳис қилди. Робияни сўргичли елим идишдан овқатлантириб бўлиб , уни лабларини сочиқча билан артиб олди. Робия бўтқасини ичаётганда ҳам кўзини уйқудан очмади ...

Суюмани тушликка чақириб келган Шаҳло опа уни Робияни беозор қучганича ухлаб қолганлигини устидан чиқди .

Шаҳло опа Суюмани уйғотишга кўзи қиймади . Қизига боқар экан юраги туздек ачишди :

"Ҳаёт сениям муштдек бошингдан она қилиб қўйди- я"

\* \* \*

Оила аъзолари кечки овқатга ўтиришганларида ноҳосдан чалинган эшик қўнғироғи барча оила аъзоларини сергаклантирди : "Ким экан?!"

Эшикдан хабар олгани кетган Жалолиддин ўзи билан поччаси Абдумажидни бошлаб келди.

Жалолиддин ва Абдумажиднинг қучоғи тўла турли ўйинчоқлар эди.

Йўлдош ака ва Шаҳло опа Абдумажидни гўё ҳар куни шу ерга келаётгандек, шунча вақт орадан бирор гап ўтмагандек илиқ кутиб олишди . Абдумажид улар билан сўрар- сўрашмас Шаҳло опанинг қўлида ярим ётқизилган ҳолда ушлаб ўтирилган Робияга қўлини узатди:

"Менга берақолинг..."

Хафта ўтмай Робия Абдумажидни яхшилаб таниб олди. Таннимасин-чи ?! Ахир дадаси бир кунда уч маротабалаб қизидан хабар олар, кўпинча ярим ке чагача шу ерда қолиб кетарди . Энди дам олиш кунлари ота- онасини Абду мажидни ўзи олиб кела бошлади.

Йўлдош ака ва Шаҳло опалар ҳам Робиянинг тақдиридан кўнгиллари ан ча жойига тушган вақтда Абдумажид иш жойидан узоқ муддатга ҳизмат сафарига , тўғрироғи тажриба алмашилиши ва малака оширишга кетадиган бўл ди.

Бу ҳақда кўпдан буён орзу қилиб юрган Абдумажид қатор номзодлар ора сида унинг номзоди танловдан ўтганлигини ва тегишли ҳамма ҳужжатлар т езда тайёр бўлганлигини эшитганда қарахт бўлиб қолган аҳволга тушиб қол ди.

Бир ой аввал "Қани эди тезроқ шу ерлардан кетсам " деб кун санаётг ан Абдумажид энди...

юрагининг ардоғи - жажжи фариштаси Робияни кўзи қиймаётган эди. "Ҳеч бўл маганда онаси - Райҳон тирик бўлганида ... Бари бошқача бўлар эди..." Абдум ажид нимани ўйламасин хаёлларининг охири бориб Райҳонда тўхтар эди . У маънос хўрсинди. "Кетадиган жойим яқин бўлса экан. Мода пойтахти - Париж . Ҳа умрида қўлига қалам олиб илк бор эскиз чизганнинг ҳам , ҳаётида бир б ор либос бичиб кийим тикканнинг ҳам , умрини турли подиумларда мода нам ойиш қилиш билан ўтказганнинг ҳам орзуси у ерни кўриш , ўша мода пойма хтидан баҳра олиш бўлса керак. Абдумажидга ўхшаган касби шу каби турли танловлар ўтказиш билан банд бўлганларни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Аммо ҳозирги вазиятда ...

Абдумажид икки ой аввал ўзи ишлаётган муассасага бош директор қили б тайинлаган эди.

Шу сабаб асосийси бўлиб , сафарнинг ортга суришнинг ҳеч ҳам иложи йўқ эд и.

\* \* \*

Абдумажиднинг бир кунда икки, уч маҳал келишига ўрганиб қолишган эк ан. Суюма ҳам кейинги вақтларда ўзидаги қизғаниш ҳиссини енгилга ҳаракат қилиб , буни уйдасидан энди- энди чиқаётган эди. У поччаси келганида Роби яни унга узатар экан , пайтдан фойдаланиб анча ишини битириб олишга ўрга ниб олган эди. Поччаси болалари Шаҳзоджон ва Робия билан ёлғиз қолиб вақт ўтказишни яхши кўрарди . Буни билган Йўлдош ака, Шаҳло опа ва бошқ алар уларни ёлғиз қолдириш учун имкон топар эдилар .

Нима учундир Абдумажид кеча эрталабда бир кўринди- ю , кейин шу бў йи йўқ бўлиб кетди.

Бугун кечгача ҳам бир кўринмагандан кейин Шаҳло опа ростмана хавот ирга тушиб қолди.

Абдумажид кечки соат саккизларга кириб келди. У Шаҳло опанинг "Бо лаларга ҳа деб ўйинчоқ олиб келаверманг ,ўзи шундоғам ер- у кўк ўйинчоқ б

ўлиб кетди, кунига биттадан ўйнаса ҳам иккала болангизга бир йилга етади" деб тушунтириш берганлиги учун бугун ўйинчоқ эмас , балки бир сават турли мева- чева кўтариб келибди. Ўтган сафар келганида Суюманинг Робияга шар батқисгичдан олма сувини чиқариб ичириб турганига гувоҳ бўлганлиги учун қўшимча бир яшик серсув , сап- сариқ ширин олмадан ҳам олиб келибди.

Ҳаммалари дастурхон атрофига ўтириб дуои - фотиҳа қилинган , Абдум ажид дабдурустдан мақсадга ўтиб қўяқолди:

- Ада , ойижон , - деди у тиззасида эркалаб олиб ўтирган Робияни қўнғироқд ек сочларини бармоқларида тарар экан , - мен...мен эртага кетадиган бўлиб қ олдим. Иш юзасидан . Франция, Парижга... Олти ой муддатга ..., - сўнг ҳижола тли кулимсиради,- Бормасликнинг иложи бўлмади ...

Орага бир зум сукунат чўмди.  
Уни Йўлдош аканинг салобатли овози бузди :

- Болам, ой бориб , омон келинг . Биздан , фарзандларингиздан хавотир олм анг . Кўнглингиз хотиржам бўлсин , - Йўлдош ака Робияга кулимсираб қошини ўйнатиб қаради , - Қаранг , Робия қизим ҳам кап- катта қиз бўлиб қолди . Ҳ адемай уйларни супурадиган қиз бўлиб қолади .

- Буважон , "пилесос қилади " денг , ҳолам ҳар доим ўшнақада уй супирадила - ку ...

Шаҳзоднинг гапидан ҳамма кулиб юборди.

Абдумажид "ҳозир" деганча кўчага чиқиб кетди . Зум ўтмай ўртача сабзи тахтадек планшет кўтариб қайтди.

- Сал қолса эсимдан чиқар экан.

Бу орқали бемалол бир - биримизни кўриб гаплашиб туришимиз мумкин .

- Овора бўлибсиз-да , ўғлим. Уйда телефон бор- ку. Ўша ҳам бўлаверар эди ...

Абдумажид кулимсиради :

- Ойижон бу билан юзма - юз гаплашиш имкони бор . Болалар бемалол мени кўришлари , ўзим билан гаплашгандек овозимни эшитишлари мумкин. Мен ҳа м уларни...

Абдумажид эрта сахарда учиб кетишини айтиб шу бугун хайрлашди. У кетар чоғида Робияни қўлидан қўйгиси келмас , ҳидига тўйиб олай деган ма қсадда тинмай юзлари, сочларини ҳидлар, қалбининг бир парчаси шу ерда қолаётганилан юраги увишиб кетаётган эди.

\* \* \*

Абдумажиднинг Парижга жўнаб кетганига бир хафта бўлди . Аммо ҳар куни планшетнинг каттагина экрани орқали уй ичилар билан "жонли" мулоқа



т қилишни канда қилмайди. Айниқса Робия экранда адаси кўринганда тишси  
з оғзини очиб гугулагани - гугулаган...

\* \*\*

Қиш кириб келганига ҳам кўп бўлгани йўқ. Ўтган йилги қишда Суюма  
асосий вақтини қўшимча дарс қилиш билан ўтказар эди. Бу йил ҳам яна қай  
тадан институтга кириш имтиҳонга тайёргарликни бошласам дейди- ю , ҳеч  
юраги дов бермайди. Ўтган ёз биринчи август кундаги воқеалар юрагини ол  
иб қўйган. Бу масаланинг бир томони бўлса , масаланинг иккинчи томони - Р  
обия .

Робия анча шўхликни тушуниб қолган . Бўш қолса ердан нима топса оғз  
ига солиб кўради. Эмаклашни ўрганиб олгани учун ҳали у ёққа , ҳали бу ёққа  
саргузашт қидириб кетаверади. Унинг дастидан хоналар яхшигина бўшати  
иб қўйилди. Акаси Шаҳзоднинг лего ўйинчоқлари фақатгина Жалолиддинни  
г хонасида ўйналадиган бўлди.

Қишнинг куни бир тутам . Кеч тезда туша қолади. Аммо бу дегани болалар  
ҳам тезда ухлайди дегани эмас.

Бугун ҳам Робиянинг кечки ўн бирларга бориб кўзи илинди.

Суюма ҳам турмушнинг майда чоп- чоплари билан обдон толиққан бўли  
шига қарамай , Фозилга хабар беришга ўзида куч топди. Унга тўрт кундан бу  
ён ёза олмайди. Роса хавотир олгандир .

Суюма тармоққа уланганида Фозилнинг рақами ўчиқ эканлигига кўзи ту  
шди. Аммо ундан ўзига келган СМС лар бир дунё бўлибди .

Биринчи куни бир талай кулгили ҳикоялар , хазиллар ...

Иккинчи куни жиддий номалар ...

Учинчи куни хавотир олаётгани ҳақидаги дил сўзлари...

Бугунгиси эса ...

- Хай , қиз ! Ишқилиб тинчмисан ?

Ҳазиллашма ... Нима беш дақиқа вақт ажратиш , мендан хавотир олма де  
б ёзиб қўйиш шунча қийинми?!

Касал бўлиб қолмадингми ишқилиб ?! Суюмаааааа, жавоб ёз ...

Суюма жавоб ёзди :

- Мени кутиб кўзларинг қоп- қора бўлиб кетсин. Менга қора кўз йигитлар ёқ  
ади .

Суюма кўзи илинаётганини сезиб тармоқдан узилди .

Суюма Робиянинг хархашасидан уйғонди. Унга илиқ сув тутди. Робия сув  
ича туриб яна ухлаб қолди. Суюма сув идишни тумбанинг устига жойлар экан,  
Фозил совға қилган телефон ерда ётганига кўзи тушди. Суюма телефонни шо  
шганича бағрига босди. Ҳудди жиноят устида қўлга тушган каби юраги бежо  
уриб кетди.

Суюма боя Фозилга юборган хабарини эслади. "Жавоб келганмикан?" У шундай деб ўйлаганча қайта тармоққа уланди . Унда Фозилдан хабар келган лигини билдирган ҳолда рақам турар эди. Суюма хабарни очишга шошилди.

- Суюма , кўзимни қора қилишинг учун шунча қийнаш инсофдан эмас. Ёшги на жонимга жабр қилма , илтимос. Кўз рангининг ўзгартиришининг бошқа йўллари бордир?! ... Масалан, линза деганларидек ...

Ҳа, битта нарсасига тушунмадим?!

"Менга қора кўз йигитлар ёқади" дебсанми ?! Нотўғри ўқиганим йўқми ? Шу йигитлар деган жойи...жа жинимга ўтиришмади- де ?! Ҳалитдан бери ўзимни босай деяпман- у ... Ҳа айтганча, эртага шаҳардаги "қора кўз йигитлар йўқ бўлиб қолибди" деган хабарни ўқиб ё эшитиб қолсанг , мендан кўриб юрмагин - а ?!

Суюмани Фозилнинг сўнги сўзларини ўқир экан жилмайди : "жинни !". Суюма тармоқдан чиқмоқчи бўлиб керакли тугмани босмоқчи бўлганида , Фозилнинг тармоққа уланганини билдирувчи чироқча ёнди. Фозил дарҳол ёзишга тушди :

- Ииии, уйқудаги маликамиз уйғондиларми ?!

Оооо , бугун бахтдан бошимиз осмонга , э йўғ-ей болахонамизни шифтига етар экан- да !

Буюрсинлар маликам , не истайсиз ?! Шу десангиз меням бир истагим бор эди ?!

- Нима истак ?!

- Ииии , аввал салом бермайсизми ?! Ҳар ҳолда сиздан икки ой- у саккиз кунлик каттаман , ҳурматимиз йўқми ?!

- Ҳурматми ?! Бор ҳурмат . Қалашиб ётибди...

Суюма шу сўзларни ёзар экан ўзини зўрға кулгидан тўхтатиб қолди.

- Унда қани салом ?! Эй , қандай кунларга қолди-я бу бошим?! Саломни сўраб олсам- а?!

- "Кониच्ва" !

- Нимаааа?!

- "Кониच्ва!" деб ёздим, нима бало кўздан қолдингми ?!

- Воооой , Суюмааааа ?! Японкамисан ?! Ваааай , ман ҳали японкага ошиқ бўлганмидим ?!

Қойил ! Классс! Аммо япончасига алик олишни билмайман- де?! Тўхтачи ?! Сенгаям

ўшнақа "коничва" ! Бу менинг алигим.

- Бир илтимосим бор деяптувмидинг ?!

- Ҳа , малол келмаса

- Айтчи , қўлимдан келса , бемалол ...

- Суюма , очигини айтсам, шу харф териб вақтим кетиб қолади . Қўнғироқ қилсам, овозингни эшитсам, кейин сени кўрмаганимгаям олти ойдан ошди... Ҳе ч бўлмаса овозингни эштай деган эдим...

- Фозил ...

- Ҳа

- Гаплаша олмайман. Робия тик этса туриб олади . Жуда сезгир. Сен билан гаплашиш учун эса уни ташлаб бошқа хонага чиқа олмайман.

- Ундай бўлса майли. Ўтган сафар расмини кўрганимдан буён кўз ўнгимдан кетмай қолган . Кўз тегмасин, ўзиям роса ширин қиз бўлибди.

- Ҳа нимасини айтасан?! Бир зум кўрмасам соғиниб қоладиган бўлганман.

- Суюма... Суюма- юююю?!

- Шеттаман , Фозил . Нима дейсан?!

- Биз Фотима- Зухра опамизни фотиҳа қилдик , насиб қилса баҳорда тўй... Улар ўзларига ўхшаган эгизакларга турмушга чиқишяпти. Қизиғи Фотима опам - Хусанга, Зухра опам - Ҳасанга тегаяпти. Учрашувга чиқишганда адашиб кет ишган экан. Тақдирлиги шунақа ёзилиб қолибди . Энди Зухра опам ҳар куни Фотима опамни жиғига тегаяпти: "Мен катта келин бўламан, опа дейсан" деб .

Кейинги баҳорда эса мени уйлантиришмоқчи ...

- Опаларинг бахтли бўлишсин.

Борган жойларида туп қўйиб палак ёзишсин. Тақдирлиги асли ўзи туғилганларидан шундай ёзилган ... Шунинг учун ҳаётларида "адашиш" сахнасининг цен

арийси ёзилиб қолган...

Сен эса ...ҳммм , майли сенгаям бахтли бўлишга руҳсат ...

- Йўғееей , ҳақиқатдан руҳсатми ?! Ҳайрият , Суюма бахтли бўлишимга руҳсат берармикан деб юрагим роса така- пука бўлаётган эди. Энди кўнглим жойига тушди... Сен айтасан- у , мен бахтли бўлмас эканман-ми ?

Уларнинг суҳбатлари ҳали - бери тугай демас эди ...

\* \* \*

Абдумажид сафарга кетганига беш ойдан ошди . У кунда-кунора фарзандларидан хабар олишга эринмас, белгиланган вақтда улар билан интернет орқали боғланиш одат тусига кириб қолган эди .

Аммо бугун иш билан банд вақтида унга Тошкентдан чақириқ бўлиб қолганига ҳайрон бўлди , сўнг кўнглига ҳавотир оралаб у ҳам жавобан алоқага чиқди.

"Мана гап қаерда экан?!"

Планшет Шаҳзоджоннинг қўлига тушибди. Боласи тушмагур адасига хабар етказиш йўлини уддалабди.

Шаҳзод экрандаги адасига кўзи тушиши билан дарҳол саломга ошиқди :

- Ассалому алайкум , адажон .

- Ваалейкум ассалом , ўғлим. Уйда бир ўзингмисан ?! Қолганлар қани ?!

- Улар телевизор кўришаяпти. Мени сизга алё қилганимни билишмайди .

- Болам , ўзинг яхши бола бўлиб юргин. Менгачи , тоғанг , бувинг ёки буванг борларида алё қилгин, хўпми ?

- Холам бўлсалар-чи ?! Ўзи сизга алё қилганимда доим холам бўладилар- ку ?! Улар сизга Робишни кўрсатадилар- ку ?!

- Ҳа холанг борида ҳам алё қилавер, майли ...

- Адажооооон , ада ! Ҳоламничи ...

- Шаҳзод ! Нима қиляпсан бу ерда ?

Абдумажид Жалолиддиннинг юзини кўрмаса ҳам овозидан таниди, у ҳо  
й дейишга улгурмай Шаҳзод тармоқдан узилди

\* \* \*

Май ойининг охирги кунлари...

Кунлар илиқдан иссиқга ўтган , кечаларга ҳам бошқача бир тароват кириб қо  
лган кунлар.

Ҳавода атиргул ва райҳон ҳиди кезади. Бу йил баҳор эрта келди. Ўзбеги  
мнинг қўли гул миришкор инсонлари бор бўлсин. Улар ҳатто райҳонни ҳам и  
ссиқхонада эрта баҳордан барқ уриб ўсишга , ўз хушбўй ҳиди билан инсонлар  
нинг ҳаётида ҳарна эртароқ меҳмон бўлишга ундаб қўядиган бўлдилар.

Йўлдош ака ҳам икки ҳафта аввал Шаҳло опанинг "Ҳали эрта , бундай  
вақтларда яна бир кун совуғининг келиши бор" деганига қарамай , гул бозор  
идаги энг мунис чечаклардан саралаб келганди. Уларни ўзи астойдил хава  
с билан ҳовлига қадади. Шаҳло опа айтган "куннинг совуғи" келмади . Қайтаг  
а кун кун сари исиди. Мана икки ҳафтадаёқ хушбўй райҳон- у жамбиллар бўй  
таратиш , анвойи капалакгуллар ўз гуллари ила киши кўнглига завқ улашиш  
тараддудига тушиб қолдилар.

Суюма ҳар кунгидек бугун ҳам барвақт уйғонди . У ўзини қучганча бео  
зор пишиллаётган Робияни секин ўзидан ажратди. Устига енгил қилиб юмшо  
қ пар кўрпани ташлади. Унга меҳр билан тикилар экан , лабларидан кунига  
юз бора такрорлайдиган сўзлар оҳиста учди : "Шакарим ўзимни"

Баҳорнинг охирги ойида Робияга оёқ битганди . У антак - тантак юришн  
и ўрганиб олди .

Суюма ширинтойининг бу ютуғидан боши осмонга етган эди. Энди ҳар  
кунги эркалашларнинг асоси "ачалом" бўлиб қолган эди.

Суюма бўш қолди дегунча ерга тиззалаб олганча қулочини кенг очар  
ва "ачалом" ни бошлар эди:

- Ачалом, ачалом ...

Робия эса бошқаларни кўзини куйдирганча Суюмага ачаломга ошиқар эд  
и . Унинг гандираклаганча юришига маст бўлган бошқа инсонлар учун "ачало  
м" эшиклари негадир берк эди.

Бунга сари Суюманинг "ачалом" бозори қизир эди.

Суюма ўзи суюгани субҳидамга ошна бўлиб кўча ва ҳовлиларга сув с  
епди. Сўнг ошхонага кириб , човгумга тўлдириб сув солди. Уни газга қўйиб ,  
тагини паст қилиб ёқди- ю , аста хонасига йўл олди.

Суюма овоз чиқармасликка ҳаракат қилганча Робиянинг ёнига чўзилди.

"Робиянинг кетма - кет қилиқлари чиқаяпти" ўйлади Суюма унга тикилиб  
. У ҳали ҳам кечалари бир бор туришини канда қилгани йўқ. Аммо энди сув

сўрамайди . Суюманинг ётоғига тиркаб қўйилган тебранма беланчагидан секин осилиб тушиб Суюмани бағрига жойлашишни , унинг кўксига бош қўйиб уйқусини келган жойидан давом эттиришни ўрганиб олган.

Суюма Робиянинг шириндан ширин қилиқларини бир- бир кўз ўнгига келтирганча кўзлари уйқуга асир тушганини билмай қолди .

Орадан бир мунча фурсат ўтгач Робия уйғонди. Унинг уйғониши ўзидан ҳам ширин. Ётган жойида аввал Суюмани тур дегандек бироз таталади. Суюма ўзини Робияни маҳкам қучиб олишдан зўрға тийиб ётарди. Бироздан сўнг ҳар тонгги томошанинг энг қизиқ ва севимли жойи келди.

Робия Суюмани юзларидан ўпишга тушди : Чалп, чалп . Чалп, чалп...

Суюма бу дақиқалар ҳеч қачон тугагини истамайди. Аммо начора?! Ўрнидан туриши, Робияни қорнини тўйғазиши керак.

Суюма шуларни ўйлаб энди "уйғонмоқчи" бўлганида бирдан ўқ еган оҳудек бемажол ҳолга тушди. Сабаби Робия уни дунёдаги энг буюк совға билан сийлаган эди. Бу совғанинг ўзига бутун дунё сиғиб кетган эди .

- Ааййяя! Ааййяя!

Суюма даставвал Робия бу сўзни тасодиф билан талаффуз қилиб қўйди деб ўйлади. Аммо Робия унинг гумонини тезда йўққа чиқарди . У Суюмани дамбадам ўпар ва дамба- дам "ая"лар эди

- Ааййяя! Ааййяя!

Суюма қўлларидан ҳаракатга тушишни ва бир парча эт ҳолидан гоҳ йиғлаб , гоҳ кулиб ўзи парвариш қилган ушбу мўъжиза жонни маҳкам қучоқлашни сўради. Қўллар ўз эгасига хиёнат қилмадилар. Шу топдаги энг қийин иш Робияни бағрига босишни уддаладилар.

Бирдан кутилмаган ҳолат юз берди. Суюма қон томирларидаги қандайдир тугунлар кетма- кет ва бирма- бир ечилаётганини туя бошлади. Бу жараён шунчалик қайноқ эди-ки, Суюманинг боши айланиб ўзини яна ёстиққа беҳол ташлади.

Робия эса бугунги тонг яна бир мислсиз мукофот ҳозирлаганини ҳали англаган эмас, аммо ўзининг ҳозирги ҳаракати бу дунёга келганидан бери энг яқин деб ҳисоблагани , фақат унинг иссиқ бағридагина ҳаловат туя олишини билганини - исмини айта олаётганидан беҳад шод эди ...

- Ааййяя...Ааййяя...Ааййяя!!!

\* \* \*

Бу ёғи тезлашиб кетди. Робия анча уқувли шогирд чиқиб қолди. Аммо ўзига етгунча ҳам эканлигини инкор қилиб бўлмас эди. У ўзига тегишли инсо

н ва нарсаларни тез саралай бошлади...

"Айя"дан сўнг акани ака демаса бўлмаслигини тушунди, чунки жигар жигар э канда ?! Ё бўлмасам, унинг айтганларини беминнат бажарадиган , доим кўнглига қарайдиган иккинчи одам акаси Шаҳзод эканлигини тўғри тушуниб олган миди , буни ёлғиз ўзи билса керак .

- Атта , атта ! , - бу Робиянинг акасини чақиргани эди.

Аста - секин буюм ва жараёнлар номлана бошланди .

"Нанна" - нон, "Ув" - сув, йуй-юр , "та"- қаерда , қани каби.

Бу уйдаги Суюма сал кўринмай қолганда оғиздан тушмай қоладиган и бора - "Аййя та ?! "- "аям қани ?!" эди.

Бир куни қизиқ бўлди. Июньнинг бошларида Суюмани синфдоши Наиман инг тўйи бўлди. Суюма ҳам сал кам бир йил деганда уйдан кўчага чиқди. У ҳам қатордан қолмай қиз дугона бўлиб , Наимани "узатишиб" кетди. Аммо кўркам ресторанга бориб етмасидан ортидан ўз машиналарида Йўлдош ака билан Шаҳло опалар Робияни қучганларича изма - из етиб бордилар. Улар ресторандан тез Суюмани чақиртиришга мажбур бўлганларининг сабаби Робия эди .

У Суюма тўйга отланганидан хархашасини бошлаган, Шаҳло опа "Тўйга бемалол боравер, қизим, Робияни ўзим амаллаб овутиб оламан" деб кўнглини хотиржам қилиб жўнатган эди. Аммо Робияни хархашаси бора- бора йиғига айланган, уни "Аййя та, Аййя та?" лаб йиғлайверганига ҳеч овутишни иложини топа олишмагач, ноиложликдан йўлга тушишган эди.

Робия Суюмани кўргач дарҳол овунди, аммо анчагача ҳиқиллаб ўпкасини боса олмади.

У қучоғидаги Робиянинг "аййя, аййя"сига "ҳа асалим"дер эди-ю, қўйиб берса ўзи ҳам ўзи унга қўшилиб йиғлашдан ўзини зўрға тўхтатиб турар эди .

\* \* \*

Июнь ойининг ўн бешинчи числосида Абдумажид Париждан қайтиб келди. Аввал ота- онасини зиёрат қилган Абдумажид фарзандларини кўришга ошиқар эди. Ундаги бу ҳолатни кўрган Мусахон ака ва Дилбар опалар набира ларини бирга йўқлаш учун ўғилларининг ёнига тушдилар. .

Улар қудалариникига борганларида Шаҳзодбек дарровда отасининг қучоғига отилди. Аммо Робия отасининг қўлидан чириллаб Суюмага интилди : "А ааййййяяя!"

Мусахон ака ҳам , Дилбар опа ҳам , хаттоки Абдумажид ҳам Робиянинг тили "ая" деб чиққанидан , ундан ҳам кўра Суюмани она ўрнида қабул қилганидан беҳабар эдилар ...

Абдумажид қизи анча катта қиз бўлиб қолганига бир суюнса , ўзини беғона олаётганига , ўзидан кўра Суюмага қаттиқроқ боғланиб қолганлигига ўнғ

айсиз аҳволга тушиб қолган эди. Салкам қирқ йиллик қурган турмушлари сабабли Мусахон ака ва Дилбар опа бир - бирларини кўз қарашларидан тушуна диган бўлиб қолган эдилар. Улар Робия Суюмани ая деб атаб , юзини унинг бағрига яширган онидаёқ бир- бирларига маъноли нигоҳ ташлашга улгурган эдилар. Ушбу ташланган биргина нигоҳ жуда кўп нарсадан хабар берар эди...

Абдумажид сафардан қайтганига икки hafta бўлганида Мусахон ака қўнғироқ қилиб уйга чақирди. Дадаси Абдумажидни анчадан бери бундай ат айин йўқламагани учун у даставвал ажабланди, аммо отасининг ҳукмини вожиб ҳисоблагани итоат билан чақирилган вақтда унинг қошида ҳозир бўлди .

Дадаси Абдумажидни бир ўзи кутмаётган экан. Унинг ёнида ўтирган онасининг қатъиятли нигоҳига кўзи тушгач, Абдумажид бугунги суҳбат анча жиддий эканлигига кўзи етди.

- Йўқ , ҳеч қачон! Мендан буни сўраманг ?!

Абдумажид йиғламоқдан бери бўлган ҳолда ота- онасига қаршилик қилишга интилар эди - мен ахир Райҳондан бошқа ҳеч кимни ... Мен бошқа аёлнинг қорасини уйимда кўришни истамайман. Илтимос , мени ҳам тушунинг , ўрнимга ўзингизни бир сонияга қўйиб кўринг. Ахир Райҳон мени деб бу дунёдан кетишга мажбур бўлди. У энди йигирма беш ёшга кирган эди . Ахир дунёга келиб нимани кўришга улгурди, айтинг ?!

Ойижон, ўзингиз она бўлиб наҳот мени дардимни тушунгингиз келмайди ? Мен ахир қандоқ қилиб фарзандларимга ўғай фарзанд бўлиш қисматини раво кўраман ?! Қандай қилиб ?! Фарзандларим битта оҳ урса раҳматли келиннингиз гўрида тикка турмайдими ?! Келгусида фарзанд кўрсам , уларнинг пешонасига ўғай ака - сингиллар деган тамға босилмайдими ?!

- Болам,- Мусахон салобатли овози билан Абдумажиднинг сўзларини шарт кесди,- болам , сен нима учун инсонларга бунчалик ишончсиз бўлиб кетдинг ?! Нима учун " Яна оила қурсам ҳаётим беш бадтар бўлади" деб ҳалитдан зада бўлаяпсан ? Аввало , ёлғизлик ёлғиз Аллоҳга хос . Қолаверса , иккинчи оила қуриб бахтли бўлганлар камми дунёда ?! Ҳар бир ниятни тоза сўраш керак ахир ?!

Энди асосий ҳақиқатни эшит . Шундай кейин ҳам фикринг ўзгармаса ... Унда билмадим.

Сен шу туришда фарзандларингдан аста- секин ажралиб бораяпсан. Шаҳзодажондан, Робиядан... Айниқса қизингдан ...

Бояқишнинг тили "ая" деб чиқибди- ю , аяликка холасини сайлаб олганини қара... Унинг ёнидан бир қадам жилмаётганлигини қара.

Ўша қиз шундай ўтмаслиги аниқ. Яъни бир умр сени фарзандларингнинг боқиб бериш кафилини олмаган. Эрта бир кун турмуш қурса , болаларинг а



росатда қолиб кетишини ўйладингми ҳеч. Ё "Суюма турмушга чиққан жойига болаларимни олиб кетади- ю , мен ўша хонадонга қатнаб улардан хабардор бўла оламан" деб ўйлаяпсанми ?!

Сени болаларинг ёш бошига шунча синов кўришди . Ўзингдан қиёс қилгин, болам ... Райҳондан ажралганда эзилган, куйган битта сенмасдирсан ?!

Фарзандларинг энди Суюмадан ҳам ажралиб бир йўла ҳаётдан бегиши керакми ?!

Қайнона, қайнотангни , яна бизларни ҳам Аллоҳ сенга бир умрга боғлаб бермаган ахир.

Кези келганда ўз йўлингда давом этаётган вақтингда ёнингдаги керакларини инсонларнинг ҳамма вақт ҳам бўла олмаслигини ҳам бир ўйлаб қўйгин. Ахир инсон зоти ҳеч қачон дунёга устун бўлган эмас.

Ўғлим, сен эрлик вазифасини жойига қўйдинг, энди буни бутун умр исботлаб ўтишга ҳожат йўқ . Менимча , сен буёғига оталик вазифасини бажаришинг , ота номини оқлашинг керак бўладиган вақт келди.

Фарзандларинг қўлма- қўл бўлиб юрса, ўзи ҳақдор бўлган уйи бўла туриб бошқа ерларда тентирашга мажбур бўлса , айтчи , марҳума келиним қабрида сендан рози бўлиб ётармикан ?!

Жавобинг "ҳа " бўлса унда ... унда билганингни қилавер , болам ...

Абдумажид отасига қарши бир сўз айтмади . Айта олмади... Фикрларига жўяли эътироз билдира олмади. Мусахон ака унга ҳозир ҳақиқат ойнасини тутган, унда ўзини кўришга мажбур қилган эди.

Ҳақиқатга тик қараш эса , шунчалик азобли экан-ки ...

Буни Абдумажиднинг қаттиқ қисилган муштаридан, юзининг чекка қисмларида ўқлоқдек қабариб чиққан қон томирларидан билса бўлар эди...

\* \* \*

- Суюма , нима учундир жуда хафадексан?!

- Йўғей , Фозил , қаердан олдинг бу гапни?!

- Билмадим, шундай туюлди . Юрагим кун бўйи "Суюмадан хабар ол , Суюма йиғлаяпти" деяверди . Эсингдами , Суюма менга бир шеър ёзиб жўнатган эдинг ...

"Мени эсла" деган шеър эди.

Ботаётган қуёш хаёлинг олса,  
Оловранг шафақ дод солиб қолса,  
Ой недан аразда ёнбошлаб қолса,

Мен йиғлаяпман - мени эсла...

Ёмғирнинг шивири билинмаса ҳам,  
Тўрт тараф зах тортиб , бўлиб кетса нам,  
Юрагинг тўлса-ю, аммо недир кам,  
Мен йиғлаяпман - мени эсла...

Тушларингда кўриб қўлимни тутсанг,  
Хаёлингда бир бор йўлимни кутсанг,  
Хуш ўзингда , ва лек ўзни унутсанг,  
Мен йиғлаяпман - мени эсла ...

Мунғайиб қолган тоғни ҳис қилсанг,  
Аёзлар қақшатган боғни ҳис қилсанг,  
Соғинчим тўзон бўлди-я билсанг,  
Мен йиғлаяпман- мени эсла...

Мана ўша шеър. Ҳозир мен шундай аҳволдаман. Ҳудди ўша шеърд  
а ёзилгани каби . Мен шу ҳолатда бўлсам, демак ... сен йиғлаяпсан?

- Фозииниил...

- Суюма, нима бўлди ?!

Суюма ... Бир сўз демай мени ўлдирма , нимадир де... Илтимос... Яхши гап  
бўлмаса , ёмон бўлсаям, айтавер , ахир ҳар нарсанинг чораси бор ...

- Фозииниил, одамлар нега бунчалар ёмоооон , айт нега бунчалар ёмоооон ?!  
Мен нима ёмонлик қилувдим уларга ?! Айбим нима ?! Бор айбим итоатми?!  
Бор айбим ...

- Суюма , ўзингни қўлга ол, илтимос ...  
Ҳаммасини бир бошидан ёза оласанми ?!

- Фозил , менга анчадан бери совчилар келаяпти . Келганлари майли, ноними  
зни еб , чойимизни ичганлари майли . Аммо , аммо кўксимизга ҳанжар санч  
иб кетаётганлари ёмон. Ўтмас пичоқда сўйиб , сўйиб кетаётганлари ёмон.

Айт , ойижонимни айблари нима ?! Айблари қиз туққанларими ?! Адамл  
арни- чи ?! Гулдек қизларини ўз қўллари билан қабрга берганларими?! Ҳар ду  
ои фотиҳаларида "Қизим Райҳонни жаннат ҳурларига йўлдош қилгин, ё Аллоҳ!  
" деб дуо қилишларими?! Ё опамдан қолган зурриёдларни бағриларига олган  
ларида уларда бевақт жувонмарг бўлган опамни изларини кўриб соғинчдан ў  
ртаниб кўз ёшлари соқолларини ювишими айблари ?! Айт , Фозил , айт !

Мени , мени айбим нима Фозил !? Мен ўқишни , институтга имтиҳон т  
опширишни орзу ҳам қилмай қўйдим?! Биласанми , нимага ?! Нимага-ки , Роб

ияни ташлаб кетолмайман. Айни дақиқалар-да у менсиз бир зум тура олмага нидек, мен ҳам усиз бир лаҳза яшай олмайман. Сен , яна Суюма ўқишга кир а олмаяпганидан ўксияпти деб ўйлама! Сира ўксияпганим йўқ, асло ! Ахир м ен журналист бўлиб инсонларнинг дардига малҳам қўймоқчи эдим . Бугун эс а... Бугун эса бу ишни уддасидан чиқа олдим деб ўйлайман. Мен аллақачон олий таълим тўғрисидаги дипломни олиб бўлдим . Қаерда ўқидинг деб бир сўрагин-чи ?! Мен ҳаёт мактабида ўқиб бўлдим. Устозим ҳам ўша ҳаётнинг ў зи бўлди , ҳа нақд ҳаётнинг ўзи бўлди ...

Унда нима учун хафасан деб ўйлаяпсанми ?!

Сўзларимни охиригача ўқишга кучинг етармикан , Фозил ...

Етармикан - а?!

- Суюмаааа ...

- Ҳалиям тармоқдасан- а , демак етади ...

Хуллас ўтган ҳафта келган совчи хоним нима дебди дегин?! Мен бола б оқишга уста бўлиб қолганмишман, ҳаёт мени обдон пиширибди . Бу айни му ддао эмиш. Сабаби у аёл боладан чиқиб қолган экан. Ёш бўлиб туриб ўзини буви деб аташларига қарши эмиш . Мен эса фарзандли бўлсам, ўз бошимга ёққан қорни ўзим кураб , ўз боламини ўзим боқиб олар эмишман. Мен бу "ўз" лари кўп аёл учун ўзимни зўрға тўхтадим. Бўлмаса ...

Уч кун эса яна аввал биттаси келди . У аёл куйдирган калладек тиржа йиб айтдиб-ки , "мен кўча гапларига ишонмайман , кўпчилик қизингиз боқиб ў тирган қизалоқ ... .. ўзини қизи дейишсаям , қизни отаси , по ччаси бўлсаям ... , опам бу иснодни кўтара олмай , ўз жонига қасд қилган дейишсаям , ҳеч нарсага "ишонмаганмиш"! Олижанобликни қара-я , Фозил , и шонмаганмиш ?!!!!

Айт , Фозил , мен нима қилай ?!

Бугун яна совчи келди . У камгап аёл экан ... Кўп гапириб ўтирмади. А ммо етарли гапирди. У мени ўзимга совчи бўлиб келибди. Унинг ўғлига турму шга чиқишни истасам , ўғлининг фарзандларини кам кўрмаслигим учун Робия ни уйда , онамни тарбиясида қолдирар эмишман ва шундан кейин бағоят сав обли иш - уч етим болани бошини силаш бахтига муяссар бўлар эмишман. Ана шунақа гаплар , Фозил , ана шунақа гаплар ...

- Суюма , мен сен ҳақингда ота- онамга айтдим ...

Улар сени аллақачон аллақачон Ёрқин ва Шавкатдан эшитиб, таниб бўлга н эканлар...

Биласанми , ойим нима дедилар ?!

Ойим "Фозил , аввалам у қизни поччаси фарзандларини унга бериб қўймаса

керак, агар берган тақдирда мен жон деб уларни қабул қиламан" дедилар. Мен аввалига ойим бу гапларини жиддий айтмаяптилар деб ўйладим, қайта- қайта сўрадим , шунда улар нима дедилар биласанми ?!

Улар айтдиларки:

"Бир етимни бошини силаш бир неча ҳаж қилиш ибодати билан баробар . Аллох , мени шундай савоб топиш имконига эга қилса , нима учун бу имкондан юз ўгиришим керак ?!" дедилар ...

- Фозил...

- Ҳа , Суюма ...

- Бир гап сўрасам жавоб берасанми ?!

- Албатта , албатта жавоб бераман ..

- Унда айт-чи , ойинглар ...

Унда айтчи , ойинглар инсонмилар ёки фаришта ?!

Ҳайрон бўлганимнинг сабаби , минглаб , балки миллионлаб инсонлар бундай мушоҳада юрита олмайдилар . Улар шундай қилиш кераклигини , бу энг мақбул йўл эканлигини билишади, аммо амал қилишга келганда ...

- Суюма ҳақиқатдан ҳам ҳаёт мактабини анча синфини ўқиб, битириб қўйибсан.

Агар хоҳласанг, ойимлар билан гаплашиб , уларни сизларникига совчилликка юбораман . Тўғри , ҳозир тўй қилолмаймиз , аммо бошингни боғлаб қўйсақ, анча гап -сўзлардан қулоғинг тинчир эди- да . Нима дейсан ?!

- Йўғей, аслида мени ҳам бу йил узатиш ниятлиги йўқ . Шунчаки , одамларнинг гапи асабимни еб юборди- да. Ҳозир эса анча ўзимга келиб қолдим. Бу ҳам бўлса сенинг шарофатинг туфайли .

- Ооо, шундай де . Ҳизматингга доимо тайёрман

- Фозил...

- Хмм ...

- Ҳозир ёзганларимни бир умр эсдан чиқарма , майлими ?!

Нима бўлган тақдирдаям , ҳўпми ?!

- Яхши , Суюма. Ваъда бераман .

- Ваъда берасан ?! Унда ёдингда тут :  
Суюма Фозилни унутган десалар ҳеч қачон ишонма !  
Суюма Фозилни унутади десалар ҳеч қачон ишонма !  
Суюма Фозилни унутиши мумкин десалар ҳам ҳеч қачон ишонма!

Бу гапларга қачон ишон биласанми ?!  
Қачон Суюма бу дунёда бўлмаса ишон.  
Қачон Суюма ақли- ҳушини йўқотиб, тентак бўлиб қолибди деганларидан кейин ишон. Унгача ишонма.

Тушундингми?!

Тушундингми ?!

- Тушундим , Суюма !

- Ёдингда қолдими ?!

- Ҳа !  
Унда яхши ...

Суюма барча ёзувларни телефон хотирасидан ўчириб юборди .

Фозил индамади. У ҳаммасини кўнгилига муҳрлаб бўлган эди.

Суюма тармоқдан чиқиб кетди  
...

\* \* \*

Суюма бугун одатдан ташқари ҳолатга дуч келди.  
Абдумажиднинг ота - оналари, яъни қудалар дам олиш кунини кутмай уларникига ташриф буюришибди. Улар келган вақтда Робия ухлаб ётган эди. Шунинг учун Суюма онасига қўшилиб Мусахон ака ва Дилбар опаларни ҳурматини жойига қўйиб кутиб олишга ҳаракат қилди.

Суюма дадаси Йўлдош аканинг ҳам тўсатдан пайдо бўлиб қолганига ажабланиб қаради.

"Қизиқ, бу вақтда адамлар ишда бўлишлари керак эмасми- ди ?" ўйлади у .

Суюма суюқ овқатни сузиб меҳмонларга олиб кирмоқчи бўлганида , онаси йўлдан қайтарди:

- Сен кирмай қўяқол қизим, мен ўзим бир амалларман.

Ойисининг бу гапи туртки бўлди , шу баҳона отаси ва қудаларнинг нога ҳоний ташрифи , ўртадаги мужмал кайфият- буларнинг ҳаммасидан Суюмани

нг юраги "шув" этиб кетди. Нималарни англагандек бўлди-ю , аммо ўйлаганлари барибир кўнглига сиғмади.

"Йўғеёй , бўлиши мумкин эмас, - ўйлади Суюма даҳшатга тушиб,- бу ахир бориб турган адолатсизлик- ку..."

Суюма ўйлаганлари рост чиқса, дунёнинг бор қайғу- алами ўз бошига бирваракай ёғилишини ўйлади , бу ҳақида ўйлашни истамади, оёқларидан қувати кетган ҳолда ўзининг хонасига йўл олди. Унинг юраги симиллаб оғрир , гўёки қандайдир тўфон ҳаётига бостириб келиш хавфи кутилаётгандек ҳолатга тушиб қолган эди.

Суюма Робияни уйғотиб юбормаслик учун эшикни авайлаб очди. У беозоргина ухлаб ётган Робиянинг ёнига аста чўзилди. Унга тикилиб ётар экан ҳаёлида "Йўғей, бунчаликка боришмас" деган аламли фикр айланар эди .

Улар , яъни қудалар Суюма ўйлаганидек ўшанчаликка боришган эди .

Улар ... Суюмани Абдумажидга сўраб келишган эди...

Улар муаммонинг бошқача ечимини топа ва кўра олмаган эдилар .

Улар "сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмасликни " энг мақбул йўлини шунда деб ўйлаган эдилар ...

Суюма кўзини очганида Робия аллақачон уйғонган эди. Суюма уни кўтариб юраги бетламайгина ошхонага йўл олди .

Уйда Шаҳло опадан бошқа ҳеч ким қолмабди. Суюма ошхонада ҳаёлчан ўтирган онасига савол беришдан ўзини тийди . Агар тахминлари тўғри бўлса ҳаёти алғов- далғов бўлиб кетишини ўйлаб , асаблари қақшаб кетди.

У индамай стол ёнидаги махсус ўриндиқчасига ўтказилган Робияга илиб қолган маставадан ичира бошлади .

- Қизим...

Шаҳло опа гапни нимадан бошлашни билмаётган эди ...

- Қизим , қудалар ...

- Нима қудалар ?!

- Улар Робияни олиб кетиш учун келибдилар ....Бутунлай олиб кетиш учун ....

- Нима ?!

- Ойижоооон , нега ...

Йўўўўқ , мен уларга ....

- Қизим ...

Суюма титраб , қақшаб гапира бошлади :

- Ойижооооон, мен уларга Робишни бермайман ! Робиш менсиз қандай яшайди , у мени ярим соат кўрмаса, йиғлайвериб ўпкаси шишиб кетади... Уларга айтинг , жон ойижон , шафқат қилишсин ....

- Болам , ҳоҳлаймизми, йўқми Шаҳзоджонга ҳам, Робияга ҳам аслида улар ҳаммадан кўп ҳақдорлар... Улар кута олишмас экан. Ўзинг ҳам кўриб турибсан аҳвол борган сари чигаллашиб кетаяпти. Робия ҳозирдан сени ая деяпти , эр тага уни сендан қандай ажратиб оламиз ?

Энди Суюма йиғлашга тушди. У Робиясиз ҳаётини тасаввур қилиб кўришни ҳам истамас эди :

- Ўшанда ҳамма хатони адамлар қилдилар . Робияни ҳужжатларида поччамни исмларини ёздирмасликлари керак эди. Ахир поччам ундан кечиб бўлган эдилар- ку ! Адамларнинг ҳам қўлларида тайёр қоғоз бор эди. Поччам ўшанда қизимдан воз кечдим деб тилхат ёзиб берган эдилар . Мана , мана оқибат ! Энди улар Робиянинг ҳужжатларини пеш қилиб барча нағмаларини ишга солишмоқчимиз ?! Робияни мендан шунақа қилиб айириб олишмоқчимиз ?! Жавоб беринг , ойижон! Ахир ... Ахир ҳамма билмасаям сиз биласиз- ку , Робияни деб нималардан воз кечганимиз ?!

- Қизим , сенинг бу сўзларинг... Сен , мен , аданглар - ҳаммамиз Робия бизга тегишли деб минг марта такрорлашимиз мумкин , аммо барчасини кўриб турган зотнинг қошида Робия Абдумажиднинг қизи деб ёзиб қўйилган. Бу ёзув Робия дунёга келмасидан аввал ёзиб бўлинган , буни унутма ! Сен ҳозирги гапларинг билан унинг иродасига қарши чиқмоқчимисан ?!

Билиб қўй, ҳаётда ҳамма адашади, ҳамма ҳам хато қилади. Поччанг ўшанда қизидан кечган бўлса , бариси опанг туфайли . Ҳозир вазият бутунлай бошқача эканлигини ўзинг ҳам яхши билиб турибсан ...

- Ойижон , бу гапларингиз билан сиз ҳам улар тарафидаман демоқчисиз- деа ?! Сизга Робиядан кечиш шунча осон деб ўйламаган эдим ?!

Шаҳло опа чуқур хўрсинди .

- Қизим , вақти келиб гапирган гапларингга пушаймон бўлмаслик учун барини ақл тарозисига солиб гапиргин ... Робиядан кечиш ... Ким айтди сенга мени Робиядан кечади деб ?! У ҳаммадан ҳам кўра менга , ўз жигарпорасини йўқотган бир муштипарга ҳаётда яшаб қолиш учун бўлган энг катта илинж эканлигини биласанми ?! Робия сиймосида Райҳонгинамни кўраман, уни бағримга бошганимда бевақт жувонмарг бўлган гулимни эслайман десам- чи ?

Сен бир йил Робияга меҳр кўрсатиб , отасига қайтар деганимда ўзинг и тўрт тамонга шунча отаяпсан ?! Мен- чи ?! Менинг йигирма беш йиллик қу

вончимни қаро ерга берганимдаги аҳволимни ақалли бир бор тасаввур қилиб кўра оласанми ?!

- Ойижоооон...

- Яна ойижон дейсан- а , - Шаҳло опанинг кўзларидан ўт чақнади, - айтчи , Суюма , Робияни шунчалик яхши кўрар экансан, ундан ажралмаслик учун ҳамма нарсага тайёр бўла оласанми ?!

Суюма онасига ҳайратлатланиб тикилди , ушбу чалкаш масаланинг ечими қаерда эканлигини англай олмай каловланди :

- Ойижооон ... , - деди бемажол . Суюманинг овоз оҳангида "айтиб кўринг-чи?" деган ифода бор эди .

- Унда поччангга тег !

Шаҳло опанинг товуши ҳукм ўқиган каби шиддатли эшитилди .

Суюма лом - лим демади. Онаси мўъжал қилгандек сапчиб ўрнидан турмади ...У индамади . У гўё тилдан қолгандек каби жим эди. У гўё бутун дунёда яқка ўзи қолиб кетган каби умидсиз аҳволга тушиб қолган эди ...

- Қизим, сенга шу гапларни гапириш бир она сифатида мен учун жуда оғир. Қандоқ қилай , ҳаммангиз жонимнинг бир парчасисиз. Гўё беш бармоқ каби , қайси бирини тишласам ҳам оғригани оғриган . Сени десам - Робия, уни десам поччанг азият чекаёпсиз ... Ҳаммангиз мен учун қадрлисиз ахир. Сен ойижоним почамни ҳам биздек яхши кўрар эканмилар деб ҳайрон бўлма ! Ҳа , мен поччангни сенлардан кам яхши кўрмайман ... У жудаям фазилатли йигит . У дунёларга тенг йигит. У энг яхшисига муносиб йигит . Мен нима учун поччангни яхши кўраман биласанми ?! У опанг Райҳонни турмуши давомида бир бор хафа қилмагани учун , қизимнинг шу қисқа умрини муҳаббатга тўлдириб яшатгани учун, ўлимидан сўнг кўрсатган вафоси учун ...

Рихси келинойингни синглиси Абдумажид ишлайдиган фирмада фаррош экан. У Рихси опасига поччанг ҳақида кўп нарсаларни гапириб берибди . Абдумажиднинг ишхонасидаги жуда кўп қизлар , хаттоки оилали аёллар ҳам унинг атрофида гирдикапалак бўлиб қолган эмиш. Қизлар тўғрисида билмади м... Аммо аёллар... Уларнинг ичида битта сатанги поччангга ҳеч кун бермаётган экан. Ўзи икки марта турмуш қурган, икки турмушидан уч нафар боласи бор экан. Ўша аёл поччангга рўйи - рост бетини сидириб "бир оғиз гапингиз , битта ишора қилсангиз бўлгани , шартта пандавақи эримнинг жавобини бериб , сизни уйингизни гуллатганим бўлсин " деган эмиш .

Поччанг ҳам эркак киши . Авлиё эмас. Ўртада шайтон бор ахир ...Худо



кўрсатмасин битта шунақа аёлнинг тузоғига илиниб қолса борми... Ана унда поччангдан ҳам , болалардан ҳам бир йўла ажраб қолишимиз ҳеч гап эмас. Ўз оиласига ваъфо қилмаган аёл номига номуносиб бундайлар қўлига тушган болаларнинг тақдири, ҳоли нима кечади ...

- Улар ... Қуда холамгилар менга совчи бўлиб келишган... Шундайми ?! Тўғри тушундимми ?!

- Суюма , улар икки таклиф билан келишибди... Ё болаларни бизга қайтаринг, ё сени ...

Суюма йиғламай қўйган эди , аммо гапираётганида лаблари асабдан қийшайиб кета бошлади:

- Демак, Робия баҳолашибди- да . Қойил! Робия билан менинг баҳойим тенг эканлигини билишганларини қаранг-а буларни ?!

Суюманинг овозидаги титроқ кучая бошлади :

- Қудаларингиз бирам доно- ки. Фақат тасанно ! Бошқа гап йўқ!

Суюма аста ўрнидан туриб эшикка йўналди . У Робиянинг ўзига эргашиб йиғлай бошлаганига эътибор бермади. Суюма чиқиб кетгач , Робия баралла йиғлай бошлади :

- Айййяя таа...

Суюма узоққа кетмаган , ҳовлидаги райҳонларнинг ёнида чўккалаб юм-юм йиғлар эди ...

Шаҳло опа Робияни қанча овутишга ҳаракат қилмасин , у овунай демас эди.

Кўп ўтмай ошхонанинг эшиги шаҳд билан очилди. Остонада Суюма турар эди. У кўздан оқаётган ёшларни кафти билан сидирганча Робияга яқинлашди. Уни шаҳд билан ўтирган ўрнидан юлгудек бўлиб кўтарди . Робияни ҳозир биров олиб қўядиган каби маҳкам бағрига босди . Робия ҳам уни бўйнидан қаттиқ қучди . У йиғидан тўхтаган , аммо ўпкасини боса олмай ҳамон ҳиқи лларди : "ааййяя, ааййяя".

Суюма бир сўз демай хонасига кириб кетди ...

Шу бўйи кечки овқатга ҳам чиқмади. Орада Шаҳло опанинг ўзи Робияга овқат ва чойини ўша хонанинг ўзига олиб кириб едириб- ичириб кетди.

Даҳлиздан Йўлдош аканинг томоғини қирган овози келганда Суюма ноиланч ёстиқдан бошини кўтарди . У бир четда турган рўмолини олиб , сочларини унинг ортига беркитди.

Йўлдош ака иккинчи бор йўталган бўлди , сўнг Суюманинг хонасига кир

иб келди.

Суюма адасини эшикдан сал нарида кутиб олди:

- Ассалому алайкум , ада... Ишга яхши бориб келдингизми ?!

Йўлдош ака Суюмани қони қочган юзига , ер чизган маъюс кўзларига , салом берганида ҳазин тортиб кетган овозига эътибор бериб юраги туздек ач иб кетди.

У хона бурчагидаги креслога ҳорғин чўкди.

Суюма адасининг ишораси билан қарама- қарши тамондаги стулга омон ат ўтирди.

Робия ўйинчоқлар турган бурчакда акаси билан ўйнаб ўтирар эди. Улар ўйинга қизиқиб кетганларидан бобосига ошиқча эътибор бермадилар ...

Йўлдош ака оҳиста дуо қилиб , юзига фотиҳа тортди. Суюма бир сўз демай унга қўшилди.

- Қизим ... Мен ортиқча гап гапирмоқчимасман... Айтмоқчи бўлганларим ... С ен ўз қалбингга қулоқ сол . Ўзинг учун энг тўғри деб билганинг... қарорни қа бул қил. Сен яшаётган ҳаёт ўзингники . Унга ўзинг ҳокимлик қилишингни ис тайман.

Қизим , мен биттангни доғ- у ҳасратингни кўрдим. "Банданинг боши - А ллоҳнинг тоши" дейишади , аммо яна бирингни дардингни кўтаролмасам кера к.

Қизим, мендан сўрасанг ... Агар бу борада адамлар нимани хаёл қилган эканлар деб ўйлаган бўлсанг, жиллақурса бир қизиқиб кўрган бўлсанг, мен кў нглимдаги гапларни сенга яширмай айта оламан.

Мен ... Менинг шу нотавон юрагим: "Қани эди Суюма ақлининг гапига к ирса- ю , опасидан қолган шу икки сағирнинг бошини силаса , - деяпти,-Қани энди Суюма шу икки болани бошқаларни қўлига икки қўллаб топширмаса, б еш кунлигим қолган ё қолмаган дунёда охирги йилларим, балки кун , соатлар имни яқинларимдан кўнглим тиниб ва ҳотиржам бўлиб ўтказишимни ишташим ни билсанг дегандим. Аллоҳимнинг даргоҳига кетар чоғда эса иккала оёғимн и бемалол узатиб кетиш орзуим эканлигидан хабардор бўлсайдинг...

Қизим , менинг бу орзулар фақат менгинада бор эмас, балки ойингда ҳ ам шунга ўхшашлари кўп. Бир сўз билан айтганда буни фарзанд камолини ис таш дейилади .

Дунё шундай эканки , инсонлар, тақдирлар ... бири- бирини тўлдирар , б ири иккинчисига боғлиқ экан. Мен ота сифатида ҳали ўн саккизга тўлмаган қизига шу гапларни айтиш чекимга тушганидан жуда таассуфдаман.

Биласан , Робияни кўп қўлимга олмайман. Бу уни ёмон кўрганимдан э мас, вақти келиб унга ҳаққим қолмаслигидан қўрққанымдандир . Робия дунёг а келганидан танигани сен бўлдинг. Аммо менимча мурғак юраги унга вақт

и келиб бу аядан ажрайсан дея таъкидлайверадими , деган гумонга кўп бор иб қоламан. Бўлмаса ҳа деса муштдек бошидан сал нари кетишинг билан "ая - қаердасан, ая - та ?!" деб оламини бузавермаган бўлмасмиди?!

Қизим ... Суюма ... Сен умр йўлдошингни ёш , ўзинг тенги бўлар деб орзу қиларсан. Балки , бу ҳақида ҳали ўйлаб ҳам кўрмагандирсан . Абдумажид каби деярли ўзингдан икки баробар катта йигитнинг ёши сени ваҳимага солар. У ўттиз икки ёшда. Мен уни бўлиб ўтган ишларда умуман айблай олмайман. Биласанми , бугун Мусахон амакинг нима деди?! "Абдумажид мени, Райҳонни умримизни куйгани , увол бўлгани камми эди , энди навбат Суюмага келдими ?! Илтимос , уни ҳам ҳаёти дўзахга айланмасин. Майли, фарзандларим учун қайта уйланишга кўндим, аммо ҳеч қачон Суюмага уйланмайман, буни ҳаёлингиздан чиқариб ташланглар" дебди. "Ўғлим шу гапларни айтганидан кейин сизни уйингизга бетимизни терисини шилиб келиш учун қанчалик куч, ирода керак бўлганини билдингизми, аммо барибир олдингиздан бир ўтайлик , бу ҳақида сўраш зиммамиздаги бурч , сабаби Суюма қизимни Робиядан ажратмасликни шундан бошқа йўли кўринмади " деди қуда буванг кўзига ёш олиб .

Суюма , бу сўзларни айтиш мен учун жуда оғир.

Аммо . Аммо кун келиб , "қани эди ўшанда" ...деб ўзингни айбдор қилмаслигинг , барини яхшилаб ўйлаб олишинг учун ҳам шу гапларни айтишга мажбурман...

Қизим, мен нима деган бўлсам , қайсидир сўзларим юрагингни беаёв тилкалаган бўлса ҳам шуни яхши билки , бу ҳаёт сени ҳаётинг ! Мен танлаш имконини ўзингда қолдирмоқчиман ! Фақат ўзингда ... Чунки орамизда ҳозир сенгина ҳаммамиздан ҳам бахтларга муносибсан.

Қизим бошқа гапира олмайман. Ўйлаб кўриб қарорингни ойингга айтарсан...

Йўлдош ака юзига фотиҳа тортди. Шунда у юқоридаги сўзларни айтган ида кўзларидан анча ёш оққанини пайқади. Унинг соқоллари хўл бўлиб кетибди. Аммо Йўлдош ака ҳозир бунга аҳамият берадиган аҳволда эмас эди.

Адаси ўрнидан туриши билан Суюма ҳам жойидан оғир қўзғалди. У кўзлари билан адасини кузатиб қолар экан , унинг авайлаб қадам ташлаётган пажмурда гавдасига қараб сўнгги ойларда яна ҳам қариб қолганлигини ҳис қилди. Қулоқлари остида адасининг "Аллоҳимнинг даргоҳига кетар чоғда иккала оёғимни бемалол узатиб кетиш орзуим бор эканлигидан хабардор бўлсайдинг..." деган сўзлари кетмас эди .

\* \* \*

Суюма кечаси билан мижжа қоқмади . У жуда ўртаниб , қовурилиб , қовжираб кетган эди.

Тонг отганда ҳар кунгидек кўча ва ҳовлисига сув ҳам сепмади, тўғрироғи бунга дармони етмади. Қизининг кун ёйилиб кетганда ҳам хонасидан чиқмаганидан хавотир олган Шаҳло опа ундан хабар олиш учун келаётганда , қул

оғига Робиянинг йиғиси чалинди.

"Вой ўлмасам, нега Робия йиғлаяпти. Суюма уни оҳига озор бердириб қўймас эди- ку ?! Нима учун одатига хилоф равишда уни овутмаяпти ?! Тинчликмикан?!"

Хона эшигини очган Шаҳло опанинг кўзи қизининг бошида ўтириб олганча Суюмани турткилаб йиғлаб ўтирган Робияга кўзи тушди. Робия йиғлар ва а қўлчалари билан Суюмани юзларини силтар эди :

- Аййяяя туй , аййяя туй...

Суюманинг узун сочлари тўзғиган , шаршарадек ётоғидан пастга ёйилган, ўзи эса ...

Муаллиф: Хазонрезги

бирон бир ҳаракатсиз ётар эди ...

Шаҳло опа Суюманинг бошига қандай етиб борганини билмай қолди. У Суюмани бошини кафтлари орасига олди. Суюма аланги- оташ бўлиб кетган, танаси чўғдек ёнаётган эди . У жуда ожиз инради , овози деярли эшитилмади:

- Сууууввв...

Аммо онаизор уни юраги билан эшитди.

Шаҳло опа Суюмани бошини секин ёстиққа қўйди . Югургилаб ташқарига отилди . Шаҳло опанинг овози бор дунёни ҳайқариққа тўлдиргандек эди:

- Адасииии...

Зум ўтмай уларнинг эшиги тагида тез ёрдам машинаси тўхтади .

Суюмани текширган шифокор бошини узоқ чайқади . У керакли муолажаларни қилгач , ташқарига йўл олди. Шифокорнинг нималардир демоқчи эканлигини сезган Йўлдош ака унга индамай эргашди

- Доктор , қизимга...

- Ака, унга нима бўлган?! Қандайдир сабаб туфайли қизингиз жуда кучли руҳий зўриқишга учраган... Ўзи жуда ёш экан. Бу ёшда бундай зўриқиш аянчли оқибатларга олиб келиши ҳеч гап эмас, - доктор кўлидаги қоғозга қаради ва а сўзида давом этди , - қаранг қизингиз атиги ўн етти ёшда экан . Шу ёшида қон босимини бир юз олтмишга бир юз ўттизга кўтарилиши ... ҳеч қандай тиббиёт меъзонларига тўғри келмайди. Яхшиям вақтида улгуриб қолибсиз ...

Қизингизга фақат тинчлик ва ширин сўз керак. Яна қатъий муолажа. Агар ҳоҳласангиз уни шифохонада ётқазиб ҳафта -ўн кун даволатсангиз яна ҳам яхши бўлар эди .

Шифокор ўзини босишга ҳаракат қилаётган Йўлдош акага қараб раҳми келиб кетди , аммо ўзини қизиқтираётган саволдан тия олмади :

- Бир гап сўрасам, айбга буюрмайсиз ?!

Йўлдош ака "сўрайверинг" деган маънода чуқур ух тортди .

- Мени кечиринг- у , аммо қизингизни "ая" деб чақираётган қизчани кўриб ҳайрон қолдим. Шунга ...

- У қизалоқ катта қизимни фарзанди. Катта қизим уни дунёга келтираётиб оламдан ўтган. Робияни Суюма қизим бир ҳафталигидан бери парваришлайди... Шунинг учун набирамни тили ая деб чиққан .

- Ярангизни янгилаб қўйганим учун узр . Минг бор кечиринг...

Шифокор ёрдам керак бўлса бемалол мурожаат қилишларини сўраб ҳайрланганча хонадонни тарк этди .

Йўлдош ака оғир қадамлар билан ортга қайтди.

У Суюманинг хонасига кирганида унинг аҳволи анча енгиллашган эди , аммо қон босимини тушириш ва тинчлантириш учун қилинган уколлар ва ичрилган дорилар натижасида танаси бўшашиб кўзи уйқуга кетаётган эди. У ярим карахт аҳволда дадасини хонага кирганини кўриб бошини кўтаришга ҳаракат қилди, аммо бунга кучи етмади. Қизлик ҳаёси эса ота ёнида оёқларини узатиб ётишга йўл қўйдирмас эди. Сергак ота қизига бу ҳолатни зумда англади, у Суюмани ортиқча безовта қилмаслик учун тезда далда гапларини айта бошлади:

- Ётабер бер , қизим. Безовта бўлма. Аллоҳим дардингга шифо берсин. Ўзингни авайла...,- Йўлдош ака кейинги сўзларини Суюмани ёнида Робияни қучиб ўтирган Шаҳло опага қарата айтди:

- Қизимга яхшилаб қара. Нима керак бўлса айтарсан. Майли ,мен ишга кетдим энди.

Суюма уйқу босиб кетаётган танасини бир амаллаб онаси тарафга бурди. Кўзларини йириб аранг очди . Лаблари айтмоқчи бўлган сўзларни аранг ҳатлатди :

- Ойижон, Робияга кечаси қарай олмагандим... Уни ювинтириш керак эди...

Шаҳло опанинг юраги "чирт" узилди. Суюманинг ўзи бир аҳволда бўла

туриб , ҳали ҳам Робия ҳақида ўйлашини кўриб ... улар орасидаги чегара алл  
ақачон "хола- жиян" муносабатидан чиқиб кетганлигини қалбан ҳис қилди ...

\* \* \*

Сиз, ҳали ҳам ўша фикрдамисиз ?!

Сиз , ҳали ҳам фақат она тўққиз ой юрагида тагида кўтарган фарза  
ндга оналик қила олади деган қатъий қарордамисиз ?

Сиз , ҳали ҳам она меҳрига эга бўлиш учун нариги дунё эшиги ҳалқ  
асини ушлаш ва тақиллатиб келиш , яъни етмиш минг томир билан дард чек  
иб , тўлғоқ азобини кўргандагина она деган олий номга сазовар бўлинади де  
б ўйлаяпсизми ?

Мен ...

Мен аллақачон ўз қарашларимни ўзгартириб бўлдим . Мен она деган ном А  
ллоҳнинг марҳамати билан бандасига берилувчи бир... бир ҳадя эканлигини а  
нглаб бўлдим...

Мен ... Мен она бўлиш учун ҳар доим ҳам албатта тўлғоқ азобини кў  
риш шарт деган қарашлардан бугун анча олис масофага бориб қолганимни  
ҳис қиляпман.

Она сўзининг маъноси нима экан ?! Луғатларда нима деб таъриф берилган э  
кан ?! Бундан беҳабарман. Аммо она сўзига ўз таърифим бор . Бу фидо дега  
ни. Фидо сўзининг маъносини эса жуда яхши тушунаман. Бу ўзини қурбон қи  
лиш , ўзидан кечиш дегани . Демак , она бу фарзанди учун керак бўлса жони  
ни ҳам фидо қилгувчи фидокор экан- да.

Бир куни бир нашрда ота- она ҳақидаги энг одил сўзларга кўзим тушг  
ан эди:

Энг улуғ китобимиз Қуръони Каримда фарзандларнинг отага, онага м  
еҳр , мурувват кўрсатишлари ҳақидаги оятлар, суралар келтирилган экан- у, а  
ммо бирор мартаба , ота- онанинг фарзандларга бундай мурувват кўрсатили  
ши таъкид этилмаган экан. Бунинг сабаби инсон зотининг фарзанд учун кўрс  
атилинадиган меҳр- муруввати туғма бўлар экан. Бу туйғу ҳар бир инсонга Ал  
лоҳ томонидан ҳадя қилинган раҳмати экан.

Шаҳло опа ҳам ҳозир кўнглидан айнан шу кечинмаларни ўтказиб турар,  
бешафқат тақдир Райҳонидан айирганида, Суюмани Робия учун оналикка са  
йлаб қўйганини юракдан тан олиб турар эди .

Афтидан бу таҳлит воқеалар биргина бу оиланинг эмас, кўпчиликнинг бо  
шига тушган кўринади , бўлмаса : " Туққан - она эмас, боққан - она" деган ма  
қол қай ердан келиб чиқар эди .

Шаҳло опа куйиб кетди. У вазиятдан чиқиш йўлини кўрмай жони ҳалак  
бўлиб кетди . Нимани ўйламасин , кимни ўйламасин ... кўнгли чил- чил синав

ерди ...

У Робияни олиб ташқарига юрар экан охирги сўзларини кўнглида айтди :

- Кўрсатган ҳар кунингга шукр , Аллоҳим. Мушкулларимнинг барини ўзингга ҳаваля қилдим ...

\* \* \*

Суюма бежиз бетоб бўлмаган эди . У дунёдаги энг олий рақиби - ўзи билан ўзи курашиб бетоб бўлиб қолган эди . У туни билан яқинлари орасида ғойибона суҳбатда бўлиб чиққан эди ...

Дастлаб ёнига Райҳон келди ...

Узоқ кечирим сўради . Ёлбориб кечирим сўради . Суюма бу ишларда ҳеч бир айби бўлмаган опасини қандай кечирмасин ?!

Кейин опаси яна ўша сўзларни қайтарди : "Болам, сенга омонат"

Суюма унга : "Опажон , омонат дунёда менинг ўзим омонатман- ку?!" дея олмади . Суюма нима учун опаси унга доим бу сўзларни айтганини кўп ўйлайди. Ўшанда , опаси "Шаҳзод сенга омонат" демаган эди . Ўшанда опаси , онасига айтган эди бу тўғрисида. "Ойижон, Шаҳзодни фақат сизга ишонаман, унга сиз қарасангиз хотиржам ётаман" деган эди. Ётаман... Қаерда ?! Қабрдами ? "Шаҳзодни онамга топширдим, иккинчисини сенга" демоқчи бўлганмиди , ўшанда опаси ...

Бу саволларга жавоб Райҳоннинг ўзида кетган эди. Аммо Суюма аниқ биладики , опаси ўша куни барини олдиндан ҳис қилган ва "Болам сенга омонат" деб бежиз айтмаган ...

Суюма туни бўйи ҳамма билан олишди , ойиси , адаси ва айниқса поччаси билан...

- Почча , нима сизнинг менга насибангиз фақат куйдиришданми ? - сўради у такрор , такрор. Ҳеч бўлмаса , Суюмага уйланаман деганингизда ҳам озроқ совиған бўлар эди бу лангиллаган кўнглим ... Сиз эса ... Сиз эса Суюмани увол қилманглар дебсиз . Суюма увол бўлмаса - Робия увол бўлади- ку, почча ?! Бу ҳукмни қандай имзолаяпсиз ?! Ўзингизга ишонибми ?! Мен эса ҳеч кимга ишонмайман ! Ҳеч кимга! Биттаси ўзимми ?! Ҳозир жар лабида турган ҳолда Робиянинг қўлчаларини қўйиб юборайми йўқми деб ўйлаётган бадбахт менман , почча , мен ! Ундай буткул ажралиб қолишим мумкинлигини била туриб яна бир қарорга келишим керак эмиш.

Бу адолатсизлик , почча ! Сизга , менга ва РОБИЯга !

Суюманинг ҳатто кўнглидан ҳам овоз чиқмай қўйди . Унинг кўнгли кўз ёшларига ғарқ бўлиб кетди. У бор- дардини , ҳасратини дунёдаги ягона сайлаган суюкли инсонига тўкиб - солгиси келар эди ...

Фозил ! Сени йиғлаётганингни сезаман деган кўнглинг , наҳот мени додларим оламга ўт қўйиш даражасига келганлигини билмай қолган бўлса ?!

Фозил ! Бу кечмишларимиз ҳалқасида , энг кўп ноҳақ жабр тортаётган ва тортадиган албатта сен бўласан . Аммо бу муаммонинг ечими на менинг, на сенинг қўлингда эмас...

Айт- чи, бир қиз қалбига нечта муҳаббат сиғиши мумкинлигини биласан ми ? Билмасанг билиб қўй. Жуда кўп ?! Ажабландинг- а ?! Мен жуда кўп дег анимда отага, онага , жигарга , қавм-қариндошга нисбатан бўлган муҳаббатла рни ҳам назарда тутган эдим . Кейин бу ёруғ оламдаги иккинчи ярминг ҳисобланмиш инсонга бўлган муҳаббат. Аммо айнан шу муҳаббат ҳаммага ҳа м насиб этмас экан. Ҳаётда ҳамма ҳам бахтнинг таъмини тотиб кўрмас экан.

Биласанми , поччам билан Райҳон опамга шундай муҳаббат насиб этга н . Улар муҳаббатнинг боғида нимага эришиш мумкин бўлган бўлса барини кўриб бўлдилар. Севиш, севилиш , ҳақларини адо қилиш , ... айрилиш ... - бари га эга бўлдилар. Кўп ўйлайман. Улар учун бахтли бўлишнинг юки оғир бўлган микан ё ундан кўра бахтсизликнинг ?! Менимча улар бахтли бўлишган, саба би бу даражадаги муҳаббат саноклиларгагина насиб этади .

Фозил, биласанми опам ўлганларида бир шеър ёзган эдим , менимча бу ўша пайтда поччам руҳиятига мосроқ эди , ҳозир эса айнан ўзимнинг...

Ўзга кўпда берибон савол,  
жавоб олмай кўпда ўзимдан,  
Умр ғадир сўқмоқларида  
чалкаш тушиб қолди изларим,  
Эришганим рўёми буткул,  
етмаганим чинми ҳақиқат,  
Шамолларда қолди ҳисларим...

Сирлар жоним жондан тўйдирди,  
жисмигинам тиглайди тоқат  
Ўзим ташлаб чўғи -оташга,  
мен минглардан ўзни изладим.  
Кўпга ноҳос етказиб офат  
ечим етиб тиз чўқдим- наҳот ?  
Шамолларда қолди ҳисларим...

Бахт нелигин кўрмасдан туриб,  
бўларкан-а бўлса бахтиёр  
Тутқазганда дебмидим шукр,  
олганида бирам бўзладим.  
Билолмадим қай жойда хато,  
қайси ерда кетди ихтиёр ..  
Шамолларда қолди ҳисларим...

Осон йўлни танлайми охир,  
беҳис бўлиб яшай атайин.



Шамол сенга отдим ўзимни,  
сабоманми, елманми, насим  
Комил инсон бўлиш истагим,  
Сарсаридай учди бетайин,  
Шамолларда қолди ҳисларим.

Учиб кетди бори изларим,  
Шамолларда қолди ҳисларим...

Фозил ... Фозил ... Айт , қай йўлни тутишим маъқул ? Нима қилсам, кам  
роқ одам жабр кўради ?!

Ахир ...

Мен ўзимдан кечсамгина бир неча жонга ҳаёт тута оладиган вазиятга тушиб  
қолдим. Ўзимдан кечиш дегани бу сендан кечиш дегани эканлигини яхши ан-  
лаб тургандирсан.

Айтган эдим- а , Суюма сени унутган десалар , унда мен ўлган ёки эс- ҳу-  
шимдан буткул ажралган бўламан деб ... Демак, мендан тирик ўлик бўлиши  
мни сўрашмоқда эканлар ...

Машҳур шоира "Куйиб кетди икки жаҳоним" деб ёзганида мени назарда  
тутганини ўзи билганмикан ?!...

\* \* \*

Суюма туни билан ҳислари, туйғулари аро шундай қоврилган , куйган ,  
кул бўлган эди ...

\* \* \*

Суюма кун пешиндан оғанида кўзларини очди ... У ёнида ўнг билагиг-  
а бошини қўйганча пишиллаб ухлаб ётган Робияга кўзи тушиб ҳайрон бўлди.  
Робия Шаҳло опани ҳайратда қолдириб , тушликдан кейин ўзи зиналардан кў-  
тарилиб Суюманинг ёнига йўл олган, ва унинг ётоғига тирмашиб чиқиб аста б-  
ағрига ўзини сўзсиз ташлаган эди. Ҳар кунги ҳархашаларсиз жимгина Суюма-  
нинг ухлаб ётган чеҳрасига тикилган қўйи ўзи ҳам оромга кетган эди ...

Суюма Робияга сўзсиз тикилиб ётди . Бу қарашнинг замирида тунда қ-  
абул қилишга жазм этган қарори яна бир бор инсоний туйғулар элагидан ўтк-  
азилаётганлиги аниқ эди.

Кечки овқатни Суюмани хонасига келтириб бердилар . У индамади. Аммо у  
йдагиларни ҳайрон қолдириб , бироздан сўнг ошхонада , овқатланиб ўтирган  
оила аъзолари даврасида пайдо бўлди. Унинг хонага кирганини энг биринч-  
и Робия пайқади ва шодон қийқирди :

- Аяям, аяям телл...

Суюма индамай бориб Робияни қўлига олди ва унга жилмайган бўлди :

- Овқатингни еб бўлдингми , асалим ...

Робия чапак чалди. Бу унинг "ҳа" дегани эди . Суюма Робияни кўтарганча ташқарига йўл олди , аммо остонада тўхтади . Ўзига ҳайрон боққан оила аъзоларига сокин боқди . Нималардир демоқчи бўлди . Ва ниҳоят кўнглидаги гапларини айтишга жазм қилди :

- Адажон , мен ... мен

Муаллиф : Хазонрезги

- Адажон, мен ... мен бир қарорга келдим . Мен... розиман, Адажон.

Суюма бу сафар йиғламади. Ахир қаердан йиғласин . Кўз деганда ёш қолмаган бўлса ?!...

Ёш деганнинг барчаси юракка жойлашиб , бутун тана бўйлаб тарқалиб кетган бўлса ...

Ҳа , оддий инсон танида қон айланса- ю , Суюманикида кўз ёши айланса...

Йўлдош аканинг овози бўғзини куйдиргани каби ҳириллаб чиқди :

- Қизим ...

Суюма шу ҳолида отасига таскин беришга шошилди :

- Сиз, қизимга босим ўтказдим деб ўзингизни айбламанг ... Менга ўзингиз қарор қабул қилиш ихтиёрини бердингиз ва ... мен уларга ( Суюма ўзини аранг "поччам" дейишдан тўхтатиб қолди ) турмушга чиқишга розиман . Мен кўп ўйладим ва билдим- ки , на Робиясиз , на Шаҳзодсиз яшай олмас эканман. Уларни бегона аёл қўлига топширишни истамайман... Кейин ( Қизик , инсон кўз ёшисиз йиғлай олар экан- а ?! Суюма ўзини нечоғлик бошишга ҳаракат қилмасин опаси ҳақида гапирса бутун борлиғи ўксиб кетар эди ...)

Кейин опамнинг руҳлари тинч бўлишини истайман . Улар фарзандлари тинч бўлса- да, қабрларида хотиржам ётадилар . Ўйлаб кўрсам, ҳаётлик чоғларида опам учун ҳеч бир иш қилмаган эканман. Аммо бундай имкон қўлимда ҳозир бор . Шунинг учун ...

Хуллас , адажон, у тарафга... ҳабар беришингиз мумкин .  
Яна ... Яна сиз берадиган бир нарса бор... Бу сизнинг оқ фотиҳангиз ...

- Ўтир , болам. Робияни ҳам ўтқазгин...

Суюма ҳар кунги жойига оҳиста чўкди .

Йўлдош ака йиғлади.... Дуо қилди .... Дуо қилди ... Йиғлади...

Суюма шу топда : "Қани эди , Адажон . Оёқларингиз остидаги тупроқ б  
ўлсам- у , фақат босилиш шарафига муяссар бўлсам . Бошқа ҳеч қандай бурч  
им бўлмаса эди" - дея ўйлар эди.

- Овмин ... Қизим , илоҳим икки дунё саодатига эришгин . Жаноби Пайғамбар  
имиз Алайҳиссалом икки бармоқларини кўрсатиб, "Қиёматда етимни сийлага  
н умматим билан шундоқ тураман" деган эканлар. Бундан кўринади-ки, сен  
жазм қилган фазилатли ишнинг савобини айтиб ҳам , етиб ҳам бўлмайди...

Болам, илойим тупроқ олсанг олтин бўлсин, олтин бошинг омон бўлсин.  
Аллоҳимнинг энг суюкли ва азиз бандалари қаторидан жой олгин...

Болам , шуни билгинг- ки , сендан бу дунё- ю, у дунёда розиман. Мин  
г бор розиман... Берган тарбиямга , ош- нонимга бари- барисига минг бад роз  
иман.

Йўлдош ака шашқатор йиғлаб юборди. Кўз ёшларидан истиҳола қилмади  
. Шахло опа ҳам кўзлари ёшга тўлганча бошини эгиб лабини тишлаб олган,  
Жалолиддин имкон бўлса- ю шу хонадан қочиб кетсам дер эди.

Шаҳзод ёшига етгулик ақли билан оиладагилар нимадандир қаттиқ ҳая  
жонга тушганликларини сезган эди. Робия мурғаккина юраги билан бобосини  
нг бу ҳолатига бефарқ қараб тура олмади. У туйғуларини дарҳол аяси билан  
бўлишгиси келди :

- Аайййя , ува йи- йи, Аайййя, ува йи- йи ( Ая , бувам йиғлаяпти )

Йўлдош ака Робиянинг сўзларига таржимонсиз тушунди :

- Қизалоғим, ҳа буванг йиғлаяпти.

У яна сенга бува бўлиб қолишидан , сенгинани ҳоҳлаган вақтида кўра олиши  
дан , яна сенинг тақдирингдан хотиржам бўлганидан йиғлаяпти ...

Энди бу ёғига йиғламаймиз, а асал қизим?! Ўзим ононий , онашимда  
н ...

\* \* \*

Суюма Робия ухлагач , телефонни қўлига олди. У тармоққа уланмаган ҳолда юрагидаги гапларини кўнглининг ёлғиз эгасига тўкиб сола бошлади :

- Фозил !

Авваламбор, бу хатимни охиригача ўқишга ваъда бер . Агар асабларинг дош беролмаса, илтимос ярим йўлда жаҳл билан ўчириб ташлама. Ҳотиржам ҳолатингда давомини ўқи ва нималар демоқчи бўлганлигимни тушунишга ҳаракат қил. Хуллас, мен ... гапларимни охиригача ўқишингни истайман. Жуда истайман ...

Фозил ! Мен кетяпман ... Мен турмушга чиқишга қарор қилдим . Охириги сўзимни, розилигимни икки соат аввал адамларга ва ойижонимга айтдим.

Мен бу ҳақида кўп ва узоқ ўйладим . Бу қарорга келиш учун... неча бор ўлганим ва неча бор тирилганим ёлғиз ўзимга- ю , биргина Аллоҳга аён .

Қисқаси, тақдири менинг қароримга боғлиқ бўлган бир неча инсон учун шу ишни қилишга мажбур бўлдим . Англаганингдек , мен поччамга ( э воҳ, қанчалар аламли) турмушга чиқишга розилигимни билдирдим. Шу қарор мен учун энг жўялик қарор бўлиб туюлди.

Фозил , фақат юрагингни эзма, ҳисларингни шамолларга топширма , хўпми ? ...

Нима, муҳаббатга етмаган фақат бизми ?! Ошиқлар бир-бирларининг висолига етсагина бахтли бўлади деб ким айтди, сенга?!

Масалан , мен сенинг шу дунёда борлигинг учун бахтиёрман... Сен бор дунёда яшаяпганим учун шукрдаман... Бу дунёда ўзимга тегишли бўлган, ўзим истамасам , ҳеч бир инсон дахл қила олмайдиган кўнглимни сенга берганимдан сархушман...

Фозил , илтимос , мендан дилинг оғримасин , қарғама. Шундоқ ҳам ҳаётдан насибам изтироб бўлиб бўлди. Сен ота- онаси мажбур қилгани учун поччасига тегишга мажбур бўлаяпти деб ўйлама. Асло ундай эмас. Улар бу борадаги қарор ҳукмини ўзимга ҳавола қилишди. Барчаси учун рози эканликларини айтганларида... мени қанчалик қийналиб кетганлигимни билсанг эди. Ўзимни сузишни билмаган ҳолда улкан уммоннинг ўртасига тушиб қолгандек ҳис қилдим...

Сендан яширмайман. Суюма бу қарорни қайси кўнгил билан қабул қилди экан деб алам ўтида қовжирамаслигин учун ростини айтаман.

Фозил ! Тақдир мендан сўрамай мени она қилди. Мен ҳақиқатда ҳам она эканлигимни тушунганимга кўп бўлгани йўқ. Аммо шунинг ўзи мени кўп нарсага қодир қилиб бўлди. Энди эса ...энди эса ўша тақдир мендан оналикдан кечишимни сўрамоқда ...

Фозил ! Йигит қалби буни тушунмас. Аммо шуни билишингни ҳоҳлар эдим-ки , бир бор бўлса- да, она бўлиб кўрган аёл (майли у ҳоҳ қиз бола бўлсин) ҳеч қачон бу бахтдан..., тахтдан кечиши мумкин эмас экан. У жони эвазига ҳам бу туйғудан кечмас экан. Қара- я ?! Жони эвазига деб ёзибман ... Мен

инг жоним эса ... сен эдинг...

Ана шунақа... Мен оналикни сенга алмашиб олдим. Ҳаққини юрагим билан тўладим. Энди ўзимга ўзим бемалол айта оламан-ки , мен ... тўлғоқ дардидан минг бор шиддатли дардни кўрган онаман. Қолган оналар у дунёни бир бор кўриб келмагунларича она бўлмаган бўлсалар , мен бу дунёимни куйдириб бўлиб она бўлдим.

Мавлоно Румий айтган эканлар : "Ҳаққа етмок истасанг кўнгилларни қозонмокни маслак айлагин .Бунинг учун саройларда мармар бўлма , бир тупроқ бўлгин-ки, бағрингда гуллар етишсин..."

Мен ул ҳазрат айтганлари каби энди бамисли бир тупроқ кабиман, бағримда етишадиган гуллар фарзандларим бўлади.

Мени энди Шаҳзодни ва Робияни фарзандларим деб аташ ҳуқуқини қўлга киритган бўлсам керак- а ?!

Фозил ! Мен ҳақимда ўйлаганимда бебахт деган фикрга борма, илтимос. Мен бахтни бошқа тарафлама топганимни тушун ва таскин топ. Сен ҳам ўзингни бахтли қилишга ҳаракат қил.

Қайси манбада ўқиганимни билмайман. Аммо бир ҳикмат бор- ки , менга доим умид беради . Биласанми , у дунёда чин бандага хос яшаган кишидан бир тилак сўралармиш . Ким билсин , балки бундай эмасдир. Аммо мен бунга ишонаман. Ахир ўн саккиз минг оламини яратган Қодир Аллоҳ учун биргина тилакни бажариш ҳеч гап эмас.

Фозил ! Мен энди Аллоҳимнинг суюкли бандаси бўлиш учун интиламан...

Агар шундай даражага ета олсам , у дунёда... Аллоҳимдан сени ... сўраб оламан ...

Ато билан кезгандек Хавво,  
Сел қилгани каби дил наъво,  
Бунда бўлсам, ҳар қанча адо,  
Сени Аллоҳимдан сўраб оламан.

Раъво кўрдим ўзимга зулм,  
Воз кечганим ҳаётим, умрим,  
Ўзи Буюк, Ўзидир Ҳалим!!!  
Сени Аллоҳимдан сўраб оламан.

Кетар бўлсам , ортимдан боргин,  
Кўмган ҳиссинг, кўнглингни ёргин,  
Довдирасам ... ёдимга солгин! Сени Аллоҳимдан сўраб оламан.

Маҳзун кўнглим сенга бергани ,  
Қошинга ҳур каби келгани,  
Жаннат гулин бирга тергани ,

Сени Аллоҳимдан сўраб оламан...

Демасинлар ! Билгин хаддингни!  
Сукут ила қўмгин дардингни,  
Мукофоти бордир сабримнинг?!  
Сени Аллоҳимдан сўраб оламан!

Сарғайса ҳам ойдек бу юзим,  
Куйган умримга берсин тўзим,  
Қайта айтган, охирги сўзим,  
Сени Аллоҳимдан сўраб оламан

Фозил !... Ҳайр ...

Сўнгги илтимосим, мени излама . Агар мени кўргинг келса , соғинсанг ...  
унда фақат ўзингдан изла. Чунки мен сенга ўхшайман. Бизнинг юракларимиз  
бир . Шунинг учун сен томонга талпинган, излаган , топган ва ... кўнглимни б  
ерганман ...

Қидирмагин тонгги шабнамдан,  
Изламагин , лабингда титроқ,  
Ўшамикан, деб умид қилма,  
Куйлаяпти деб хазин, япроқ.  
Белги бердим , айтганман такрор,  
Қулоқ тутгил бир бор сўзимга.  
Мени изла фақат ўзингдан,  
Ўхшашингман, ...фақат ўзингга!

Кетма дема, ёлворма юрак...  
-Истамайман!!!  
-Кетишим керак.

Сўнг бор хайр ...

Суюма ...

\* \* \*

Кўчадан куёвнинг дўстлари билан келаётганлигини билдирган карнай , с  
урнай, ноғора овозлари бутун маҳаллани тутди .

- Куёв келди , куёв келди ...

Қиз узатишга йиғилган аёлларнинг ҳаяжони ўзгача... Куёв навкарлар ор

асида отаси каби костюм - шим , оқ кўйлак , капалак нусха галстук таққан Шаҳзоджон бошқача кайфиятда эди. Бу воқеага гувоҳ бўлганлар ўз отасининг тўйида куёв дўстлари орасида ҳамроҳ бўлиб келган ўғил ташрифини ҳаётлари давомида қайта кўришлари маҳолдир- ов ...

Робия жажжи фариштадек ясантирилган. Жингалак сочларига тақилган капалакчалар ҳар қадам ташлаганда қанот силкитади . Оппоқ "келин кўйлаги" уни осмондан учиб тушган фариштага ўхшатиб қўйгандек. Бу Робиянинг ҳаётида иштирок этаётган илк тўй . Бу отасининг тўйи ... Бу аясининг тўйи ...

Тўйдан ҳаммадан кўра Робия хурсанд . Ташқаридан эшитилаётган мусиқа садоларига мослаб қўлларини силкийди. Жилмайиб жўр бўлади :

- Нақанум ... Нақанум ...

\* \* \*

Абдумажиднинг пешонасига бу ҳовлига икки маротаба ош ошатиш учун кириб келиш ёзилган экан. Биринчи сафарда унинг кўнгли гуллаб келган эди , ўзи ҳам бошига қўнган бахт қушининг қувончидан дўстлари даврасида ҳурсандчиликдан кўпда оғзини йиғиштиролмаган , чекка - чеккадан уларнинг отган илмоқли гапларига илжайиш билан жавоб қайтарган, келинга гул тақдим қилиш учун яқинлашганда ундан кам ҳаяжон босмаган эди.

Бу сафар бари бошқача эди . Абдумажид учун бу урф - одатларнинг , куёв навкар, никоҳ ва ҳаказо маросимларнинг заррача қайноғи ҳам , қизиғи ҳам қолмаган, барчаси фақатгина киши кўзи учун эканлигини юраги бот- бот таъкидлаб турар эди.

\* \* \*

- Дилноза , сенга ишондим.

- Ҳотиржам бўл , - Дилноза сумкачасини маҳкам чангаллади . Суюма икки кун аввал унга қўнғироқ қилган ва Фозил берган телефонни эгасига қайтариб олиб бориш бериш ваъдасини олган эди.

Дилноза бугун бошқа барча синфдош қизлардан кўра кўпроқ йиғлади. У келин дугона бўлиб Суюманинг ёнида юришга таклиф қилинган бўлса ҳам , ўзига ортиқча пардозни раъво кўрмаган эди . Дилноза Суюма учун дилдан куй , ҳа деса "дугонажон" дея айланиб- ўргилиб Суюмани бағрига босгани -босган эди .

Айтишади- ки , келин кўйлак кийган қизнинг хуниги бўлмайди, деб...

Суюма каби гўзал қиз эса инчинун . Суюма , ўзига ортиқча пардозни раъво кўрмаган бўлса- да , шу қадар гўзаллашиб кетган эди- ки, уни чиройига маҳлиё бўлиб қолган Рихси келинойи ярим кундан буён Суюмага исириқ сол

иш ва атрофдагилардан бу иши учун гап эшитишдан бўшамай қолган эди.

Абдумажид қайнотасининг уйида дўстларига иккинчи бор ош ошатиб бўлгач, унга куёв сарпони тақдим этдилар. Аслида Абдумажид ва Суюма иккиси учун бу тахлит одатларнинг умуман қизиғи йўқ, аммо ота-оналарининг шундоқ ҳам куйиб кетган юракларини такрор куйдирмаслик учун номига рози бўлган эдилар.

Аввал-бошда Суюма бундай ҳашам керак эмас, деганида Шахло опа уз оқ йиғлади, тўлиб йиғлади.

- Қизим вақти келиб қилган шунча армонларинг сафига "Умримда бир бора келин кўйлак кийиш бахтига муяссар бўлмаганман" деган ҳасрат қўшилишини истамайман. Яна қўни бор, қўшни бор, дўст-душман бор... Эл оғзига тутиб бўлмайдиган элакка иш топиб бермайлик, болам,- дея изиллаган эди.

Онасининг яримта юрагини яна тилкаламаслик учун Суюма шунча кўнгалари сафига унинг бу истагини ҳам қўшган эди ...

Абдумажид Суюмага гул тақдим қилганича оила аъзолари ёнига етаклаб келди. Улар бирин - кетин икки ёшга оқ фотиҳа беришга тутиндилар ...

Махалладаги нуроний қариялар ва Йўлдош аканинг акаларидан кейин навбат унинг ўзига келди.

Йўлдош ака саккиз йил аввал худди шу ерда, худди шу йигитга дилпорасини оқ фотиҳа билан топширган эди.

Йўлдош ака ўша кезлари ота сифатида оқ фотиҳа берганида дуосининг ҳар мисрасини бахт ифори тутиб кетган эди. Ёнида турганларнинг бариси "Бизга ҳам шундай куёв ва келин кўриш насиб қилсин" дея дуога қўшилган эдилар ...

У пайтда қизгинаси Райҳон юзи тўла нур билан отасига отилган, "Берганларингизга рози бўлинг, отажон" дея ҳаммани кўнглини Бузган, аммо қизлик уй остонасини тарк этганида ҳар босган изларидан ғунчалар гуллаб қолган эди ...

Бугун ҳам худди ўша кунги каби тўй. Худди ўша кунги каби - Йўлдош ака ота ролида, Абдумажид - куёв, келин ҳам айнан шу хонадон қизи эди.

Аммо бу сафар отанинг юрагини ўйнатган титроқ сабаби буткул бошқа эди. У Суюма тўйга розилик бергандан буён "Шу ишни тўғри қилдимми?" деб ўзига ўзи савол бергани берган ва бу саволлари доимгидек жавобсиз қолган эди.

Суюма отаси билан ҳайрлашаётиб Райҳон каби отасининг бағрига отилмади...

Суюма улғайиб қолгандек эди. Унинг бу қадар оғир - вазмин тортишига ... ҳаётининг охириги бир йилида кўрган, кечирганлари сабаб бўлди.

Йўлдош ака узоқ фотиҳа берди ... Худди Суюма поччасига турмушга чиқишга рози бўлган кундаги каби ...

Абдумажид Суюманинг ҳашаматли чет эл машинасига ёнига етакла



б келди. Суюма чиқиши учун эшикни ҳам очиб берди. Дилноза Суюманинг келин кўйлагини тўғрилаган бўлди. Келин дугонаси сифатида машинанинг олд ўриндигидан жой олди...

Абдумажид машинани айланиб ўтиб келиннинг ёнидан жой олганида йиғилганлар яна бир бор фотиҳа беришди. Машина жойидан қўзғалди.

Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Шаҳло опанинг қўлидаги Робия бор овози билан чинқариб юборди:

- Ааайййяяяя !!!

Машина ўн қадамлар нарига бориб тўхтади. Ундан Абдумажид шаҳд билан отилиб чиқди. У илдам қадамлар билан Шаҳло опага яқинлашди. Бир зум тараддудлангандек бўлди-ю, қўлларини қизига чўзди.

Бу вақт орасида Суюма ўтирган машина ҳам уларнинг ёнига қайтиб етиб келган эди. Робияни бағрига босган Абдумажид машинанинг Суюма ўтирган тараф эшигини очди ва қизни унга узатди.

Тўйхонада йиғилганлар Суюма Робияни авайлаб олганини ва бағрига маҳкам босганини кўрдилар ...

Абдумажид ва Суюма тўйхонага боргунча чурқ этмадилар. Робия аясининг бағрига келгач овуниб қолган, отаси ва аясини ўртасида ўтириб олганича, жимгина кўчаларни томоша қилиб кетар эди. Ҳар доимги шаддод Дилноза ҳам одатига ҳилоф равишда орага бир гап қўшмас, гўёки тилини ютиб олган каби лом - лим демай кетарди.

Аммо Суюма ... Бор аламларини, озорларини ўзи ўсган ҳонадонида изҳор қила олмаган дардларини йўлма - йўл тўкишга тушган эди. У бошини эгганича унсиз йиғлар, кўз ёшлари юзидан дона-дона бўлиб оппоқ келин кўйлагига тўкилаётган эди.

Машинани бошқариб бораётган ҳайдовчи йигит орқани кўрсатадиган ойна орқали Суюмадан кўзини олмас, ҳозир кўрганлари юрагига ҳанжардек қадалгани учун бор аламини қаттиқ тишлаб олган лабларидан олар эди.

Суюма ҳам, Абдумажид ҳам ҳозир бошқаларга аҳамият берадиган аҳволда эмас эдилар. Улар шом вақти яқинлашиб қолганида ҳам бошидаги кепка ва қора кўзойнагини ечмаган ҳайдовчининг бу қилиғига ҳайрон бўлмадилар.

Машина керакли манзил - висол оқшоми ўтказиладиган муҳташам тўйхонанинг ёнига келиб тўхтади.

Абдумажид секин машинадан тушди. У бироз туриб келинни ёнига қайтиши ва уни тўйхонага етаклаб кириши лозим эди. Абдумажид билан деярли бир вақтда машинадан Дилноза ҳам тушди. Урф бўйича у Суюманинг ёнига ўтириши ва келинни куёв болага топшириши керак эди. Аммо Дилноза машинага ўтирмай сал нарида туриб қолди:

- Агар Фозил сени унутади десалар ҳеч қачон ишонма ...

Суюма бошини шарт кўтарди . У машинани бошқариб келган Фозилга ти  
килганча , тошдек қотди ...

- Ҳайрон бўлма , Суюма...

Ушбу ҳолат мен учун ҳам кутилмаган бўлди. Бу машина Ҳусан поччамларники  
. Сизларни тўйхонага улар олиб келишлари керак эди.

Аммо бир сабаб туфайли ўрниларига келишни мендан илтимос қилдилар.  
Мен поччангни аввал учратмагандим. Аммо куёв навкарга келаётиб махаллан  
гга, кейинг кўчангга, кейин уйингга ... яқинлашганда юрагим нега уч кундан б  
уён бежо ураётганлигини тушундим.

Маили , бу гапларни қўяйлик... Мен сени охириги хатингни такрор- такрор  
ўқидим...

Сени тушунишга ҳаракат қилдим. Ва тушундим.

Айниқса шу бугун...

Суюма , бу қиз худди ўзингнинг кичкина нусҳанг бўлибди . Сен унга ме  
ҳринг билан ўзлигингни сингдиргансан шекилли.

Махалламизда бир бефарзанд оила бор эди. Улар охири чорасизликд  
ан болалар уйдан бир ўғил болани асраб олишган эди. Йиллар ўтиб ўша бол  
а отасига худди бир томчи сувдек ўхшаб кетдики... Ўша кишининг ака- укала  
рининг фарзандлари ўз оталарига шунчалик ўхшамаслигини кўриб ...ҳайратдан  
ёқамни тишлайман ...

Суюма ...

Сенга бахт тиламайман. Бахтинг шундоқ ҳам ёнингда. Бахтинг сени ая  
деб тан олган фарзандларинг...

Мен сенга ҳаловат тилайман... Ҳаётда инсон кўнгли ҳаловат топсагина,  
яшашига мазмун , умрига файз киради .

Илтимосим, бошқа ҳеч қачон йиғлама...

Ўзинг айтганинг каби муҳаббат фақат етишсагина муҳаббат эмас.

Мен ҳам ўзинг таъкидлаганинг каби сен яшаётган дунёда борлигим,  
мавжудлигим учун бахтиёрман.

Куёв акамизнинг ҳам ёмон йигит эмаслиги шундоққина юз - кўзларид  
ан кўриниб турибди. Сен унга никоҳ орқали боғланар экансан, бу улуғ ришт  
ани бузишга бутун дунё муҳаббатини бир жойга йиғсаям журъати етмайди.

Айтишадики, осмон никоҳи ерга тушмаса , турмуш қурилмайди. Демак, ...  
никоҳ Арш эгасининг ҳимоясидаги битим ... Бу битимнинг бузишга , даҳл қи  
лишга , кўз олайтиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ... Ҳеч кимнинг ...

Суюма , охириги сўзим...

Мен бу гапларим билан кўнглингни бузмоқчи эмасман. Фақат юрагимдаги туй  
ғуларимни билдирмоқчиман:

-Агар мени ҳам ҳаловат топиб яшашимни истасанг, ҳеч қачон беҳудага кўзла  
рингдан ёш тўкма ... Ҳаётда шундай яшагин- ки , токи бу эртаклар оламига к  
етган муҳаббатимизга таскин бера олсин. Токи бу қарорни қабул қилганимиз

хунини тўлай олсин...

Тушундинг- а , мени Суюма ?!

Суюма ўзлари томонга келаётган Абдумажид ва унинг куёв жўрасига кўзи тушди . У ҳам Фозилга дилидагиларни айтиб қолишга шошилди:

- Фозил , илтимос мени кечир ... Ўзим қилмаган айбим учун кечир ...

Сен, дунёларга арзийдиган йигитсан . Мен ҳар доим сени дуо қилиб яшайман . Начора йўлларимиз шу ергача экан... Аммо сендан кўнглим тўқ , негаки сен каби яхшилар доим...

Машина эшиги ташқаридан чертилди ...

Суюма шошиб қолди ... Барча гапларини айта олмади , аммо асосийсини айтди шекилли .

Суюма охириги бор Фозилга қаради :

- Хайр ...

Суюма Абдумажидга эргашар экан, Дилноза шошганича машина эшигини очди , олд ўриндиққа алланиманидир ташлади ва Фозилга :

- Бу сенга тегишли экан , -деди- ю , Суюмага эргашди.

Фозил ўтган йили Суюмага берган телефонини таниди. Уни қўлига олганда кўзларида ёш айлана бошлади. Телефонда Суюманинг ифори қолган эди . Бинафша иси...

\* \* \*

Суюма никоҳ базмининг кўп чўзилишини истамади. Қўлига микрофон тутиб келин- куёв шаънини мадҳ этишдан, уларга ували - жували бўлишни тилашдан бўшамаган ўртакашнинг ҳар бир сўзи юрагига ҳанжардек ботиб кетаверди.

"Аллазамон ували- жували бўлиб бўлганман",- дея ўйлади Суюма "гапинг борми" дегандек тушуниксиз ҳолда ...

У боя Фозил унга нималар деганини эсламоқчи бўлар, аммо тўйхонадаги муסיқанинг баланд овози хаёлларини бир жойга тўплашга йўл қўймас эди ...

Ёзнинг қайноқ оқшоми бўлганлиги сабабли тўйхонадаги совутгич - кондиционерларнинг базмининг авжига бориб фойдаси тегмай қолди. Суюма дамба - дам ёнига келиб кетиб турган Робияга қараб юраги сиқилди :

- Сув бўлиб терлаб кетди , бу кетишда шамоллаб қолмаса эди , касал бўлиб қолса нима қиламан.

Аксига олиб ўзим билан овора бўлиб алмаштиришга қўшимча кўйлагидан ҳам олмабман ...

Суюма фотиҳаларидан бери ўзига бир оғиз сўз қотмаган Абдумажидга гапиришга аҳд қилди :

- Айтинг , тўйни тўхтатишин...

Абдумажид Суюманинг муддаосини тушунмади . Тушунган бўлсаям нотўғри тушунди. Шу сабабли унинг таклифини эшитмаганга олди.

Суюма сиқилиб кетди . Кейин Дилнозани ишга солди.

- Дилноз, ўртакашга секин тушунтир ... Даврага фотиҳа берворсин. Робиш сув бўлиб терлаб кетибди, касал бўб қолади бунақада .

Дилноза эса Суюмани зумда тушунди . "Хўп " деб бош силкиди- ю , ўзини даврага урди. Суюма уни санъаткорларнинг ёнида кўргач , "иш битди" дея хотиржам тортди.

Дарҳақиқат , кўп ўтмай даврабоши келин- куёвга оқ фотиҳа бериш учун Абдумажиднинг нуроний амакисини ўртага чорлади.

Суюма ёнида пайдо бўлган Дилнозага миннатдор оҳангда "рахмат" деди- ю ,аммо қизиқишини яшира олмади :

- Қандай уддаладинг ?!

Дилноза айёрона кўз қисди :

- Сеҳрли сўзлар ёрдамида . Мен уларга "Куёв боламизни таклифларига биноан битта гуд бай девораркансизлар"- дедим

Суюма кулиб юборай деди

Аранг ўзини ушлади . Унинг юзларига югурган қизилликни кўриб Дилнозанинг янада юраги шилинди:

- Бояқиш , дугонам . Келин бўлиб ҳам бир яйрагиси йўқ... Ҳаттоки ўз тўйи ўзига ортиқчалик қиляпти ...

\* \* \*

Суюма бу хонадонга аввал кўп келган эди . Айниқса Шаҳзод туғилган вақтлари опасига ёрдам бергани бу ердан оёғи узилмасди ...

Бу гал эса ... Бу гал таниш хонадонга бутунлай бошқа инсон сифатида қадамини қўйди.

Келишда Робия яна аясига "ҳамроҳлик" қилиб келган эди.

Бу сафар Суюма машинадан тушаётганида ҳам уни қўлидан қўйиб юбормади. У қучоғида ухлаб қолган Робияни кўтарганча аста - аста қадам босиб ўзларига ажратилган хонага йўл олди . Суюма шу топда юришига ҳалақит бер аётган келин қўйлагидан ҳам бешиб кетган эди .

Қудаларнинг келишуви билан Суюмани у тарафдан фақат холасини келини Афифа кузатиб келган эди. Аммо бу вазиятда у ўзини кўпда ортиқча сезар , Суюмага бир сўз дейишга ҳам юраги бетламас эди.

Абдумажид Суюмани ётоқхонага кузатиб қўйиб , ўзи ташқарига чиқиб кетди.

Суюмани ёнида Афифа ва ўзидан кейинги овсини Азиза қолишди . Азиза учинчи келин бўлса- да Суюмадан беш ёш катта эди . У Суюмани келин кўйлаги боғичларини ечишга ёрдамлашаётган Афифага маслаҳат солгандек бўлди:

- Робияни ойимларни ёнларига олиб чиқиб кета қоламан.

Бу сўзларни эшитган Суюманинг ранги қув ўчиб кетди. Уни кўрган одам боласини қизғаниб тирноқлари билан ҳамлага шайланган , кўзидан ўт чақнаган она мушукка ўхшатган бўлар эди .

- Робия менсиз ухламайди,- деди Суюма дона - дона қилиб эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъий товушда ...

Азиза овсин дилбаргина жувон эди. У Суюмани ҳолатини бир аёл сифатида яхши тушунарди, шунинг учун дарров ён бера қолди:

- Тўғри айтасиз , бу хонадон Робияхонга ҳам деярли янги. Шунинг учун ўрганг унича ётсираши мумкин .

Азиза диванга ётқазилиб қўйилган Робияга меҳр билан қаради ва яна Суюмага маслаҳат тариқасида гап ташлади:

- Қўшни хонани болалар хонаси қилиб жиҳозлагандик. У ерда Робияхонимизг аям бир талай кийимлар олиб келинган. Ичида юмшоқ тунги пижамалари бор эди . Олиб келайми ? Ҳозирги кийимида ухлаганидаям бўғилиб кетмасин дея пувдим.

Суюмага зумда жон киргандек бўлди. Азиза унинг кўзига бу сафар нажот фариштаси бўлиб кўринди:

- Вуууй , боядан бери шуни ўйлаб юрагим қон бўлиб кетаёптувди. Боя шошилишда Робишни кўйлакларини олиш эсимдан чиқиб қолибди. Тўйхонада терлаб кетганидан кийимини ичига салфеткалар тиқиб келганман . Сув бўлиб терлаганидан кийимиям ҳаво ўтказмидиган бўлиб қотиб қолувди.

Хозир шуни ўйлаб адамлага "кийим олиб келиб беринг" деб телефон қилсам микан деб турувдим...

Суюманинг юрагидаги гаплари лабларидан сизиб чиқиб Азизани кўнглини бузиб юборди . У " Мен ҳозир" деб қўшни хонага ўтди- ю, у ерда бир оз ҳаракатсиз қотди. Кўзларидан ёш думалади.

Азиза шу топда ўзининг келинлик кечаси билан Суюманикини таққослаб юраги эзилиб кетган эди . "Қиз шўрлик , кимни дарди нимада , бояқишники ним ада , - ўйлади Азиза чуқур ух тортиб , - уни шу даражада она мақомини эгаллаб олган деб ҳеч ўйламаган эканман" . Азиза шуларни ўйлар экан хонага нима учун кирганини эслаб , дарҳол тўрдаги болалар жавонига интилди.

Азизанинг қўлидаги юмшоқ пахталик кийимларни кўрган Суюманинг маҳзун кўзлари яшнаб кетди. У уялиб ўтирмай дарҳол кийимчаларни олди ва уйқуда ётган Робияни авайлаб кийимларини алмаштириб олди. Робия уйқусираб икки марта "аяя , айооов" деганда аста юзига юзини қўйиб "ёнингдан , а салим, ухла Робишим, ухла " деганида Азизанинг ҳам Афифанинг ҳам кўнгиллари яна бир қайта бузилиб кетди.

Суюма бу келинларга ҳижолатли кулимсираган бўлди:

- Робияни ҳар куни ухладан олдин албатта чўмилтириб олардим . Шунга ўрганган. Бугун амаллаб тонг оттириб олсак , эртага ювинтириб олмасам бўлмайди . Сал терласа ғаш келиб , чидолмай қолади ...

Икки аёл хонани тарк этиш вақти келганлигини ҳис қилишди, ҳализамон Абдумажид келиб қолиши керак.

Ўйлаганларидек, улар хонадан чиқишлари билан даҳлизда Абдумажидга дуч келдилар .

Абдумажид бошини эгганича хонага кирди .

Суюма Абдумажид хонага кириши билан дарҳол Робияни ёнига бориб уни қўлчасини ушлаб олди.

Уни бу ҳолатини кўрган Абдумажиднинг шунча кунлар ичида кўнглидан бир жилмайиш ўтди . Хаёлида "заб ҳимоячингни топибсан- да " деган ўй кезди. Аммо юзидаги жиддийликни йўқотмай секин савол берди :

- Суюма , қачондан бери туз тотганингиз йўқ , у - бу нарса еб оласизми ?!

- Йўўўўққ, қорним очгани йўқ ...

Суюма шу гапларни айтар экан боши нимага айланаётганлигини жавобини топгандек бўлди : у куни билан ярим бурда нон ҳам емаган эди .

Абдумажид ўта сезгир йигит эди. У яна индамай чиқиб кетди. Сал ўтмай келини Азизадан илтимос қилиб тайёрлатиб олган бир патнис егуликни олиб келди.

Суюманинг кўзига даставвал патнисдаги қадоқли идишида турган шарбат кўриниб кетди, аммо Абдумажиднинг олдида Робиянинг ёнидан туришга ва тумба устига қўйилган егуликларга қўл узатишдан истиҳола қилди .

- Суюма , уялманг . Бўш қоп тик турмайди. Ахир Робияга қарашга ҳам куч керак...,- Абдумажид шу сўзларни айтди- ю , учинчи бор хонани тарк этди.

Бу сафар Абдумажид бир соатлардан кейин хонага қайтганида ..

Муаллиф:     Хазонрезги

Суюманинг кенг ётоқда Робия билан бир - бирининг бағрига кириб ухлаб ётганлигига гувоҳ бўлди. Суюманинг беозор қуёнчаларга ўхшаб пишиллаб ухлаб ётишига қараб , Абдумажиднинг кулгиси қистади : "Тавба, ўзи ҳам ёш болага ўхшайди" ...

Абдумажид секин - атрофга кўз югуртирди. Суюма асосий чироқни ўчириб тумба устидаги тун чироқни ёқиб қўйгани учун атроф ним қоронғи эди. Аммо хонада бир оз бўлган инсоннинг кўзи ана шу қоронғиликка ўргангач, хона ёришгандек бўлиб туюларди . Абдумажид аста юриб устига сочиқ ёпиб қўйилган бояги патнисни юзини очиб кўрди : "Овқатланганмикан ?!"

Патнисни очгач , кўнгли жойига тушди : "Ҳайрият" ...

Абдумажид боя кирганида кўзи тушган, ўзи учун ерга баланд қилиб солиниб қўйилган жойга келди. Кўрпачага чўзилар экан "Яхшиям бахтимга ювиниш хонасида уйлик кийимларим қолган экан, бўлмаса ҳозир костюм- шимда ухлаган бўлармидим" деб ўйлади- ю , кўзиларини юмди.

Абдумажид айни вақтда кўнгли хотиржам бўлиб қолганлигини ҳис этди. Бу ҳолатга тушганини ўзи ҳам тан олди : "Барчаси болаларимнинг бағримга қайтганидан бўлиши керак. Яна ... яна Суюманинг ўзини тутишига ҳам асосий сабаблардан бири. Ҳайрият , Суюма кутганимдек, тўмсайиб қовоғидан қор ёғиб , асабимни еяётгани йўқ ... Тўғриси айтганда, у Робия учун бу ерга келган. Бу ойдек равшан. Нима бўлганда ҳам , жони соғ бўлсин. Суюманинг муштумдек бошига мен учун қилган яхшиликларини санаб саноғига етиб бўлмайди. Энди мени навбатим. У хонадонимга келганлиги учун ҳеч қачон афсусланмаслигини истайман ..."

Абдумажид шундай ўйлар натижасида кўзи илинганини сезмай қолди ...

Бу Абдумажиднинг кейинги уч hafta ичида илк маротаба хотиржам уйқуга кетиши эди.

\* \* \*

Абдумажид юзларини кимнингдир қитиқлашидан чўчиб уйғониб кетди. Кўзларини очганида ёнида ўтирган Робияга кўзи тушди :

- Робия , қизим уйғонибди- ю мани ?! Ҳозир уни ҳам қилиб қўяман ...

Робия дадасини одатини дарров эслади . Абдумажид қайнотасиникига б органида ҳам Робияни доим шунақа "ҳам" қилиб қўярди . У Робияни бошида н ошириб кўтарар ва бурни билан қоринчасини қитиқлаганча "ана ҳам қиляп ман , ана ҳам- ҳам қиляпман" дея такрорлар , қизчасини қиқирлаб кулишиг а маст бўлар эди .

Робия қиқирлаганча дадасини юзини шапатилади : "ҳамм йўўў"

Абдумажид қизини эркалаганча бошини кўтариб Суюма ётган ётоққа наз ар ташлади. У ер бўм - бўш эди. Робия яна Абдумажидни юзларини беозор ч имчилади :

- Ааайййяяя , ман нанна ...

"Қойил , аялик муборак бўлсин, Абдумажидбой!,- Абдумажид ҳушнуд илжайд и,- мана эсон- омон ая ҳам бўлиб олдингиз . Робия қизимни энди иккита аяс и бор . Биттаси ая- аяси , иккинчиси ада - аяси "

- Аааййййяяяя , ман нанна ...

- Ҳозир қизим . Қоринчанг очиб кетдимиз ?!

Абдумажид ўрнидан туриб кўрпачада ўтирган Робияга қўл узатди ,- Кела қол , асал қизим ...

Абдумажид Робияни кўтариб даҳлизга чиқди . Аммо юзи ювилмаганини эслаб ювиниш хонасига кирди. У Робияни аста ерга қўйди:

- Қизим , бирпас опоқ қиз бўлиб тургин , ман шундоқ юзимни ювиб олай.

Робия бу ерга биринчи бор кирганлиги учун инжиқлик қилмай атрофни томоша қилганча жим турди. Абдумажид тез- тез ювинди . Юз - қўлини соч иққа артиб бўлиб Робияни кўтарганида Робия уни юзига секин яқинлашиб ҳи длади :

- Иииим аахх !

- Қизим , санмям иииимммм ааах қилиб қўяйми ?!

Робия қийқириб чапак чалди.

Абдумажид эҳтиёт бўлиб қўлига совун суртиб Робияни кўзининг атрофига т еккизмасдан аста юзи ва қўлчаларини ювиб олди.

- Вооой бўў , қизим бирам "им ах " бўлиб кетди- ки , энди сани "ҳам- ҳам" қ



иламан ...

- Ман нанна ...

Ота ва қиз меҳмонхонага киришганда у ердаги меҳмонларни кўриб ҳайрон бўлишди.

Абдумажид кечаси уйларида шунча одам қолган деб ўйламаганлиги учун сал довдирагандек бўлди, аммо зум ўтмай ҳушини йиғиб олди, у ҳаммага салом берар экан, онасининг ёнига бориб ўтирди:

- Бувиси, буни кўринг биз "им ох" бўволдик ...

- Ассалому алайкум ...

Суюманинг овозини эшитган Абдумажид алик олиш учун ортга ўгирилди-ю, дами ичига тушиб кетди.

У қаршида турган Суюманинг миллий либосда бу қадар мафтункор бўлиб кетади деб ўйламаган эди. Абдумажид Суюмага эркак нигоҳи билан эмас, балки ўз касбининг моҳир устаси, маҳоратли ижодкор сифатида маҳлиё бўлиб қараб турарди.

- Алик олмайсанми, болам.

Абдумажид онасининг енгил дашномидан ўзига келиб шоша-пиша алик олди.

Суюмадаги ўзгаришлар нафақат Абдумажид, балки Робияга ҳам таъсир қилган эди.

У бувисининг қўлидан чиқиб Суюмага югургилади. Унинг бағрига отилди ва жажжи юрагидаги таассуротларни бўлишгиси келди:

- Аййя ёййиии (аям чиройли).

Суюма Робияга қараб кулимсиради:

- Воой қачон уйғондинг?!

- Ман ая уууммм аааххх ...

Суюма Робияни яримта гапидан тушуниб оларди:

- Ман сани ювинтирмадим-у, қанақа қилиб ум ах бўлиб олдинг?!

Робия қўли билан Абдумажидни кўрсатди :

- Аяя ум ахх ...

Дилбар опа ўртага қўшилди :

- Бизгаям таржима қилиб беринглар , юрагим тошиб кетди .

Абдумажид онасига изох берди:

- Ойи , Робия қизингиз меням ая деябти ...

Хонани шодон кулги овози босиб кетди.

Нонуштадан сўнг меҳмонлар йўлга отланишди . Дилбар опанинг қолг иси борлигини сезган Мусахон ака уни тезлатди :

- Бўлақолинг , онажониси , сиз билан яна улгуришимиз керак бўлган бир ола м юмушлар бор ...

Дилбар опа эътироз билдирмади. Ўзига жавоб йўқлигини эрининг илм оқли сўзларидан ўқиб ола қолди .

Обдон қуюқ ҳайрлашгач , йўлга тушди .

Меҳмонларни кузатгач Суюма дарҳол хоналарни бир сидра йиғди . Сўнгра Робияни дадаси билан ўйнаб ўтирганидан фойдаланиб аввал Шаҳзодн и , кейин Робияни ўзини чўмилтириб чиқди . Абдумажиднинг ёнига иссиқ қи либ дамланган бир чойнак чойни қўйди- ю , ўзи болалар билан болалар хон асига кириб кетди . Аммо орадан кўп ўтмай Шаҳзод қайтиб чиқди :

- Ада , сиз билан ётсам майлими ?

Абдумажид бу Суюманинг иши эканлигини , ўзининг ёлғиз қолгани учун кўнгли бўлмай Шаҳзодни уни ёнига чиқарганлигини сезиб ундан мамнун бўлд и .

- Майли ўғлим , юр бироз мизғиб оламиз.

- Кейин- чи ?!

- У ёғини кейин кўрамиз ...

\* \* \*

Кечга бориб Суюма қозонга озроқ суюқ овқат солди.

У Абдумажид сўрамаса ҳам изоҳ беришни лозим топди:

- Кечадан қолган қуюқ овқатлар кўп-ку, аммо ҳадеб қуюқ бераверсак болаларнинг ошқозони оғриб қолади ...

Кечки овқатдан кейин оила аъзолари телевизор кўришган бўлишди. Болаларни кўзларига уйқу чалинаётганлигини кўрган Суюма Шаҳзодга савол берди :

- Тойим, қаерда ухлайсан ?!

- Адам билан ётаман...

Суюма ота - болага ҳайрли тун тилаб Робия билан болалар хонасига кириб кетди .

Шаҳзод тезда ухлаб қолди.

Абдумажиднинг эса кўзларига ҳеч уйқу келмади .

Орадан анча вақт ўтгач, Абдумажид оҳиста ўрнидан туриб даҳлизга чиқди ва тўғридаги хонани эшигини калит билан очиб ичкарига кирди. Бу Абдумажиднинг ижодхонаси эди. Хона анчайин кенг ва шинам эди. Хонага кираверишда ўнг қўлда қатор ойнаванд жавонлар тўплами турар , унда Абдумажиднинг ижодий ишлари , турли папка ва файллар , ҳар хил танловларда олган диплом ва сертификатлари, қўл меҳнати билан ясаган турли намуналар , эскизлар ва бошқа буюмлар дид билан жойлаштириб қўйилган эди .

Дераза ойнасига яқин қилиб жойлаштирилган узун столнинг ярмида компьютер , принтерлар тўплами жойлаштирилган бўлса , қолган яримида қўлда расм чизиш учун мўлжалланган турли ашёлар тартиб билан тизиб қўйилган эди .

Абдумажид бу кеч хонага ижод қилиш учун кирмаган эди

Абдумажид жавоннинг тортмасидан фотоальбом олди .

У альбомни стол устига қўйиб ўзи ҳам креслога чўкди . Альбомни секин очди . Унинг биринчи саҳифасида Абдумажид ва Райҳоннинг никоҳ оқшомлари олдидан шаҳар айланишга чиққан вақтдаги расмларидан бири жойланган эди. Бу расм альбом варағи билан барабар қилиб ишланган , унда келин ва куёв қўлларида оппоқ кабутарни тутганларича осмонга бахтиёр боқиб туришган ҳолатлари моҳирона тасвирга туширилган эди. Абдумажид кўзларини катта-катта очиб Райҳонга тикилди . Қўли билан аста уни юзларини силади . Халлари ўша кунга кўчди ...

- Абдумажид ака... Биласизми ҳудди тушда юрганга ўхшайман . Мана шу кунгиз тўйимиз ҳам назаримда тушимда бўлаётганга ўхшаяпти .

Райҳон ўша куни жуда кўп гапирган эди . Кўзлари бахтдан шунчалик чар

ақлаган эди- ки...

- Абдумажид ака, биласизми назаримда сизни бир умр танийдигандекман. Юрагимдаги бир овоз ҳар доим сени дунёларга алишмайдиган бир йигитни ўзи топади, сен ҳам уни қўнглинг билан танийсан, уни учраштирганингда атр офда ундан бошқа ҳеч ким кўринмай қолади, ана ўша йигит сени тақдиринг деяверарди ...

- Райҳон ... Мени биринчи кўрганингда шу аҳволга тушганмисан, яъни кўзларинг мендан бошқа ҳеч кимни кўрмаганми ...

- Йўқ, биринчи кўрганимда эмас...

- Унда қачон?

- Сизни учратишимдан уч кунча аввал. Ўшанда юрагим дупирлаб ураверган ... Кўзимга қуёш чиқиб келаётган пайт кўринаверган. Қуёш билан бирга бир йигитнинг қораси кўрина бошлаган. Учинчи куни сизни учратганимда ўша қораси узоқдан кўринган йигит сиз эканлигингизни таниганман...

Ажойиб- а ?! Нега бунақа бўлганлигини ҳалигача тушунмайман ...

- Райҳон ...

-Хмм, нима дейсиз ?!

- Ҳеч нима. Мен исмингни такрорлашни жуда яхши кўраман... Шунинг учун такрорлаяпман ... Райҳон десам, бошқа бўлиб кетавераман. Қулоғим остида сени беғубор кулгуларинг жаранглайверади ...

Абдумажид сурагани яна қўли билан силади. Лаблари оҳиста "Райҳон" деб шивирлади. Кўзларидан бир томчи ёш чак этиб расмга томди ...

- Поччаааа...

Абдумажид беихтиёр овоз келган томон ортига ўгирилди. У ерда Суюм а турар, кўзидаги ёшлари бутун юзини юва бошлаган эди ...

- Суюма ..

Абдумажид ўзини боса олмади. Ўкириб йиғлаб юборди.

Дод солиб йиғлади.

Йиғлар экан дилидаги гаплари қандай қилиб лаб ҳатлаганига, бу гаплардан борлиқнинг куйиб кетмаганлигига ҳайрон бўлди.

- Суюмаа...

Мен уни жуда соғиниб кетдим. Жуда соғиндим.

У йўқ дунёда яшаш азобидан ортиқ азоб туйганим йўқ ...

Биласанми , дунёда борлиқни рангсиз, оқ- қора тасвирда кўрадиган одам лар бўлади . Мен ҳам Райҳонсиз шундай инсонга айланиб қолдим.

Мен ҳудди шарпалар шаҳрида яшаган одамга ўхшайман...

Райҳонсиз ҳаётим- тузсиз пишган ош каби мазасиз ...

Ҳар куни ётишдан аввал "Бугун тушимга Райҳон кирармикан?" деб савол бераман ўзимга. Ҳаёлан уни чақирганим чақирган. Райҳон , илтимос бировга бўлсаям мени йўқла, куйиб чўғдек ланғиллаган кўнглимга озроқ бўлса-да та шрифинг билан шифо бер дейман ...

Мана шунақа гаплар , Суюма...

- Почча... Опамни шунчалик яхши кўрармидингиз... Мен яхши кўришингизни б илардим- у, аммо бу даражада деб ҳеч ўйламагандим ...

- Мен Райҳонни...

У ...

Райҳон умримни мазмуни эди десам ишонасизми ?!

- Нега ишонмай, албатта ишонаман ...

Абдумажид ён - верига қаради ва ҳижолатомуз оҳангда деди :

- Ха айтганча, ўтир ҳам демабман ...

Кел ўтир...

Суюма кўзларида ёши билан эрка овозда сўз қотди :

- Кечдан кўра ҳеч яхши ...

- Йўғеёй ...

- Нима йўғеёй?!

- Нотўғри айтдингиз , аслида ҳечдан кўра кеч яхши дейилади ...

Суюма қўл силтади:

- Нима фарқи бор , тушунсак бўлди-да, почча...

- Ҳа, шуни айтинг ...

- Почча... Сал аввал мени сенсирётган эдингиз . Бундан бу ёғига сенсирайве рсангиз . Кейин бошқаларни ёнидаям сенсирасангиз, акс ҳолда ўзимни ноқу

лай ҳис қиламан ...

- Сизлашга ўрганиб қолганманда , Суюма . Хўп , сенсирашга ҳаракат қиламан. Фақат битта шарти бор.

- Сенсирашнияш шарти бўларкан-ми , тавба қилдим? !

- Ҳа- да , нима деб ўйловдиз, ээээ ўйловдинг. Мен , сенга "яхшимисан?" десам , "ўзинг-чи?" демасанг бўлди ...

- Айтиб кўринг-чи ?!

- Нимани?!

- Яхшимисан деб ?!

- Тушунмадим , нимага ?! Ҳа майли . Яхшимисан ?!

- Ўзинг- чи ?- Суюма бир зум пауза сақлади ва қўшимча қилди , - демайман , почча ...

Икковларининг юзларига табассум югургандек бўлди .

- Суюма , битта гап айтаман . Хафа бўлиш йўқ ...

- Қани?

- Шу манга ҳалол ўйинчилар ёқади- да . Бу деганим мендан сенсирашни илти мос қилган одам...

- Давом этаверинг , почча ...

- Уффф , мени энди... энди почча демасангиз , шуу ...

Суюма бирдан жим бўлиб қолди , кейин узр сўрашга ўтди :

- Узр , почча . Тилим шунга ўрганиб қолган- да . Аста - секин ... Тўғриси айтсам исмингиз бирам узун. Айтиб бўлгунича бир ухлаб тураман...

- Суюма , сизни , э сени шунақа хазилкаш деб ўйламаган эканман. Гапга жуда уста эканлигингни бугун билибман.

- Ҳар доим эмас. Шунчаки ҳозир кайфият шунга тортиб қолди- да.

- Айтганча , Суюма , ярим кечада бу ерда нима қилиб юрибсан ...
- Тўғриси айтими , ёки ёлғонлайми ?!
- Тўғриси айт ...
- Майли , тўғриси сизни хафа қилиши мумкин бўлсаям айтганим бўлсин. "Шу м бола" киносида айтади- ю , ооозгина айбим бор деб ...
- Нима ?!! Айбим бор , қўрқитма эй!
- Битта қўрқитаман ...( Суюма кўзини қисди ва давом этди ) Хуллас , Робия уйимизга борган ҳафталардан бошлаб... Ойижонимни гапларига кириб ... Ўзимга боғлиқ бўлмаган ҳолда ...
- Суюма бунча сабаблари кўп, айбнинг нима , ҳақиқатдан қўрқиб бошладим...
- Уффф, хуллас ярим кечаси овқат ейдиган одатим бор . Ойижоним болага қарашга куч керак дердилар ва хонамга у , бу егулик қўйиб қўярдилар . Ҳақиқатда уша вақтлар роса чарчадим ва қорним ҳам очиб кетарди. Ҳозир Роби я унақа чарчатмайди , аммо одатимни йўқотолмаяпман. Шунга ошхонага егулик қидириб чиққанидим .
- Овқатландингми ?!
- Йўйўқ...
- Нега ? Музлатгич тўла нарсани турибди- ку ...

Суюма жилмайди :

- Э бунга айтмасангиз ҳам биламан. Кундуз кунда "записи" қилиб ҳам олганман . Аммооо ...
- Муаммо нимада унда ?!
- Муаммо шунда-ки , мен ошхонани чироғи қаердан ёқилишини топа олмадим ...

Абдумажид кулиб юборди . Суюма унга дарҳол танбеҳ беришга шошилди :

- Тшш, Робиш уйғониб кетса ... муаммонинг глобалига дуч келасиз ...

Абдумажид ўрнидан турди:

- Кетдик , Суюма . Сенга шерик бўлсам қаршилиқ қилмасанми ?
- Ха, барибир йўқ дея олмайман . Чироқни ёқиб беришингиз керак- ку , почча ...
- Яна почча дейди- я ?!...
- Ўзингиз айтинг, нима деб чақиримни , айтишга осонроқ бўлсин ...

Абдумажид ўйланган бўлди :

- Ҳазрати олийлари деяқол ...

Суюма ҳозиржавоблик билан дарҳол таклифини билдиришга шошилди:

- Султон Сулаймон десам- чи ?!

Икковлари беихтиёр кулиб юборишди ...

Дил тўла армон ...

Лабда табассум ...

Абдумажиднинг ҳам , Суюманинг ҳам тақдири бир- бирлариникига шунча алар ўхшаш эдики ...

Икковлари ҳам камдан- кам инсонга насиб этилмиш чин муҳаббат соҳиб и бўлишган, севишган, севилишган ва муҳаббатларидан бир умрга ... жудо бўлишган эди ... Икковлари ҳам кўнгиллари мажруҳ инсонга айланган эдилар ...

\* \* \*

- Вооой , ухлаб қолибман .

Суюма тонг отиб кетганда кўзларини очди- ю , шоша - пиша отланиб ҳовлига югурди . У эшикни очиши билан ҳайратдан донг қотди ... Кўзларига ишонмади. Сабаби Абдумажид узун резина ичакни улаганча ҳовлига берилиб сув сепар , ҳаммаёқ орасталиқдан ярақ- ярақ қиларди.

- Ассалому алайкум , -Суюма ҳижолатли ер чизди , - узр ухлаб қолибман ...
- Ваалейкум ассалом , бунинг учун узр сўрашга ҳожат йўқ .
- Қўшнилар нима деб ўйлади экан- а ?! Янги келин роса боқибегам экан дей



ишгандир.

- Билмадим , - деди хотиржам Абдумажид , - уларнинг хаёлларига кириб чиқа олмайман- ку .

У Суюманинг бўшашиб қолганини кўриб таскин оҳангида сўз қотди :

- Э қўябер, улар сени ёш боланг борлигини билишади.

Суюма жилмайди :

- Мен чой тайёрлай бўлмаса ...

Суюма ошхонага кирганда столни усти нонушта учун безатилиб тайёр қилиб қўйилганлигига кўзи тушди .

Хатто термосга чой ҳам дамланиб қўйилибди .

Суюма энди ростманасига уялди . У бир зум дастурхонга тикилиб турди-ю , индамай Робия ухлаб ётган хонага кириб кетди .

- Чойга чиқасизлармиини ?

Абдумажид ошхонадан туриб Суюма ва болаларни чақирганида , ичкаридан " Ҳозииир" деган овоз келди .

Кўп ўтмай остонада Шаҳзод кўринди . У чопқиллаб келиб Абдумажиднинг бўйнига осилди:

- Ассалому алайкум , адажон . Яхши ётиб турдингизми ?!

Шаҳзод шундай дея туриб адасининг икки юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди .

Абдумажид учун бу кутилмаган ҳол эди . У анчадан буён бундай ўзи ни ма деб аташни билмаётган қайноқ туйғуни туймаган эди. Кўп ўтмай, остонада Робияни кўтариб олган Суюма кўринди . У Робияни шунақа чиройли кийин тириб - тарантириб қўйган эдики , кўрган одам беихтиёр "Вуй бу қизнинг асадлигини" деб юбориши тайин эди . Суюма Робияга оч пушти қўйлак кийдирган , қўнғироқ сочларига рангли тасмалардан бантикчалар тақиб ташлаган эди.

Робия ҳам келиши билан адасига интилди :

- Аййя...

Абдумажиднинг юзларига табассум ёйилди. Маҳзун кўзларига нур ингани сезилди . У Робияни қўлига олар экан :

- Робия қизим , яхши ухлаб турдимиз ? Энди ман наннасини еб оладими?! - дея айланиб- ўргилиб эркалар эди .

Нонуштадан кейин Абдумажидни қандайдир хаёлчанг кўрган Суюма аста сўради :

- Тинчликми , безовта кўринасиз ?!

- Тинчлик ... Шу ишга борсаммикан ё бугун ҳам уйда қолсаммикан деб ўйлаётман.

Суюма ҳам унга қўшилиб ўйлашган бўлди :

- Агар бормаслигингиз мумкин бўлса , унда уйда қолинг... Болалар хурсанд бўлишарди ...

Аслида Абдумажидга ҳам шу керак эди . У уйда қолишга Суюмадан ҳижолат тортаётган эди, аммо унинг "сўзига кириб ноилоҳ" кўнган бўлди .

Абдумажид фарзандлари даврасида кечгача яйради . У айниқса Робия ўзи билан чиқишиб қолганидан хурсанд бўлар , уни "ўзимни асал қизим" дея эркалашдан бўшамас эди .

Абдумажид ертўладан Шаҳзод болалигида учган арғимчоғини атай топиб чиқди . Уни ҳовлидаги ўрик шоҳига ўрнатиб , Робияни учира бошлаганида қизалоғининг қанчалик хурсанд бўлганлигини кўриб ўзи ҳам барабар қувончлиқ ва ҳис қилар эди. Абдумажид анчадан бери "оталик бахти" деб аталмиш бу туйғуни ҳис қилмаган эди...

\*\*\*

Орадан бир ҳафта ўтиб Суюма ишга кетаётган Абдумажидга ийманиб савол ташлади :

- Мабодо, бугун бизни уйимизга бир кириб ўтолмайсизми ?!

- Тинчликми , Суюма ?!

Суюма унга нима дейишни, кўнглидагини қандай тушунтиришни билмай каловланди:

- Шу десангиз ...

- Эшитаман...

- Биласизми , мени узатиб келишганларида ... Хуллас , фақат ялтир- юлтир кийим кечакларни олиб келишган экан. Очиғи шу иссиқда бу кийимлар жуда жонимдан тўйдирди . Шунга уйда қолган оддий кийимларим ва тикув машинани олиб келиб берасизми дедим ... Ойижонимларга қўнғироқ қилиб қўярдим ... Хўп десангиз ...

- Суюма кийим тикасанми ?! Демоқчиманки , тикувчиликдан хабаринг борми ?!

- Йўғей унчалик профессионаллик даражасидамас . Шунчаки ҳаваскорман . Кейин анчадан бери тикмай ҳам қўйгандим . Уйда зерикканда бир эрмак қилсам деган эдим- да ...

Абдумажид ўйланиб қолди , кейин Суюмага қатъият билан сўз қотди :

- Суюма отлан , болаларниям кийинтир ...

- Қаерга ?! Ишингиз-чи ?!

- У ерда ўзим хўжайинман- ку , биласан хўжайинлар ишга бормаса , ишхона юмушлари юзасидан юрган бўладилар .

Абдумажид "хўп" деб ичкарига кириб кетаётган Суюмани тўхтатди :

- Ха айтганча, Суюма. Ичкаридаги жавонда Райҳон опангдан ... қолган анча кийим бор эди . Сенга сиғиши керак эди, - Абдумажиднинг овозида ўзгариш сезилди .

Суюманинг ҳам юзига маҳзунлик соя сола бошлаган эди :

- Уларни кия олмайман ...

- Кечир , Суюма . Кийгин келмаса , ўзинг биласан ...

- Уларни кийгим келмагани учун киймоқчимасман . У кийимлардан опанинг ҳидлари келиб турибди . Мен уларни кийсам , ювсам ... уларнинг ифторлари кетиб қолади. Шунга ... Мен бу уйга келганимдан буён ҳар куни бу кийимларни бағримга босиб опамни...

Суюманинг кўзларида ёш ғилтиллаб бошлади .

Абдумажиднинг ҳам аҳволи уникидан кам эмас эди ...

Абдумажид ҳам худди Суюма каби Райҳонни соғинганида ўзининг шундай иш тутишини эслади. У "Бу таклифни қайдан ҳам этдим" деб ўз - ўзидан норози бўлди .

Аммо Суюма ичкарига киргач "Бекорга Абдумажид акани кайфиятини буздим , яхшиси ҳозир ёнига чиққанзимизда кўнглидан чиқариб юбориш керак. Ахир бўлиб ўтган ишларда уни заррача айби йўқ- ку" деган тўхтамга келган эди.

Суюма тезда болалар билан бирга отланиб , тайёр бўлиб чиқди.

Абдумажид уларни олиб йўлга тушди .

Суюма Абдумажид бизни уйига олиб кетаяпти деб ўйлаганди . Аммо

машинада шаҳарнинг қоқ марказига қараб йўл олганлигини кўриб , ҳайрон бўлди, аммо савол беришдан ўзини тийди .

У Абдумажиднинг машинасини ойнаванд магазин биносининг ёнида тўхтатганида алланималарни тушунгандек бўлди . Магазин ҳашаматига кўра нархлари баланд эканлигидан дарак бериб турар эди.

Абдумажид уларни магазиннинг аёллар кийим- кечаклари билан савдо қиладиган бўлмасига етаклаб борганда , Суюманинг кўнглидан "шу ерга келиш шартмиди" деган ўй кечди.

Абдумажид сотувчи аёл билан енгил саломлашган бўлди-ю ю, унга Суюмани кўрсатиб енгил, уйга кийишга мўлжалланган кийим танлаб беришини сўради . Аёл "хўп" деб бош ирғади- ю , Суюмани ўлчамини сўраб олгач , уни ёнига айтилган типдаги кийимларни бир уюм қилиб тўлдириб ташлади .

Суюма бу кийимларни нархи яхшигина пул туришини билганлиги учун танилашга ҳам иккиланиб туриб қолди. У Абдумажиднинг ўзи учун ҳаражат қил аётганидан ва буни ўзи сўраб олгандек бўлиб қолганлиги учун қаттиқ ҳижолатга тушган эди.

Абдумажид Суюмадаги ушбу ҳолни сезди чоғи , ўзи чаққон ишга киришди . Орадан кўп ўтмай Суюманинг шунча кийим керак эмас деб билдирган эътирози инobatга олинмасидан , бир дунё кийим-кечак харид қилиниб машинага жойланди . Кейин болалар бўлимидан Шаҳзод ва Робия учун ҳам харидлар қилинди.

Суюманинг "Ўзингиз учун-чи , бирор нарса олмайсизми ?" деган саволига Абдумажид бир жилмайди - ю, қўйди.

Улар қайта машинага ўтирганларида Абдумажид "Энди сизларни бир мейхона қилай" деди- ю , шинам емакхонага олиб борди .

Улар борган жойларида болалар ўйнашлари учун ажойиб бурчак қилинган экан. Дам олиш куни бўлмаганлиги учун , жойлар бўш, емакхонада икки - уч стол банд қилинган , аммо ёш болалардан Шаҳзод билан Робиядан бошқа ҳеч ким йўқ эди . Шаҳзод Робиянинг қўлини ушлаганча дарров ўйинчоқлар уйиб ташланган жойга югурди. Абдумажид билан Суюма эса уларга яқин жойдаги столни банд қилдилар .

- Болалар ҳам анчадан бери уйдан чиқишмаган эди , - деди Суюма таом буюртма қилаётган Абдумажидга қараб .

Абдумажид Суюмага ҳайрихоҳ боқди :

- Ҳа , ўзи бир ёки икки ҳафтада мана шундай сайрга чиқиб турсак бўларкан , нима дейсан , Суюма?!

- Билиб туриб сўраманг ?! Албатта жон деймиз ?! Мумкин бўлса кейинги сафар ҳайвонот боғига олиб борсангиз . Болалар, айниқса Робияни жонли ҳайвонларни кўрган вақтидаги юз ифодасини бир кўрсам девдим .

- О, зўр фикр ?! Бугун олиб борардим- у, энди кун исиб кетди .

- Ҳа тўғри айтасиз, энди кеч .
- Суюма бир нарсани сўрасам майлими ?!
- Нимани?
- Мени ким деб чақиритишни ҳал қилмадингми мабодо ?!
- Султон Сулаймон !
- Йўғей , бу жуда баландпарвоз бўлиб кетади ...
- Ҳазиллашдим ... Менимча Абдумажид ака дейман , шуниси маъқул , шунга нима дейсиз ?!
- Майли айтишга қийналмасанг бўпти .
- Ҳа бир амаллармиз...
- Суюма , бир гап гапирсам ...
- Вой почча-ей , э кечирасиз Абдумажид ака , доим мужмал гапириб юракни эзиб юборасиз-да . Қўшнимиз Рихси келинойи " Шап, шап дегунча шафтоли де , қўй" дердилар  
Сиз ҳам шафтоли деяверинг ...

Абдумажид қўлидаги қошиқни ўйнаганча секин гапира бошлади :

- Суюма , очиғи бу гапларни айтиш ...бир оз ноқулай.  
Суюма, мен сени бир аёл сифатида эмас, бир дўст сифатида , ҳамроҳ сифатида қадрласам деган эдим ...  
Очиғи, мен сени Райҳонни ўрнига ... қўя олишим ... Мен бунга тайёр эмаслигимни билсанг деган эдим ...

- Абдумажид ака, бўлди гапирманг. Барчасига тушундим . Мен сизга ... Очиғи шу иқдорингиз туфайли сиздан жудаям миннатдорман... Мен ҳам худди сиз каби ҳолатдаман...

Суюманинг боши эгилди , аммо кўп ўтмай Абдумажидга қараб кулимси ради :

- Робияни қаранг , Шаҳзод иккиси роса яйрашяпти . Биласизми , Абдумажид ака, шу Робияни ... ёнига бора бошлаганингизда уни сиздан бирам қизғанган

ман- ей, иложи бўлса қўлимда битта милтиқ бўлса- ю "пақ" этиб отиб ташлас ам, дердим .

Абдумажид Суюманинг беғуборлигидан завқланиб кулди :

- Оббо , Суюмаей! Яхшиям милтиқ йўқ экан- а , уйиларингда ?!

Тўхтачи, ҳали Робиш мени ая деганигаям асабларинг қақшаётган бўлмасин ?!

- Нима деб ўйловдиз ?! Албатта - да !

- Ўўўў , унда унга мени ада деб чақиришни ўргат . Шунда ...ҳммм тафтинг бо силади .

- Яхши таклиф , гениально , офарин...

Улар барчалари овқатланишга киришганларида Абдумажид таклиф кирит иб қолди:

- Суюма , шу десанг ҳозир сизларни уйингизга ташлаб кетсам... Ҳали ишдан бўшаганимда олиб кетардим. Адамлар ва ойимларни соғинган бўлсанг керак ... Бунга нима дейсан?!

Суюма жуда ҳурсанд бўлиб кетди :

- Нима дейишим мумкин , жон дейман ...

Абдумажид ҳизмат кўрсатаётган официантни чақириб яна кабоб ва пиш ирилган товук буюрди , кейин ўзига савол назари билан боққан Суюмага изо ҳ берди :

- Қутлуғ уйга қуруқ бориб бўлмас ...

Йўлда Абдумажид Суюмани яна ҳайрон қолдирди :

- Суюма, сенга кийим олиб берганимни уйингдагиларга айтмай қўяқол. Кийим лар машинада тура турсин, ҳали уйга борганда оларсан.

- Нимага ?

- Ноқулай-да . Ҳудди сенга нарса олиб бериб мақтанишга боргандек бўлиб қ олмайлик ...

Суюма Абдумажидга миннатдор боқди :

- Ҳўп бўлади , сиз нима десангиз шу ...

\* \* \*

Абдумажид Суюмани ёш қизалоқ сифатида қабул қилган эди. Аммо унинг ҳам кўнглида бир олам армони борлигини, бунга айнан ўзи сабаб эканлигини тасодифан билиб даҳшатга тушди ...

Бир куни тушлик вақти уйга келган Абдумажид уйдагиларга сюрприз қилиш мақсадида кўча эшикни ўз калити билан очганча оҳиста ҳовлига кирди . Унинг диққатини тортган нарса уй ичидан эшитилаётган ҳазин қўшиқ бўлди.

Абдумажид аста очиқ дераза атрофига яқинлашиб уни тинглай бошлади . Бу қўшиқ " Сумбула " эди ...

Қўшиқ баланд қилиб қўйилган эди . Абдумажид қизиқиб ойнадан ичкарига разм солди ...

Ичкари уйда Суюма "Сумбула"га рақс тушар эди . Абдумажид илгари Суюманинг рақс тушганини ҳеч кўрмаган эди ...

Сумбула-ю , сумбула ...

Ўраб олай гул билан ...

Мани кўнглим сен билан- ей,

Сен кетасан ким билан ...

Қадамингга гуллар очилсин ...

Суюма шундай ҳиром айлар эди- ки ...

У ўзи ҳам қўшиққа қўшилиб куйлар ва рақсга туша туриб... ўқиб - ўқиб йиғлар эди ...

Кўзларида бир олам ишқ... , бир олам ҳижрон... , бир олам садоқат... бир олам соғинч мужассам эди ...

Кўзларидан ёш эмас, армон дув- дув тўкилар эди ...

Аслида рақс тушаётган Суюма эмас эди , У... ушалмаган орзу эди .

Рақс тушаётган Суюма эмас, қовжираган, ҳазон бўлган муҳаббат эди...

У рақс тилида барини айтиб қўйган эди ...

Суюманинг рақсини кўрган Абдумажид адо-и тамом бўлган эди . Ахир Абдумажид нафис санъат олами вакили эди ... У қайси жойда сохталик, қайси жойда ҳақиқий ижро борлигини миридан- сиригача "ўқий олар" эди.

Абдумажид бу борада бир зумда аниқ ҳулоса чиқара олар эди . У Суюманинг кимнидир жуда қаттиқ севганини... ва энг ёмони ўзи туфайли бу муҳаббатидан воз кечишга мажбур бўлганлигини аллақачон ўқиб бўлган эди ...

Абдумажид шу вақтда Суюмага таъзим қилиб кетгиси келди:

"Наҳотки , кимнингдир яримта кўнглини тўлдириш учун ўзини тирик қурбон қилиш мумкин бўлса ?! . Агар у кўнгил берган инсон учун ҳам Суюма шу қадар қадрли бўлмаганида , ҳозир қаршисида рақс ижро қилиб турган бу париваш бунчалик дард чекмаган бўларди ...". Абдумажид шулар ҳақида ўйлар экан , ўша йигит учун ҳам куйиб кетди. "Биргина Райҳоним учун куйганим к амми эди, - ўртаниб ўйлади у , - Суюма учун Яратганнинг даргоҳида қандай жавоб бераман энди ?!

Бу юк билан бундан бу ёғига қандай яшайман ?! Қандай ?!..."

Абдумажид шу дақиқаларда қўшиқ тугаганини , аммо Суюма ўзи куйлаб рақс тушишдан тўхтамаётганлигига эътибор қаратди ...

Овоз ҳам шунчалик ҳазин бўлар экан- а?

Овоз ҳам шунчалик дардли бўлар экан- а?

Овоз ҳам шунчалик сотқин бўлар экан- а ?

Бўлар экан ! Бўлар экааааан !...

Мен бу ерда ўт ёқсам

Фарғонада тутуниини,

Бу дунёда бормикан- аааааа?

Юрак- бағри бутунииниини....

Бу дунёда бор бўлса ,

Юрак- бағри бутунииниини,

Қоғоздан қилиб ўчоқ ,

Гулдан қилай ўтиннииниини...

Қадамингга гуллар очилсииниин...

Суюма чир айланди- ю , ерга тиззалаб қолди... У қўлларини осмонга чўзганча шу қадар шашқатор йиғлар эди-кииниин...

Суюма "қадамига гуллар очилиши" керак бўлган маҳбубини шунчалар соғинган эканкиини...

Абдумажид бу дунёга келиб ўзини ҳеч қачон бу даражада гуноҳкор ҳисобламаган эди ...

Абдумажид шу топда Райҳонни тақдир мендан юлиб олган бўлса , Суюмани мен тақдиридан юлиб олибман деб ўйлар ва ич- этини ер эди...

У Суюманинг шугина ёшига бу қадар фидойи ва бардошли эканлигига , митти юрагига шунча улкан муҳаббатни сиғдира олганига , ... энг асосийси ушбу муҳаббатини Шаҳзод ва Робия учун қурбон қилганлигига ҳайратда қолган эди ...



Абдумажид уйга киришга Суюмага юзма - юз келишга юраги бетламади, ҳоли келмади . У ҳозир Суюмага учрашса , ўзини ҳам, уни ҳам аҳволи бу ндан ёмон бўлишини ҳис қилар эди ...

Абдумажид оғир қадамлар билан аста изига қайтди ...

У ўша куни кечга томон уйга қайтганида ҳам, кундуз куни кўрганлари таъсиридан чиқа олмаган , кайфияти жуда эзгин эди ... Суюма эса унинг атрофида парвона бўлар , "Касал бўлиб қолмадингизми ?!" дея куйинчаклик билан ҳолини сўраган сари Абдумажид бор овозида "дод" солгиси келар , аммо ҳар доимги каби бу сафар ҳам бу имкондан маҳрум эди ...  
Маҳрум.... ( Маҳрум !!!!)

\* \*

Абдумажид энди Суюмани аввалгидан ҳам ўзига яқин олар , "Имкон бўлса- ю , унинг учун дунёнинг бор яхшилигини қила олсам" деган кайфиятда бўлиб қолган эди.

- Суюма...

- Лаббай, Абдумажид ака...

- Уйда зериккандек бўлмаяпсанми ...

Суюма жилмайди :

- Йўйўқ , болалар бор- ку.. Шаҳзод мактабга чиқади- ю бу йил . Шунга у билан шуғулланаяпман ...

- Суюма , ҳоҳласанг эртага магазинга бориб Шаҳзод учун рангли қалам, расм дафтар ..., яна дарс қиладиган стол, стул олсак...  
Нима дейсан ?!

Суюманинг кўзлари чақнади :

- Ҳар доимгидек , жон дейман... Яна ...

- Нима яна , айтавер ...

- Робишим ... Робишимизга битта велосипедча олиб бера оласизми ?! Кеча кўчада қўшни болаларникини учиб кўриб ... бирам тушгиси келмади ...

- Бори шуми ?! Сен яхшиси яна нималар кераклигини ўйла. Рўйхат қилиб қўйсанг, ҳаммасини бир ўйла олиб келамиз ...

- Албатта , сиз айтасиз- у , мен йўқ дер эканман-ми ?! Хўп бўлади- да !

Абдумажид яна ўйланди:

- Суюма , аслида мен бошқа нарсани назарда тутиб гап бошлаган эдим...

Суюма индамади . Чиройли қошларини кериб Абдумажиднинг нима дем оқчи эканлигини кутди .

- Суюма , мени ижодхонам доим қулфлиқ туради . Аммо сен сабабини сўрамадинг . Бунга сабаб у ерда керакли ҳужжатлар , режадаги лойиҳалар , ҳам корлик шартномаларининг бир нусхаси туради . Аммо бу муҳими эмас. У ерда ёғочга нақш ўйиш учун тўғли анжомлар бор , кейин ҳар хил мойбўёқлар . Шу сабабли болалар кирмаслиги учун у ерни қулфлаб юраман. Бу хотиржам бўлишим учун , албатта .

Биласанми , у ерда жуда кўп дурдона асарлар бор. Саъдий Шерозий , Навоий , Бобур , Машраб, Маҳтумқули, Нодирабегим ... Абдулла Қодирий , Абдулла Қаҳҳор , Ойбек, Саид Аҳмад , Эркин Воҳидов , Абдулла Орипов , Ўткир Ҳошимов ... Бу ижодкорларнинг жуда кўп китоблари алоҳида жавонда турибди...Агар ҳоҳласанг , уларни олиб ўқишинг мумкин ... Калит , эшикнинг тепасидаги бурчакда кичиккина тешик бор, ўша ерда ...

- Абдумажид ака...

- Ҳоооов !

- Сиз менга ҳозир шунчалик қимматли совға бердингизки ...

Сўз билан таърифлашни иложи йўқ ... Аммо у ерда ўтириб китоб ўқишимнинг иложи йўқ. Майлими , битта - битта олиб чиқиб, болалар ухлаган вақтда ўқисам . Биласиз , уларни узоқ вақтга ёлғиз ташлаб кета олмайман ...

- Албатта , Суюма . Бу сени ҳам уйинг . Шундай бўлгач , китобларда энди сен ниям ҳаққинг бор. Фақат , уларни ошхонага...

- Нима ?! Ошхонага?! Тушунмадим, нима учун ошхона деясиз , Абдумажид ака ?!

Абдумажид бир қизариб , бир бўзариб сўзлай кетди :

- Э , сўрама ... Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим. Анави тўғридаги қўшни мизни келини бор- ку ?! Ҳа ўша Ўринбойни аёли Замира . Ўша келин ўқишга

кираман деб бир куни таниқли ёзувчининг китобини имтиҳонга тайёрланиш учун сўраб олганди. Мен ҳам "Ҳа майли, савоб бўлар" дея ҳўп дея бера қолган эдим.

Икки ҳафталарда олиб чиқиб берди . Китобни хонага олиб кириб , столни устига жойлаб чиқиб кетдим . Кечга яқин хонада ижод қила туриб, орадаги танаффусда бир китоб ўқий деб ичини очганимни биламан ...

- Ҳўш...

- Э сўрама... Ўша келин китоб ўқиб туриб устида аччиқ- чучук еганимни нима бало , варақлари қапишиб кетган , орасида памидорниям , пиёзням парракчаларини топиб олсам дегин ... Бечора китобнинг ёзувлари ўша савзавотларнинг ширасида ўчиб ҳам кетибди.

Бир тутадим, бир тутадим ...

Бир амаллаб тонгни оттирдим- у, қўшнимникига ўқдек учдим.

Келин демаган "Ўламан саттор, бу ишни мен қилганим йўқ " деб туриб олса дегин. Қўлимдан ҳеч бир иш келмади ...

Хуллас ҳар сафар китоб ҳақида гап кетса , эсимга биринчи ўринда шу воқеа тушади ...

Суюма ҳам Абдумажидга қўшилиб на кулишни , на куйишни билмайдиган ҳолатга тушган эди

Бир куни Шаҳзоднинг машқларини текширишга кирган Абдумажид столнинг бир четида турган оддийгина блокнотга кўзи тушди . Блокнотни кўриниши Абдумажиднинг эътиборини тортгани боис , уни варақлаб кўра бошлади...

Варақлаш асносида Абдумажиднинг қошларига тугун туша бошлади . У ҳайратдан лабларини тишлаганча , кўзларини варақдан варақга тикар экан, ҳаёлида "Оббо , Суюма- ей ?! Ҳали шунақа истеъдодим ҳам бор дегин?!" дея тасвирлашни қўймас эди ...

Абдумажидни ҳайратга солган нарса Суюма томонидан чизилган эскизлар эди .

Суюма ҳар бир варақда биттадан қиз чизган ва унинг устидаги кийим дизайнини ўзгача моделлаштирган эди. У қизнинг соч турмаги , пардоз , бошига кийиладиган бош кийими, либоси , унга мос тушадиган пойафзали ва тақинчоқларини шу даражада уйғунлаштириб ишлаб чиққан эди-ки , Абдумажиднинг берган баҳоси бўйича бу иш унча - мунча моҳир дизайнер- стилистнинг ҳам қўлидан келмас эди.

"Бу фақатгина туғма истеъдод эгасининг қўлидан келадиган иш- ўйладиган Абдумажид,- Бу истеъдодга йўл очмасам , бунинг учун қанча гуноҳга қолишимни тасаввур ҳам қилиб бўлмаса керак-ов. Тавба , либосларнинг бир бирига қараб кўзинг қамашади- я . Аммо Аллоҳнинг суюкли бандаси эканман- да . Кечагина, Молдавияда ўтказиладиган турли миллатларнинг миллий-замонави

й либослар танловига ижодий иш топширишимизни сўрашган эди, кун бўйи қўлимда бор ишларни солиштиравериб , кўзларим қамашиб кетганди. Аммо танлаган номзодларимнинг уччаласининг ҳам ижодлари бир- бирига ўхшар эди. Демак, ижодий иши учинчи ўринда кетаётган қизнинг ишларини Суюманинг ижодий ишлари билан алмаштираман !"

- Суюмааа !

Абдумажиднинг овози одатдагидан қаттиқроқ эшитилгани учун Суюма ҳаялламай хонага кирди :

- Лаббай, тинчликми ?!

Абдумажид ҳаяжон билан энтикиб гапира бошлади:

- Суюма , ҳамма ишингни йиғиштир !- Абдумажид эскизларни танлай бошлади,- Менга мана бу , яна бунисиниям , кейин буниям... Мана шу учта эскизингни тонггача катта оқ қоғозга кўчириб берасан . Бўяш ишларига ўзим қарашиб юбораман...

- Абдумажид ака , ҳеч нимага тушунганим йўқ , илтимос бу ишни нима учун сўраётганингизни билсам бўладими ?!

- Суюма , ҳозир тез ишга киришиш ҳаракатини бошла... Қолган маълумотларни йўл- йўлакай тушунтириб бераман ...

Суюма Абдумажидга жовдираб қаради , аммо эътироз билдирмади :

- Ҳўп бўлади , Ҳазрати олийлари ...

Абдумажиднинг кайфияти жуда кўтарилиб кетган эди , у Суюмага шодон гап ташлади :

- Шундоқ бўлсин ...

- Бир эмас, ярим оғиз сўзингиз ...

Шу куни Суюма ва Абдумажид тонггача ижодхонада ижод қилиб чиқдилар . Эскизларнинг айрим деталлари устида тортишдилар , баъзи бир жойларида сўзлари бир жойдан чиқди ... Ўртада Суюманинг "бир озгина бор айбини" ҳисобидан икки марта овқатланишга тўғри келди ...

- Мана битди , - Абдумажид ишларидан кўнгли тўлиб керишди , - Қара тонг ҳам отиб келаяпти . Ҳа айтганча , битта энг муҳим иш қолиб кетибди .

- Бўлди чидолмайман , уйқум келиб кетди . Ёстигим ҳам аразлаб ётгандир ...

- Суюма қаердан олсан- а шунақа гапларни , тавба ! Кўпинча сенга гап тополмай қоламан ... Аммо охирги штрихни ҳозир қўймасак уйқум келмайди ... Ма йли вақтинги олмайман . Фақат шу коллекцияга битта ном топиш керак эди . Нима деб номласак экан ?! "Оппоқ орзулар" десак бўлмасмикин ?! ...

Суюманинг кўзлари катта очилди , бўғиқ овозда хаёлчанг шивирлади :

- ... "Субҳидам"

- "Субҳидам" ?! Бу дегани...

- Тонг ёришиб келаётган вақт ... Мана шу ҳозирги пайт ...

Абдумажид кўп ўйланмади :

- Ҳудди эртақдагидек ... Бетакрор ... Демак , коллекциямизнинг номи - "Субҳидам"

Суюма зорлангандек бўлди :

- Мен жудаям чарчадим, озгина дам оламан...

Суюма Абдумажидга шу сўзларни айтди- ю , эшикдан чиқди , у хонадан тезроқ узоқлашишни истар эди , чунки ...

Муаллиф:     Хазонрезги

Абдумажиднинг ўзининг кўз ёшларига гувоҳ бўлишини истамас эди ...

Суюманинг эскизлари танловга онлайн тарзда жўнатилди . Орадан икк и hafta ўтгач, минглаб номзодлар ичида Суюма ярим финалга чиққанлиги тўғрисидаги хабар келди.

Бу Абдумажид учун ҳам жуда катта янгилик бўлди. У Суюманинг бажарган ишлари бу қадар муваффақиятга эришади деб етти ухлаб бир тушига кирмаган эди .

Хабар билан бирга танловнинг яна янги шарти ҳам келган эди . Шартга кўра танлов маъмуриятига фақатгина бир дона либос эскизи жўнатилиши керак эди. Мавзу қилиб "Одам ва олам" рунки танланган эди .

Абдумажид чет давлат- Молдавиядан келган барча хабарни ишхонада қ абул қилиб олгач , уйга шамолдек учди .

У энтикиб Суюмага барчасини тушунтирар экан :

- Суюма , эскиз икки кунда тайёр бўлиши керак, энди баравар ўйламасак бўл майди, деди.

Суюма ўйланиб қолди.

- Бирор ғоянг бўлса , айтавер Суюма тортинма , - деди Абдумажид далда бер ган оҳангда .

- Ўйлаяпман , Абдумажид ака. Келинг, барчасини бафуржа кечки овқатдан ке йин кўриб чиқсак...

- Майли , тўғри айтасан. Нима овқат еймиз бугун?! Очиғи қорним очгани энд и сезилди:

- Тефтель шўрва . Шаҳзодимизнинг буюртмасига кўра .

Абдумажид Суюмага энди жавоб қайтармоқчи эди , остонада Робияни етаклаган Шаҳзод кўринди , у Робияга Абдумажидни кўрсатиб :

- Робиш , ана ада ! - деди ...

Робиш қийқириб Абдумажидга талпинди . Абдумажид уни қучиб олди , кейин бошидан баландга кўтарди:

- Асал қизимни ҳозир "ҳам" қилиб қўяман ...

Робия юқоридан адасига кулиб қаради :

- Йўўў , адда !

- Нима ?! Нима деди мени она қизим ?! Қани яна бир қайтарсин- чи?!

- Адда , адда !

Абдумажид Суюмага ҳурсанд бўлиб мақтанди :

- Қарагин , аяси ! Бугун биз адда бўлдик ... Буни нишонламасак бўлмайди , а лаббай ?!

Суюма Абдумажидга қараб кулимсиради :

- Ва ниҳоят ... Табрикларимни қабул қилиб олинг ... Нишонлашга келсак , қандай таклифлар бор ?!

- Ҳозир кўрасиз- да !?

Абдумажид фарзандларини етаклаб кўчага чиқиб кетди. Улар орадан ярим соат ўтмай қайтганларида қўни- қўнжилари тўлиб кетган эди . Абдумажид ўртача катталиқдаги тортни Суюмага узатди :

- Бу танловдаги ғолибамиз учун махсус . Ўзлари яхши кўрадиган музқаймоқ кремлигидан ...

Суюма Абдумажид уни бундай тортни яхши кўришини билганига ҳайрон бўлди , аммо гапни кўпайтиргиси келмади , тортни олганча миннатдорчилик билдирди:

- Раҳмат , пулингиз кўўўп бўлсин !

\* \* \*

Кечки овқатдан кейин Робия барвақт ухлаб қолди . Шаҳзод расм дафтари бўяшга машғул бўлган вақтида , Абдумажид ва Суюма ҳам ўз ижодлари оламига шўнғишди.

Улар ўзларининг анча таклифларини ўртага ташладилар . Обдон тортишдилар . Тортишув натижасида охири Суюма ўз сўзини ўтказди .

Суюма бу сафар оч сариқ рангдаги матодан тикиладиган кўйлак эскизини тайёрлашни таклиф қилган эди .

Эскизда жингалак сочларини узун қилиб ёйилган қиз тасвири туширилган эди . Унда қизнинг сочларига гўё шабнам қўнган каби томчи кўзчалар қадалган, унга кийдирилган кўйлак бичими ҳаддан ташқари оддий эди . Кўйлак ёқасиз ва енгсиз эди , аммо этаклари узун бўлиб белдан пастига қизнинг сочларига қадалган каби томчилар қуюқлаштирилиб жойлаштирилган эди ... Қиз қўлларини чўзганича кун ёришар тамонга қараб турар , кўзларида бир олам умид мужассам эканлиги кўратилган эди .

- Субҳидам...

Бу сафар эскизга "Субҳидам" номини Абдумажид танлади .

\* \* \*

Бу сафарги танлов натижасини Абдумажид ҳам , Суюма ҳам муштоқлик билан кутишарди. Орада Шаҳзод биринчи синфга чиқди . Суюманинг ишлари

анча кўпайиб қолган эди . Шаҳзодга дарс қилдиришга алоҳида вақт ажрата  
р , бу эса анчагина салмоқли эди . Танлов натижалари эса аввалгисидан к  
ўра анча кечикди.

- Ўтмаганим рост . Шунинг учун овора бўлиб хабар ҳам жўнатиб ўтиришмаган  
...

Суюманинг бу сўзларига Абдумажид эътироз билдирган бўлса- да , амм  
о ўзинг юрагини ҳам шубҳа-ю гумонлар эза бошлаган эди.

Абдумажид ҳам , Суюма ҳам танловдан умидларини узишган бир вақт  
да , сентябрь ойининг йигирманчи числосида фирманинг электрон почтасига  
бир мактуб келиб тушди .

Абдумажид уни ўқиш учун очганида кўзларига ишонмади :

Суюма финал босқичига йўлланма олган эди !

Танлов маъмурияти сафарнинг барча ҳаражатларини ўз бўйнига олган  
 , Молдавияга бориш учун икки кишилик йўл ҳаққи ҳам шунинг ичида эди.

Танловнинг финал боқичи роппа-роса бир ойдан кейин - йигирманчи окт  
ябрда ўтказилиши маълум қилиниб , финалда қатнашиш шarti ҳам ёзиб юбо  
рилган эди.

Шарт эса ... жуда оддий эди : миллий услуб уйғунлигидаги либос- эрк  
ин мавзу.

Абдумажид иши юзасидан бу каби танловларга кўп қатнашган , турли д  
авлатларда бўлган , у ердаги танловларда нуфузли ўринларни эгаллаган бўлс  
а ҳам бу сафар ўзгача ҳаяжонланди.

Абдумажид бу гал барча ижодни Суюманинг ўзига ҳавола қилди :

- Ўзинг образ ярат , бу энди сенинг танловинг , - деди у Суюманинг ёрдам сў  
раб қилган мурожаатига.

Суюма Абдумажидга кўзларини катта- катта очиб қаради , нималарнидир  
англагандек бўлди , кейин шаҳдам қадамлар билан ижодхонага кириб кетди .

\* \* \*

Хаш- паш дегунча , уч ҳафта ҳам ўтиб кетди .

Абдумажид ва Суюма Шаҳзод ва Робияни олиб йўлга тушдилар .

Улар самолётда аввал Россияга , сўнгра Молдавияга етиб боришлари  
учун кўп вақт сарфлаганлари йўқ эди .

Танлов мутасаддилари уларни аэропортда хуш тавозъе билан кутиб олди  
лар. Улар аввалдан тайёрлаб қўйилган меҳмонхонага жойлаштирилдилар. Меҳ  
монларга бир кун ҳордиқ чиқариб олишлари учун барча шароитларни муҳайё  
қилиб берилди . Эртаси куни шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига экскурц



ия уюштирилди . Абдумажид , Суюма , Шаҳзод ва Робиялар дилдан яйрашди. Молдавиянинг пойтахти Кишинев шаҳри бу пайтда жуда сокин табиатда эди ... Ҳали Тошкентда иссиқнинг тафти қайтмаган бир вақтда бу ердаги ҳузурба хш енгил ҳаво кишининг руҳиятига ўзгача оромбахш кайфият бағишлаган эди...

Кечга томон меҳмонхонага қайтганларида, кун бўйи тинимлари бўлмаган болалар тезда уйқуга кетдилар ... Абдумажид билан Суюманинг кўзларидан уйқу қочган эди ... Улар эртанги ўтказилинадиган финал олдидан қаттиқ ҳаяжонга тушган эдилар ...

Танлов бошида иштирокчиларнинг умумий сони ўн беш минг нафардан ортиқ бўлган экан . Финалга саксон етти иштирокчи етиб келибди .

Ҳар бир иштирокчи тавсия қилган либос намойиши учун биттадан модель ажратилибди. Суюма ўзига ажратилган модель қизни рангпар чехрасига қараб ўйланиб қолди: " Йўўқ , мени либосимдаги қиз образи бу қизга мутлақо тўғри келмайди.

Суюма тавсия қилган либос тақдимоти ўттиз саккизинчи рақам остида иштирок этиши керак эди. Абдумажид Шаҳзод ва Робия билан залнинг олдинги ўринларида ўтирар эди . У кўзлари тўрт бўлиб, Суюма тақдим этган либосни кийиб чиқадиган модель қизни кута бошлади .

Ниҳоят танлов бошловчиси уч тил- инглиз , рус ва ўзбек тилида Суюманинг номини эълон қилди :

- Кутиб оламиз ! Қаршингизда ўттиз саккизинчи рақамли иштирокчи Суюма Нодирова ! Ўзбекистоооон ! У томонидан тайёрланган миллий либос номи - " Соғинч ифори" !

Залдагилар диққатларини саҳнага қаратдилар. Бирдан саҳнага улар учун ўзгача услубда бўлган мусиқа янгради .

Барча дамани ичига ютиб модель қиз саллона қадам ташлаб чиқиб келишини кута бошлади .

Аммо ... Мусиқа садолари остида бошига қўндирилган тиллақоши устидан ташлаб олинган рўмолининг бир учи билан юзини ярим тўсиб оҳиста қадамлар билан саҳнага Суюма чиқиб келди . У саҳна марказида тўхтади ва озгина силтанган ҳаракат билан ўзини ортга олди . Шу аснода ўша ҳолатдан залга қараб эгилди.Қўллари тезда кўксига бориб таъзим бажо айлади .

Таъзим аста рақс билан жой алмашди...

Тун кечалар кўкда ҳилол кулиб турар ,  
Ҳилолмисан ? Ҳилолдайин кулмайсанми ?  
Сен кулмасанг бошгинамга осмон қулар ,  
Сени қандай эъозлашим билмайсанми ?!  
Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ?!  
Сени қандай эъозлашим билмайсанми ?!

Суюма сахнада шу қадар гўзал ҳаракатлар билан "сузар" эди- ки , ўтирганларнинг барчаси ўзини унутган , бутун вужудлари кўриш , тинглаш ва... энг асосийси юракка айланиб қолган эди .

Балки бедор , балки ором олиб шу чоғ ,  
Тортадирсан ором ичра бир ўтли оҳ ,  
Кўргин бизни не куйларга солди фироқ ,  
Тушларингда мени қучиб ухлайсанми ,  
Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ,  
Менсиз ҳатто дунёларга сиғмайсанми,  
Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми...

Суюма рақс тушмас эди . Суюма сахнада яшаётган эди . У барини унутган эди ... У бу рақсга бундан икки йил аввал тушган эди . Аммо ундаги Суюма... ҳозирги Суюма эмас эди.

Ранжимагин севгинг менга азоб десам ,  
Ҳижронингда нечун бўлдим ҳароб десам,  
Яна мени ўз ҳолимга қайтар десам,  
Кўксимга бош қўйиб баттар тиглайсанми ?!  
Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми?!...

Суюма барча чегараларни вайрон қилиб юборган эди . У рақс тушар ва ...бутун залдагиларни сеҳрлаб эди .

Суюма бор изҳорини рақсида ифода этар эди ...

Сенсиз қалбим фарёдларга тўлиб борар ,  
Жонсиз жисмим лаҳза сайин сўлиб борар,  
Бу дард мени минг бўлакка бўлиб борар ,  
Севсанг агар ҳолим сўраб келмайсанми...  
Сен ҳам мени соғинганда йиғлайсанми ?!..

Суюма мусиқа билан бирга тўхтади ... Залда жимлик ҳукмрон эди . Бир пайт Суюманинг оёқлари остига бир даста гул учиб тушди . Шунда бошланди . Суюманинг ён - атрофи гул ва гулдасталарга кўмилиб кетган , барча ўрнидан туриб тинимсиз Суюмани олқишлар эди ...

"Санъат сарҳад билмайди" деганлари шу экан- да .

Инсонларнинг кўнглига етиб бориш учун кўп ҳолларда тил билиш шарт бўлмай қолиши мумкин экан ...  
Биргина мусиқа , рақс , юз ифодаси орадаги минглаб тўсиқларни лаҳзада ку

нфаякун қилиб ташлаши мумкин экан ...

Суюма ҳамма уни қутлаётган ушбу лаҳзаларда одамлар орасидан кўзлари билан Абдумажидни излар эди ...

Абдумажид бу сафар чидай олмаган эди . У Суюмани бу аҳволда кўришни истамаган ягона инсон эди ... Шунинг учун болаларни олиб зални тарк этиб чиқиб кетган эди.

Суюма ҳеч қаерга сиғмай кетди. Бу бегона шаҳарда ўзини ёлғиз қолиб кетгандек ҳис қилди. Абдумажидсиз олган олқишлари , шаънига чалинган қарсақлар, залга йиғилган минглаб инсонларнинг эътирофи татимай кетди ...

Шунда Суюма битта нарсани тушуниб қолди !!!

У Фозилни қанчалар севса ..., Абдумажидни шунчалар (!) қадрлар экан !

Суюма бу ёруғ оламда севги, муҳаббат , ишққа тенг бу туйғу нима эканлигини англай олмай энтикди ...

Билгани шу бўлди-ки , Абдумажид унинг учун ўрнини ҳеч ким боса олмайдиган ва ҳеч қачон кечиши мумкин бўлмаган инсон бўлиб улгурибди...

Суюма биргина юраги шу топда қоқ ўртасидан бўлиниб кетганлигини ҳис қилди. Унинг муҳаббат деб ном олган қисмида Фозил маҳзун жилмайиб кўринса, инсонийлик деб аталган қисмида Абдумажид ҳокисор кулимсирарди ...

Суюма саҳнадан тушгач , танлов маъмурияти ўн дақиқалик танаффус эълон қилди ва барчадан ўз жойларида ўтириб туришларини сўради . Бунда й ҳолатни юзага келишида Суюма ва унинг рақси "айбдор" эди .

Зумда саҳнага тўртта махсус кийимлик йигитлар югуриб чиқишди. Улар саҳнада ва ерларда ёйилиб ётган гулдасталарни йиғиштиришга тушдилар , аммо бунга анча вақт кетишини ҳис қилиб яна қўшимча ёрдам кучи чақирдилар.

Суюма эса кийиниш ҳонасида ярим соатча бошини кафтлари орасига олиб сўзсиз ўтирди . Сўнгра бир қарорга келгандек бошини дадил кўтарди, оҳиста иншоотнинг орқа тарафдаги чиқиш эшигидан чиқиб кетди . У ўзлари жойлашган унча узоқ бўлмаган меҳмонхонага елдек учди . Суюма меҳмонхонанинг тегишли номерига кирганида Абдумажиднинг Робияни қўлида кўтариб олганча аллалаб ухлатаётганининг устидан чиқди.

Абдумажид ички сезги билан Суюманинг хонага кирганини сезди... Индамади ... Қўлида ухлаб қолган Робияни дивандаги ухлаётган Шаҳзоднинг ёнига авайлаб ётқазди ...

Абдумажид ҳамон ўзига сўзсиз тикилиб жавоб кутаётган Суюмага яқинлашди . Унга бақамти келиб дардли тикилди ...

Суюма ундан кўзларини олиб қочмади...

Абдумажид унинг сочларига қўл узатди , аммо тегинмади :

- Мени кечир ...

Кечира олсанг , кечир...

Абдумажиднинг овози шу қадар дардли ва ялинчоқ эдики, уни тинглаган одам бу овоз соҳибининг юраги парча- парча бўлиб кетганлигини фаҳмлаши қийин эмас эди...

Суюма унинг кўзларидан барини ўқиди ...

Суюма унга барча сирлари аён бўлиб қолганлигини тушунди ...

Суюма ўзини оқлаш учун ҳеч нима демади ...

Суюма Абдумажидни айбдор санамади ...

Суюма Абдумажид билан чексиз уммонда сузаётган бир қайиқдаги икки ҳамроҳга қиёс қилди ўзини ...

Икковларининг тақдирлари ёлғиз Аллоҳнинг измида бўлган ночор йўловчи ларга ... Аммо бу йўловчилар саодатли ҳам эдилар , сабаби улар асл инсон э дилар , бир- бирларини қўллайдиган асл инсон...

Суюма шу топда Абдумажиддек инсон билан дунёга нур берган Аллоҳга чексиз шукр қилар эди ...

Улар шу куни танловга ўтказилаётган жойга қайтиб бормадилар ...

Танлов натижаси эртаси куни оқшомда эълон қилинадиган бўлди . Кечк и соат ўн тўққизларда гала концерт бошланди. Дунёнинг турли бурчакларид ан таклиф қилинган ўз ишининг моҳир ижрочи санъаткорлари иштирокидаги концерт йиғилганларга ўзгача кайфият бахш этди .

Концертнинг авж нуқтасида Халқаро кўрик- танлов ҳайъати раиси - Миш ель Пабло ҳоним саҳнага кўтарилди .

У кўрик- танловнинг мақсад ва вазифалари ҳақида қисқача тўхталиб , ф инал босқичида қатнашган барча иштирокчилар учун алоҳида имтиёз берили ши , улар беш йил давомида ўзлари истаган давлатда тажриба алмашишлари мумкинлиги, яратган либослар тўплами ўттиздан ошиқ таниқли журналларда чоп этилиши ҳуқуқини қўлга киритганлиги каби имкониятларни эътироф этиб ўтди.

- Энди эса танловимизнинг сараланган кучли ўнталигини саҳнага таклиф қил аман,- деди Мишель хоним,- демак бошладик

Бутун залга жимлик чўқди

- Рани Рай - Ҳиндистон
- Алина Клименько - Украина
- Елена Захарова - Россия
- 

- Суюма Нодирова - Ўзбекистан ..

Суюма ўз номи чиққанида даставвал ҳеч нарсага тушунмади... Атрофи дагилар "Тур ўрнингдан, саҳнага кўтарил!" дея имо - ишора қилганларида ҳеч нарсага тушунмади, довдиради .

Суюма шунча одамлар орасидан Абдумажидни қадрдон овозини эшитди :

- Суюма , турақол энди... Бўлақол ...

Суюма Абдумажиднинг овозига бўйсунди , аста ўрnidан туриб саҳнага юра бошлади , аммо беш қадам юрмай нимадир уни тўхтатган бўлди , ортига ўгирилди ...

- Суюмааа, биз сен билан ...

Суюма Абдумажиднинг овозидан куч олгандек , масофанинг бу ёғини дадиллик билан босиб ўтди. У қолган иштирокчилар қаторидан жой олар экан , бошини баланд кўтариб саҳнадан залдагиларга қаради .

Мишель хоним ўн нафар иштирокчини қўллаб қарсак чалаётган мухлисларни қўли билан тўхтатди :

- Энди хаёкамлар ҳайъати томонидан кўйилган баллар асосида ўринларни эгаллаймиз .

Тўққизинчи ўрин соҳибаси Жазоирлик қатнашчимиз - Севда Камол ...

Суюманинг қулоқлари том битди ... Ўзини саҳнада эмасдек ҳис қилди. Кўзига шу ерга етиб келгунча бўлган воқеалар мардондек тизилиб тизилиб келди.

Суюма қаттиқ чалинган чапаклар зарбидан ўзига келганидек бўлди:

- Учинчи ўрин соҳибаси мафтункор Рани Рай...

Қарсаклар остида Ранига диплом ва сертификат топширилди

- Иккинчи ўрин соҳибаси - Селена Жолли - Америка Қўшма штатлари

Яна қарсақлар , яна эътирофлар ва табриклар...

Навбат биринчи ўринни эгаллаган иштирокчини эълон қилишга келди. Барча нафасини ичига ютди . Зал тўфон олдидан борлиққа чўкадиган сукунат га чўмгандек эди гўё... Бу сукунатни Мишель хонимнинг тантановор овози бузди :

- Биринчи ўрин соҳибаси Алина Клименько - Украина ...

Алина қарсақлар остида йиғилганларга таъзим бажо келтирди...

Суюма ҳам баланд бўйли , келишган бу қизни самимий қутлаб берил иб қарсақ чалар экан ич- ичидан "Ҳақиқатда муносиб берилган баҳо" дея так рорлар эди .

Суюма Мишель хоним уни саҳнага чақириб , фамилиясини нима учунд ир айтмаганига ҳайрон бўлмас, ҳатто тадбир нашидасидан ўзини бу сафда ни ма учун турганлигини ҳам унутгандек бўлди.

Шу вақт Мишель хоним қўлидаги рўйхатга бир кўз югуртириб , кеча Су юмани чиқишини ўзбек тилида эълон қилган йигитга гап ташлади . Йигит ўз бек эмас эди, афтидан у кавказликлардан эди , ўзбек тилини ҳам озроқ акцент билан гапирар эди . Йигит илдам келиб Мишель хонимни қўлидаги қоғоз ни олди ва залга мурожаат қилди :

- Мишель хоним бу иштирокчини ўрнини ўз тилида эълон қилишимни сўрадилар .

Залдагилар ўзбек тилига тушунмасликлари кафтдек аён эди , аммо у йигит овозидаги тантановорликни сусайтирмади :

- Бугунги кўрик- танловимизнинг мутлоқ ғолибаси , гран- при совриндориини  
- Суюмаааа Нодироооовааааа ! ( охирги сўзлар эса бор овозда бақириб айтилди:) Ўзбекистоооооооннн !!!

Минглаб инсонлар йигитнинг "Гран- при" деган сўзининг ўзиданоқ барча сўзга тушуниб бўлган эдилар .

Зал худди кечаги каби оёққа турди . Ҳамма тўхтамай қарсақ чалар ва "Браво, брависсимо " дея олқиш ёғдирар эди.

Суюма гандираклаб кетди. У ҳамма нарсани кутган бўлса-да, бунисини яъни ғолибаликни, ғолиб бўлганда ҳам мутлақ ғолиба бўлишини кутмаган эди.

Суюма ўзини йўқотиб қўйганидан залга қараб қарахт ҳолатида турар ,

шунча инсонга биргина ҳаракат таъзим қилиш орқали миннатдорчилик билдириш ҳаёлига ҳам келмас эди.

Мишель хоним ўз тилида алланималарни гапирар эди , унинг Суюмага қараб табассум ҳадя қилиб бош ирғашидан барча гап танлов ғолибаси тўғрисидалиги аниқ эди.

Суюмани ғолиблигини ўзбек тилида эълон қилиб берган йигит афтидан бундай танловларда кўп қатнашган экан, дарров вазиятни ўнглашга ҳаракат қилди. У Суюмага эшитинарли қилиб :

"Суюмахоним , залга миннатдорчилик билдиринг, енгил таъзим қилиб ҳурматларини бажо айланг" деди .

Унинг бу сўзларидан Суюма ўзига келгандек бўлди . Юзидаги хиёл табассум билан йиғилганларга таъзим қилди.

Шунда Мишель хоним унга савол берди. Ўртадаги йигит уни таржима қилиб турди :

- Суюма, сиз раққосамисиз ?

Суюма бош чайқади :

- Йўқ ...

- Аммо кеча хаммамизни шунчалар мафтун этингизки , биз ўзимизни гўё дизайнерлар эмас, раққосалар танловида ўтиргандек ҳис қилдик...

Мишель хонимнинг сўзлари қарсақлар билан тасдиқланди .

- Агар сиздан мана шу танловимиз сўнггида биз учун яна бир бор ўзингизнинг миллий рақсларингиздан бирини ижро этиб беришимизни сўрасак , хўп деган бўлармидингиз ?!

Бу сўзлар Суюмани эсанкиратиб қўйди . Аммо кўп ўйлаб ўтиришга вақти йўқ эди. У саҳнага яқин қаторларда ўтирган Абдумажидга кўзини тикди, ҳаёлан савол берди :

"Рақс тушсам ташлаб кетиб қолмайсизми ?..."

Абдумажид "Сен биланман " деган маънода икки қўлини қовуштириб боши узра силкиди.

Суюманинг кўнгли тўлди , у Мишель хонимга "хўп" деган каби бош ирға

ди .

Суюма сахнада туриб қайси рақсни ижро қилиш тўғрисида бир қарорга келган эди ...

Суюмага руҳсат берилди . У рақсга тайёргарлик кўриш учун сахнани тарк этди. Чиқиш эшиги олдида уни танлов мутасаддиларидан бир аёл ва бояги таржимон кутиб олди :

- Суюмахоним , мени исмим Аҳмед . Доғистонданман ... Бу аёл хозир сиз ижро этмоқчи бўлган рақсингизга мос кийим танлаб олишингиз учун кутяптилар . Яна керакли қўшиқни номини ҳам айтсангиз ...

Суюма йигирма дақиқада тайёр бўлди. У ўзи танлаган рақсга мос кийимни топишга қийналмади. Санъат саройининг галереясида турфа халқ ва миллатларнинг либослари батартиб жойлаштириб қўйилган экан. Суюма вақт камлиги учун тезда кийинди. У тайёр бўлиши билан айтган мусиқаси ҳам топишганлигини айтганча Аҳмед келиб қолди...

Суюма сахнада пайдо бўлганида томошабинлар бутун эътиборларини унга қаратдилар . Суюма сахнадаги микрофонга яқинлашди. Суюманинг сўзларини Аҳмед таржима қила турди:

- Ассалому алайкум , азизларим...

Барчангизга қуёшли Ўзбекистондан салом ...

Мен ҳаммангизга шу камтарин ижодимни юксак баҳолаганингиз учун чексиз ташаккур билдираман. Кеча эътиборингизга сокин рақсни ҳавола қилган эдим . Аммо бугун сизлар билан ҳуш кайфиятда ҳайрлашишни истайман ...

Суюма таъзим қила туриб ўнг қўлини боши узра баланд кўтариб қаддини ростлади .

Зал бўйлаб дилтортар қўшиқ янгради :

-Илоҳийдан бир куй бор - садолари бошқача ..

Ошиқлари бошқачаей, гадолари бошқача ...

Дилларга хуш ёқувчи наволари бошқача,

Бу лазгидур , дўстларимей, ўйнанг, лазгига ўйнанг ....

Суюма одатда мумтоз ва ҳазин қўшиқларга рақс ижро этар эди . Аммо бу сафар у атайдан ҳис- ҳаяжон, завқ- шавққа тўла қўшиқни танлаган эди . У ўз ижроси орқали минглаб инсонларга Она Ватани бахтиёрлар , бахтлилар юрти эканлигидан ҳикоя сўзлашни мақсад қилиб қўйган эди.

Суюма мақсадига эришди...

У рақс ижро этар экан ўзига чақнаб қараб турган нигоҳлар тафтини ҳис қилар эди...



У рақс ижро қилар экан унда юрти, ҳалқи , оиласига нисбатан бор м уҳаббатини кўрсатишда ҳаракат қилар ва ... "Кўринг , ҳавас қилинг , мен мана шундай шукр қилишга арзигулик жаннатмакон юртнинг фарзандиман" деганд ек бўлар эди ...

\* \* \*

Эртаси куни финал иштирокчилари ва нафис санъат вакиллари жам бўлган тўрт юз кишилик анжуман уюштирилди.

Унда турли таклифлар кўриб чиқилди , иш юзасидан шартномалар имзоланди .

Мазкур анжумандан сўнг дилкаш суҳбатлар ўзбеклар таъбири билан айтганда , "бир пиёла чой устида" давом эттирилди.

У ерга финалчиларга ҳамроҳ бўлиб келган инсонлар ҳам таклиф этилган эди. Суюма Абдумажид ва фарзандлари билан кўрсатилган стол атрофидан жой эгаллаган эди . У Абдумажид билан атрофга назар ташлаганча ўзаро суҳбатлашиб турар экан , уларга яқинлашиб салом берган Аҳмедга юзландилар . Аҳмед Абдумажидга такаллуф билан деди:

- Муҳтарам , жаноб ! Сизларни ҳаъкамлар ҳайъати аъзолари баъзи масалаларга аниқлик киритиш мақсадида чорламоқдалар . Улар шуни айтишдики, "Биз беришимиз мумкин бўлган саволларнинг шахсий ҳаётга алоқадор тамонлари бор, агар бу саволлар уларга малол келса жавобдан бош тортиш уларнинг ҳақлари эканлигини айтинг" дедилар.

Абдумажид жуда мулоҳазакор йигит бўлганлиги сабабли , саволга жавоб беришдан бош тортиш улкан одобсизлик бўлишидан ҳабардор эди. Шу сабабли у Аҳмедга бу таклифни бажонидил қабул қилишларини айтди.

Аҳмед уларни кўрик- танлов ҳайъати раиси ва аъзолари жойлашган стол ёнига етаклади.

Ҳаъкамлар уларга стол атрофидан жой кўрсатдилар ва чиройли мулозаматла ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишни бошладилар . Улар Суюманинг ҳаёти , қизиқишлари, келажакдаги орзулари , ҳамкорлик таклифлари берилган тақдирда уни қабул қила оладими , йўқми - барчасини бир бошдан сўраб ойдинлаштириб ола бошладилар.

Аҳмед ҳар икки тарафнинг ўртасида таржимонлик қилиб турди .

Навбатдаги саволни Мишель хоним назокат билан ифода эта бошлади:

- Суюма ! Олдиндан савол учун узр сўрайман. Бу савол бугунги тақдиримиз учун мутлақо тегишли эмас. Барчасига қизиқишларимиз учун рад жавобини бера олмаётганимиз айбдор...

Мишель хоним бир зум ўйланди. У ўз фикрини қандай қилиб юмшоқ тарзда ифода этишни ўйларди :

- Хуллас, - у Абдумажидга ишора қилди , - бу кишининг сизнинг турмуш ўртоғи

нгиз деб қабул қилдик . Гапим рост- а?! ( Суюма ва Абдумажид бир вақтда б ошларини силкиб унинг сўзларини тасдиқлашди ). Мени битта нарса жудаям ҳайрон қолдираяпти . Сизнинг резюмеингизда ёшингизни ўн саккизда деб ёз илган. Аммо ...ўн саккиз ёшингизда бу каби фарзандли бўлишга ҳеч ақл бова р қилмайди .

Абдумажид жавобга шошилди :

- Буни ҳайратомуз ҳеч бир жиҳати йўқ ... Суюма иккинчи оилам . Биринчи ту рмуш ўртоғим вафот этганидан сўнг ... бир йил ўтиб Суюма билан турмуш қу рганмиз...

Мишель хонимни саволига жавоб топилганидан юзларига қон югурди :

- Эээ, шундай демайсизми ?! Аслида мени ҳайратга солган нарса фарзандла рингизнинг Суюмага беҳад ўхшашлиги. Кўнглингизга олманг- у , ўғлингиз , қ изингиз ҳам сизга умуман ўхшашмайди , уларни худди Суюманинг кичрайтир илган нусҳаси деб айтса бўлади.

Абдумажид жилмайди, у Суюма билан кўз уриштириб олгач , гапни қисқа қилди :

- Бизнинг халқда" туққан она эмас, боққан она" деган мақол бор. Суюма фа рзандларимга она сути бермаган бўлса ҳам , оналик меҳрини бера олди. Шу сабабли улар Суюмага жуда ўхшашади ...

Аҳмед Абдумажиднинг бу сўзларини таржима қилганида ўтирганлар "Ўўўў ўўў" деганча қарсак чалиб юбордилар .

Мишель хоним ўзини тутиб туролмай тўлқинланиб ўз тилида чуғурлай кетди :

- Суюма ! Сизнинг бугунги танловимизда эгаллаган ўрнингиз, эришган мукофо тларингиз ҳаёт мактабида ютиб олган ютуғингиз олдида билсангиз - денгизда н бир томчи .

Сиз , энг буюк соврин - оналик мақомини ютиб олибсиз ... Ишонинг, бу ишни уддалаш ... унча- бунча аёлнинг қўлидан келавермайди. Мен финал бос қичида саҳнага чиққунга қадар уюштирилган бир қанча синовларда сизни с аботингизни кўриб ҳайрон қолган эдим . Сиз ҳаёкамлар томонидан белгиланг ан қатор саҳна орти шартларида ўзингизни йўқотиб қўймай фақат олдингга интилганингизга ,тўғриси, жуда ҳам лол бўлиб қолган эдим . Мана энди барч а саволларимга жавобни ола билдим . Сизнинг сиймоингизда нафақат аёл, б алки она ҳам бу ишларни бажарган экан- да . Бу эса бошқа хар қандай сўзг а ҳожат йўқ деганидир ...

Суюма, сиз учун таъзимдаман ...

\* \* \*

Бу сафар барчаси ошкора кечди ...  
Нимаси дейсизми ?!  
Барчаси- да !

Абдумажид Суюма билан кўрик- танловга кетишадиганларида оила аъзоларини ортиқча овора қилмасликлари учун уларга танлов ҳақида кечроқ ҳабар беришган эди. Улар учиган саноқли дақиқалар қолганида аэропорт биносида ҳар икковларининг оила аъзоларига жўнаб кетадиганликларини айтиб , ғойибона оқ фотиҳа олган эдилар .

Энди эса барчаси ошкор эди . Қариндош- уруғлар таниқли телеканаллар орқали эфирга узатилган кўрсатувлар орқали Суюманинг ғойибликни қўлга киритганидан ҳабардор бўлишган ва уларнинг кутиб олиш учун аэропорт биносида бетоқатлик билан дақиқа санашар эди .

Суюма ўзларини бунча инсон кутиб олади деб тасаввур қилмаган эди . У гарчи ўн кунгина бошқа юртда бўлган бўлса- да , самолётдан тушгач , Ватани , айниқса Тошкентни жуда соғинганини ҳис этди . Ўпкаларини тўлдириб қадрдон шаҳар хавосидан тўйиб нафас олди, кўзларини катта- катта очганча атрофга боқар экан, шу йўл орқали соғинч ҳисларини ўлдирмоқчи бўлди .

Улар Халқаро аэропортнинг ташқи ҳовлисида чиққанларида кўзлари жондан азиз жигарларига тушиб сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ҳолатга измига тушиб қолдилар .

Гарчи қуёш ботганига анча вақт бўлган бўлса ҳам, аэропортнинг ташқи ҳовлиси нурлар базмида рақс ижро этган каби ёп- ёруғ ва тарофатли эди .

Балки бунга Абдумажиднинг ҳам , Суюманинг ҳам ота- оналарини юзларидан таралган шукроналик, меҳр нурларини кўриши сабаб бўлса не ажаб .

Суюма йиғилган орасида онаси ва қайнонасига биринчи бўлиб кўзи тушди . Улар бошқалардан кўра кўпроқ фарзандлари йўлига интизор бўлганликлари сабаб, бироқ ховлиснинг деярли яримгача келиб олган эдилар .

Суюма суюкли қиз эди.

Суюма қадрли келин ҳам бўлиб улгурган эди . Суюма икки онасини қаршисида кўргач, ўзини боқиб ўстирган дунёдаги энг яқин киши Шаҳло опанинг тарбиясига амал қилди: биринчи бўлиб қайнонаси Дилбар опага салом берди :

- Ассалому алайкум, ойижон.

Дилбар опа турган жойида чайқалиб кетди . Сабаби бугун илк бора "ойижон" дея тан олинган эди . Шу чоққача Суюма бу исми жисмига муносиб дилбар аёлни "ойижон" деб чақиришга ботина олмаган , ҳатто бир- икки марта "қуда хола" деб юбориб ўзини ҳам , уни ҳам ноқулай вазиятга солиб ўкситиб қўйган эди . Бугун эса Дилбар опанинг "ойижон" деб биринчи навбатда чақи

рилишига муносиб кўрилишида ҳаммадан ҳам Абдумажиднинг ҳиссаси катта эди . Суюма аввало қайноналик ҳурмати , қолаверса келинлик иззати, энг асосийси Абдумажид акасининг барча қилган яхшиликларига жавоб қайтариш учун ҳам Дилбар опани сийлашга қарор қилган эди.

- Ваалейкум, қизим. Ғалабанг муборак ва давомли бўлсин ...

Дилбар опа Суюмани бағрига босиб шашқатор йиғлаб юборди .

- Вооой бунини йиғлашини , яхшиям келининг ғолиба бўлиб келибди. Шунга шунча йиғлаб берсанг , худо кўрсатмасин ютқазганида сени биратўла овутиб бўлмас экан- да , онаси ...

Узоқдан Мусахон аканинг ўктам овози ҳаммани ўзига тортган эди . Суюма тез Шаҳло опа билан кўришди , сўнг қайнотаси ва отаси томонга шошилди . Уларга етишига уч қадамча масофа қолганда илкис тўхтади , қўлини кўксига қўйиб салом берди

- Ваалайкум ассалом ,- Мусахон ака биринчи бўлиб саломга алик олар экан, Йўлдош акага сўз қотди ,- қаранг қуда

Тошкентда шундоқ келинимиз бор экан- у , биз беҳабар қолибмиз

- Шунини айтишга ,- деди Йўлдош ака Суюманинг саломига алик ола туриб . Суюма адасининг ёришиб кетган чехрасига қараб уни дуоларини эслади : "Тупроқ олсанг , олтин бўлсин..."

Суюма овсинлари , жиянлари , қавми- қариндошлари орасида талаш бўлиб кетди. Ҳамма уни қутлар , бағрига босишга интилар эди .

- Энди уйга ! Ҳамма ёппасига бизникига ,- баланд овозда барчани эътиборини тортди Абдумажид.

Шаҳзод билан Робияни галма- гал қучишаётган бобо- бувилар бир зум ҳаракатсиз тўхтадилар .

- Ота бор жойда одобли ўғил жим туради ,- деди Мусахон овозига жиддий тус беришга интилиб , кейин эркаланган оҳангда давом этди,- эрталабдан шунча тайёргарчиликни ким учун кўрдим, Суюма қизимни шарофатига қўй сўйдирдик, аканг Абдулатиф ҳозир уйда бир дунё кабоб пишириб ўтирибди. Шунини деб аэропортга кела олмай аразлаб қолиб кетди . Қани бормайлик- чи кунимизни кундан кўрсатмай қолдирмайди ...

Ўша кунини Мусахон аканинг хонадонидан тонг отгунча ҳеч ким ухламади

...

Тонг отгунча ...

Субҳидамгача ...

\* \* \*

Суюмалар қайтишганини учинчи куни кундузги соат ўн бирларда дарвоза қўнғироғироғи жиринглади.

Суюма то етиб бориб "ким ?" деб овоз бергунча ҳам қўнғироқ овози тўхтай демасди :

- Бўлди-я , чиқаяпман , ким ўзи чалаётган ?!

Суюманинг тоқати- тоқ бўлиб кетди . Кўча тарафдан шодон қийқириқ янгради :

- Стари вешиии ! Эски - туски оламиииииз !

Суюма овоз эгасини таниди . Юзига табассум ёйилди :

- Эски- туски йўўўўқ ! Балки мени об кетарсизлар ?!

- Ҳамманиям обкетавермаймиз ! Арзисангиз майли , таъбимиз нозик- да?!

- Ҳааа , унда билмадим . Сизларга ёқмасам керак .

Дарвозани ортидан биров данғиллатиб тепди :

- Баҳона қилмай эшикни очинг, ойдек жамолингизни бир кўрайлик .

Суюма жилмайди:

- Тепма дарвозани , нима уни сенларга тепиш учун қуриб қўйилганмииии ...

Суюма дарвозани очди. Остонада турган синфдошлари Дилноза , Наима , Барноларга қучоғини очди :

- Бормисанлар ...

- Ўв , келинпошша, остонада эмас , уйда кўришиш керак , наррироқ тур, кириб олай .

Дилноза ҳали ҳам қитмирчилигини давом эттирар эди ...

Суюма ҳам жилмайди :

- Бемалол , беҳижолат . Нима экан дебман- а ?!

Кўп ўтмай, улар меҳмонхонадаги стол атрофидан жой олдилар . Дилноз а бу сафар жиддий дуо қилди :

- Қани овмин ! Шу уйларда фақат яхши тўйлар бўлсин ! Поччам билан қўша - қариб фарзандларингни роҳатини кўринглар . Келгусида бундан ҳам баланд марраларни эгаллагин , дугонажон . Телевизорларда чиққанларингда мана ш у Суюма Нодирова бизни синфдош дея мазза қилиб керилаверайлик. Дилинг да нимаики ниятларинг бўлса ижобаатини Аллоҳимни ўзи раво айласин . Сиз ларни роҳатингларни ота- онангиз кўришсин ,

Дилноза юзига фотиҳа тортди . Аммо зум ўтмай яна қўлини дуога оч ди :

- Энг муҳими қолиб кетибди .

Қани очларинг кафтларингни! ( қизлар ҳам беихтиёр қўлларини дуога очишд и ) Менгаям яхши жойлардан ато қилсин ! Барно , сенгаям сўраб бериш ҳой наҳой менгинани зиммасидадир- а ?!

Барногаям яхши жойлардан ато қилсин . Дугоначилигимиз, аҳилчилигимиз йў қолмасин ...

Қизлар мамнун юзларга фотиҳа тортишди.

Суюма Наимага юзланди:

- Наима , туззукмисан ўртоқжон , уй ичилар яхшими ? Опоқим бардам- бақув ват юрибдиларми ?! Поччамиз яхшимилар ?!

Наима жавобга оғиз очиши билан Дилноза ўртага суқилди :

- Эри милтиқни ўқидек юрибди , жаааа сани йўқлашингга муҳтожмас . Кейи н бундоқ манави каленгга ўйлаб кўр . Бизни атайдан тушлик вақтига етиб к елганимиз нима учундир шубҳали туюлмаяптими сенга?! Ҳааа, кўзларингни бу зоқчаларни кўзларидек маюс тикасан бизларга?!

Уфф , қоринимиз оч , понятна ?

Суюма жилмайди:

- Воой бў, мен ҳам урф-одатга амал қилаётувдим- да , бўлмаса сенлар билан сўрашаман деб ўлиб турганим йўғиди ...

- Ииии , тўхта - чи ?!

Суюма эшик ёнига етганда орқасига қайрилди :

- Яна нима ?!

Дилноза эркаланиб савол ташлади :

- Болаларинг қани ?! Нега кўринишмайди ?!

- Шаҳзод мактабда , Робия мультфильм кўриб ўтирибди.

- Вуууй , Робияни жудаям соғинганман, чақирчи ?!

- Мультфильми тугасин ,кейин келади. Унгача чақирганингни фойдаси йўқ ...

Дилноза сапчиб ўрнидан турди :

- Сулаймон пайғамбар тоғни олдига бормаса , тоғ Сулаймон пайғамбарни ёнига келаркан . Шу ибора шунақамидми, ё тескарисими эди ? ( У қўлини силтади) . Умуман олганда нима фарқи бор ?! Муҳими учрашишлиги эмасми ? ( У Суюмага ишора қилди) Қани бир йўл бошлаворинг- чи ?! ( Дилноза чиқиб кетаркан Наима билан Барнога гап отишни унутмади). Сенлар яхши қиз бўлиб ўтирларинг. Анави бодом- писталарни чақиб , эрмек қиларсанлар .Меҳмонга деб қўйилган ахир ... Ха айтгандек , Суюма таклиф қилмади демаларинг , мени айтганим , уни айтгани . Мабодо тикилиб қолса шарбат ичиб турарсанлар , ҳали чой қўйилмаган ...

Ташқаридан Суюманинг баланд овозда "Тўғрииии" дегани эшитилди. Барно билан Наима бир- бирларига жилмайишди .

Дилноза ошхонадаги креслога ястаниб ўтирганча мультфильм кўраётган Робияни кўриб шодон қийқариб юборди :

- Асалчам коттааа қиз бўлибдила- ю !

Суюма Робияга :

- Ҳолангга салом бер , эркатойим,- деганида у ўрнидан қўзғалиб чўкка тушиб қулочини очиб турган Дилнозани қучоқлади :

- Ашшалокекум ...

Дилнозани завқи келиб кетди , Робияни чўлпиллатиб ўпганча деди :

- Шуууу қиззи еб қўяман , ҳозир ...

Робия Дилнозани юзига маъноли ва жиддий тикилди :

- Йўўў , мани аддамм еб тўялла ...

Дилноза Робияни кўтариб олганча креслога чўкди у музлаткичдан у бу егуликларни олиб лycopчaларгa жойлaётгaн Суюмaгa сўз қотди :

- Суюмa , бу қизинг худди ўзинг- a ?! Ҳaммa нaрсa- ни билишини-чи ?! Адaс ини eб қўйишиниям билганини қaрa . Рoбишингни эркaлaб aнчa ўзимгa кeлди м .

Суюмa чaққoн - чaққoн ҳaрaкaт қилaр экaн , сўрaди :

- Нимa бўлди , Дилнoзa , ҳaқиқaтдaн ҳaм ҳeч ўзинггa ўхшaмaяпcан ?!

Дилнoзa чуқур уҳ тoртди :

- Э , сўрaмa ...

Юрaгим ёниб кeтaпти ...

Наимaни қaрa ...

Наимa ишлидигaн тикув цeхини бошлиғи Мoҳирa oпa қўшнимиз бўлaдилaр . Улaр куни кeчa бир ёрилиб қoлдилaр . Хуллaс Нaимaни эри бoриб тургaн aбл aҳ экaн . Нaимaмизгa уйлaнишдaн oлдин , икки бoлaли aёлгa илaкишиб қoлг aн экaн. Уйидaгилaр эсa " Кўчaдa билгaн ҳoлвaнгни eявeр , бизгa ҳизмaтимиз ни қилиб юриши учун биттa қизгa уйлaниб бeрсaнг бўлди " дейишгaн экaн . Oтa- oнaдaн чиққaн мaънини қaрaгин. Шўрлик Нaимaни қулдeк бир уй жoнни ишини бaжaргaни кaмлик қилгaндeк ,oвқaтдaн ҳaм қисишaркaн. Э, шу зaмoн дa кeлинини тушлигигa ярим бухaнкa нoнни минг миннaт билaн бoшигa дўқи ллaтиб ургaндeк бeрaдигaн қайнoнaни бoрлигигa ишoнaсaнми дeсaм ишoнaрм идинг ?!

Хуллaс, бир ой aввaл Нaимa ишгa кeлмaбди. Мoҳирa oпa ҳaвoтир олиб oпa си қўшни цeхдa ишлaйдигaн Нoилa oпaмгa қўнғирoқ қилиб, Нaимaнинг кaсaл хoнaгa тушиб қoлгaнлигини эшитиб ҳайрон қoлибдилaр. Нoилa oпaм зир йиғл aб гaпириб бeрибдилaр . Нaимaнинг мaрaз эри уни ҳoмилaдoр ҳoлигa қaрaмa сдaн "Oвқaтни шўр қилиб қўйгaнcан "дeб қoрнигa aямaсдaн тeпибди. Нaтижaд a бeш oйлик ҳoмилaси чaлa туғилибди . Шўрлик Нaимa бoлaсидaн aжрaлишиг a сaбaбчи бўлгaн эрини қилмишини шундaям бeркитибди- я. Афтидaн aйтмaй сaн дeб рoсa бурoвгa oлгaн бўлcа кeрaк- дa , ифлoс .

Мoҳирa oпaм Нaимa ишгa қaйтгaндa "Шунақa хoнaдoндa яшaшгa мaжбу р эмaссиз , бундaй эрнинг бoридaн - йўғи яхши , aжрaшиб қутилинг" дeсaлaр , бoяқиш юм- юм йиғлaбди: "Ўзи Нoилa oпaмни эрлaри ўтиб , бизни қaрaмoг имизгa ўтиб қoлдилaр , мeн ҳaм қaйтиб бoрсaм , у eрдa oртиқчa юк бўлaмaн , кeйин синглимиз Мaҳлиё ҳaм бизлaрни кaсримизгa қoлмaсин , oпaлaрини т урмуши бузилгaн дeгaн тaвқи лaънaт билaн ким oлaди уни ?!" дeб изиллaб й иғлaбди .

Янa - чи ифлoс эри нимa дeгaнмиш дeгин ? У бeзбeт бeўхшoв ишшaйиб



"Тўғрисини айтсам, шу бола ҳозир ортиқча юк эди. Неляни болалари бошқа гап , уларга анча ҳаражат қилганман, меҳнатим сингган , насиб қилса барча орзу-ҳавасимни шулардан кўрарман " деганмиш. Ифлос бўлмаса шу гапларни гапирармиди.

Қанийди, шу рўдапо қўлимга тушса-ю , мен уни бурда- бурда қилиб ташл асам... Бир туким қилт этмаган бўларди, ўлай агар ...

Шунинг учун бугун Моҳира опамдан сўраб , кўнглини бир ёзсин шу бояқ иш ҳам деб бу ерга олиб келгандим. Наима бечора шундаям " Ойлигим кеси лса уйдагиларга нима деб жавоб бераман" деб бир жовдираса дегин. Моҳи ра опам "Наимахон, бугун кечгача руҳсат , яхши ишлаганингиз учун сизга бу бонус" деб кўнглини хотиржам қилдилар . Сал дарди арисин.

Суюма Дилнозанинг бу сўзларини эшитиб унинг ёнига бемажол ўтири б қолган , ранги қум оқариб кетган эди.

Дилноза эса кўнглидагиларни тўкиб- солишга шошиларди :

- Суюма, ростини айтсам, сен турмушга чиққанингда астойдил хафа бўлган эд им. Эссизгина Суюма-я деган эдим, ўшанда. Аммо ҳозирги аҳволингни кўриб айтмоқчиманки, эринг тилла одам. Унга ўхшаганларни кундузи чироқ ёқиб то пиш амримаҳол. Сен эришган турмушни , аёллар йиллар давомида орзу қили шади. Тўғри , нималарнидир ( кимларнидир) йўқотгандирсан , аммо шуни ях ши билгин-ки, йўқотганингдан топганинг кўп. Жуда ҳам кўп . Илтимос, поччам изни қадри етгин.

Дилноза гап тамом деган оҳангда овозини баландлатди :

- Ана мултигимиз ҳам тугади. Энди Робия қизимиз билан холаларимизни ёни га борамиз . Бўлмаса глобал қидирувга бериб юборишмасин . Суюма , тез- те з қимирласангчи , қачонгача сенга ҳушёр- ҳушёр қайнагин деб ўргатвураман . Қизлар ҳам "бермасни оши пишмас " деб ўтиришгандир . Юрақол ...

- Мана биз келдик !

Дилноза Робияни қизларни ёнига борганда қўлидан туширди :

- Робиш қизим , бу Наима холанг , буниси эса Барно холанг . Энди уларга са лом берамииз . Қани ҳалигидака "ашшало"дан бир бўлсин- чи ?!

Хона бир зумда бошқача тароватга тўлди...

-Суюма, мазза қилиб чет давлатни кўриб келдинг-а?! Қалей экан у ерлар ?!,- сўради Барно Робияни эркалаб бағрига босганча.

- Бир сўз билан айтганда , зўр ! Аммо барибир ўзимизни юртдан қўймасин. Б

иласанларми , юрт нима учун азиз бўларкан ?! У ерда қадрдон , дилдош, кўн гилдош инсонларинг бор бўлганлиги учун .

- Суюма энди моделер- дизайнер бўлмоқчимисан , тўхтаб қолсанг шунча ур инишларинг увол кетар , - сўради Наима синиқ кулимсираб ...

Суюманинг унга қараб кўнгли бузилди, аммо ўзини тутишга ҳаракат қилди:

- Насиб қилса, иншааллоҳ ... Наима қара касбларимиз бир- бирини тўлдирадиган бўляпти. Очиғи келажакда ўз ишим бўлишини хоҳлайман. Бир- биридан чиройли, такрорланмас либослар эскизини яратишни , уни тикдириб мўътадил, арзон нархларда сотилишини истайман ва албатта ёнимда ҳамкор шеригим Наимахонимни кўриш асосий орзуим ...

Наима ёш боладек қувнади . Маҳзун кўзларига шулъа таралгандек бўлди . Ундаги бу ҳолат Суюмани кўксига янада пичоқдек қадалди . У кўнглида "Эҳ , Аллоҳнинг сендек беозор, беғубор, суюкли , кўнгли ярим бандасини ранжитганни уйи куйсин" дея уввос солиб йиғлар эди...

- Мабодо мен эсларингдан чиқиб қолмадимми ? Ёки жаҳон тиллари университети талабаси Дилноза бонунинг сизларга кераги йўқму ?!

- Биринчидан , эсимиздан чиққанинг йўқ ! Иккинчидан , эсимиздан чиқсанг ҳам ўзинг эслатиб турасан , сендакаларни ҳолсочиқ дейишади . Учинчидан , чет эллик ҳамкорлар билан шартномаларни котта ҳоламиз эмас , сен тузасан , тузукми ?!

Барнониям бегона қилиш йўқ , уни шилпилдоқ пиширишга ишга оламиз , - деди Суюма мактаб даврига шаъма қилиб .

Ҳаммалари кулиб юборишди . Айниқса , Барно "Қўймайсан , Суюма, ҳалиям эсингда турганмиди " дея қотиб - қотиб куларди .

Дилноза унга қўшилди :

- Мени ҳам кўнглим жойга тушди , бир лаган ош еб тўйгандек мазза қилдим ...

- Ҳеч ким қорнини тўйдирмасин , тушликни ўзим пишириб бераман

Қизлар овоз келган тарафга боқиб очиқ дераза ёнида кулимсираб турган Абдумажидга кўзлари тушди :

- Вооой , почча бундоқ йўталиб келмайдими одам дегани , яхшиям сизни

ғийбатингизни қилганимизда келиб қолмабсиз , - кулди Дилноза ўрнида қўзғалиб , - ҳа айтганча ассалому алайкум ...

Унга Барно ва Наималар ҳам жўр бўлдилар ...

Абдумажид алик олар экан , Дилнозага жавобга шошилди :

- Нега, ўша вақтдаям шу ерда эдим. Мени ғийбат қилаётганларингизни ўзим мазза қилиб эшитиб турдим , гуноҳларимни тўкиб енгиллаштирганларингиз учун битта қозон кабоб мендан, - у қўлидаги гўшт солинган халтани силкиди .

- Билганимизда , кўпроқ ғийбат қилардик сизни , шунда биир кавобга эрир экансиз , - Дилноза бўш келмади .

- Кавобми ?! Майли, кабоб қилиш ҳам иш бўлибдими ?! Бир оғиз сўзингиз , меҳмонжонлар...

Абдумажид кулимсираб кўзини қисди- ю , жойдан узоқлашди .

Абдумажид кабоб тайёрлаётганда Дилноза унга қарашаман деб чиқди - ю , дарров ортига қайтди:

- Поччамиз ҳаммаёқни тутунга тўлдириб юборибдилар. Қарасам кийимларимга тутун ҳиди ўтириб қоладиган. Тағин уйга қайтаётганимда бу қиз бекорга бақувват бўлмаган экан , ўзиям "шашликчи қиз" бўлса керак деб қолишмасин . Ўзи шундоқ ҳам харидорларим кўп.

Бу орада Шаҳзод ҳам мактабдан қайтиб , меҳмонлар билан сўрашиб , "адамларга қарашаман" деб чиқиб кетди .

Қизлар гурунглашиб ўтирганларида Абдумажид бир лаган кабобни эшикдан узатди :

- Олинглар , ош бўлсин !

Қизлар бараварига таклиф қилишди :

- Келинг , ўзингиз ҳам...

Абдумажид ҳушнуд жилмайди:

- Сизлар, олаверинглар , у ерда яна шунча бор. Мен бир йўла кираман. Ийи, ҳозир ...

Сал ўтмай , Абдумажид ликобчада тўғралган сиркали пиёз узатди :

- Ана энди бекам- у кўст бўлди...

Барно кабобни ер экан , Суюмага гап қотди :

-Эринг бирам яхшикиии , ўртоқжон ... Ҳавасларим келиб кетди .

Бир чой қайнагулик фурсатда "Ана бўлди" деганча яна бир лаган кабоб билан Абдумажид остонада кўринди ...

- Келинг , ўзингизни ҳам қорнингиз очиб кетгандир , - деди Суюма уни қўли дан лаганни олар экан

Абдумажид кулимсиради :

- Йўғааа , биз Шаҳзод иккимиз ўчоқ бошида тузини кўриб ўтирдик . Аммо ма засига тушунишимиз учун бир , иккита сих кабоб камлик қилди . Кабоб пиш ирилаётган ерда еганни гашти бошқача бўлади ўзи.

Қани сизлар олаверинглар , мен эса бир суюнчилик хабарни айтаман . Бу х абар Суюмага тегишли .

- Зўр- ку, қани эштайлик-чи ?!

Ҳаммалари унинг оғзига тикилишди . Абдумажид шошилмай сўз бошла ди :

- Ҳозир айтадиган хабарим Суюма учун ҳам янгилик . Биласизлар , у Халқар о танловда ғолиб бўлди . Шу сабабли чет давлатларда бир қанча имтиёзлар, битимлар , шартномалар имзолаш ҳуқуқини қўлга киритди . Бугун эса мен ол ий таълим вазирлигига учрашиб , Суюма олган диплом билан республикамиз нинг истаган шу соҳага тегишли олий ўқув юртида имтиҳонларсиз талаба бўл иш имкониятига эга эканлигидан хабардор бўлиб келдим. Хуллас калом , Су юма кейинги йили дизайнерлик йўналиши бўйича бемалол ўқишга қатнайвер иши мумкин экан .

Қизлар қарсак чалиб юборишди. Бу хабар Суюма учун чиндан кутилмаг ан бўлган эди.

У биргина чизган эскизлари ўзининг ҳаётида бунчалик бурилиш ясаб юбо ришини ҳеч ҳаёлига келтирмаган эди .

Абдумажид дугоналаридан табрик қабул қилиб олаётган Суюма учун ик кинчи янгиликни эълон қилди :

- Бу ҳали ҳаммаси эмас . Биласизларми , йўқми менинг соҳам ҳам ҳудди шу

йўналишда . Шу сабабли ўз фирмамда Суюма учун бир иш ўрни очдим. Энди Суюма ҳа деса уй қизи бўлиб ўтиравермай , ҳафтада уч кун ярим ставкадан ўша ерда ишлаб туради, токи ўқишга тушмагунча.

Суюманинг бахтдан боши айлангандек бўлди , аммо дарров Робияни ўйлади :

- Вой , Робиячи ?!

Абдумажид ўйланиб ўтирмай жавоб қайтарди :

- Робияни сендан аввал ишга қабул қилиб бўлганман. У ерда хоналар кўп , хавотир олма . Қизим учун керакли ҳамма нарса бор . Оилавий иш юритавера миз ...

Дилноза , Наима, Барнолар кечгача қолиб кетишди. Тўғрироғи уларга Абдумажид жавоб бермади. Наиманинг иш вақти тугашига яқин эса ,қизларни ўзи машинасида керакли манзилга етказиб қўйишини айтиб ,ўз сўзида туриб олди ...

Кетар чоғда Дилноза яна хаммани кулдирди :

- Вооой , шўриим ! Тўртта қиз йиғилса шу- да ўзи ! Бизлар қурук келмаган эдик аслида . Суюма сен яхши кўрадиган "Геркулес" пчиннисидан олиб келгандик , кейин қанд- курс деганларидек, баҳоли- қудрат ...

Дилноза сумкасида айтган нарсалари ўроғлик пакет чиқариб берди .

Суюма кулимсиради :

- Дилноза , ким сени "тиллер" йўналишидаги институтда ўқийди дейди- а ? "Пчинни" мас, печенье !

- Ҳаа , тўғрисиям шу йўналишда ўқийман- да . Ўзбекчаси печенье , "пчиннии" деб чўзиб айтса инглизча бўлади . Ўрган, студент !

- Сенга гапир- у , қоч !

Мен ҳозир , - Суюма қўлидаги пакет билан ошхонага чопди .

Дилноза унга эргашди :

- Хееей , ҳеч нарса керакмас ! Овора бўлма !

Суюма улар олиб келган пакетдан фақат печенье олиди, кейин шоша- пиша музлаткачи очиб қолган нарсаларни устига қуюлтирилган сут , кофе, бир ки

лоча шокалад каби нарсаларни солди ва Дилнозани қўлига тутди, энтикиб шивирлади:

- Наига ...

Дилноза ҳам бу сўзлардан кейин қаршилиқ қилмади. "Хўп" деди ўксинган оҳангда ...

\* \* \*

Икки кундан кейин Суюма илк бора ишга чиқди ...

Бир ой ичида эса Наимани чақиртириб олди . Энди икки дугона бирга, бир хонада ишлар эдилар ...

\* \* \*

Абдумажид ишлайдиган фирманинг асосий биносида йигирмага яқин ишчи - ходим ишлар эди. Пойтахт бўйлаб ёйилган филиаллардаги одам сонини қўшиб ҳисоблаганда эса ,уларнинг сони беш юз кишидан ошиб кетар эди.

Суюмани у ерда илиқ кутиб олишди. Абдумажид қўл остида ишлайдиганларнинг ҳурматига сазовор бўлганлиги сабабли ходимлар Суюмага ҳам ўзгача илтифот кўрсата бошладилар .

Суюма киши бир вақтлар қўшилари Рихси келиноийи айтган енгилтабиат аёлни секин, кишибилмас суриштириб кўрди: "Ишдан бўшаб кетган" экан. Суюма хотиржам тортди.

Суюма фирмадаги вазифасига жўшқинлик билан киришиб кетди ... Абдумажид айтганидек Робия учун Суюмани хонасининг ичкарасида алоҳида яна бир хонача ажратиб берилган , у ерда қизалоқ беиёнгина ўйнаб ўтирар , уйқуси келиб қолганида кичиккина диванчасига ўзи чиқиб ухлаб ҳам қолаверар эди. Ора- орада Абдумажиднинг ўзи йўқлаб "оппоқ қизим , қани мени" деб Робияни ўйнатиб ўтирар , шу хонада барча чарчоқларини ёзиб олар эди. Пешинга яқин Шаҳзод ҳам мазкур хонадан ўз жойини эгаллар , Суюма эса у келиши билан буткул хотиржам тортиб ишга бутун борлиғи билан шўнғир эди.

\* \* \*

Орадан бир йил ўтди . Энди Суюма талаба эди . Суюма офисга камроқ борадиган бўлди , сабаби ўқиш кўп вақтини оладиган бўлди. Офисдаги ишларни Наиманинг ўзи қойиллатиб бажарар , Абдумажид ҳам унга анча суяниб қолган эди. Наима охири бир қарорга келиб эридан ажралди . У ҳам кўп вақтини севимли ишига бағишлайдиган бўлган эди.Суюма дугонаси ва албатта Абдумажиднинг ёрламида яна уч нафар танлов иштирокчиси бўлди . Хаттоки учинчисида Суюма билан бир қаторда Наимани ҳам қатнашишга кўндиришди.

Натижалар ёмон бўлмади . Ҳар иккала дугона ўзлари иштирок этган номинацияларнинг мутлоқ совриндорлари бўлишган эди .

Робияни ҳусусий ясли- боғчага беришди . Қизчасидан кўнгли тўлган Суюма бор имкониятини билим олишга сарфлар эди.

Шанба куни дарслари кам бўлгани учун одатдагидек Абдумажиднинг " Илҳом ортидан"номли фирмасига ташриф буюрган Суюма у ерда анчадан буён кўрмаган кишиси Мирсодиқ акани учратиб ажабланди .

Мирсодиқ ака Абдумажид ва Суюмаларнинг тўйларида куёв жўра бўлган йигит эди .

Тўй ўтганидан бир ой ўтиб Мирсодиқ ака ўз хотинидан ажрашиб Қозоғистонга кетиб қолган эди. Суюма бу тўғрисида Абдумажиддан тўлиқ сўраб- суриштиришга бети чидамаган бўлса- да , орадаги гап- сўзлардан Мирсодиқ аканинг таассаруфидаги мева- чева солиш учун мўъжалланган яшик ишлаб чиқарувчи каттагина цехи тўсатдан банкротга учрагани , барига ўз хотини ва ўшанбакор аёлнинг хуштори сабабчи бўлганлигини билиб олган эди. Суюма ўшанда "Мирсодиқ акадек яхши инсонга ҳам ҳиёнат қилиш мумкинмикан, аёл зотига нима етмайди-я ўзи" дея обдон ҳуноб бўлган эди .

Суюма Мирсодиқ акага хиёл эгилганча, қўлини кўксига қўйиб салом берди:

- Ассалому алайкум , яхшимисиз , яхши келдингизми ?!

- Ваалейкум ассалом , келин. Ўзингиз яхшимисиз , фарзандлар яхшими ? Оғайним яхшими деб сўрамайман, кўрдим бир яхши юрган экан. Сизни ютуқларингиз ҳақида эшитдим, табриклайман. Илоҳим, Аллоҳимнинг назаридан қолманг.

Суюма миннатдорчилик билдирди :

- Раҳмат ,ака. Борингизга шукр ...

Абдумажид орага сўз қўшди :

- Суюма , Мирсодиқ бугун бизнинг меҳмонимиз бўлади , уйга вақтлироқ кетамиз .

Суюма жилмайди :

- Бош устига , Абдумажид ака. Мен ҳозир Наимага бир - иккита эскизимни берсам бўлгани , ҳозир тезда қайтаман ...

Мирсодиқ эътироз билдиришга шошилди :

- Бугун иложи йўқ, оғайни . Келаси сафар . Келинниям овора қилма...

Абдумажид гапга кўнадиган хилидан эмас эди :

- Бекорларни бештасини ебсан . Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ .  
Ҳеч нимани билишниям , эшитишниям истамайман, тамом - вассалом .

Мирсодиқ ён бермаса бўлмаслигини тушунди :

- Майли , хўп . Сўзинг ерда қолмасин . Сени сўзинг ерда қолгунча, шайтонни бўйни узилсин.

Суюма кўп ўтмай барча ишини битириб чиқди .

Йўлдан Шаҳзодни куни узайтирилган гуруҳдан, Робияни яслидан олишди .

Мирсодиқ ака болаларни ўзгача эркалади. Уларни шокалад билан сийлади .

Уйга боргач , Суюма зумда чой қўйиб , ошни бошлаб юборди. У дамланган чойни меҳмонхонага олиб борар экан, Мирсодиқ аканинг дардли овозини эшитиб йўлда тўхтаб қолди. Мирсодиқ аканинг бор кечмиши шу сатрларда ифода қилинаётган эди гўё ...

Пешонага тушганини кўз  
Кўрар экан, қандоқ қиласан  
Ким кимлигин, эй азиз дўстим ,  
Бошингга иш тушса биласан ...

Борингда бор ёнингда кўплар,  
Йўқ бўлса-чи , баҳона тўплар,  
Чин содиқни бир сени йўқлар,  
Бошингга иш тушса биласан...

Ҳикмати бор ҳар бир амалнинг,  
Синов келса биласан қадринг ,  
Баҳосини ул сохта лаълнинг,  
Бошингга иш тушса биласан ...

Кўз ёшингга гувоҳ болишинг,  
Ичга ютиб ҳасрат, нолишинг,  
Сенинг билан кимнинг қолишин,  
Бошингга иш тушса биласан...

Ким мунофиқ, ким беор маддоҳ,  
Ким сохтакор, ким тугал гумроҳ,  
Кимнинг эса ваъфодор ҳамроҳ,



Бошингга иш тушса биласан...

Бошга бекор келмаскан синов,  
Фарқлангандек шабнам ва қиров,  
Ҳаётинда кимлигин "бирров"  
Бошингга иш тушса биласан...

Пешонага тушганини кўз ,  
Кўрар экан, қандоқ қиласан.  
Ким кимлигин ,эй азиз дўстим,  
Бошингга иш тушса биласан ...

Ким кимлигин, эй азиз дўстим,  
Бошингга иш тушса биласан ...

Абдумажид унга таскин берган бўлди :

- Қўябер , дўстим. Ҳар нима бўлса ҳам яхшиликка . Қайтага мана шу синовлар ортидан оқни қорадан, саракни пучакдан ажратиб олганинг яхши бўлди . Ёшинг элликларга борганда бу синовлар келганида нима қилар эдинг ?!Ҳозир эса барини бошидан бошлаш учун ҳалиям кеч эмас...

Суюма эшикни чертди :

- Абдумажид акаааа. Чой келди .

Абдумажид "ҳозир" дея эшикка юзланди.

Мирсодиқ чой қайтараётган Абдумажидга синовчан боқди :

- Абдууу, бу мени аёлим , хотиним деб ҳаммани алдашинг мумкин , аммо мени эмас... Бир савол : Нима учун ?!

- Билмадим оғайни, билмадим..., - Абдумажид чуқур хўрсинди,- сен сўраётган саволнинг жавоби менда йўқ ... Унга уйланасан деганларида даставвал қаттиқ қаршилик қилганман. Мени- ку бўларим бўлган, энди уни умрини хазон қилманглар деганман. Кейин эса у тез орада рози бўлганини эшитиб ... очиги кўнглимга ҳар хил гаплар келган. Уни бу ишга рози бўлишига бойлигим, обрўйим , тўқис таъминланганлигим сабаб бўлмадимикан дея кўп шубҳаландим. Аммо ... барига биргина сабаб , қаттиқ қизғанчиқлиги бўлган экан. У фарзандларим, айниқса қизимни бегона қўлларга тушишини истамаган , қаттиқ қизғанган экан. Шу сабабли ўзини қурбон қилган экан. Кейинчалик , бу шунчаки қизғаниш эмас, балки оналик мақоми эканлигини англаб етдим.

У хонадонимга қадам босганида у билан бирга ҳаловат кириб келди . Кейин эса меҳр , қадр, вафо ...

Мирсодиқ Абдумажиднинг сўзларини шарт кесди :

- Муҳаббатдан ташқари ҳамма нарсами ?! Шунинг назарда тутмаёсанми ?!

Абдумажид осойишта жавоб берди :

- Ким айтди сенга муҳаббат йўқ деб ?! Муҳаббат... албатта бор. Ахир юқорид а санаб ўтганларимнинг бари муҳаббатнинг измида- ку . Аммо муҳаббат фақат жисмлар эмас, қалблар ўртасида бўлса қадрлироқ экан ... Ҳозирча шууу...

Мирсодиқ ўйчан сўзлай бошлади :

-Гапларнинг мутлақо рост , мутлақо . Баъзан йиллар давомида бир ёстиққа бош қўйганимни ҳам кўнглидан нима сўзлар кечаётганлигини билмай ўтар экансан. Буларнинг бари сен айтганингдек , қалбларда ўзаро муҳаббатнинг йўқлигидан экан .

Мана мендан қиёс ...( Мирсодиқ захарханда кулимсиради) . Ўн йил бир ёстиққа бош қўйган аёлимни биламан дебман- у ... У эса йиллар давомида мени алдаган, режа пиширган , ўз уйимда кўзимга чўп суққан. Ахири... фаолиятим энг гуллаган чўққисига чиққанида , менга ...

Билмадим бу ишни қандай уйдлашган , аммо ... тегишли ҳужжатларга имзо чектириб менга қарашли цехни сотиб юборишган. Цехнинг номигина цех эди халос , аммо ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан манамен деган корхона- заводларни йўлда қолдирар эди . Икки мунофиқ барча пулни чўнтакка солиб ... Эээ (Мирсодиқ беҳафсала қўл силтади ) энди бу гаплардан умуман фойда йўқ ...

Биласанми , энг алам қиладигани нима ?! Биз шунча йил оила қуриб фарзандли бўлмадик . Текширувга борганда эса ҳар доим айбдор мен бўлиб чиқардим . Бундан бир ҳафта аввал бир йигитга уйдаги компютеримни сотиб юборгандим . Эртасига эрталаб уни эшигим тагида кўриб , қилган харида ёқмабди шекилли деган ҳаёлда саволга тутганимда , у уйга таклиф қилишимни сўради. Уйга киргач эса компютердан ўчирилган, аммо хотирасида сақланиб қолган анча бузғунчи ҳужжатларни кўрсатди . Улар орасида шифокорлар томонидан мени бутунлай соғлом эканлигим ҳақида берилган бир эмас, нақд олтита маълумотнома чиқди. Бари усталик билан сканер қилиниб , мени касалманд деб ўзгартирилган экан.

Абдумажид , ҳаммадан ҳам ана шу нарса ёмон алам қиляпти менга . У ( Мирсодиқ ёмон сўкинди) ... мени шунақанги овулар ва аяр эдики... Аслида обдон лақиллатиб, хуштори билан тоза яйрашган экан-да !?

Ана шунақа гаплар ... Ана шунақа ...

Абдумажид узоқ сукут сақлади , кейин бир қарорга келди ва ўктам овозда дўстига мурожаат қилди :

- Мирсодиқ, гап бундай оғайни . Кел , бошқа ҳамма ишингни йиғиштир . Биз ни фирмага ишга ўт . Қўлингдан биб- бинойи ҳисоб- китоб ишлари келади . Мен хозир шундай иш юритувчига жуда муҳтожман . Сен билан барини бошдан бошлайлик . Нима дейсан, шу маслаҳатга ?!

Мирсодиқ маҳзун кулимсиради :

- Эй , Абдумажид! Худди менда бошқа танлов бордек сўрайсан- а ? Майли ишлаганим бўлсин ...

Абдумажид ҳурсанд бўлиб кетди :

- Мана бу бошқа гап. Энди хал қилинадиган ва кечиктириб бўлмайдиган яна бир муҳим масала қолди . Хуллас , боя офисда менга имзо чектириш учун бир даста ҳужжат олиб кирган аёлни кўрдинг- а?!

Мирсодиқ "ҳа" деган маънода бош ирғади .

Абдумажид сўзида давом этди:

- Хуллас ўша аёл сен менга қандай яқин дўст бўлсанг , у Суюмага шундай яқин дугона. Жуда ҳокисор ва яхши аёл . Кўнгли ярим. Ярим йил аввал турмушдан ажрашди. Эри бўлмағур одам экан. Бу сўзларни айтишдан мақсадим шу аёл - Наимага бир оғиз солиб кўрмайсанми ?! Биласан, умр савдоси жуда нозик масала. Бу борада ҳамма ҳам бировларнинг ўртасига тушавермайди . Айниқса мендака юраксиз инсон- ку, инчинун. Аммо бу сафар қонидани бузди мми , масала жуда аҳамиятли эканлигини шундан билаверасан ...

Мирсодиқ дастурхон устидаги сочиқни ўйнаб ўтириб , хаёлчанг аҳволда деди :

-Билмадим, бир нарса дейишга ҳайронман ... Очиғи ҳали иккинчи бор оила қуришга тайёр эмасман, юрагим бетламайди. Айтишади- ку "Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади" деб ...

- Мен ҳам сенга эртага уйлан деяпганим йўқ. Эътиборингга олиб қўй деган мақсадда гапирдим. Очиғи Наимани ҳам иккинчи бор турмуш қуришга кўндириш хазилакам иш бўлмаслиги аниқ ...

- Майли, дўстим. Ғамимни еганинг учун катта раҳмат. Борингга шукр. Бу ёғини омон бўлсак кўраверамиз а, нима дейсан ?!

\* \* \*

Орадан уч ой ўтиб Мирсодиқ ва Наималар турмуш қуришди . Бир йил ўтгач , Наима доим ўзи ҳавас билан таъкидлагани каби, Робияга ўхшаш ширингина қизалоқча она бўлди ...

\* \* \*

Кун ортидан кунлар , йил ортидан йиллар қувалашиб кетаверди .

Умр капалак ҳаётига қиёс бўлди . Нима учун , биласизми ?! Капалак бир кун яшайди дейишади. Ана ўша бир кунни гулдан- гулга қўниб шодон ўтказди. Балки... Балки умри гўзалликлар ичида , ўзи ҳоҳлаган измида , ўзи истagan тарзида ўтганлиги , шу қикса муддатда олам- олам бахтни тотий олгани учун ... капалак бир кунлик умрга рози бўлар ... Рози бўлгандир ... Шундай ҳулоса чиқараман- у , аммо бир нарса аниқ эканлигини ҳам таъкидлайман : инсон учун ҳеч қачон бахтнинг ортиқчаси бўлмас экан ! Ҳа , ҳеч қачон ...

Қўз - очиб юмгунча , Суюма институтни битирди. Қўлига дипломи тегмай туриб Абдумажиднинг қистови билан икки ойга Францияга малака ошириш учун учиб кетди. Бу ўша- бундан беш йил аввал Молдавияда қатнашган танловда қўлган киритган имконияти бўлиб , ундан фойдаланиш муддати шу йил тугар эди .

Бу сафар Суюма кетиши олдидан оила аъзолари билан қуюқ хайрлашди. Шаҳзод бу йил ўн уч , Робия эса олти ёшга тўлган эди .

- Робия қизим, адажонингга ва акангга яхши қарагин , мени йўқлигимни билдирмагин, хўпми ?!

Суюма Робияни бағрига босиб юзларидан ўпди .

- Аяжон , хавотир олменг.

Бизларни ўйламасдан бемалол ўқишингизни ўқиб келаверинг , - деди Робия қўнғироқдек овози билан, - адамжонимларга вақтида овқат ейтишларини ўзим эслатиб тураман.

- Ўзим ўргилай сендан , демак келишдик - а ?

- Ҳммм, келишдик ...

Робия жилмайди ...

\* \* \*

- Ахири қарор қилибсан-да , Абдумажид?! Ростини сен учун ҳурсандман... Ўйлашимча , бир қарорга келишинг учун Суюманинг икки ой муддатга ёнингдан олисга кетгани сабаб бўлган шекилли ?!,- сўради Мирсодиқ Абдумажидга синков назар билан боқаркан...

Абдумажид қўлидаги муздек шарбатга ўйчан тикилиб ўтирарди. Улар тушликга кўча юзидаги кафега киришган , аммо ишхонадаги суҳбатлари ҳали ҳам давом этаётган эди .

- Ҳааа, Суюманинг бу ижодий сафари кўп нарсани ўзгартириб юборди. Айниқс а мени. Ушбу сафар ўзимни тушунишимга , англашимга имкон берди. Яна С уюмани бебаҳо аёл сифатида қадрлаб қолмай, мен учун жуда суюкли эканлиг идан ҳам хабар берди. Биласанми , кейинги вақтларда тушларимга Райҳон т ез- тез кираяпти . У менга қараб маъюс жилмаяди ва ҳудди қаноти бор фа риштадек атрофимда учиб айланади. Менимча у Суюмага дилимдагиларимни изҳор қилишимга қарши эмас... Шундан бўлса керак, бошим тез- тез айланад иган, қадам боссам бутун борлиқ менга қўшилиб сузаётгандак бўлади. Бу бах тдан бўлса керак, менимча ...

- Демак, Суюма келгач ... Бор гапни...

- Ҳа , айтмоқчиман . Мен уни яхши кўришимни , яхши кўрганда ҳам Райҳонга бўлган севгимдан кам эмас, балки ... балки тенг яхши кўришимни айтмоқчи ман... Шу вақтгача кўнглим билан олишганим , унга доим чап беришга харака т қилганим ... барчасини айтмоқчиман. Унга иқрор бўлмоқчиман .Беш кунда н кейин Суюма уйга қайтади. У қайтиши билан "Суюма , сен менинг дунёим сан !" демоқчиман...

Абдумажид шу сўзларни айтар экан бурнидан бир томчи қон сизиб чиқд и ....

Мирсодиқ шошиб қолди :

- Абдуу, бурнинг қонаяпти !

Абдумажид шоша - пиша рўмолчасини олиб , юзига босди :

- Кечаям , юзимни юваётганимда қонаб кетганди . Бу билан бир ҳафтада учи нчи қонаши ...

Абдумажид бошини осмонга қаратди:

- Ҳозир тўхтаб қолади ...

Мирсодиқ унга ташвишли боқди :

- Бир ҳафта учун уч марта кўп ?! ... Қани юр , кетдик ...

- Қаерга ...

-Чилонзорда жуда зўр клиника очилган . Ташхис қўйишдан тортиб , даволашга ача бўлган ишларни ҳаммасига малакали шифокорлар жалб этилган. Бирров кўриниб келамиз. Кўнгилнинг хотиржам бўлганига нима етсин ... Бўлақол ...

Аммо улар клиникада бирров эмас , кечгача қолиб кетдилар...

Абдумажиднинг топширган таҳлилларининг сонининг ўзи ўнтадан ошди. Турли аппаратларга тушиб, кўрикма- кўрик юриб, ниҳоят шифокорлар томонидан бир тавсия олдилар :

-Таҳлил натижаларини эртага олишингиз мумкин. Аммо энг асосий ташхисни профессор Салимов индинга айтадилар, чунки улар бугун ва эртага клиникада бўлмайдилар , сабаби шаҳар касалхонасида жарроҳлик амалиёти ўтказадилар ...

Мирсодиқ ва Абдумажид бўшашганча уйларига қайтишга мажбур бўлдилар.

Мирсодиқнинг кечаси билан уйқуси келмади . Унинг кўнгли негадир ҳижил бўлиб кетаверди. Шифокорлар Абдумажидни биргина бурнининг қонаганлиги учун ярим кун текширишгани ва тайинли гап айтишмаганлиги кўнглига шубҳа оралатган эди .

Наима эрталаб турганида Мирсодиқнинг одатига хилоф равишда уйда йўқлигини кўриб ҳайрон бўлди . Мирсодиқ эрта сахардан узлуксиз ишлайдиган клиникага келган ва Абдумажидга тегишли таҳлил натижаларини олиб, шаҳар касалхонасининг остонасида профессор Салимовни кутиб ўтирар эди .

Бир вақт қоровул чол оқ рангдаги нексиа машинасидан тушиб ичкарига дадил одимлаб келаётган юзлари нурли, ёши олтмишларга яқинлашиб қолган кишига имо қилди :

"Шу киши бўладилар"

Мирсодиқ дадил қадамлар билан профессорга пешвоз чиқди. Аммо у киши билан ўн дақиқа суҳбат қургач , бояги дадиллигидан асар ҳам қолмади...

У тезлик билан Абдумажид таҳлил топширган клиникага қайтди ва боягина олган таҳлил натижаларини навбатчи ҳамширага умидсиз ҳолда узатди :

"Уэр, адашиб бошқа одамга тегишли маълумотларини олиб кетиб қолибман". Мирсодиқ жадаллик билан клиникани тарк этар экан ортидан қараб қолган ҳамшира "Бундай бўлиши сира ҳам мумкин эмас, ахир маълумотлар белгиланган рақамли жетон орқали берилади , адашилинган тақдирда ҳам нима учун ўзига тегишлисини топиб беришимизни сўрамади" дея таажжубланганча қолаверди .

Мирсодиқ эса машинасини ҳайдаб борар экан, навбатдаги светофорда тўхтаганида жаҳл билан рулни урди. Мирсодиқни қулоқлари остидан профессор Салимовнинг : "Бош мия саратони , учинчи босқич" деган сўзлари ва унинг

қатъий талаб билан берган саволига : "...энди кеч деб қўрқаман " деган жавоб и айланаверар эди ...

Эртаси куни Абдумажид докторнинг қабулига ёлғиз ўзи борди.

Профессор Мирсодиқнинг илтимосига кўра, унинг ташрифи ҳақида лолим деб оғиз очмади , аммо ... Абдумажидга бор гапни рўйи- рост айтишга мажбур эди ...

- Доктор, қанча вақтим бор ?! Илтимос , кўнгил учун мени аяб муддатни бер китманг . Мен нималарга улгуришим кераклигини ҳисобини билишни истайман ...

Абдумажид зўрға , ютинганча гапирди . Унга бу хабар жуда оғир ботганлиги тахминларсиз кундай кундай равшан эди ...

Профессор ўзини ҳотиржам тутишга ҳаракат қилар эди :

- Бу ёлғиз Яратган Эгамга аён. Бу ҳолатда сизга нима таскин берсам ҳам, юпатсам ҳам , ёки очиғини айтсам ҳам бари сиз учун бошқача таъсир кўрсатиш и мумкин . Аммо мен ҳам валломат эмасман . Тузалиб кетишингиз , ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетишингиз мумкин . Умид ўзидан , ахир .

Абдумажид чуқур сўлиш олди :

- Доктор , мен хар қандай қарорни эшита оладиган даражада кучлиман . Сиз касбий нуқтаи назарингиздан келиб чиқиб менга очиғини айтаверишингиз мумкин ...

Профессор бундай пайтларда шифокорлик касбини танлаганлигига пушаймон бўлар эди :

- Очиғини айтганда ҳам, рости билмайман ... Балки бир ой, балки уч ой , балки етти ой ...

- Демак , узоғи билан етти ой ...

Салимов ҳўрсинди :

- Биз зудлик билан кимё терепия муолажаасини бошлашимиз керак . Бу муолажаа ўсмани ўсишига қаршилиқ қилади , эмига тушса уни сўрдиртириб ҳам юборади .

Профессор ўрнидан туриб Абдумажиднинг елкасига қўлини қўйди :

- Ўғлим , бу шундай касаллики, уни ишонч ва умид билан мағлуб қилиш ҳеч гап эмас. Мен фаолиятим давомида "бутунлай умид йўқ" деб ташхис қўйилган

н қанча беморларни соғайиб оёққа туриб кетганлигини кўрдим, яна қанча "бўлиши мумкин" дея тахмин қилинганларни ўзларини ўзлари абгор қилиб қўйганликларини гувоҳи бўлдим.

Сиз , айтишга осон , "танаси бошқа дард билмас" дейишингиз мумкин . Сизга жавобан шуни айта оламан-ки , қаршингизда турган инсон ҳам бир вақтлар худди шундай муаммога дуч келган. Кўриб турибсизки , дард бошқа , ажал бошқа .

Биласизми , бир аёл ҳақида эшитгандим яқинда . У юрак етишмовчилиги ва сабабли Ҳиндистонга бориб , жарроҳлик операциясини бошидан кечирибди. Натижада аҳволи ўнгланибди , шифосини топибди. У аёл уйига деярли соғлом қайтибди. Қайтганидан икки ҳафта ўтгач, шом вақти уйда кечки овқат учун нон қолмаганлигини кўриб дўконга чиқибди. Бир дона нон харид қилиб дўкондан чиққанида бир- бирини қувиб ўтаётган енгил машиналарни орасида қолиб ... ҳалок бўлибди .

Кўрдингизми , ўғлим... Бу дунё шунчалик синоатли-ки...

- Доктор, мен бир ҳафталарда қайтаман ёнингизга ...

- Бу жуда узоқ муддат . Сиз ҳамма ишингизни йиғиштириб қўйиб соғлигингизга эътиборни қаратишингиз керак ... Бу ишда дақиқалар роль ўйнайди , ахир ...

Абдумажид докторга илинжли тикилди :

- Битта саволим бор, доктор ?! Илтимос , шунга аниқ, рўйи- рост жавоб берсангиз ...

Айтингчи , мен қачонгача бу аҳволимни яшириб юра оламан?! Қачон касаллик бошқа инсонларга ўзини ошкор қилади. Айтмоқчи эдим-ки, ҳаётимдаги инсонлар мен чалинган дарддан ҳабар топганликларига қадар ... битириб олишим мумкин бўлган ишларим кўп экан.

Кейин ... очиғини айтсам , менга ачиниш назари билан қарамасликларини истар эдим . Бу мени бадтар тушкунликка тушишимга сабаб бўлади ...

Профессор жойига қайтиб бориб ўтирди . Юзини икки кафтлари орасига яширди.

Нималарнидир, ўйлади ...

Нималарнидир мўжалини олди...

У рўпарасида аросатда қолган киши ҳукмини олган каби ўтирган Абдумажидга нима дейишни ўйларди ...

Салимов гўё юрагидаги зардобини чуқур нафас олиш билан чиқариб юбормқчи бўлгандек энтикиб нафас олди :

- Ўғлим, баъзи саволлар бор- ку, аммо уларнинг дарров қайтарилалиган жавоблари йўқ... Жавоблари вақти - соати билан ўзи келади. Сизнинг масалангиз



ҳам худди шундай . Гапларимни тўғри тушунган бўлсангиз , айтмоқчиман-ки, бу дард қачон ўзини ошкор қилиши ҳам мубҳам масала, яъни ноаниқ демоқч иман . Ўсма туфайли сиз ҳушингизни йўқотишингиз бу дардингизни атрофида гиларга "сотиб" қўяди . Тез- тез кўзингиз тиниб , бошингиз айланаётганлиги ҳаракат ана шу жараёнга қараб кетаётганидан дарак . Бу ёғини энди билма дим .

Салимов чуқур уф тортди.

Абдумажид ҳазин кулимсиради :

- Сизниям қийнаб юбордим- а , доктор . Майли , мен борай . Тез кунларда қ айтаман , яна ...

Абдумажид хайрлашиб хонани тарк этди ...

\* \* \*

Бу ёлғон дунёда ёлғон гапириш , ўзини ҳеч нарсадан беҳабар тутиш ки млар учун азоб . Азоб бўлганда ҳам , мислсиз азоб ...

Мирсодиқ Абдумажидни узоқдан кўриб , барчасини тушунди. Дўстини т аҳлил натижаларидан боҳабар бўлганлигини , аҳволи жуда ёмонлигини англад и , аммо унга ўзини баридан беҳабар қилиб кўрсатиш , Абдумажидга пешвоз чиқиб бор кучи билан бағрига босиш , дунёни тўлдириб овозини борича дод солиш ...- булардан ўзини тўхтатиш учун керак бўлган матонатни топиш - умр и давомидаги энг қийин ишлардан бири бўлди. Мирсодиқ бир вақтлар собиқ хотини ортидан пичоқ санчганда , лаҳзаларда бор- будидан айирганида ҳам б унчалик қийналмаган, эсанкирамаган эди. У вақтда Мирсодиқни қаддини тут иб туришга хиёнаткорларга нисбатан бўлган нафрати ёрдам берган эди...

Аммо ҳозир ... Мирсодиқ жуда абгор аҳволга тушиб қолганди. У ич - ич идан тўкилиб борар , яқин дўстига нисбатан кўнглида бўлган меҳр ва ваъфо ҳисси дилини янада қовжиратиб юбораётган эди ...

Абдумажид у билан сўрашиб кабинетига йўл олди. Мирсодиқ унга сўзс из эргашди . Абдумажид ўз жойига ўтирар экан , рўпарасидан жой олган Ми рсодиқнинг олдида бир файл қилиб йиғиштириб , тартиб билан жойланиб қўй илган таҳлил натижаларини ташлади .

Мирсодиқ бу файлни дарҳол таниди . Абдумажиднинг кўнгли учун қўлга олди, аста варақлади ... ("Ана бўлди!" Бу ёғига ҳеч нарсадан беҳабарлик томо шасини кўрсатмаса ҳам бўлади ...) Мирсодиқ кўзларини файлдан олиб дўстиг а тикди : унинг нигоҳларидан чексиз дард тошиб чиқаётган эди...

Мен кўпинча ўйга толаман ...

Дунёда пешонасига "бедаво дард" ҳукми ёзилган инсонга қийинмикан ? Ё ! Ёки уни дардини била туриб , қўлидан ҳеч нарса келмаслигини англаган ,

яқинини аста- секин йўқотишга маҳкум иккинчи инсонга қийинмикан ?! Билмадим ?!

Билолмадим ...

Кимга қийинроқ экан ?! ... Ҳаётингдаги сен учун энг азиз инсонинг кўз ўнгингда аста - секин шамдай сўниб борса- ю , сен унга барчаси ҳали ўз ўрнига тўшиши , бариси ортида қолиб кетишини, яхши кунлар ҳали олдинда эканлигини ва такрорлашини , аслида эса бу нарсани ёлғонлигини ўзинг ва уни билиб тургани ...

Бундан ортиқ азоб бормикан инсонга?

Бундан ортиқ синов бормикан инсонга ?! ...

Мен ҳали ҳам жавоб топганим йўқ ... Кимга қийин ?! Дард ҳукмини олган , яқинларидан жудо бўлишга маҳкумлигини била туриб , вақти - соати қачон битиши соатини умидсиз кутган инсонгами ?! Ё ... Ёки ночор ва забунлигидан дод демоққа ҳам ҳоли қолмай , яқинидан соат сайин тирик туриб айрилаётган , усиз дунёлари ҳувиллаб , ҳувиллаб кетишини била туриб қўлидан ҳеч бир чора келмайдиган иккинчи инсонгами ?!

Билмадим, билолмадим ...

Мирсодиқнинг бор ҳиссиётлари бўғзини олов каби куйдириб ўтди :

- Абдуууу...

Улар анчагача бошқа ҳеч нарсани демадилар . Дейишга ҳожат қолмаган ҳам эди...

Бирида юпатишга мадор, иккинчисидан уни эшитишга қувват қолмаган эди...

Анчадан кейин Абдумажид рад қилишнинг иложи йўқ оҳангидаги ялинч овозда деди :

- Ёрдаминг керак , дўстим ...

Мирсодиқ "нима ёрдам , нима учун, қўлимдан келса " демади , у :

- Эшитаман ... - деди , халос .

Шу бир оғиз ибора Мирсодиқнинг дўсти учун барисига тайёрлигини англаб тар эди ...

Барисига ...

\* \* \*

Суюмани кутиб олишга Абдумажид ва фарзандлари чиқишди ... Гарчи профессор Салимов Абдумажидга машина бошқаришдан ўзини тийиши кераклиг

ини қайта- қайта уқтирган бўлса- да , у бугун бу ишдан ўзини чеклай олмади .

Абдумажид аэропортга ўз жуфти- ҳалолини , беш йиллик умр йўлдошини , шунча йиллик биргаликда умр кечиришган бўлса-да , ҳали бирон марта қўлларини ҳам ушлашга ботина олмаган Суюмасини кутишга чиққан эди .

Суюма йигирма уч ёшга қадам қўйган эди ... Аммо шу ёшгача кўрган ва кечирганлари ҳаттоки бир инсон умри учун кўпдай дейишга арзигулик эди ...

Абдумажид эса ўттиз еттини қаршилаган эди . Унинг умри , кечмиши , ... дарди ...унга баҳо бериш учун, билмадим қанча бардош керак бўлар экан ...

Беш кун аввал , "Барини бошдан бошлайман, умримнинг давомини севгим , севгилим билан бахтнинг қўлидан тутиб яшайман"дея режа қилган инсон учун барча орзу, умидлари йўқлик қаърига йўл олса , бу ҳолни нима деб баҳолаш мумкин. Аслида баҳолашнинг иложи бормикан ?! ...

( Ҳа ! Бу ёғига фақат уч нуқта ... Кўп нуқта ... Чексиз нуқталар ...  
Бу дегани нима айтайми ?! Тўкилиб бўлдим дегани !!! )

Аллоҳим Робияни дунёга берганида , ўша вақтда шу қиз қалб қувончи , юрак малҳами эканлигини дарагини инсонлар билганларида эди.. . Ҳудди ҳозиргидагидек ...

- Аяяжоооон !- Суюмани кўриши билан Робия бор овозда бақирди , югуриб бориб ўзини аяси бағрига отди , - ўзимни аяжоним ! Сизни жудаям соғиниб кетдим . Ҳаммамиз соғиндик , акажоним ҳам , адажоним ҳам , ҳаммамиз !

Суюма Робияни маҳкам бағрига босди :

- Мен ҳам сизларни соғиндим . Ҳаммангизни соғиндим , сениям , акангниям ...

- Адажонимларни- чи ?!

Суюма Абдумажидга кўз ташлади, аммо дарров ерга қаради :

- Адажонинигниям ...

Суюма Шаҳзодни қучоқлар ва у узатган гулдастани олар экан , Абдумажидга жилмайди :

- Ассалому алайкум , Абдумажид ака?! Болалар қийнаб қўйишмадими?!

Абдумажид Суюмага бошқача назар ташлади :

- Йўқ, яхшиям шулар бор экан . Фақат сени соғиндик , халос . Қийинчилигимиз соғинганимиз бўлди .

- Ўзимниям юрагим узилиб кетди . Ҳаммангизни жуда соғиндим... ,- Суюма кўнглидагиларини изҳор этишга шошилди ...

- Аяжооон !- уйимизда-чи, россаа одам кўп ! Бувимгилар , бобомгилар , болалар... Кейин- чи амакимгилар кечқурун келишаркан ...

Суюма Робияни юзидан яна ўпди :

- Уларниям роса соғиндим, унда кетдик уйга ...

\* \* \*

Кечқурун ёлғиз қолишганда Абдумажид Суюмадан кўзларини юмишини сўради :

- Нимагааа ?! - ҳайрон бўлди Суюма...

- Хўп дегин , - деди Абдумажид унга меҳр ила боқиб ...

Суюма Абдумажиднинг бу ҳаракатларига тушунмади ,аммо қизиқиши устун келди :

- Хўп ...

Суюма кўзларини юмди .

- Энди қўлингни оч!

- Нимага ?!

- Савол берилмасин , айтганимни қилинсин !

Суюма кўзлари юмуқ ҳолда жилмайди :

- Яна битта хўп !

Суюма қўлини узатди . Абдумажид унинг ҳовучига алланима ташлади :

- Энди очавер , бўлди .

Суюма кўзларини очиб қўлларида турган калитга ҳайрон тикилди :

- Тушунмадим, Абдумажид ака, нима бу ?!

- Суюма хоним учун спарк автомобили !

- Ахир , нима .. нега ...

- Вой Суюма- ей , ахир, нима учун бўларди ! Хаммаси учун- да!

Мана ўқишинг битдими ? Битди !

Энди сен фирмамизда ишлайсан . Бизнес леди - Суюма хоним ! Қалай звучи  
ть - а ! ( Абдумажид жилмайди , кейин жиддийлашди), Суюма ! Мен ҳар дои  
м сени мустаҳкам ироданга қойил қолганман ва тан берганман . Сен мақс  
ад қилиб қўйган ҳамма ишни уддалай олишга гувоҳ бўлдим. Турмушимиз да  
вомида мен учун қанча яхшиликлар қилдинг . Бу совға мен учун қилган ях  
шиликларинг олдида ҳеч гап эмас.

Кейинги йили Робиямиз мактабга чиқади, уни мактабга олиб бориш ва  
келиш учун , кейин вақт - бемаҳал ўзинг уйингдагилар ва бизникилардан ҳа  
бар олишингни ўйлаган ҳолда шу машинани олдим . Ҳайдовчилик гувоҳнома  
сини олиш учун ўқишни ҳам гаплашиб қўйдим. Зўр гап айтайми ? У ерда На  
има ҳам ўқийдиган бўлди. Икковинглар баравар гувоҳнома оласизлар . Очиғи  
кейинги вақтларда бироз чарчагандекман . Балки , ора- орада менга ҳам ҳай  
довчилик қилиб турарсан . Хуллас гап шу ...

Менга саволлар борми ?!

- Бор !

- Э- хааа ! Бир оғиз раҳмат дейсанми десам , савол бор дейсан- а ?! Майли,  
начора савол бўлса , савол-да ! Эшитаман , Суюмахоним , қулоғим сенда !

- Абдумажид ака?! Айтинг- чи ?!

- Нимани айтишим керак ?!

- Айтинг- чи , сиз инсонмисиз ёки фаришта ?!

Суюма Абдумажидга тикилиб қолди . Абдумажид кўзларини олиб қочди  
, секин жавоб берди :

- Инсонман , оддий бир инсон ...

Суюма тўлқинланиб гапирди :

- Йўқ , сиз фариштадек бир инсонсиз . Сиз каби инсонлар Аллоҳимнинг марҳ  
аматидирлар... Тақдир йўлимда сизни учраштиргани , сиздек инсонга рўбаро  
қилганлиги учун ...,-Суюманинг бирдан сўзи бўлинди , - Вооой , Абдумажид ака!

Бурнингиз қонаяпти ...

\* \* \*

Абдумажид кўп ишларга улгуриш учун шошилар эди . Шунда билдики , бу дунёнинг ишларининг ўзи бир дунё экан.

У энг аввал барча ишни фирмани бошқарувчилик ҳужжатларини Суюманинг номига ўтказишдан бошлади. Мирсодиқ ҳар доим унга кўмакчи бўлиш и учун ,унга ҳам ўзига билинтирмасдан тегиш ажратди .

Орада Мирсодиқ иккиси профессор Салимовнинг клиникасида биринчи кимё терепия муолажаасини олиб келишди. Абдумажид кимё муолажалари тўғрисида нотўғри тассаввурга эга эканлигини шунда билди . Начора "Бошга тушганини кўз кўраверар" экан- да . У муолажаа жараёни узоқ ва оғриқли бўлса керак деб ўйлаган эди. Аммо профессор кичиккина кўринишидан нарвонга ўхшаб кетадиган шприцда дори билан эмлаб "Мана бўлди" деганида ҳайронлиги анчагача тарқалмади .

Профессорнинг дастлабки муолажасидан кейин Абдумажид ўзини бир оз тетиклашгандек сизди . Кейинги вақтда кам қувват бўлиб , салга тер босиб кетаётган вужудига куч қўйилгандек ҳис қилди ўзини ... Аммо ... Эртаси куни кўнгли қаттиқ беҳузур бўлиб , мазаси қочганида Суюмага изоҳ беролмай ва б аҳона кўрсатолмай янада қийналди. Бир ҳафта ичида қуюқ ва қалин сочлари дувиллаб тўкилишга тушганда юрагини ҳовучлаб қолди . Абдумажидни биргина нарса қийнар эди , у ҳам бўлса касалини яна қанча яшириб юра олиши ...

Касални минг яшир , иситмаси ошкор қилар экан ...

Бир куни ювиниш хонасига кириб кетган Абдумажиднинг нонушта учун дамланган чой совиб қолгунича ҳам чиқмагани Суюмада ҳавотир уйғотди . У хона эшиги ташқарисидан Абдумажидни икки- уч марта чақирди . Кўнглидаги ҳавотири ғулғулага айланган Суюма Шаҳзод ёрдамида эшикни бир амаллаб бўзиб киришди:

- Абдумажид акаааа !

Абдумажиднинг қўрққани ошкор бўлди ... Атрофдагилар унинг тўсатдан тобини қочгани , икки соатда ҳам ҳушини ўзига келмаганлиги , мазаси бўлмаганини эшитган акаси ва укасининг зудлик билан етиб келиб шошилиш тез тиббий ёрдам марказига олиб кетишмоқчи бўлганларида ... эшикдан Мирсодиқнинг ўқдек учиб келгани ... дўстини дарҳол профессор Салимовнинг ҳузурига олиб югургилагани ... барчаси - барчасини ошкор қилиб қўйган эди ...

Абдумажид ичкаридалигида унинг акаси ва укаси Мирсодиқнинг ёқасига ёпишдилар : "Нега бизни боҳабар қилмадинг ?! Биз қўл қовуштириб ўтирма

с эдик ..."

Мирсодиқ жавоб бермоқчи бўлиб лаб жуфтлади ,аммо гапира олмай йиғлаб юборди . Кўз ёшларидан уялмай йиғлади . Унинг бор исёни , ожизлиги , дардлари ҳаммаси шу йиғисида жавоб бўлиб кўзларидан отилиб чиқди , а ранг "ўзи истамади , ўзи истамади касалидан ҳабардор бўлишингизни" деди-ю , костюмининг ён чўнтагидан букланган қоғоз чиқариб Абдумажиднинг ака сига тутди .

Унда Абдумажиднинг барча текширув ва таҳлил натижалари онлайн тарзда Исроил давлатининг айнан шу касалликни даъволашга мўлжалланган энг нуфузли тиббиёт марказига юборилганлиги ва у ердан келган хулосасининг жавоби турар эди. Хулоса уч - инглиз, рус, ўзбек тилларида юборилган эди .

Абдулазиз қоғоздаги хулосани ўзбек тилидагисига кўз югуртирди :

Бемор Абдумаликов Абдумажид Мусахонович , 37 ёш ...

...

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги хулосани берамиз :

1. Бемор бош мия қисмидаги ўсма хавфлилиқ даражаси бўйича энг юқори ўринни эгаллаган.
2. Беморнинг бош мия соҳасида жарроҳлиқ амалиёти ўтказилиши , уни мазкур амалиётдан ҳаётга қайта олишига кафолат бера олмайди .
3. Беморга кимё-терепия муолажааларини давом эттириш тавсия қилинади .
4. Беморда касаллик аниқлангандан бошлаб қилинган муолажалар тўғри йўналишда олиб борилган.

Экспертлар : Девид Браун ,  
Абраам Ахнашини , Нора Мур ва бошқалар ...

Абдулазиз қоғозни чангаллаганча унсиз қотди . У тақдирнинг бешафқат туҳфаси олдида эс- ҳушини йўқотиб қўйган, ҳаёти энди бир маромга тушган , юзига қизил югуриб , лабларига табассум қўна бошлаган укаси учун куйиб кетаётган эди.

Абдулазизнинг зумда елкаси букилди . Сал аввал Мирсодиқни бефарқлиқда айблаган кўнгли ўзини ундан- да нотавонлигини тан олар , аммо ҳозир бунга ортиқча аҳамият Бермас, бор фикри - зикри укаси, жигарбандида эди ...

Абдумажиднинг укаси эса аллақачон чорасизлигини тан олган, ўзини умидсизлиқнинг энг чуқур чоҳига қулаган инсон каби ҳис қилаётгани юзига инқурган ғусса тўрида манаман деб намоён қилиб турар эди .

Суюма улар билан бирга касалхонага келган эди . У даставвал ҳеч нима га тушунмади . Тушунганда эса...

Юрагида нимадир "чирт" этиб узилди . Ўша нимадир дунёни кўзига тор қилиб юборди. Дунё шунчалик сиқик бўлди-ки, нафас олишга мажоли қолмади. Бўғилиб кетганидан пешонасига дувиллаб тер тепчиди.

Қуёш чиқиб турса- ю, атроф зим- зимистонга айланса.  
Бўлиши мумкин эмас- а ?!  
Бўлар экан...

Суюма атрофга боқар , асабий ҳолатда қўлларини бир - бирларига пахса қилаётган қайноғаси , қайниси , ҳудди ўлим ҳукмини олган каби умидсиз Мирсодиққа қарар эди- ю, аммо қулоқлари ҳеч нимани эшитмас эди.

Суюма бирдан дунёни Абдумажидсиз тасаввур қилиб кўрди...  
Йўқ !  
У дунёни Абдумажидсиз тасаввур қила олмади! У Абдумажиднинг хонадонига аёли сифатида қадам босган кунидан шу кунгача , шу соатгача ўтказган дақиқаларини зумда қайтадан яшаб чиқди.

Шунда ...  
Абдумажид унинг учун керагидан ҳам ортиқ керак инсони бўлиб улгурганини дилдан тан олди.

Тан олган заҳоти "Абдумажид акаааа..." деб базўр шивирлади . Аммо овозини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади .

Суюма гурс этиб йиқилганидагина гўё уни борлиги эсга тушиб қолгандек ,чоп- чоп бўлиб кетди ...

Кун пешиндан оққанида улар уйга қайтишди. Болаларни қўшни келин уйига олиб чиқиб кетган эди . Суюма келинчакка раҳмат айтиб, уларни дарро в уйга қайтиб олиб чиқди.

Мирсодиқ йўлакай ишхонада қолган, Абдумажиднинг акаси ва укаси улар билан бирга қайтишган эди . Суюма уларнинг ёнига кирмоқчи бўлди ,аммо Абдумажиднинг акасига гапираётган гапини эшитиб остонада тўхтади :

- Ака , илтимос уларга айтманг. Мен буни истамайман. Рост истамайман.

Ака сўзга киришди, аммо уни сўзлари гапиришдан кўра кўпроқ инграётганга ўхшар эди :

- Абдумажид, улар сенга ота- она эканликлари қанчалик ҳақиқат бўлса, бу ... дард тўғрисида билишга ҳам шунчалик ҳақлидирлар . Бугун аҳволингдан воқиф бўлиш бизга қанчалик аламли бўлса , бу ҳақида адамлар ва ойимларга айтиш шунчалар азоб . Илтимос , нима қилишни ўзимга қўйиб бер. Мен ҳаммасидан ҳам ҳозир ёлғиз қолишни ва барчасини бошидан ўйлаб олишни истайм



ан .

- Акааа...

- Эштаман , жигарим ... Эштаман ...

- Мен сизни ва укамни жуда яхши кўраман ... Майли , нима қарорга келсанги з мен рози ...

- Абдумажид, ҳеч нарсани ўйлама. Худо ҳоҳласа кўрмагандек бўлиб кетасан. Насиб этса кейинги ёз қизим Сабоҳатни узатамиз, кейин Соҳибага навбат кел ади. Ундан кейин Шаҳзодимизни уйлантирамиз , барчасини бошида биз билан ...

Абдулазиз Абдумажидни ухлаб қолганлигини сезиб , укасига имо қилди " кетдик" ...

Улар остонада Суюмага дуч келишди :

- Келин , биз кечки пайт яна бир хабар оламиз ..

\* \* \*

Абдулазиз кеча хуфтондан кейин бор гапни ота- онасига айтганди. Гар чи етказган хабари уларни тириклайин ... гўрга олиб бориб тиқиш билан бар обар бўлса- да ... барини айтишга мажбур бўлган эди.

Ёёёёё , Аллоҳ !!!

Қадимгилар "Отам десанг отамлатгин , бўтамлатма !!!" дея бекорга бўзл ашмаган экан !

"Ўғилларимни уйлаб- жойлаб бўлдим, бир пиёла чойимни оёғимни узати ииб хотиржам ичаман " деган бу икки қариянинг бошига қиёмат вақтидан о лдин келгандек бўлди гўё...

Мусахон ака хабарни эшитгач бир чайқалди ... Индамади ... Аста ичкари га йўл олди ...

Абдулазиз отасидан хавотир олиб уни ортидан бориб жойнамоз устида топди . Отаси сажда ҳолатида бошини жойнамозга қўйганча ... дир- дир қалт ираб йиғлар эди ..

Абдулазиз отасига индай олмади . Нима ҳам дер эди , ахир ? Бунақа п айтда айтилиши керак бўлган "Сабр қилинг?!" иборасини айта оларми эди ?! Абдулазиз отасининг бошида тик турганча йиғлайверди ...

Шу пайт онаси Дилбар опанинг шижоатга тўла қатъий овози ҳавони

кесди :

- Йўўўқ !!!

Ҳеч кимнинг йиғлашига йўл қўймайман !  
Эшитяпсизларми , ҳеч кимнинг !!!

Дилбар опа титраб - қақшаб, алам билан фиғон чекар эди :

- Болам ҳали тирик!  
Аза очманг унга !  
Аза оча кўрманг !

Дилбар опа ўтириб қолди, кейинги сўзларини инграб давом эттирди: -  
Адасиини , бизни бу аҳволда кўрса ... у ... Абдумажид ... болагинам ... қанақа  
қийналишини биласизми ?! Бор - йўқ умидидан ҳам мосуво бўлишини англа  
маяпсизми , жон адасиини ...

Дилбар опа ҳаммага бас келди !

Барчани ўзини қўлга олишга буюрди !

Қайси бирининг кўзида бир томчи ёш кўрса рози эмаслигини айтди !

Ундан кўра дуо қилишларини сўради ...

Дилбар опа барчани ўз ўрнига ўтказиб қўйди. Ҳаммага вазифа тақсимлад  
и ... Эрталаб йўлга тушишларини айтди ...

Дилбар опа таҳорат янгилаш учун жаҳд билан ювиниш хонасига йўл олд  
и . Эшикни ичкаридан қулфлагач ... Унга суянган куйи ерга сирғалиб тушди ...  
Кўзларидан икки томчи олов сизиб чиқди. Бўғзини бир оғиз чўф- сўз куйд  
ирди ...

- Болааааммммм .... Онанг ўлсин , болааааммм... Онангинанг ўлсиин...

\* \* \*

Эртаси куни сахардан Абдулазиз Мусахон ака ва Дилбар опаларни бо  
шлаб келиб қолди . Уларни кутиб олган Суюмани ўпкаси тўлиб турганини кў  
рган Дилбар опа уни бағрига қаттиқ босди :

- Қизим , - деди шивирлаб , - кучли бўл! Кўз ёшингни кўрсам, сени болам дем  
айман! Эшитдингми мени ?! , - Дилбар опа Суюмани ўзидан итариб кўзларига

қаттиқ қаради , - Тушундинг- а ?!

Суюма қайнонасига анграйиб қаради . Гарчи кўп нарсани тушунмаган бўлса ҳам , шундай қилиш кераклигини , шунга мажбур эканликларини тушунди, бошини сўзсиз силкитиб "ҳааа" ишорасини берди ...

Ота- она дарров Абдумажиднинг ёнига шошилдилар .

Абдумажид кечаси билан ҳар хил ҳаёлда мижжа қоқмай тунни ўтказган, субҳидамга яқин кўзи илинган эди . У ота- онасини шарпаларини сезиб кўзини очганда тонг ёришиб кетган эди ...

Абдумажид ота- онасига ювиқсиз юзи билан кўринишга ийманиб кетди, аммо "Хонадан чиқиб туринглар " дейишга бети чидамади . Шунда ҳам узрли жилмайишга ўзида куч топди :

- Мен ҳозир юз - бетимни чайиб олай.

Шундагина Дилбар опа ва Мусахон ака "қовун туширганликларини " пай қадилар . Улар ўғилларининг ётоқхонасига бостириб кира оладиган ота- оналар тоифасидан эмасдилар , аммо вазият барини издан чиқариб юборган эди.

- Биз сени меҳмонхонада кутамиз... Бўлақол, болам...,- Дилбар опа ўзини ҳеч нима билмаганга солди ...

Суюма бир зумда нонуштани тахт қилиб қўйди . Дастурхонга адажониси ва ойижониси олиб келган қайноққина патир, банкадаги қаймоқдан ҳам солиб киришни унутмади ...

- Ассалому алайкум , ада...

Ассалому алайкум , ойи ...

Ота- онаси ўғлининг қони қочган юзига , кўзларининг остидаги салқиб, кўкариб қолган остки қобоқларига кўз ташлаб юрагига боғланган қон томирлари бир - бир узилди ... Аммо сир бой бермасликка ҳаракат қилдилар ... Шунга мажбур эдилар ...

Дилбар опа эрига қараб гапира ололмаётганлигини сизди , вазиятни ҳар доимгидек ўз қўлига олиши кераклигини тушунди :

- Болам , - деди у алик олгач , - ҳа , нима тўпалонлар қилиб юрибсан ?!

Абдумажид онасининг муомаласидан кўнгли жойига тушди , "хайрият,- деб ўйлади кўнглида , - акам анча юмшоқ, ҳавотирга ўрин қолдирмайдиган қил

иб тушунтирганлар чоғи " :

- Ҳеч гап йўқ , ойи . Озроқ қон босимим ошганми дейман . Аммо ҳозир яхш иман...

- Ҳа , ҳозир шунақа ёшдасан- да болам. Бўлиб туради . Озроқ дам олсанг , ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасан. Мана биз ҳам аданглар билан шу баҳона "Бир ота- оналигимизни ҳис қилайлик" деб сеникида озроқ муддат меҳмон бўлишга келдик.

- Заб яхши иш қилибсизлар. Ана бўларкан- ку шунақа келиб турсангизлар , ойи. Нима албатта касалман деб баҳона қилишим керакмиди ?!

- Йўғеёй , кеча биийр ўйлаб қолдим. Бундоооқ ўйлаб қарасам , Суюмага қайн оналик қилмаган эканман . Шу эсимга тушиб қолди . "Қаний , келингинам ўнг қўлларини ўйнатиб , чап қўлларини яйратиб бир ҳизматимизни қилсин- чи ?!" деб адангларниям кўярда - қўймай етаклаб келавердим.

- Ойижон , кўнглимиздаги орзуимизни топибсизлар . Суюмани ўзи ҳам "Ойижон билан адажон биз билан ора- орада бир - икки ҳафта яшаб туришса бўлад и- ку" дерди.

- Биз бир - икки ҳафтамас , насиб қилса кўпроқ қоламиз .

Ииии келинпошшани ўзлари қанилар ?! Суюма , болам қаердасан ?!

Ташқаридан "Ҳозиир " деган овоз келди . Зум ўтмай Суюма лаганчада ҳовури чиқиб турган сомса кўтариб келиб қолди:

- Адажон яхши кўрадиган қовоқ сомса ... - деди у сомсаларни ликобчаларга тақсимлаб берар экан ...

Нонуштадан кейин Абдумажид ишга отланди . У Суюмага "Борасанми ?!" дегандек қараганда Дилбар опа ҳушёрлик қилди :

- Кўз уриштирмасдан , марш ишларингга . Уйда мен , аданг , Робия қизим ўзимизни зериктирмаймиз . Айтганча , Шаҳзод қани ?!

- Уни дарслари тушдан кейин , шунга ҳали ...

- Ҳа бўпти , қани овмин, ой бориб , омон келинлар...

\* \* \*

Абдумажид билан Суюма отланиб ишга кетишгач , Абдулазиз яна келиб

қолди.

Унга бир чойнак қайноқ чой дамлаб келган Дилбар опа дашном берган бўлди :

- Ўғлим, ҳа деса бунақа ликка- ликка келаверма . Икки, уч кунда бир кўринсанг ҳам бўлади . Бўлмасам укангни кўнглига ғулғула тушиб қолиши мумкин ...

Абдулазиз айбдорона бош эгди:

- У бу нарса керакмикан девдим- да, ойи...

Дилбар опа ўйланиб қолди :

- Болам, бўлмаса менга қассоб оғайнинг Улуғбекдан иккита молни тилидан олиб келасан, яна яхши жигаридан ҳам .Турли хўл меваларидан ассортимент қилиб келтирарсан. Ундан кейин сувли ширин олмадан бир яшик ... Мен ҳозир

- Қаерга ойи?!

- Озроқ пулим бор эди олиб чиқай...

Абдулазизнинг чакка томирлари ўйнаб кетди ...

- Ойиииии - деди у асабий ҳолда - нима деганингиз бу ?! Сўраган нарсаларингиз от билан туямас- ку?!

- Ҳа энди, болам ўзинг ҳам жўжабирдек жонсан... Ҳарна дегандим ...

Шу вақтгача гапга аралашмай жим ўтирган Мусахон ака Дилбар опага қараб гапирди:

- Ойиси , қўявер . Уям укаси учун нимадир қилгиси келаяпти ахир ... Яхшиси ўғлингни дуо қилгин .

Суюма кечга яқин минг ҳижолат билан ишдан қайтганида , уйдаги маъназадан таажжубга тушиб қолди .

Дилбар опа бир дунё иш қилиб ташлабдилар . Улар Абдулазиз олиб келган "мол тилини" майда банкахаларга тўғраб солиб , унга зираворларни аралаштириб манти қасқондаги сув бўғида олти соатдан ортиқ қайнатиб консерва тайёрлабдилар .

Иккита тил алоҳида ажратилиб қўйилибди :

- Суюма, мана бунисини фақат Абдумажид учун иситиб берасан.

Сабаби молнинг тилидаги қон кўпайтирувчи фермент тилнинг айнан қайси нуқтасида жойлашганлигини ҳеч ким аниқлай олмаган экан. Шунинг учун бит

та тилни битта инсоннинг ўзи ейиши керак дейишади. Мана бу иккинчисидан  
и фермент кимга насиб қилса толъедан. Абдумажидга ҳамроҳ бўлсин деб қо  
лганларга ҳам пиширақолдим . Кечқурунга чучвара тугиб қўйдим. Сардаги қ  
озонда. Яна олма шарбати . Жуда ширин ва қуюқ бўлиб кетди . Озроқ қайна  
ган сув чапиштириб берарсан. Яна...

- Ойижон ... , Суюма музлатгични очганча яна нималарнидир тушунтиришга чо  
ғланган қайнонасини ён томонидан қучоқлади. Томоғида тиқилган алланима  
туйғуларини ифодалашга ҳалақит берар эди , аммо барибир кўнглидагини айт  
ишга ҳаракат қилди , - сиз бўлмасангиз ... нима қилар эдим ...

Дилбар опа сукутга чўмди . Юз - кўзидан унга жуда оғирлиги , дилини  
тирнаётган алам, изтироб юрагини еб битираётганлиги юзига қалқиб чиқди ...  
У саноқли дақиқаларда ўзини қўлга олди :

- Суюма , қорним очиб кетди. Тезроқ чучварани тайёрлаб юбор...

Суюма унинг овозидаги дарддан юраги эзилиб кетди , аммо қайнонаси  
га муносиб келин бўлишга интилди :

- Хўп бўлади , ойижон ...

Кечки овқат вақтида Дилбар опа телевизорни ўчиртириб қўйди :

- Овқат сизларни еб қўймасин , - деди қисқа қилиб ...

Кеч тушган сари Суюманинг бошида битта муаммо айлана бошлади "Қ  
айнона - қайнотасига Робия билан ухлашини қандай тушунтиради ?!" Унинг ж  
онига болаларнинг ўзлари оро кириб қолишди :

- Мен бобом билан ётаман, майлими ? - деди Шаҳзод ўтиниб сўраган оҳангда .

- Мен эса бувижоним билан, улар менга "Ёрилтош"ни айтиб берадилар , - деди  
эътироз Робия қолдирмайдиган оҳангда .

- Майлику-я, биз бомдодга турганда сизлар безовта бўлмасанглар бўлгани ...

- Унда биз ҳам намоз ўқиймиз , - деди Робия эркаланиб .

Суюма қайнотаси ва қайнонасини болалар хонасига жойлашишларига ё  
рдам берди. Барча ишлар битганида ўзининг жуда силласи қуриб кетганлигин  
и сезди . Сезгир Дилбар опа буни дарҳол пайқади:

- Болам, сен ҳам дамингни олақол , кун бўйи тик оёқдасан ...

- Хўп , ойижон . Яхши ётиб туринглар ...

Суюма ётоқхонага кирганида Абдумажид бир текис нафас олар , афти дан ухлаб қолганига анча вақт бўлган эди .

Суюма уни уйғотиб юбормасликка ҳаракат қилиб , оҳиста ерга жой со лди ... У бошини ёстиққа қўяр экан гарданига тушган яна бир синов олдида ўзини жуда ночор сизди . Хўрлиги келиб кетди. Суюма лабларини тишлаб олг анча кўз ёшларига эрк берди . У уйқуга кетганида ёстиқнинг у бош қўйган ўн г тарафи хўл бўлиб кетган эди...

Ойнинг охирига бориб Абдумажид иккинчи кимё - терапия муолажаасини қабул қилди . Шунда Абдумажиднинг бирдан аҳволи оғирлашди. У қадам бо сса боши чирпирак бўлиб қаттиқ айланар , юраман деганда шу даражада ча йқалар эдики , уч- тўрт одимда йиқилиши аниқ бўлган ҳолга тушди. Кимё- те рапияси уни ташқи кўринишини ҳам ўзгартириб юбора бошлади. Унинг, ушбу муолажаадан кейин уч ҳафталар ўтгач, сочлари деярли тўкилиб битди , борла ри ҳам оппоқ бўлиб оқариб кетган , ёш боланинг укпардек сочларига ўхша б бошида шамол ўйнагани каби енгил учиб- учиб қўяр эди .

Мусахон ака ва Дилбар опа ҳамон далда беришга ҳаракат қилишар , а ммо бу айтишгагина осон эди , ҳалос ...

Ва ниҳоят ...

Касаллик маълум бўлганлигининг олтинчи ойига бориб ...

Кимё муолажасини учинчи бора олгач , Абдумажид барисини бўйнига о лди. У ўлимини кута бошлади. Нима ҳам қилиши керак эди , ахир ?! Бошқа иложи, бошқа чораси , бошқа умиди қолмаган бўлса !!!

Унинг кўнгли тинмай беҳузур бўлар , танасидаги ўзгаришлар туфайли т ишлари қимирлаб , фақатгина суюқ овқат ичишга маҳкум бўлиб қолган эди.

Суюманинг ишга бормай қўйганига уч ой бўлган, уззу- кун Абдумажидн инг ёнидан жилмас , уни едириб - ичирар , оқ ювиб , оқ тарар эди .

Абдумажид ўзини поклашга ҳам қуввати кела олмай қолган чоғида акас и билан укаси уни ювинтирамиз деб келишганларида Суюма индамади , амм о бор туғёнини кўзларига жамлаб уларга шундай тикилди- ки , ака ва уканин г иккинчи бор бу ҳақда оғиз ҳам очишга ҳоллари келмади .

Бошида Абдумажид Суюмага қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлди , унга бу ишл арни бажариши ўзи учун малоллигини беҳол ва базўр тушунтира бошлаганид а Суюма уни оғиз очгани қўймади ... Абдумажид ётган ерига тиз чўқди ва уз оқ йиғлади...

Айтиб , айтиб йиғлади...

Ёлвориб йиғлади...

Жуфти - ҳалоли сифатида шугина ҳаққини сўради...

Суюма ўзи ҳам йиғлади, абгор- у, забун бўлиб ётган Абдумажидни ҳам йиғлатди ...

Суюма ярим кечаси Абдумажидни қўлтиғига кириб , ювиниш хонасига б азўр олиб борди . Абдумажид ваннага ҳам туша олмас , бунга ҳоли ва мадор и қолмаган эди . Шу сабабли Суюма ўртага стул қўйиб Абдумажидни ўтказд и ва кийимларининг устидан сув қўйиб ўзи поклай бошлади ...

У шилқиллаб қолган, аъзои баданидан дори ҳиди анқиб кетган жуфтини авайлаб ювинтирди , ардоқлаб ювинтирди . Уни амаллаб артинтирди , устиг а катта халат ташлади . Кейин ювинганидан кейин бадтар бўшашиб кетган А бдумажиднинг яна қўлтиғига кириб олиб бориб ўрнига ётказди.

Суюманинг ярим кечада ўз жигарпорасини инқиллаб олиб юрганини чи роғи ўчиқ дераза ортидан кузатиб турган Дилбар опа йиғлайвериб пишиб кет ган, иложини топса- ю , югуриб бориб Суюманинг қўлларида ўпсам деган ха ёлда бағри - дили хун бўлиб кетган эди...

Беқувват бўлиб қолган Абдумажид учун шугина ювиниш ҳам жуда оғирл ик қилиб кетди . У жойига чўзилар экан , "Ўзингга шукр" деди- ю , зум ўтмай уйқуга кетди . Суюма унинг ухлаганига ишонч ҳосил қилгач , хонадан оҳиста сирғалиб чиқди- ю , ювиниш хонасида қолган кирларни чайиб келди. Қайтиш да оқшом чоғи Абдумажиднинг юрагига қувват бўлсин деб дамлаб қўйган тур шак сувини каттароқ чойнакка солиб ола келди.

У хонага киргач , чойнакни тумбани устига овоз чиқармай қўйди , сўнг бориб ўрнига секин чўзилди . Шу пайт Абдумажид ётган ётоқ ғирчиллади :

- Суюмааа, - деди Абдумажид шивирлаб .

Суюма дарров сергак тортди :

- Абдумажид ака , бирон нарса керакми ?! - сўради ёстикдан дарҳол бошини кўтарганча , - Чой олиб берайми ?! Ёки туршакни сувиданми?!

- Майли , ҳоҳлаганингни берақол...

Суюма туршакни сувини танлади..."Ҳарна юракларини ёнганини босади " деб ўйлади у ва узун бокалга шарбатдан қўйди . Унга резина найча тушири б Абдумажидга олиб борди.

- Абдумажид ака , мана шу орқали ичақолинг , осонроқ бўларкан...

Абдумажид Суюманинг айтганини қилиб , шарбатни охиригача ичди



- Раҳмат , - деди аста шивирлаб , - сувдек сероб бўлгин...

Суюма бокални тумбани устига олиб бориб қўйди . Жойига қайтди . Ўрнига чўзилди .

- Суюмааа ... , - шивирлади Абдумажид.

Суюма бошини яна ёстиқдан узди :

- Лаббай, Абдумажид ака...

- Шу ердამисан ...

- Ҳааа , ёнингиздаман ...

- Суюма , негадир сен билан гаплашгим келиб кетаяпти ...

Суюма ётган жойидан қўзғалди. Ўтирган куйи тиззаларини қучди:

- Эшитаман , Абдумажид ака...

Абдумажид сокин овозда оҳиста сўзлай бошлади:

- Суюмааа ... Мен сени қачон яхши кўриб қолганлигимни билмайман ... Балки буни тарихи жуда узундир ... Илк бора ойим сени Робияни туғруқхонадан онаси ўрнида она бўлиб олиб чиққанингни айтганларида сендан жуда миннатдор бўлган эдим ... Кейин эса мурғак танангга қизимни ҳеч кимга бермай ёлғиз ўзинг парваришлаётганинг , жуда - жуда қийналаётганинг ҳақида эшитдим. Ўшанда сендан янаям миннатдор бўлдим .

Эсингдами?! Робияни тўрт ойлик бўлганида ари чақиб олгани?! "Поччаааа , Робиии ўлиб қолади" деб додлаганларинг, ўзингни тўрт тарафга отиб оҳ чекканларинг... кўз ўнгимда ҳали ҳам шундоқ турибди . Балки ўшанда илк бор сен ҳақингда ўйлаган бўлсам керак . " Бу қизнинг менга қилган яхшилигини қандоқ қайтарар эканман , умуман бу саховатнинг қайтаришни иложи бормикан ўзи ?!" деганларим рост эди аслида ...

Кейин ... Робиянинг тили "ая" деб чиқди . У сени ая деб атади ва шу орақали иккимиз ҳам ўз ҳукмимизни олдик. Сен яна ҳар сафаргидек ўзингни биз учун қурбон қилдинг . Менга турмушга чиқишга розилик билдирдинг.

Унгача ... Унгача муштакдек бошингга мени деб , Робияни деб , қилган яхшилигингни деб , чин инсон бўлганингни деб эшитмаган таъна , ёғилмаган маломат қолмаганлигидан хабарим бор ... Одамлар "Робияни ҳақиқатда сен туққан, опанг эса шу инсонни кўтаролмай ўзини ўлдирган" дейишдан ҳам тойишмаганлигини биламан. Сен эса ... Сен эса ... Шундаям йўлингдан қайтмади

нг. Робияга бўлган муҳаббатинг заррача бўлсин сўнмади ... Одамларнинг гап-сўзлари сени синдира олмади. Қайтага ироданг борган сари мустаҳкамланаве рди ... Балки... Балки ўшанда сени яхши кўра бошлагандирман...

Суюмааа... Менга турмушга чиқиб бирор марта таъна қилмадинг - а ?! "Сизни деб , сизларни деб ўз турмушимни ўзим қуролмадим , ўзим истаган йигитни танлай олганим йўқ" демадинг- а ...

Мен эса доим шундан қўрқиб яшадим. Ҳаётингга , кўнглингга тўғаноқ бўлганлигим учун ўзимдан қанчалар нафратланганлигимни билсанг эди ...

Бир куни ... Бир куни тушликка деб уйга қайтганимда ... сени рақс тушаётганлигингни кўриб қолдим. Сен рақс тушиб шунчалар ўксиб йиғлар эдинг- ки , ўша куни дунёга келганим учун , сени дилингни нимталаганим, пора- пора қилганим учун , бариси учун ўзимни шу даражада айбдор сездимки...

Эээээ , Суюма ... Кўрик- танловда ҳам зални тарк этганимни сабаби шу эди . Мен сени йиғлаб ижро этадиган рақсларингга тоқат қила олмаслигим , уни кўргач тутдек тўкилиб ер билан битта бўлиб тўкилиб кетишимни яхши билар эдим...

Билмадим...

Билмадим роллар қачон алмашди ?! Қачон мен сени қиёфангда , тимсолингга опанг Райҳонни кўра бошладим?!

Бунга аниғини айта олмайман. Аниқ билганим шу бўлди-ки, сенинг ёнингдаги ағина ҳаловат , ҳузур топа бошладим. Мен сени чиндан севиб , суйиб қолгандим.

Ва !

Ва бундан даҳшатга тушдим... Қаттиқ ўртаниб кетдим ! Мен Райҳонни руҳи олдида ўзимни чексиз айбдор ҳис қила бошладим, гўёки уни хотирасига оёқ босгандек ўзимни мунофиқ сездим. Ана шу туйғулар сизга барини тан олишимга , сени яхши кўришимни айтиб иқрор бўлишимга моънелик қилди... Кунлар , ойлар , йиллар шу зайлда ўтди...

Мен ҳисларим устидан ғалаба қозонганимда , ҳамма каби ожиз бандга эканлигимни , ҳаётда севиш , севилиш каби туйғулар Яратганининг ана шу банд аларига тортиқ этилган буюк марҳамати эканлигини англаб етганимда , кўнглимни сизга очиб ташламоқчи бўлганлигимда ... кеч бўлган эди ...

Кеч қолган эдим ...

Суюмааа , биламан Абдумажид акам нега айнан ҳозир ушбу гапларни гапиряпти дерсан ...

Илтимос , сўзларимни бўлмай тингла ... Кўриб турибсан... Умримнинг шом ва яқинлашиб қолди ... Қуёш каби ботишимга кўп вақт қолгани йўқ .. Мен яна қанча яшайман , бир соатми , бир кунми , бир ҳафта ёки бир ойми ?!! Билмайман. Бу Яратганининг ўзигагина аён бўлган ғайб илми ахир. Аммо ... Аллақачон атрофимда қандайдир кўзга кўринмас нозик ҳилқатларнинг қанот қоқишларидан ҳосил бўлган энгил шабадалар эпкинени сеза бошлаяпман... Ҳис қил

а олаяпман. Буларнинг бари интиқоимнинг яқин эканлигидан дарак бериб турмоқда ... Шу боис дилимдаги барча туйғуларимни сенга тўкиб - сочишни истайман . Кўнгил кечинмаларимнинг ҳаммасидан хабардор бўлсанг дейман ...

Суюма... Мен "Болаларни сенга топширдим , яхши қара , оҳига озор берма" демоқчи эмасман. Бундай десам бориб турган гумроҳ бўлиб қолишим тайин. Нега дейсанми ?! Негаки , дунёда менинг болаларим учун ўз жонини фидо қилган ва қиладиган сендек бошқа иккинчи инсон топилиши қийин...

Бунга юз фоиз аминман... Сен туфайли ўғлимдан ҳам, қизимдан ҳам кўнглим хотиржам ... Мен мудом борингга шукр , сени менга муносиб кўрган Аллоҳга беадад шукр қилиб келганман...

Бундоқ ўйлаб қарасам , шукр қилгувчи нарсаларим шунчалар беҳисоб экан-киии...

Профессор Салимовнинг айтишлари бўйича мендаги ҳасталик танамга жуда кучли оғриқ бериши керак экан ... Аммо не ажаб ... Аллоҳнинг қудратини қарагин ... Менда бошимнинг айланишидан бошқа айтилган азобли дард сезилаётганлиги йўқ ... Жисмим ва руҳим гўё арғамчи учаётган ҳолатга тушиб қолгандек... Ҳатто дарддан ҳузур туяпман десам, мени эшитганлар бошқа ҳаёлга боришлари тайин ... Аслида ҳам шундай- ку...

Суюма , аданглар , яъни адамлар сени " Икки дунё саодатини кўргин , қизим" деб дуо қилганларида доим ҳайрон бўлар , ҳайратга тушар эдим...

Ҳар доим "Инсон учун чин саодат фақатгина у дунёда бўлади- ку ?!" деган мурожадага борар эдим . Бугун эса ... бу дунё саодати сирининг нима эканлигини билгандекман ...

Бу умр йўлларида ўзинг учун яқин кўнгилдош топишинг , дилга яқин дилдошингни ютуқларидан қувона олишинг , ҳоҳлаган вақтингда кўра олишинг , суҳбатлаша олишинг , кулганда кулиб , ҳатто йиғлаганда қўшилиб йиғлай олишинг ҳам билсанг чин саодат экан ...

Суюма , мен Аллоҳнинг шунчалик суюкли бандаси эканман- киини ... У мени бир эмас, икки бор энг олий неъмат - муҳаббат билан сийлади . Биласанми , битта кўнглимга икки бирдек муҳаббат қандай сиғиши мумкин эканлигига ўзим жуда ажабланаман... Аллоҳим дунёдан ўтсам ҳам мукофотлашини биламан. Ахир мен унинг яратган бандасиман . Банда эса доим Қодир Эгам тўғрисидаги гумонига қараб ажрланади. Менинг эса унинг тўғрисидаги гумонларим энг олий ва умидбахшдир ... Мен Яратганнинг даргоҳида Райҳонни учратишдан умидворман ... Учрашганимда эса унга айтарларим жуда кўп ...Энг биринчи ва асосийси албатта сен ҳақингда бўлади...

Мен Райҳонга айтаманкиини ...

"Райҳон дунёда шундай бир қиз борки, унга тенг келадиган иккинчи инсон бутун ер юзида йўқ, у қиз сенинг синглинг - Суюма..." дейман ...

- Абдумажид акаааа ...

Суюма дардли ингради , - бўлди Абдумажид акааа , толиқиб қоласиз ...

- Хўп ,Суюма , хўп ... Фақат охирги гапимни тугатиб олай ...

Суюма индамади ... Кўз ёшлари юзига эмас, томоғига томаётгандек эди , у бутун дардини қулт этиб ютишга базўр қувват топди ...

Абдумажид бироз тин олди ... Боши чир- чир айланди чоғи бир текис нафас олишга ,шу орқали ўз ҳолатини ўнглашга интилди :

- Суюмаааа ... Биласанми , бу дунёдан ўтсам ... ортимдан талай из қолар экан ...Фарзандларим , ихтироларим , кимлар учун айтилган ширин сўзларим..., қилган яхшиликларим...

Аммо биламанки , дунёдан ўтсам, ҳаётдан рози бўлиб кетаман... Ва ... менидан энг охирида қоладигани ... лабларимдаги табассум бўлади ...

Ўша табассум эса ... сенсан - Суюмааа...

Сенсан , Суюма ...

Абдумажид жим бўлиб қолди . Суюма унинг жим бўлиб қолганидан ҳавотир олиб тун қоронғусига қулоғини тутди. Абдумажиднинг бир текис нафас олаётганлигини эшитгач ҳам кўнгли ўрнига тушмади... Яна кутди . Унинг ухлаб қолганлигига амин бўлгач ,аста ёстиққа бошини қўйди. Юрагининг туб - тубидан фақат ўзига эшитилинадиган ёввойи чинқирик келди :

- Сизсиз қандай яшайман , Абдумажид акааа !!!

\* \* \*

Бошга тушганини кўз кўраверар экан-да...

Абдумажиднинг аҳволи борган сари танг бўлиб бораётганлиги, кундан-кунга дарахтдан узилишга маҳкум япроқ каби хазон фаслига тайёрланаётганлиги , барчаси унинг умр карвонининг ўз манзилига етиб бораётганлигидан дарак бериб қолган эди ...

Абдумажид бугун туни билан кўп безовта бўлди. Тез- тез ухлади... Тез - тез уйғонди ... Ора - орада алаҳлади . Кўзини очганида фақат Суюмани сўраётди . Суюма ёнгинасида турган бўлса- да , "Суюма қаердасан ?!" деб чақираётди . Охири Суюма чироқни ёқиб қўйди. Абдумажид кўзларини тўлдириб Суюмага қарар , ўзини гўёки уни охирги маротаба кўраётгандек бесаранжом тутар эди .

Тонгга яқин кўзи уйқуга кетган Абдумажиднинг уйқуси бузилмаслиги у учун Суюма чироқни ўчириб қўйди .

Суюма одатига хилоф равишда кундузги тўққизларда ҳам кўзларини уйқудан очмаган Абдумажидни ахири уйғотишга қарор қилди .

У хонага кирганида хона кундек равшан бўлиб кетган, қуёшнинг заррин нурлари ўзаро бир- бирлари билан рақс тушишар эди . Суюма ярим соат аввал хабар олганида қандоқ ётган бўлса , ҳали ҳам шу алфозда ётган Абдумажидни чўчитиб юбормаслик учун оҳиста чақирди :

- Абдумажид акаааа...

Абдумажид ярим ўгирилиб сўзга кирди :

- Қаерларда юрибсан , Суюма...

Бугун бирам тонгнинг отиши қийин бўлди-ей ... Ҳали уйғонаман , қоронғу, ҳал и уйғонаман қоронғу... Шунақаям узун тун бўлишини энди билдим ...

Суюма Абдумажиднинг сўзларидан даставвал ҳеч нимага тушунмади . Унга анграйиб қаради . Бирдан хаёлига келган фикрдан бутун вужудини яшинурган каби даҳшатли қалтироқ босди :

Абдумажид кўр бўлиб қолган эди !!!

Кейинги ҳафталарда Суюма озиб бир ҳовуч суякка айланиб қолди. Дилбар опа бир ўғлига куйса , бир келини учун ёнар , бир боласининг дардида кундан- кунга қўллари қалтираб адо бўлиб бораётган Мусахон аканинг дардини олишга ҳаракат қилар эди.

"Аёлнинг жони қирқта !" Ким айтган экан- а , шу гапни ? Бунчалик топиб айтилган гап бормикан дунёда ?! Бу гап билан нималарни айтишни кўзда тутишган эканлар?! Билмадим ...

Билмадим...

Билганим шу бўлди-ки , баъзи ҳолларда аёллардаги матонат, аёллардаги сабр , аёллардаги ирода ҳатто манаман деб юрган эркакларда ҳам топилмас экан !

Ана шунинг учун ҳам аёлнинг жони қирқта экандир , балкиии...

\* \* \*

- Суюма , бор бирпас меҳмонхонага кириб мизғиб ол ! Кўзларинг қизариб , киртайиб кетибди. Абдумажидга ўзим қараб тураман , - деди бир куни тонгда Дилбар опа ...

- Ойижон , чарчаганим йўқ ... Майли сиз уларнинг ёнларида бўлиб туринг, мен озроқ суюқ овқат солай ...

- Ким ейди ўша овқатни ?! Ҳамма нарса бор- ку, шундоғам ?! Қани , марш ич карига ...

Суюма кўнгли бўлмагандек ортига қарай- қарай ичкари- меҳмонхонага к  
ириб кетди . Унинг юрагини "Абдумажид акам мени тез- тез чақирардилар ,  
ухлаб қолсам, нима бўлади?!" деган хавотир тимдалар эди .

Ўзи ўйлагандек Суюма қаттиқ ухлаб қолди . Кўзини очганида кун пеши  
ндан оғган эди . Суюма дарҳол бетини чайганича ётоқхонага югурди. У ерда  
Абдумажиднинг кўксига бош қўйиб беозор ухлаб ётган Робияга кўзи тушди...  
Ота ва қиз бутун дунё билан ишлари йўқдек уйқуга кетган эдилар. Суюма Ро  
бияни секин кўтариб олмоқчи бўлди-ю , фикридан қайтди . Абдумажидни уйқ  
усининг бузилишидан қўрқди .

- Суюма , юр овқатланиб ол , - уни эшик ёнидан шивирлаб чақирди Дилбар о  
па

Суюма унга нигоҳлари ила савол берди , Дилбар опа хаммасини тушунд  
и:

- Улар яқинда овқатланишди, юр сениям ичинга бир қошиқ иссиқ кирсин...

\* \* \*

- Суюма , баҳор келишига неччи кун қолди ?!

- Икки кун, Абдумажид ака ...

- Ҳаа , кўчадан баҳор хавоси ҳам эсиб қолибди ... Боя бинафшаларнинг ҳиди  
димоғимга урилди ... Барчаси кўз ўнгимда ...

Суюма Абдумажиднинг ёнига тиз чўкди. Абдумажид ётоқда ётар , Суюм  
а эса ерда чўкканича унинг ёнидан жой олганди. Суюмага бугун Абдумажид б  
ошқачароқдек кўринди. У негадир дамба-дам ҳали қўлини, хали оёғини салт  
англатиб кўтариб отар , гоҳида ҳаво етмагандек оғзини каппа- каппа очиб ют  
оқиб нафас олар , зум ўтмай тинчиб қоларди .

- Абдумажид ака , туршакни сувидан берайми ?!

- Сув бер , муздек сувдан бер...

Суюма унга индамади , "муздек сув сизга бўлмайди" деб эътироз билдир  
мади , аммо илиқ сувни найча орқали тўйгунича ичирди .

Суюма яна бояги ўрнига чўкди.  
Юзини Абдумажиднинг ўнг кафтига босди:

- Абдумажид акааа ...

- Гапиравер , Суюма...,- Абдумажиднинг товуши хириллаб чиққандек бўлди ...

- Ўтган сафар менга ўз кўнглингиздагиларни айтган эдингиз . Ҳозир мен ҳам сизга қалбим тўридаги ҳисларимни айтсам дегандим... Биласизми , мен ўзимга кўп савол бердим "Бир аёл сифатида сизни яхши кўраманми?!". Юрагим эса ҳар доим ўз сўзини қатъий тарзда айтди : "Ҳа !"

Сизга бўлган ҳисларим севги эмас.. Муҳаббат ҳам эмас... Сизга бўлган ҳисларим бу - Ишқ ! Ишқ эса ҳаммасидан юқори туради ... Мен дунёдаги ўзим учун энг азиз бўлган инсонни яхши кўраман . Бу инсоннинг исми - ҲАЗРАТИ ИНСОН ... , яъни СИЗ !

Абдумажид ака , мен учун сиз бутун дунёимсиз ... Энг катта орзуим ... фарзандларимиз Шаҳзод ва Робияларнинг тўйларини биргаликда кўриш ...

Умр йўлларимда Аллоҳ ҳамроҳ қилиб берган сиздек жуфти- ҳалолим билан қўша қариш бу ҳаётимнинг олий мақсади ...

Абдумажид ака ! Сизсиз ҳеч кимман ... Эшитяпмизми ҳеч ким...

Суюма узоқ гапирди ... Дилидагини илк бор Абдумажидга тўкиб солди . Гапира туриб кўзи илинганини сезмай қолди ...

Суюма қанча муддат ухлаб қолганини билмади ...

Ярим соат ...

Бир соат ...

Балки кўпроқ ...

Кўзини очганида ҳали ҳам Абдумажиднинг кафтига бошини қўйиб ётганини сезиб дарҳол ўзини четга тортди . Унинг қўллари увишиб қолмадимикан дея силашга чоғланди ....

Шунда ...

Суюма ўрнидан қандай қилиб отилиб турганини , хона чироғини қай алфозда бориб ёққанини билмади .

Кўзлари Абдумажиднинг лабларида қотиб қолган табассумга тушди ...

"Бу дунёдан ўтар бўлсам , лабларимда табассум бўлади , ўша табассум сенсан - Суюма "

Суюма Абдумажиднинг ёнига қайта чўкди , унинг қўлини лабларига босди . Кўзларидан дувиллаб ёш қуйилди :

- Абдумажид акаааа... - деди умидсиз оҳангда, - сизсиз қандай яшайман энди...

\* \* \*

Орадан етти йил ўтди ...

"Бахт ортидан" фирмаси раҳбари Суюма Нодировага Жанубий Кореядаги ме-  
нерджерлар тайёрлайдиган нуфузли олийгоҳдан ташаккурнома хати келганлиги  
и ҳақидаги хабарни эшитган Наима дарҳол уни йўқлади :

- Қани бир ўқи- чи , ўртоқжон . Ичим қизиб кетди.

- Ташаккурнома хати бўлгандан кейин нима бўлар эди. Раҳмат дейилади- да .  
Ажойибсан- а , Наима ?!

Наима кулимсиради :

- Очиғи , Шаҳзодни соғиндим. У ҳақидаям бир нарсалар ёзилгандир ...

Суюма жилмайиш билан жавоб берди :

- Ҳадемай таътилга келиб қолади . Майли , кел хатни ўқиймиз. Ўзи ҳурсандч  
илигимни сен билан бўлишишиш учун кутиб турган эдим. Билувдим- да ҳамм  
адан биринчи етиб келишингни ...

- Нима ёмонми ? - Наима қош қоқди,- Ёқмадими ?!

Суюма унинг беғубор эркалигига завқланди :

- Йўғей , нима учун ёмон бўлсин ?! Шу одатларингга борман- да , асли ...

Суюма боя кўздан кечирган каттагина конвертни қайтадан очди . Уни ичида  
н китобнинг муқовасига ўхшаган қалин , зарҳал ҳарфлар билан битилган таш  
аккурнома чиқди . Ташаккурнома корейс , рус , ўзбек тилларида ёзилган эка  
н...

"Билим олишдаги тиришқоқлиги, зеҳни ва меҳнатсеварлиги , одоб ва ахлоқи  
борасида юксак инсоний фазилатларни ўзида намоён қила олган учинчи бос  
қич талабаси Мусахонов Шаҳзод Абдумажидовичнинг онаси Нодирова Суюма  
Йўлдошевнага фарзанд тарбиясидаги фидокорлиги учун олийгоҳ маъмурияти  
томонидан ташаккурнома билдирилади...

Оилавий бахт , мустаҳкам соғлиқ, умидлар рўёби, орзулар ижобати сизни  
ҳеч қачон тарк этмасин , муҳтарама Суюма Йўлдошевна !"

- Ана бўлди ! - Суюма Наимага осойишта боқди,- энди буни нишонламасак  
бўлмайди. Сен кечга қизларинг ва ўғлингни олиб бизникига ўтасан энди. Бит  
та ош мендан . Робишга айтаман , зирвагини тайёрлаб қўяди .



Йўқ деган баҳоналар кетмайди, ўртоқжон ...

Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ , - Суюма кейинги сўзларини овози товланиб айтди,- борсанг ойижон ҳурсанд бўладилар ...

- Нега бормас эканман ?! Сен ош дамлаб чақирасан- у , мен йўқ дер эканман- ми ?! Албатта бораман.

Суюма , қара-я Робия ҳам катта қиз бўлиб қолди- я ?! Ош- овқатларниям қўлингдан олган. Биб- бинойи пазанда. Сени қизинг- да , онасини қизи . Ҳамма нарсани уддасидан чиқади.

Суюма жилмайди :

- Робия бувисини қизи . У ойижонни тарбиясини олди . Э Наима ... Яхшиям бахтимга шу Ойижоним бор эканлар. Абдумажид акамдан кейин қандоқ яшайман деб ўйлаган эдим. Умуман яшагим ҳам келмай қолганди. Уларнинг вафотларидан кейин фарзанд доғига чидай олмай бир ой ичида адажон ўтдилар. Ўшанда ойижон иккимиз бўзлаб қолавергандик . Кейин улар ўзларини қўлга олдилар . "Қаддингни тик тут , Суюма ! Сен ўғлимга муносиб аёл бўлишинг керак. Унинг шунча қилган меҳнатлари ҳавога учмасин. Бориб ишини давом эттир . Мен эса ундан қолган ёдгорларимни отасини тарбиялаганим каби чин инсон қилиб вояга етишлари учун ҳаракатни бошлайман. Шу чоққача умримнинг кўп қисмини яшаб қўйдим. Ҳамманинг ҳам борар жойи тайин. Аммо ўшанганзилга етиб борганимда адаси ва ўғлимга "Мен ҳузурингизга ёруғ юз билан келдим . Сиздан қолган омонатга ҳиёнат қилганим йўқ . Бир инсон , Аллоҳнинг бир оддий бандаси қилиши керак бўлган ишларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилдим" деб айта олай " дедилар .

Наима Суюмани қўлини ушлади, сўнгра ҳайрихоҳ оҳангда фикрига қўшилди:

- Ҳаётимизда учраган ва учрайдиган ҳар бир инсон биз учун - ибрат мактаби . Кимнингдир эзгу амалларидан , кимнингдир ножўя ишларидан керакли ҳулоса чиқарамиз ва ибрат оламиз.

Майли , дугонажон . Қолганини ҳали гаплашармиз- а, унда ?! Мен кетдим...

- Наима , Мирсодиқ ака Истамбулдан қачон қайтар эканлар ?!

- Эрталаб гаплашганимда икки кундан кейин дегандилар. Асосий ишлар битибди, фақат озроқ ёзув-чизув ишлари қолибди. Айтганча , хаёлим қурсин , улар Суюмага айт , ҳамма ишлар ўзимиз режа қилганимиздек кўнгилдагидек кечди дегандилар ...

- Жуда соз , мана бу нур устига аъло нур бўлибди. Жонилари соғ бўлсин ...

Суюма уйга қайтар экан кўча бошида дарвозаларидан бир кекса ёшли аёлни чиқиб келаётганлигини кўриб машинасини секинлатди. Аёл Дилбар опа билан ҳайрлашиб кўчанинг нариги бетида кутиб турган қоп- қора зулукде к ҳашаматли чет эл машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Суюманинг кўнгли ғашланди. "Оббо , янами ? - ўйлади у , - қачон бу одам лар ўз ҳолимга қўйишар экан- а ?". Суюма бу ишларда Дилбар опанинг айби йўқ эканлигини ҳис қилиб уйга ёруғ юз билан киришга қарор қилди .

- Ойижоооон , мен келдим..., - Суюма Дилбар опанинг қаршисига бир олам қ увонч билан пешвоз чиқди :

- қаршингизда йил талабаси , умуман айтганда дунёдаги энг яхши бувининг э нг яхши набирасини онаси Суюма хоним турибдилар ...

- Суюма, нималар деябсан, косанинг тагида ним коса қилмай тушунтириброқ айтгин болам.

Суюма Дилбар опага Корейдан келган ташаккурномани тутди :

- Ойижон , корейс халқини ўз ишини устаси деб билардим. Аммо бу ерда ан дак чекланиш қилиб қўйишибди . Онаси деган жойда номни хато ёзишибди . У ерга Суюма Нодирова эмас, Дилбар Акромова деб ёзишлари керак ва шарт эди. Хали Шаҳзодингиз бунинг учун жавоб беради ...

Дилбар опа узоқ дуо қилди. "Кўрсатган кунингга шукр, шу кунларга етказ ганингга шукр" дея Аллоҳга беадад ҳамд айтди .

Сўнг қатъиятли қиёфага кирди. Суюма унинг бу аҳволда кўриб ўзини ан чагина жиддий суҳбат кутаётганлигини ҳис қилди . Айтгани бўлди . Дилбар о па сокин овозда тилга кирди :

- Суюма ... Ҳеч ўйлаб кўрганмисан нима учун қайнонам овсинларимни сизла б гапиради- ю , мени сенлайди деб ?! Аслида опанг раҳматли келин бўлган в ақтлари сен кичиккина қизалоқ эдинг . Шу сабабли ўша вақтда сени сенсира б гапиргандим. Тақдир тақазоси билан сен келиним бўлдинг . Сен дейишга ў рганган кўнглим сизлай олмади. Аммо бугунги кунда ўйлаб қарасам ... сенла шим учун бошқа сабаб бор экан... Мен сени ... қизим сифатида қабул қилган эканман ... Ўз қизим сифатида юрагимдан жой берган эканман ... Мен бемал ол сени онангман дея оламан. Робия сен учун нечоғлик қадрли бўлса , Суюм а Дилбар учун шунчалик азиз ... Буни ҳеч қачон эсингдан чиқарма ...

- Ойижоооон...

- Гапимни бўлма , қизим . Бўлмаса адашиб кетаман. Ахир олма билан ўрик

бўлганим йўқ... Ёшим ҳам саксонни қоралаб қолди ... Айт-чи , шу ёшдаги аёл учун фарзандининг бахтини кўришдан ҳам олий саодат бормикан ?!

Менинг ҳозирги сўзларимни ҳоҳласанг онанинг , ҳоҳласанг қайнонанинг истаги сифатида қабул қил... Хуллас , боламнинг дунёдан ўтганига мана етти йил бўлди . Шу вақт мабайнида не- не эркалар қўлингни сўрамади . Ҳамма сини рад этдинг . Абдумажид акамнинг хотираси учун яшайман деддинг . Агар орага тушмасам шундоқ қиласан ҳам . Қаердан биласиз дейсанми ?! Биламан- да . Чунки "Қайнона келинни тупроғи бир ердан олинади" дейишади . Сен худди ўзимга ўхшаган қайсар ва мағрурсан . Аммо шундай ҳолатлар бўлади-ки , баъзан ўз принципларингдан кечиш энг одил қарор бўлади. Сен бу қарорни бир пайтлар Робияни ўйлаб, Абдумажидга турмушга чиққанингда қабул қилган эдинг. Бугун эса ... мени деб шу қарорга келишингни истайман...

Сени қўлингни сўраганлар шу чоққача мени кўнглимга ўтирмаганлиги учун ҳам қисталанг қилмаган эдим. Бирларининг ёши катта бўлганлиги учун , баъзиларининг табиати ёқмагани учун , кўпчилиги эса таъма умидида қўлингни сўрашган дея ҳисоблаганим учун ҳам сен тараф бўлганман.

Аммо бугун фикрим буткул бошқача ...

Сенга бугун совчи бўлиб келган аёлнинг остонамизга шу билан учинчи бор келиши ...

Мен уни обдон синадим. Изидан киши билмас бориб суриштириб ҳам келдим ... Унинг ўғли ҳали ҳам уйланмаган экан . Етим бўлиб қолган уч укасини ўйлабди, жойлабди , ҳар бирига ватан тиклаб берибди ... Шу сабабли ёши ўттиздан ошибди. Онаси шу вақтгача не- не қизларни кўрсатибди, ўша йигит ҳам сенга ўхшаган етти қайсарнинг бири эканми , ҳеч қайсисини ҳоҳламабди . Она бечора "Ўғлим уйланса бўлди , кўнглига ўтиргани билан қўша қариса бўлди, менга бошқа нарсани аҳамияти йўқ" дейди нуқул. Сени эса ўша йигитнинг дўсти далолат қилибди. Шу аёлгаям бир бориб кўринг-чи ?! Қани қайсар ўғлингиз нима деркин ?! "

Аммо ўғлим бу ерга келишимга қаршилик қилмади . "Ҳаётида кўп синовларни бошидан кечирган экан, она , майли бир учрашиб кўрсам кўрай" деганмиш ... Унга сенинг ёшинг ўттиздалигини , ўн тўққиз яшар ўғлинг , ўн уч яшар қизинг борлигини айтишса , пинагини бузмабди. Агар тақдир насиб бўлса , ҳамма синфдошларимдан ўтиб кетиб , биринчи келин кўраман " деганмиш .

- Ойижозоон, илтимос мени қийнаманг ...

- Болам сенга айтганим билан дарровда тегасан, кетасан деяганим йўқ- ку ... Бир кўрсанг асаканг кетиб қолмайди . Ҳамма гап ўзингда қолган ...

Суюма Дилбар опанинг ажин босган юзларига , суяклари туртиб чиққан ёноқларига, бир дона қораси қолмаган оппоқ сочларига, этлари осилиб қолган қўлларига бир- бир кўз ташлади, юраги туздек ачиди . Уни хафа қилгани келмади :

- Майли ойижон , сиз нима десангиз шу ...,- кейин уни кўнглини кўтариб қўйи

ш учун қизиқчиликка олди , - кўришсак кўришаверамиз , кўришиш пуллик эмас- ку ...

Дилбар опа :

-Ҳаҳ , болам тушмагур- а! Мен нима ғамда- ю , буни дарди нима - деди- ю , мамнун жилмайди ...

\* \* \*

- Суюма Йўлдошевна , энди бу ҳужжатга имзо чекиб юборинг , - котиба Марғуба навбатдаги ҳужжатни уни ёнига қўяркан,- сўзида давом этди , - айтганча Мадина опамлар бироз кеч келарканлар, кечаги ташкилотда ишлари битмай қолибди , бугун тушгача ўша ерда бўларканлар , энди бунисига имзо чекинг ...

- Яхши , Мадина ишини пухта қилади , - деди Суюма имзо чека туриб , - кейингиси ...

- Сиз айтгандек , соат ўн тўртга мажлис чақирдим ...

- Яхши ...

- Мана бу таклифларни ўрганиб, фикрингизни айтар экансиз , - Марғуба стол устига бир қучоқ файл ташлади , - мен энди борай

- Майли , ишингизни қилаверинг , - деди Суюма бошини файлдан кўтармай .

Марғуба чиқиб кетди ва зум ўтмай қайтиб келди :

- Суюма Йўлдошевна , ёдимдан чиқибди , сизни эртага тадбиркор ва ишбилармон аёллар кўргазмасига таклиф қилишган . Мана таклифнома ...

Суюма таклифномага бирров кўз югуртирди :

- Эртага , миллий либослар галереясида , яхши . Хўп , раҳмат ...

Суюма яна файлни варақлашга тушди. Тепасига яна биров кириб келди :

- Ҳа , Марғубахон , яна нима эсингиздан чиқибди,- Суюма тепасида индамай туриб қолган инсонга ишдан бош кўтармай савол берди.

Аммо келгувчи бошқа овозда тилга кирди :

- Агар сени Фозил унутган десалар ҳеч қачон ишонма ...

Суюма бўшашиб кетди. Қўлидаги иш ҳужжатлари стол устига тўкилди. Суюма бошини кўтармади , кўтаришга қўрқди , қўллари қалтирай бошлади ...

Келгувчи титроқ овозда гапини давом эттирди :

- Фозил сени унутиши учун ўзини унутиши керак ...

Суюманинг кўзларидан икки томчи ёш сирғалиб тушди ...

\* \* \*

- Демак , ҳаммаси яхши . Онасиям яхши , боласиям яхши тўғрими ?!

Эрта сахардан касалхона ҳовлисидан шифокорлар кабинетига қараб бақираётган ўрта ёшлардаги йигит бошқа беморларни уйқусини бузишини ўйламай бор овозда сўз қотарди .

Бешинчи палатада ётган шаддод келинчак уйқуси бузилганидан норози бўлди, жаҳд билан деразага яқинлашди :

- Ассалом алайкум , папаша ! Бунча бақирасиз- ей , нима битта сизни хотинингиз туққанми ?!,- келинчак , у йигитнинг ўрта ёшли эканига эътибор бериб , сал юмшади ,- бу дейман биринчисими ?!

- А ?!

- Биринчи фарзандингизми ?!

- Йўўўқ , уйда ўғлимиз ва қизимиз бор. Бу учинчиси бўлади ...

Йигит шифокорга қаради :

- Вааай , сўрамабман- у , ўғилми , қизми ?!

Бояги келинчак бу тарафдан сўз ташларди :

- Сўрардиз, папаша . Сал вақтли эди ҳали ...

У тарафдан "Ўғил" деган жавобни олган йигит яна овозига эрк берди :

- Исмими Бахтиёр қўяман .. Бахтиёр ...

Палатанинг нариги бурчагидаги бошқа аёл норози тўнғиллади :

- Уфф, тинчлик борми , қай маҳал бўлди ўзи ...

Ярим тунда кўзи ёриган ҳушсурат аёл ёнидаги гўдагига бахт тўла нигоҳларини тикди . Унга хаёлан "Хуш келибсан , Бахтиёрим. Доим бахтларга ёр бўлгин" деди ва савол ташлаган аёлга масрур овозда шивирлади :

-Субҳидам бўлди...

Субҳидам ...

***#Tatom***

Муаллиф: Хазонрезги

Эътиборингиз учун ташаккур